



**ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ**

**МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ  
ЙЎЛИМИЗНИ ҚАТЪИЯТ  
БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИБ,  
ЯНГИ БОСҚИЧГА  
КЎТАРАМИЗ**

**1**

**«ЎЗБЕКИСТОН»**





**ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ**

**МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ  
ЙЎЛИМИЗНИ ҚАТЪИЯТ  
БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИБ,  
ЯНГИ БОСҚИЧГА  
КЎТАРАМИЗ**



ТОШКЕНТ – «ЎЗБЕКИСТОН» – 2017

УЎК 323.(575.1)

КБК 66.3(5Ў)

М 54

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев асарларининг 1-жилдидан давлатимиз раҳбарининг 2016 – 2017 йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси, Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишларида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда, турли соҳа вакиллари билан учрашувларда, Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташки ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясида, халқаро анжуманлар, тадбир ва маросимларда сўзлаган нутқ ва маърузалари ҳамда табриклари ўрин олган.

ISBN 978-9943-25-434-3



© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2017



---

## **МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИБ, ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАМИЗ**

Хурматли Спикер!

Хурматли Сенат Раиси!

Мухтарам депутатлар ва сенаторлар!

Қадрли қўшма мажлис иштирокчилари!

Шу кунларда барчамиз биргаликда юрагимизда чуқур дард билан, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган огир жудоликни бошимиздан кечирмоқдамиз. Нуроний оқсоқолларимиз, мўътабар оналаримиз ва опа-сингилларимиз, ёш йигит ва кизларимиз, 32 миллионли бутун Ўзбекистон халқи, хорижий мамлакатлардаги кўп сонли дўстларимиз буюк давлат ва сиёсат арбоби, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовни чексиз қайгу билан сўнгги йўлга кузатдилар.

Шу фурсатдан фойдаланиб, азиз Ислом Абдуғаниевичнинг рафиқаси – хурматли Татьяна Акбаровнага, кизи – Лола Исломовнага ва яқинларига барчамизнинг номимиздан яна бир бор чуқур таъзия билдиришга рухсат бергайсиз.

Вақт ва ҳаётнинг ўзи Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг замонамизнинг улуғ сиёсатчиси, узоқни кўрадиган ва стратегик фикр юритадиган шахс, дунёда ва турли минтакаларда юз бераётган ўта мураккаб

воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини давлатчилик нуктаи назаридан кўра билиш қобилиятига эга бўлган, ўз юрти ва халқи учун, ҳар бир ватандошимизнинг тақдири учун улкан масъулият туйғусини чуқур ҳис қиладиган атоқли раҳбар эканлигини ҳар томонлама тасдиқлади.

Миллий тарихимизнинг энг кескин ва таҳликали даврида, миллатлараро тўқнашувлар ва бошқа зиддиятлар авж олган, мамлакатимизда фуқаролар уруши хавфи юзага келган, иқтисодиёт чуқур инқирозга учраган, бир сўз билан айтганда, эски замоннинг умри тугаб, янги замон бошланаётган бир пайтда Ислом Абдуганиевичнинг республика раҳбари этиб сайланиши Яратганнинг халқимизга бебаҳо марҳамати бўлган эди.

Ислом Абдуганиевичга хос бўлган буқилмас ирода, фидойилик, мардлик ва ватанпарварлик, инсонийлик ва адолатпарварлик, самимийлик ва меҳрибонлик каби олижаноб фазилатлар барчамиз учун ёрқин ибрат намунаси бўлиб қолди.

Замонавий Ўзбекистоннинг тарихи – бу мамлакатимизнинг ҳақиқий мустақилликка эришиш йўлида Ислом Абдуганиевич Каримов раҳнамолигида олиб борилган ўта мураккаб ва оғир курашлар тарихидир. Буюк Йўлбошчимиз ҳақли равишда демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўлиқ жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳам асосий муаллифи эдилар.

Мамлакатимиз тоталитар тизимдан воз кечиб, мустақил тараккиёт йўлини танлади, кўплаб кийин-

чилик ва синовлардан ўтиб, тарихан қисқа даврда жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллади.

Конституция ва унинг негизида яратилган пухта қонунлар, шунингдек, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳокимият институтларини шакллантиришни ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мулкчиликнинг барча турларини, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлади.

Ислом Абдуғаниевич «**Иқтисодий мустақилликка эришмасдан сиёсий мустақилликни таъминлаб бўлмайди**» деган тамойил ва энг муҳим устувор вазифани амалга оширишни стратегик масала деб ҳисоблар эдилар.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий дастурларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 6 марта ўсди. Унда саноатнинг улуши 14 фоиздан 34 фоизга кўтарилди. Охириги 11 йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмаган даражада сақланмоқда. Фаол инвестиция сиёсати амалга оширилмоқда.

Мутлақо янги, юқори технологияларга асосланган саноат тармоқлари, хусусан, нефть-кимё, кимё, автомобилсозлик саноати, қишлоқ хўжалиги ва темир йўл машинасозлиги, фармацевтика, электро-

техника, тўқимачилик саноати, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалар изчил ривожланмоқда.

Бугун Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётган дунёдаги бешта давлат қаторига киради. Бунинг яққол исботи сифатида мамлакатимизда қурилган ва ўз кўлами бўйича жаҳон миқёсида ҳам йирик ва ноёб ҳисобланган саноат объектлари, хусусан, Устюрт ва Шўртан газ-кимё комплекслари, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Қўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калий ўғитлари заводи, Андижон, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятларидаги автомобилсозлик заводларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Республикамизда жадал суръатлар билан замонавий йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ташкил қилинмоқда. Жумладан, Қамчик довонидан ўтадиган, ноёб тоғ туннелини ўз ичига олган Ангрен – Поп темир йўл тармоғи, Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темир йўли қурилди. Тошкентдан Самарқанд, Қарши ва Бухорога йўловчи ташийдиган юқори тезликдаги темир йўл қатнови очилди. Халқаро аэропортлар модернизация қилинди, Навоий аэропорти негизида халқаро логистика маркази ташкил қилинди ва Ўзбекистон миллий автомагистрали барпо этилди.

Қишлоқ хўжалигида туб таркибий ислохотлар амалга оширилди. Барчамиз яхши эслаймиз, яқин ўтмишда Ўзбекистонни пахта монополияси ҳукмронлик киладиган аграр бир мамлакат деб билишар

эди. Мисол учун, 1990 йилда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи, асосан, четдан олиб келинадиган импорт ҳисобидан қондирилар эди.

Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуси билан ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, экин майдонларини оптималлаштириш ва янги, илғор агротехнологияларни жорий этиш, қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни ташкил этиш бўйича кенг чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Ҳақиқий мулкдорларнинг янги синфи бўлган фермерлик ҳаракати шакллантирилди.

Аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ўртача истеъмол қилиш даражаси кўпайди: гўшт, сут ва улардан тайёрланган маҳсулотлар – 1,5 баробар, сабзавот – 2,6 баробар, мева – 6,3 баробар ошди.

Мамлакатимизда хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шарт-шароитлар яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етди. Бу соҳада иш билан банд аҳолининг 78 фоизи меҳнат қилмоқда ва улар мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши учун муносиб ҳисса қўшмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «**Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун**» деган эзгу ғояни амалга ошириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини сезиларли даражада яхшилашни таъминлади.

Бугунги кунда Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда. 1991 йилга таққослаганда, аҳолининг реал даромадлари 12 баробардан зиёд кўпайди, иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақалар салмоқли даражада ошди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан ошириш ва аҳолининг уларга бўлган талабини қондириш таъминланмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан стратегик аҳамиятга эга бўлган масалаларни ечиш билан бир қаторда, жамиятимиз ҳаётини, фуқароларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини тубдан ўзгартиришга қаратилган кўпқиррали вазифаларга доимо катта эътибор қаратар эдилар.

Ислом Абдуғаниевичнинг «**Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт**» деган чуқур маъноли фикрлари ҳаммамизнинг қалбимизда муҳрланиб қолган.

Юртбошимиз мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги кунини, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган ёшларимизнинг тафаккури ва дунёқарашини кескин ўзгартирган, мутлақо янги таълим ва тарбия тизимини яратиш ва ҳаётга татбиқ қилиш ишларига бевосита муаллифлик ва раҳбарлик қилдилар.

Юртимизда илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт каби муҳим соҳалар фаол тарзда ривожланмоқда.

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг маънавий қадриятларига эҳтиром билан муносабатда бўлиш, муқаддас динимиз, анъана ва урф-одатларимиз,

бебахо тарихий меросимизни сақлаб қолиш ва ривожлантиришни давлат сиёсати даражасига кўтарди.

Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, айниқса, давлат ва жамият бошқарувида маҳалланинг нуфузини ошириш, унинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш борасида улкан ишларни амалга оширди.

Юртбошимиз кекса авлод вакилларига, мухтарам фахрийларимизга ҳурмат-эҳтиром ва амалий ғамхўрлик кўрсатишни ўта муҳим вазифа деб ҳисоблар эдилар.

Олий Бош Қўмондон сифатида Ислом Абдуганиевич Каримов Қуролли Кучларимизни тубдан ислоҳ қилиш, унинг жанговар қобилиятини ошириш ва шу асосда Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини ва мустақиллигини ҳимоялаш, сарҳадларининг дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш учун беқиёс хизмат кўрсатдилар.

У кишининг ташаббуслари билан тинчликпарварлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва юзага келаётган қарама-қаршилик ҳамда зиддиятларни фақат ва фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этишга асосланган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Ҳурматли депутат ва сенаторлар!

Биз охириги 25 йил давомида жуда кўплаб муҳим анжуман ва йигилишларни ўтказдик. Уларнинг барчасига мухтарам Президентимиз Ислом Абдуганиевич Каримов бошчилик қилганларидан яхши хабардорсиз. Бугун эса тарихимизда биринчи марта бундай

муҳим йиғилишни азиз раҳбаримизнинг иштироки-  
сиз ўтказмоқдамиз. Гўёки хаёлимизда у киши ҳозир  
залга кириб келадигандек.

Ўйлайманки, бугунги мажлисда қатнашаётган ҳар  
бир инсон шу залда буюк Йўлбошчимизнинг руҳи  
ва нафасини сезиб турибди. Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Биринчи Президентининг ўлмас гоялари,  
фикр, кўрсатмалари бизнинг қалбимиз ва онгимизга  
шундай чуқур сингиб кетганки, улар келажак сари  
қатъият билан боришимизда барчамизга доимо таянч  
ва суянч бўлиши муқаррар.

Шу муносабат билан, биз дунёдаги ҳозирги  
мураккаб ва кескин шароитни ҳар томонлама ҳисобга  
олган ҳолда, ўзимизнинг биринчи даражали вазифа-  
ларимизни биргаликда белгилаб олишимиз даркор.

Бугун биз халқимизни ишонтириб, баланд овоз би-  
лан айтишимиз зарурки, буюк устозимизнинг сиёсий  
мероси, яъни, у киши белгилаб берган тараққиё-  
тимизнинг асосий тамойиллари, устувор йўналиш-  
лар, мақсад ва вазифаларни сўзсиз ва тўлиқ амалга  
ошириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

**Биринчидан**, биз Ислом Абдуганиевич Каримов-  
нинг чуқур маъноли ўғитларини, айниқса, «**Бизга  
тинчлик ва омонлик керак**» деган сўзларини ҳеч  
қачон эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги  
таҳликали вазиятда бебаҳо бойлигимиз бўлган тинч-  
лик ва осойишталикни кўз қорачиғидек сақлашимиз,  
юртимиздаги миллатлар ва динлараро ҳамжихатлик,  
ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада  
мустаҳкамлашимиз керак.



Шу билан бирга, жамиятимизда конун устуворлиги, тартиб-интизом, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашимиз зарур. Барчамизга маълумки, Ислом Абдуғаниевич Каримов «Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди», деб кўп таъкидлар эдилар. Биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатда адолатсизликнинг ҳеч қандай шаклда устун бўлишига йўл қўймаслигимиз зарур. Бу ҳокимиятнинг барча тармоқлари, энг аввало, давлат бошқаруви органларининг, ва айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг биринчи даражали вазифасидир. Биз халқимизнинг, бугунги замоннинг ана шу муҳим талаби сўзсиз бажарилишини таъминлашимиз шарт.

**Иккинчидан,** давлатимиз хавфсизлигини ҳар томонлама мустаҳкамлашимиз, ҳар бир фуқаронинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашимиз лозим. Вазиятни издан чиқариш, нифоқ солиш, душманлик уруғини сепиш, турли можароларни келтириб чиқариш ва ҳатто қон тўкилишини истаётган кучлар ҳам мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас.

Очиқ тан олиш керак, биз нотинч замонда, нотинч бир минтақада яшамокдамиз. Шу сабабли Ватанимиз ҳимоясини ишончли кафолатлаётган, мудофаа қобилятимизни мустаҳкамлаётган ва давлат чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаётган тизимли чоратадбирлар комплексини жорий этишни қатъият билан давом эттиришимиз зарур.

Биз Қуролли Кучларимиз ва ҳуқуқ-тартибот органларимизни бундан кейин ҳам ҳар томонлама мустаҳкамлаб борамиз. Ҳеч кимда заррача ҳам

шубха бўлмаслиги керак – мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигига хавф туғдирадиган ички ва ташқи кучларнинг ҳар қандай ҳаракатларига, ҳар қандай уринишларига қатъий ва муносиб зарба берилади.

Бизнинг яна бир энг муҳим устувор вазифамиз – Ислом Абдуганиевич Каримов томонидан ишлаб чиқилган «ўзбек модели»нинг асоси бўлмиш беш тамойилни амалга ошириш асосида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва унинг рақобатдошлигини таъминлашдан иборат.

Мамлакатимизнинг келгуси ривожини, халқимиз фаровонлигини, унинг турмуш даражасини ва сифатини юксалтириш айнан шу масалага боғлиқ.

Жаҳон иқтисодиётида ўсиш суръатлари секинлашиб, энг муҳим экспорт товарларимизга ташқи талаб камайиб, дунё бозорида уларнинг нархи пасайиб бораётган шароитда Ислом Абдуганиевич Каримов томонидан иқтисодиётимизни ислоҳ қилишни чуқурлаштириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифаларни бажаришга қаратилган ишларимизни янада кучайтиришимиз керак.

Шу билан бирга, Олий Мажлис палаталарининг 2015 йил январь ойидаги қўшма мажлисида таклиф этилган Вазирлар Маҳкамасининг Ҳаракат дастурини амалда бажаришни, бу борада иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришни давом эттириш, хусусий мулкни ривожлантиришни жадаллаштириш, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини камайитириш ва таркибий ўзгартиришларни тезлаш-

тиришга қаратилган ишларни изчил амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, асосий диққат-эътиборни куйидаги устувор вазифаларга қаратиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

**Биринчидан,** макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва кейинги йиллардаги иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш зарур. Миллий валютамиз барқарорлигини таъминлаш, банк тизминини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда ва маҳаллий даражада бюджет барқарорлигини таъминлаш бўйича қўшимча комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш керак.

Бунда четдан қарз олиш бўйича консерватив ёндашув сиёсатини давом эттириш, давлатнинг ташқи қарзи ҳаддан зиёд ошиб кетишига йўл қўймаслик муҳим аҳамият касб этади. Буларнинг барчаси Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг аввало ўзимизнинг куч ва имкониятларимизга таяниш зарурлиги ҳақидаги узоқни кўзлаган стратегиясини давом эттириш билан боғлиқ.

**Иккинчидан,** нодир ва қимматбаҳо металлларни чуқур қайта ишлаш, озиқ-овқат ва кимё саноатини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурларни амалга оширишимиз зарур.

**Учинчидан,** ташқи бозорларда рақобат ва беқарорлик кучайиб бораётган шароитда иқтисодиётнинг реал тармоқлари билан бир қаторда мамлакатимиз ҳудудларида ҳам рақобатдош маҳсулотлар иш-

лаб чиқаришни кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш алоҳида аҳамиятга эга.

Ана шу мақсадда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, фермер хўжалиқларининг экспортда иштирок этишини янада рағбатлантириш бўйича кўшимча комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Бу иқтисодий ўсиш, тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш, аҳолининг меҳнат билан бандлигини таъминлаш ва моддий фаровонлигини оширишнинг асосий локомотиви бўлиши керак.

**Тўртинчидан,** Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб ва топшириқлари ижросини изчил давом эттириш даркор. Турли бюрократик тўсиқлар ва асоссиз текширувларни бундан кейин ҳам қатъият билан чеклаш зарур.

**Бешинчидан,** энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифа – Олий Мажлис палаталари томонидан тасдиқланган Аҳолининг меҳнат билан бандлигини ошириш дастурини бажаришдан иборат. Йил охирига қадар бир миллиондан зиёд янги иш ўринларини ташкил этишимиз зарур. Касб-хунар коллежларининг 480 минг нафар битирувчисини ишга жойлаштириш масаласи алоҳида назоратни талаб қилади.

Биз жамиятнинг ижтимоий табақаланиш даражасини пасайтириш, мамлакатимизда ўта бойлар ҳам, ўта камбағаллар ҳам бўлмаслиги бўйича

Ислом Абдуғаниевич томонидан белгилаб берилган сиёсатни қатъий давом эттирамиз.

Олтинчидан, халқаро коммуникация тармоқларига уланган замонавий йўл-транспорт ва муҳандислик инфратузилмасини шакллантириш, шунингдек, миллий ахборот-коммуникация тизимларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан пухта ўйланган ва ишлаб чиқилган стратегияни амалга оширишни давом эттирамиз.

Бугунги шароитда энг илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш устувор аҳамият касб этмоқда. Бу соҳада қабул қилинган Миллий дастурга мувофиқ, телекоммуникация технологияларини, алоқа тизимлари ва инфратузилмасини янада ривожлантиришимиз, информацион тизимлар комплекслари ва «Электрон ҳукумат» ахборот базасини шакллантиришимиз керак.

Мамлакатимиз ҳудудларини комплекс ривожлантириш соҳасидаги ишларни давом эттириб, Қарши, Шаҳрисабз, Тошкент, Термиз, Наманган ва Урганч шаҳарларини ободонлаштириш бўйича мамлакатимиз Президенти томонидан қабул қилинган қарорларнинг амалда бажарилишини таъминлаш керак.

Қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги вазифа – кўп тармоқли фермерликни ривожлантириш, ҳар бир фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашдир. Бу масалани биз мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг гарови деб ҳисоблаймиз.

Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббускори бўлган кишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, кишлоқ аҳолиси учун шаҳар даражасидаги турмуш шароитини таъминлайдиган намунавий уй-жойларни ва тегишли инфратузилмани куриш бўйича дастурни фаол давом эттирамиз.

Таълим ва тарбия, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спортни ривожлантириш масалалари, ёшларимизнинг чуқур билимга эга бўлиши, чет тилларини ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллашини таъминлаш доимий устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Энг муҳим йўналишлардан яна бири – жамиятимизда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқаролик институтлари ривожланишини қўллаб-қувватлаш, сиёсий партияларнинг обрў-эътибори ва таъсирини ошириш, сайловчиларнинг овози учун рақобатни кучайтиришдан иборат.

Хурматли дўстлар!

Биз бундан буён ҳам барча хорижий мамлакатлар, жаҳон ҳамжамияти билан самарали ҳамкорлигимизни давом эттирамиз.

Бу борада Ўзбекистоннинг халқаро микёсдаги обрў-эътибори ва позициясини янада кучайтириш максатидида Ўзбекистон Республикасининг Ташки сиёсий фаолияти концепцияси фаол амалга оширилади.

Ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блоklarга қўшилмаслик, бошқа давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари Ўзбекистон ҳудудида жойлашишига, шунингдек, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлака-

тимиз худудидан ташқарида бўлишига йўл қўймаслик, илгаригидек, давлатимизнинг қатъий сиёсий позицияси бўлиб қолади.

Мамлакатимизнинг миллий манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган Марказий Осиё минтақаси Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши ҳисобланади. Биз ўзимизнинг яқин кўшнилариимиз Туркменистон, Қозогистон, Тожикистон ва Қирғизистон билан очик, дўстона ва прагматик сиёсат олиб боришга содиқ қоламиз.

Ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши бу – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан алоқаларимизни мустаҳкамлашдан иборат. Биринчи навбатда, Россия Федерацияси билан Стратегик шериклик, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномалар ва бошқа муҳим келишувлар асосида дўстона алоқаларни изчил ривожлантириш ва кучайтириш икки мамлакат манфаатларига жавоб беради ва минтақада барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Америка Қўшма Штатлари билан ўзаро манфаатли ва конструктив ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш бизнинг ташқи сиёсатимизда устувор аҳамиятга эга бўлиб қолади.

Ўзбекистон минтақадаги яқин кўшнимиз ҳамда глобал ва минтақавий муаммоларни ечишда муҳим роль ўйнайдиган Хитой Халқ Республикаси билан ҳар томонлама стратегик ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдордир.

Осиё ва Тинч океани минтақасида биз Япония, Корея Республикаси ва бошқа давлатлар билан иқтисодиёт, инвестициялар, фан ва технологиялар, таълим, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳаларида ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришга устувор даражада аҳамият берамиз.

Ўзбекистон учун Европанинг етакчи давлатлари, авваламбор Германия, Франция ва Буюк Британия, Марказий ва Шарқий Европа давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Биз Ҳиндистон, Покистон ва Жанубий Осиёнинг бошқа давлатлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдоримиз.

Ўзбекистон Афғонистонга нисбатан анъанавий равишда яқин қўшничилик ва дўстона сиёсат олиб боради.

Биз Яқин ва Ўрта Шарқ давлатлари билан ўзаро манфаатли ва кенг қиррали муносабатларни ривожлантириш ва мустақамлашни давом эттира-миз.

Лотин Америкаси ва Кариб минтақаси, Африка китъасининг етакчи давлатлари билан алоқаларни кенгайтириш ва мустақамлаш Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб беради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиғи, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар билан фаол муносабатлар ва



ҳамкорлик олиб бориш Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига хизмат қилади.

Биз Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Халқаро валюта жамғармаси, бошқа халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотлар билан давлатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ислохотларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳамкорликни янада ривожлантирамиз.

Ҳурматли қўшма мажлис иштирокчилари!

Иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг устувор вазифаларини муваффақиятли адо этиш, биринчи навбатда, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, барча даражадаги ҳокимликлар, давлат ва хўжалик бошқарув идоралари, бутун халқимизнинг Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ғоялари атрофида жипслашиб, бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжихатлик билан бор куч ва имкониятларини сафарбар этишига боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Мана шу эзгу мақсад йўлида – Ватанимиз мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини, халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган ишларимизда буюк Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг **«Она Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир»** деган сўзлари доимо бизга куч-қувват ва ғайрат бағишлайди, деб ишонаман.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларини бажаришни вақтинча юклаш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев сўзга чиқди.

## ЯКУНЛОВЧИ СЎЗ

Ҳурматли Спикер!

Ҳурматли Сенат Раиси!

Муҳтарам депутат ва сенаторлар!

Аввало, менга билдирилган юксак ишонч учун сизларга чин дилдан ўз миннатдорлигимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига кадар бўлган муддатда менинг зиммамга ниҳоятда мураккаб ва ўта масъулиятли вазифа юкланганини ҳар томонлама чуқур ҳис қилиб турибман.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк Йўлбошчимиз, қадрли Ислом Абдуганиевич Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва чорак аср мобайнида изчил амалга ошириб келинган давлатимизнинг сиёсий йўлини, мустақил тараққиёт йўлини давом эттиришни шу даврда ўзимнинг энг асосий вазифам деб биламан.

Замонамизнинг буюк давлат ва сиёсат арбоби, узокни кўра оладиган раҳбар, олижаноб маънавий ва

ахлоқий фазилатлар эгаси бўлган бу улуг инсон мен учун юксак идеал, ўз Ватани, ўз халқига фидокорона хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир.

Сизларни ишонтириб айтаманки, Ислом Абдуганиевич Каримов бизга васият қилиб қолдирган барча ҳаётий тамойилларга оғишмасдан, қатъий амал қиламан. У кишининг, раҳбар доимо одамларнинг, эл-юртнинг дарду ташвиши билан яшаши, уларнинг орзу-ниятларини рўёбга чиқариш учун хузур-халоватдан воз кечиб, ўзини аямасдан меҳнат қилиши керак, деган доно ўғитларини ўз фаолиятим учун асосий мезон ва талаб сифатида қабул қиламан.

Бу борада мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишини таъминлашни, Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришни, республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлашни, яқин ва узок кўшни давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришни энг асосий вазифа деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари билан, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар, фуқаролик институтлари билан биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб ишлашни олдимизда турган гоят муҳим ва устувор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг энг асосий омили ва гарови деб биламан.

Эл-юртимизнинг юксак ишончини оклаш, Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш йўлидаги амалий ишлар билан азиз Юртбошимиз Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг руҳи покларини шод этиш учун бор билим ва тажрибамни, салоҳият ва куч-ғайратимни сафарбар этаман.

Ишонаманки, улуғ Юртбошимизнинг бизга қолдирган бебаҳо мероси, ўлмас гоя ва дастурлари йўлимизни нурафшон қилиб, барчамизга доимо мададкор бўлади.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқ.  
2016 йил 8 сентябрь*

## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА ТАБРИК

Қадрли устоз ва мураббийлар!

Авваламбор, дунёдаги энг улуғ ва шарафли касб эгаси бўлган сиз, азизларни бугунги қутлуғ айём – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчанғизга ўзимнинг эзгу тилақларимни изхор этаман.

Ушбу сана бундан 19 йил олдин Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан эл-юртимизнинг сизларга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромининг амалий ифодаси, умумхалқ байрами сифатида таъсис этилганини албатта ҳаммамиз яхши эслаймиз.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишни келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишнинг энг муҳим шарти деб билган, сизларга ўзининг энг яқин маслақдошлари сифатида катта ишонч ва ҳурмат билан қараган Юртбошимизнинг ўзлари ҳам барчамиз учун меҳрибон устоз, талабчан мураббий эдилар.

Ислом Абдуғаниевич Ватанимизни буюк муҳаббат билан севиш, халқимизга садоқат билан хизмат қилиш, бу йўлда бор билим ва тажрибамиз, бутун борлиғимизни сафарбар этиш борасида биз учун юксак ибрат мактабини яратиб кетдилар.

Жаҳон ҳамжамиятида «ўзбек модели» деб тан олинган тараққиёт стратегиямизнинг ажралмас қисми бўлган замонавий таълим-тарбия тизимига асос солган. Бу соҳани давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтариб, унинг ривожланиш йўлларини аниқ белгилаб берган, «Бутун Ўзбекистон болалари – менинг азиз фарзандларим» деб уларни ҳамиша эъзозлаган Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ўлмас тарихий хизматларини бугунги ва келгуси авлодлар доимо чуқур миннатдорлик билан ёдга олади.

Улуғ устозимизнинг эзгу ғоя ва васиятлари асосида таълим ва тарбия соҳасидаги туб ислохотларни юксак босқичга кўтариш, мамлакатимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлод кадрларини вояга етказишга қаратилган ишларни изчил давом эттириш ҳаммамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас бурчимиз бўлиб, биз бу йўлда биринчи навбатда сиз, азизларга, сизларнинг билим ва малакангиз, тажриба ва маҳоратингизга таянамиз.

Азиз дўстлар!

Сизларнинг ёшларимиз қалби ва онгига она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини сингдириш, уларни турли таҳдидлардан асраш, комил инсон этиб вояга етказиш йўлидаги беқиёс хизматларингизни барча ота-оналар, жамоатчилигимиз, бутун халқимиз яхши билади ва юксак кадрлайди.

Айни пайтда бугунги кунда олдимизда янада муҳим ва долзарб вазифалар турганини ҳаммамиз

яхши тушунамиз. Шу борада илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, унинг нафақат давр билан ҳамоханг бўлишини, балки замондан олдинда юришини таъминлаш, педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг илгор усулларида кенг фойдаланиш, бу ишларни хориждаги нуфузли марказлар билан ҳамкорликда олиб бориш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, ўқитувчи ва домлаларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини ҳар тарафлама рағбатлантириш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш, қисқа килиб айтганда, ҳаётимизга катта куч бўлиб қираётган янги авлодимизни камол топтириш учун давлатимиз томонидан барча имкониятлар сафарбар этилади.

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Сиз, азизларни 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сихат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака, ҳаётда ва меҳнат фаолиятингизда бахт ва омадлар ёр бўлишини тилайман.

*Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
вазифасини бажарувчи, мамлакат Бош вазири.  
2016 йил 30 сентябрь*

## ТАЪЛИМ ВА МАЪРИФАТ – ТИНЧЛИК ВА БУЊЁДКОРЛИК САРИ ЙЎЛ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Муҳтарам Раис жаноблари!

Жаноби олийлари, ҳурматли вазирлар ва делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва баракатуҳу.

Аввало, сиз, азиз меҳмонларни, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ва кузатувчи мақомига эга мамлакатлар делегациялари раҳбарлари, халқаро ташкилотлар вакиллари, Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг барча иштирокчиларини Ўзбекистон заминида қутлаш ва сизларга самимий ҳурматимни билдиришга ижозат бергайсизлар.

Бугунги кунда кўп томонлама ҳамкорлик бўйича энг нуфузли ва йирик институтлардан бири бўлган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ушбу муҳим анжуманини ўтказиш учун Ўзбекистон пойтахти – Тошкент танлангани учун чин дилдан миннатдорлик билдирамиз.

Ушбу сессия муқаддас ислом қадриятларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, мусулмон халқлари ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, барқарор тараққиётни таъминлаш, ташкилотга аъзо мамлакат-



лар халқларининг ривожланиши ва фаровонлигига кўмаклашишдек эзгу мақсадларга эришиш йўлида муҳим кадам бўлишига ишонамиз.

Мазкур форумга тайёргарлик доирасида эришилган ўзаро ҳамкорлик натижаларидан мамнунмиз. Бу борада Бош котибият ва шахсан унинг раҳбари жаноб Ияд Маданий, ташкилотга аъзо давлатлар томонидан амалга оширилган самарали ишларни, бунда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик руҳи намоён бўлганини юксак кадрлаймиз.

«Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл» мавзуси 43-сессия кун тартибининг асосий ғояси этиб белгилангани чуқур рамзий маънога эга. Бу ғоя «Бешиқдан қабргача илм изла» деган машхур ҳадисга ҳамоҳангдир. Ушбу мавзу катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, буюк давлат арбоби сифатида узокни кўра олган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан, Оллоҳ у кишини раҳматига олсин, дунё халқлари, ўз халқи тақдири, бугунги мураккаб шароитда муқаддас динимизнинг аҳамияти ҳақидаги чуқур мулоҳазалар натижаси сифатида таклиф этилган эди.

Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустақкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Айнан таълим ва маърифат башарият фаронлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабрканоатли бўлишга ундайди. Муқаддас ислом динимиз бизга айнан шуни ўргатади.

Бундай ёндашув – давр талабидир.

Хурматли сессия иштирокчилари!

«Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл» шиори Ислом ҳамкорлик ташкилотининг бугунги анжумани мавзуси этиб белгилангани бежиз эмас.

Негаки, мазкур анжуман сизу бизнинг буюк аجدодларимиз киндик қони тўқилган Ўзбекистон заминиде бўлиб ўтмоқда.

Имом Бухорий, Бурҳониддин Маргиноний, Исо ва Ҳаким Термизийлар, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад Қафқол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фаргоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб даҳолар номи нафақат ислом, айни вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин харфлар билан битилган.

Ислом оламида Пайғамбаримиз Муҳаммад алай-ҳиссалом ҳадислари тўпламининг ишончли манбаи деб эътироф этилган «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» тўплами барча муҳаддислар устози бўлмиш Имом Бухорийнинг кўп йиллик фидокорона изланишлари самарасидир. Ўн икки асрдирки, ушбу асар аҳамиятига кўра, муқаддас Қуръондан кейин ислом дини ҳақидаги иккинчи ишончли ёзма манба бўлиб қолмоқда.

Нафақат бизнинг юртимиз, балки бошқа мамлакатлардан ҳам минглаб, миллионлаб мусулмонлар бу табаррук зот туғилган Бухорои шарифга бориш ва унинг Самарқанддаги қабрини зиёрат қилишга интилиши бежиз эмас, албатта.

X асрда самарқандлик мутафаккир, «Имом ал-Худа» (Ҳидоят йўлининг имоми) деб шуҳрат қозонган Абу Мансур Мотуридий томонидан асос солинган мотуридия таълимоти бутун ислом оламида кенг тарқалган.

Мотуридия таълимоти илм эгаллаш жараёнида бағрикенглик ғояси асосида инсон ақл-заковатининг ўрни ва аҳамиятига юксак эътибор қаратади. Бу ўз навбатида ушбу таълимотнинг кенг оммалашувида муҳим ўрин тутган. Бундай гояларга бугунги кунда ҳам инсоният катта эҳтиёж сезмоқда.

Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир.

Янги таҳдидлар, жумладан, «оммавий маданият» хавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, қадриятларнинг йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида бу гоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу сабабли, менинг фикримча, инсон маънавий олами, халқлар маданиятини белгилайдиган манба-

ларни асраб-авайлаш ва бойитиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Азалий қадриятларимиз ва ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган муқаддас динимизни асраш ва қадрлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир. Ислом – ҳақиқатни англаш демакдир, у одамзотни эзгу амалларни бажаришга ундайди, ҳар биримизни яхшилик ва тинчликка чорлайди, ҳақиқий инсон бўлишни ўргатади.

Биз ислом динидан зўравонлик ва хунрезлик мақсадларида фойдаланишга уринаётган кимсаларни кескин қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Муқаддас динимизни доимо ҳимоя қиламиз.

Халқимиз атеистик мустабидликдан озод бўлгандан кейин, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аждодларимизнинг муқаддас дини бўлган исломнинг жамиятимиздаги ўрнини қайта тиклаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

1999 йил Тошкентда Марказий Осиёда биринчи Ислом университети очилди. Мамлакатимизда 10 та диний таълим муассасаси, жумладан, Тошкент ислом институти, 9 та ўрта махсус ўқув юрти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг иккитаси хотин-қизлар ўқув муассасасидир.

Ана шу таълим масканлари орасида XVI асрда бунёд этилиб, мамлакатимизда илм-фанни кенг ёйишга хизмат қилган Бухородаги Мир Араб ва Тошкентдаги Кўкалдош мадрасалари бор.

Етмиш йил ҳукм сурган коммунистик тузум даврида Ўзбекистондан бор-йўғи 130 киши ҳаж амалини

бажарган бўлса, бугунги кунда ҳар йили ўзбекистонлик беш мингдан зиёд киши ўзининг эзгу орзуси ва мусулмонлик бурчини адо этмоқда. Ўша пайтларда кўп миллионли республикамизда атиги 30 та масжид бўлган, бугун эса мамлакатимизда минглаб масжидлар фаолият юритмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида тарихий ислом ёдгорликлари, муқаддас қадамжолар қайта тикланди. Уларнинг аксариятини сиз, азиз меҳмонларимиз Ўзбекистонга ташрифингиз давомида зиёрат қилиш имконига эга бўласиз.

Муқаддас динимиз бундан буён ҳам халқимизни бирлаштириб, миллати ва тилидан қатъи назар, маънавий покланиш, одамларни тинчлик, эзгулик, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва тотувликка ундайдиган, ўрнини ҳеч нарса боса олмайдиган восита бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Ҳурматли сессия қатнашчилари!

Ўзбекистонда мустақил ва кучли давлат қуришдан асосий мақсад инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланадиган ва ҳурмат қилинадиган адолатли жамият барпо этишдир. Айни вақтда мусулмон олами ва жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб ўрнимизни янада мустаҳкамлашдир.

Бу, авваламбор, таълим ва маърифат тизимини такомиллаштириш, мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларни замонавий билим олишга йўналтириш, баркамол шахсни тарбиялаш билан боғлиқ эканини биз яхши англаймиз. 1997 йилда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида маз-

кур соҳа тубдан ислоҳ қилинди, замонавий узлуксиз таълим-тарбия тизими яратилди.

Бугун барча ўғил-қизларимиз ўн икки йиллик бепул мажбурий таълим билан камраб олинган. Улар 10 мингта реконструкция қилинган ёки қайта қурилган кенг ва ёруғ мактаблар, 1,5 мингта академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида билим олмоқда. Қарийб 300 та мусиқа ва санъат мактаби, 2 минг 200 дан ортиқ спорт объекти фарзандларимиз ихтиёрида.

Истиклол йилларида мамлакатимизда олий ўқув юртлири сони 2,5 баробар кўпайди. Бугунги кунда олий ўқув юртлиримизда 230 мингдан зиёд талаба билим олмоқда.

Ўзбекистонда еттита хорижий етакчи олий ўқув юртининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Истеъдодли ёшларимизнинг минглаб вакиллари дунёнинг нуфузли университетларида таҳсил олмоқда.

Мамлакатимизда давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 7 фоизи таълим-тарбия соҳасига йўналтирилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб юртимизда ёшлар ҳақида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга давлат сиёсатининг энг асосий ва устувор йўналишларидан бири сифатида қараб келинмоқда. Чунки ёшлар – бизнинг келажагимиз. Бу соҳадаги давлат сиёсатини янада чуқурлаштириш учун яқинда Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни янги таҳрирда қабул қилинди.

Буларнинг барчаси бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Ёшларимиз бизнес, илм-фан, маданият, санъат, адабиёт ва спорт соҳаларида оламшумул муваффақиятларга эришмоқда. Бу мамлакатимиз истиқболига, буюк аждодларимиз бошлаган эзгу ишларни келажак авлодлар муносиб давом эттиришига катта ишонч бағишлайди.

Хонимлар ва жаноблар!

Биз бугун инсоният тараққиётининг, таъбир жоиз бўлса, кескин бурилишлар рўй бераётган тарихий босқичида яшамоқдамиз.

Кейинги йилларда Ер юзида кескин геосиёсий ўзгаришлар рўй берди, халқаро миқёсда хавфсизлик ва барқарорлик тизими издан чиқмоқда. Глобаллашув жараёнининг тобора шиддатли тус олиши нафақат инсоният имкониятларини кенгайтирмоқда, балки зиддиятларнинг кескинлашуви, ривожланган ва қолоқ давлатлар ўртасидаги тафовутнинг ўсишига олиб келмоқда. Бунинг оқибатида тинчлик ва барқарорликка раҳна солаётган, моҳияти ва кўламига кўра трансмиллий хусусиятга эга турли хатти-ҳаракатлар содир этилмоқда.

Бошпанасиз қолиб, ўзга юртларда сарсон-саргардон юрган одамлар оғир мусибатларни бошдан кечирмоқда, қуролли қарама-қаршилиқлар ва терроризм оқибатида бегуноҳ болалар, кексалар, хотин-қизлар ҳалок бўлаётир. Охири кўринмайдиган урушлар туфайли кўплаб мамлакатлар вайронага айланмоқда.

Бундай шароитда Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларни мусулмон оламида тинчлик ва

хавфсизликни мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланиш йўлида бирлаштириш, ўзаро ҳамкорликнинг ишончли механизмларини, аъзо мамлакатларнинг долзарб масалалар юзасидан мулоқот қилиши учун ўзига хос майдон яратишга хизмат қиладиган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг роли ва масъулияти янада ортмоқда.

Ташкилот мустаҳкам барқарорлик ва хавфсизликка иқтисодий тараққиётсиз, ижтимоий хусусиятга эга муаммоларни ҳал этмасдан эришиб бўлмаслигини тушунган ҳолда фаолият юритаётганини биз юқори баҳолаймиз. Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фаолият кўламини янада кенгайтириш зарурати юзага келмоқда.

Бу борада мамлакатлар ва халқлар ўртасида турли даражадаги мулоқотларни кенгайтириш, нафақат ҳукуматлар, балки парламентлар, илм-фан ва маданият намояндалари, жамоатчилик вакиллари ўртасида тизимли алоқаларни йўлга қўйиш муҳим ўрин тутиши зарур. Айнан мана шу мақсадлар Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида кўп томонлама ҳамкорликни кучайтириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташки ишлар вазирлари кенгашининг раиси сифатида ташкилот салоҳиятини янада кучайтириш ва эзгу мақсадларга эришишда ўз ҳиссасини қўшиш учун барча имкониятларини ишга солади.

Ўзбекистон Кенгашига раислиги даврида мусулмон давлатларининг самарали ва нуфузли форуми



сифатида ташкилот ролини мустақкамлашга ҳаракат қилади.

Ўзбекистоннинг раислигида ўтаётган ушбу анжуманнинг «Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл» шиори бизнинг устувор йўналишларимизни аниқ ифода этади. Уларнинг энг муҳимлари куйидагилардан иборат:

**Биринчи.** Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати кўп жиҳатдан мамлакат рақобатдошлигининг асосий кўрсаткичига айланган бугунги шароитда тараққиётнинг муҳим омили сифатида таълимнинг роли ортиб бормоқда. Ҳозирги пайтда жамият ва цивилизациялар аввало ижтимоий кадриятлар ва таълим тизимлари билан рақобатлашмоқда.

Шу нуқтаи назардан, буюк аجدодларимиз бўлган ислом оламининг мутафаккирлари асарларини, уларнинг бутун жаҳон цивилизацияси ривожига кўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бу масала ёшларда илм-фанга ва таълим олишга интилиш туйғусини кучайтириш, барча жамиятларда ислом кадриятлари ва маданиятини тўғри англаш ҳамда қабул қилиш, дунёнинг барча халқларига ислом динининг ҳақиқий мазмун-моҳиятини етказиш учун муҳимдир. Шунингдек, бугунги кунда халқаро миқёсда конфессиялар, миллатлар ва маданиятлар аро мулоқотни йўлга қўйиш, тинчлик ва тотувликка эришишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Иккинчи.** Барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни инновацион ривожланишсиз, кенг кўламли

илмий-техник кооперациясиз ва янги технологиялар, илм-фан ва техника ютуқларини жорий этмасдан тасаввур қилиб бўлмайди.

Айнан шунинг учун илм-фан ва техникани янада ривожлантириш, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш ташкилотимиз фаолиятида муҳим ўрин эгаллаши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳамкор мамлакатлар билан илмий-технологик алоқаларни фаоллаштириш, илм-фаннинг турли соҳаларида қўшма тадқиқотлар ўтказишни таклиф этади.

Шубҳасиз, ташкилотга аъзо мамлакатларнинг ҳамкорлигини Ислом тараққиёт банки фаолиятсиз тасаввур қилиш қийин.

Фурсатдан фойдаланиб, 2016 йил 1 октябрдан эътиборан Ислом тараққиёт банкининг президенти этиб сайланган Бандар Ҳажар жаноби олийларини қутлашдан мамнунман.

**Учинчи.** Хавфсизлик муаммоси ўта кескин ва фожиали тус олаётгани барчамизни ташвишга солаётганини таъкидламоқчимиз.

Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг бирдамлигини таъминлаш, улар ўртасидаги зиддиятларга барҳам бериш, урушлар, терроризм ва экстремизмни бартараф этишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш тобора авж олаётган қарама-қаршиликларни бартараф этиш, тинчлик ва барқарорликка таҳдид солаётган хавфларга қарши курашишда муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, мавжуд ёки юзага келаётган зиддият ва тўқнашувларни тинч йўл билан, музокаралар, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари асосида сиёсий-дипломатик ҳамда халқаро-ҳуқуқий механизмлардан фойдаланган ҳолда ҳал этишга эришиш энг муҳим вазифадир.

**Тўртинчи.** Ислом олами улкан иқтисодий, инвестицион салоҳият, энергетика ресурсларига эга. Улардан тўғри фойдаланиш, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг халқаро савдо-иқтисодий, молиявий, инвестицион ҳамкорлигини кенгайтириш, мамлакатларимизни бирлаштирадиган транспорт йўллари ташкил этиш юксак иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларига эришиш имконини беради ва бу пировард натижада бошқа барча соҳаларнинг ривожланишида асос бўлиб хизмат қилади.

Шу муносабат билан бу борада Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида, шунингдек, Ислом ҳамкорлик ташкилоти камраган ҳудуддаги давлатларнинг дунёнинг етакчи мамлакатлари билан ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир.

**Бешинчи.** Ушбу қулай фурсатдан фойдаланиб ҳамда мамлакатимизнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотидаги раислик даври учун таклиф этилаётган устувор мақсадлардан бирининг ижроси контекстида давлатимизнинг айрим ташаббусларини эълон қилмоқчиман.

Биринчи ташаббуснинг моҳияти нафақат ислом маданияти, балки умумбашарий цивилизацияга беназир ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг кўп қиррали диний-маънавий меросини ўрганишга ихтисослашган халқаро илмий тадқиқот марказини ташкил этишдан иборат.

Бундай марказнинг Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ҳузурида яратилиши мантикий иш бўлур эди. Буни бир қатор қулай омиллар тақозо этмоқда:

**биринчидан**, Самарқанднинг мусулмон маданияти дурдоналаридан бири эканлиги билан боғлиқ дунё цивилизациясидаги мумтоз ўрни;

**иккинчидан**, энг буюк мусулмон мутафаккирларидан бири, барча муҳаддислар пешвоси Имом Бухорийнинг табаррук мақбараси жойлашган ушбу минтақага хос бўлган алоҳида маънавий-руҳий муҳит.

Таклиф этилаётган тадқиқот маркази Ислом ҳамкорлик ташкилоти ҳомийлигида «Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро тадқиқотлар маркази» деган улуғвор ва рамзий номга эга бўлиши мумкин бўлур эди.

Умид қиламизки, бизнинг ушбу ташаббусимизни Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Бош котиби Ияд Маданий жаноби олийлари қўллаб-қувватлайдилар ва бу лойиҳани амалга оширишда керакли қўмакни берадилар.

Ўзбекистоннинг яна бир ташаббуси – Тошкент ислом университети таркибида таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилотининг махсус кафедрасини ташкил этиш билан боғлиқдир.

Янги кафедра фаолиятининг асосий йўналишини мусулмон дунёсидаги таълим, илм-фан ва маданият тарихи ҳамда уларнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва улар ҳақида талабаларга чуқурлаштирилган махсус курсларни ўқиш ташкил этиши мумкин бўлур эди.

Хурматли дўстлар!

Мазкур анжуманимиз ва сизларнинг Ўзбекистонга ушбу ташрифингиз давомида Ватанимизнинг бой тарихий ва маданий мероси билан танишишингиз туризм, гуманитар, илмий ва бошқа соҳалардаги алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Бу борада биз ўз томонимиздан ташкилотга аъзо мамлакатларнинг туристлари ва вакилларининг диёримизга келиб-кетиши билан боглиқ расмиятчиликларни соддалаштиришга қаратилган чора-тадбирларни кўрамиз.

**Олтинчи.** Оммавий қиргин қуролини таркатмаслик муаммоси бугунги кунда энг кескин масалалардан бири бўлиб колмоқда. Ўзбекистон 1993 йилдаёқ Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни ташкил этиш ташаббусини илгари сурган. Мазкур ташаббус Ўзбекистон ва қўшни давлатлар томонидан 2006 йилда имзоланган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд тўғрисидаги шартнома, шунингдек, БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий бешта аъзоси 2014 йилда имзолаган Кафолатлар тўғрисидаги протоколда ўзининг амалий ифодасини топган.

Ўзбекистон ядро куролидан холи ҳудудлар кўламини изчил кенгайтириш тарафдори ва Яқин Шарқда ҳам ядро куролидан холи ҳудудни ташкил этиш ғоясини кўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон ташкилотга аъзо мамлакатлар ва, умуман, мусулмон олами хавфсиз ва фаровон давлатларга айланишига ишонади.

**Мухтарам сессия катнашчилари!**

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси халқаро майдонда ташкилотимиз салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва унинг обрўсини ошириш, олдимизда турган умумий вазифаларни самарали ҳал этишга хизмат қилишига ишонаман.

Сўзимни якунлар эканман, сизларни Шарқ дурдоналаридан бири бўлган Самарқандга таклиф этишдан мамнунман. Самарқандда бебаҳо тарихий-маданий объектларни ўз кўзингиз билан кўриш, халқимиз ҳаёти, мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларимиз, олий ўқув юртларимиз фаолияти билан бевосита танишишингиз мумкин.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси ишига муваффақият тилайман.

*Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари  
кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқ.  
2016 йил 18 октябрь*

**ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ  
ЧУҚУРЛАШТИРИШ, БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ  
ТАЪМИНЛАШ – ХАЛҚИМИЗ УЧУН  
МУНОСИБ ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИ  
ЯРАТИШНИНГ КАФОЛАТИДИР**

Ассалому алайкум, ҳурматли съезд катнашчилари!

Фурсатдан фойдаланиб, менга юксак ишонч билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзод сифатида кўрсатганингиз учун сиз, мухтарам партиядошларимга, шу ташаббусни қўллаб-қувватлаган барча юртдошларимизга ўзимнинг чексиз ҳурматимни ва самимий миннатдорлигимни билдираман.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўз олдида қўйган мақсад ва дастурлари, ташаббус ва амалий ҳаракатлари билан доимо халқимизнинг дарду ташвишлари ва муаммоларини ечишга, юртимиз фаровонлигини янада оширишга муносиб ҳисса қўшиб, кундан кунга катта обрў-эътиборга эришиб бормоқда.

Бугунги кунда ўз сафларида 250 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган сиёсий партиямиз Ватанимиз кудрати ва салоҳиятини, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, халқимиз фаровонлигини таъминлашда кудратли кучга айланмоқда.

Ишонаманки, келажакда ҳам партиямиз юрти-  
мизнинг гуллаб-яшнаши учун муносиб хисса  
кўшадиган етакчи сиёсий партиялардан бири бўлиб  
колади.

Кадрли юртдошлар!

Замонамизнинг буюк давлат арбоби, мамлакатимиз  
ва халкимизнинг тақдири, бахту саодати учун ўз  
хаётини бағишлаган улуғ Йўлбошчимиз Ислом  
Абдуғаниевич Каримовнинг вафоти барчамиз учун  
ўрнини тўлдириб бўлмайдиган огир жудолик бўлди.

Бутун дунёда таҳликали вазият, миллатлараро  
тўқнашувлар, сиёсий ва иқтисодий инқирозлар ҳамда  
турли хавф-хатарлар авж олган даврда Ислом  
Каримовнинг мамлакатимизга раҳбарлик қилгани  
Яратганнинг халкимизга кўрсатган бебаҳо марҳамати  
бўлди.

Мухтарам Юртбошимизнинг букилмас иродаси,  
фидойилиги, мардлиги ва ватанпарварлиги, узоқ-  
ни кўриш ва стратегик фикрлаш қобилияти ватан-  
дошларимизни ягона мақсад сари бирлаштирди.

Натижада мамлакатимиз мустақил тараққиёт  
йўлида кўплаб қийинчилик ва синовлардан ўтиб,  
тарихан қисқа даврда жаҳон ҳамжамиятида ўзининг  
муносиб ўрнини эгаллади.

Мухтарам Ислом Абдуғаниевичнинг босиб ўтган  
умр йўллари, мустақиллигимизни ҳимоя қилиш ва  
мустаҳкамлаш борасидаги тарихий хизматлари  
барчамиз учун, шу жумладан, мен учун ҳам энг  
ёркин ибрат намунаси ва катта ҳаёт мактаби бўлиб  
колади.



Буюк устозимизнинг сиёсий мероси, у киши белгилаб берган тараққиётимизнинг асосий тамойиллари, устувор йўналишлар, мақсад ва вазифаларни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш – биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Бу улкан масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, азиз Юртбошимиз Ислом Абдуганиевич Каримовнинг ғояларини амалга ошириш, мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатини изчил давом эттириш, олдимизда турган стратегик вазифаларни огишмай бажаришни халқимиз олдидаги ўзимнинг асосий бурчим деб биламан.

Барчамизга маълумки, жаҳондаги эркин ривожланаётган, суверен, ҳуқуқий демократик давлатлар томонидан эътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилиш, шунингдек, халқимизнинг миллий манфаатлари, менталитети ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича тизимли ва изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ана шу кўп қиррали сиёсатнинг пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда бу борада 70 дан ортиқ халқаро ҳужжат, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 10 та асосий конвенцияси ратификация қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Фукаролик жамияти барпо этиш, юртдошларимизнинг эркинлик ва ташаббусларини, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш келгусида ҳам Ўзбекистон сиёсий тизимини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши бўлиб қолади.

Давлат ҳокимияти органлари тизимида Олий Мажлис палаталари ролини кучайтириш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати бўйича муҳим вазифаларни ҳал этиш, ижро ҳокимияти органлари фаолиятини назорат қилишда парламентнинг ҳуқуқ ва ваколатларини яна ва яна кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Биз юртимизда кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаб, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларда партияларнинг ролини оширишга кўмаклашамиз.

Қачонки, сиёсий партияларнинг фаоллиги ошиб, парламент фаолияти доирасида улар ўртасида соғлом рақобат ва баҳс-мунозара муҳити шаклланса, шундагина вакиллик ҳокимияти органлари ҳам самарали фаолият кўрсатади.

Буни ҳаётнинг ўзи ҳаммамизга ҳар куни кўрсата-япти. Агар раҳбарларимиз халқ вакиллари билан маслаҳат қилиб иш тутса, хато кам бўлади. Шунинг учун вакиллик ҳокимияти органлари иши самарали бўлишида партияларимиз фаоллигини оширишимиз шарт.

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида партия гуруҳларининг ваколоти ва ролини ошириш, айниқса, ижро ҳокимияти органлари фаолиятини назорат қилиш борасидаги таъсирини янада кучайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

**Ҳурматли дўстлар!**

Биз бошимиздан кечираётган ҳозирги глобаллашув даври ўта шиддат билан ўзгараётгани ва турли таҳдидлар кўплиги билан олдимизга ҳал этишни кечиктириб бўлмайдиган ғоят мураккаб вазифаларни кўймоқда.

Шу сабабли Ўзбекистоннинг барқарор ривожига хавф туғдириши мумкин бўлган таҳдидлар, ўз ечими кутаётган энг муҳим муаммоли масалаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

**Биринчидан**, геосиёсий манфаатлар тўқнашуви халқаро алоқаларда ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муносабатларига путур етишига, қарама-қаршилик ва носоглом рақобат кучайишига сабаб бўлмоқда. Бунга ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

**Иккинчидан**, жаҳон иқтисодий инқирози, дунё бозорларидаги беқарорлик, энергия ресурслари нархларининг пасайиши деярли барча давлатларнинг иқтисодий ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Табиий ресурслар учун кураш қатор давлатларда ҳарбий-сиёсий аҳволнинг кескинлашувига олиб келмоқда. Айрим мамлакатларни хомашё базаси ва сифатсиз маҳсулотлар бозорига айлантиришга интилаётган кучлар ҳам йўқ эмас.

**Учинчидан**, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва баъзи минтақаларда юзага келган нотинч вазият аҳоли миграцияси кучайишига сабаб бўлмоқда. Бу эса жиноятчилик, одам савдоси, террорчилик, экстремизм, наркотрафик каби иллатларнинг ҳамда ўта хавфли юқумли касалликларнинг кўпайишига олиб келмоқда.

**Тўртинчидан,** ахборот-коммуникация тизимларининг кенг қўлланиши, давлат бошқарувининг электрон шаклда ташкил этилаётгани, бу яхши албатта, ўз навбатида, ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ қўшимча чора-тадбирлар кўришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

**Бешинчидан,** коррупция, маҳаллийчилик ва уруг-аймоқчилик каби иллатлар давлат ҳокимиятини обрўсизлантириб, иқтисодиётнинг ўсиши ва тадбиркорлик ривожига жиддий тўсиқ бўлмоқда.

**Олтинчидан,** «оммавий маданият» балоси кўплаб ёшларни ўз домига тортиб, миллат ва юрт учун бутунлай бегона бўлган анъаналар кириб келишига сабаб бўлмоқда.

Хурматли партиядошлар!

Давримизнинг даъвати сифатида пайдо бўлган «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» деган теран маъноли сўзларни биз ҳамisha ёдимизда сақлашимиз лозим.

Бизнинг энг асосий ютуғимиз – кўп миллатли халқимизнинг вужудга келаётган қийинчилик ва синовларни енгишга қодирлиги, замонавий дунёкараши, сиёсий онги ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани, атрофимиздаги воқеаларга бепарво бўлмасдан, аксинча, дахлдорлик туйғуси билан яшаётганидир.

Марказий Осиё минтақасида ва бутун дунёда мураккаб вазият юзага келаётган, терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи тобора ортиб бораётган бугунги шароитда доимо хушёр ва огоҳ бўлиш,

мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини, Қуролли Кучларимизнинг салоҳиятини ҳар томонлама мустаҳкамлаш хавфсизлик ва барқарорликни, халқимизнинг осойишта ҳаётини таъминлашнинг энг муҳим шarti ва кафолати эканини барчамиз яхши англаймиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортик миллат ва элат вакилларининг тинч-тотув ҳаёт кечираётгани – истиқлол даврида эришган энг муҳим ютуқларимиздан биридир, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз. Миллатлараро тотувликни таъминлашда мамлакатимизда фаолият юритаётган 138 та миллий маданий марказнинг ўрни бекиёс.

Айнан шу нуқтаи назардан келгусида ҳам миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Юртимизда ҳукм сураётган диний бағрикенглик муҳити туфайли мамлакатимизда 2 минг 200 дан ортик турли диний ташкилотлар фаолият юритмоқда. Турли дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ва дўстона муносабатларни ривожлантириш, фуқаролар қайси дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи назар, уларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш бундан буён ҳам энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

Биз мукаддас динимизни нотўғри талқин этаётган ва уни ниқоб қилиб, бизни орқага, ўрта асрлар ҳаётига қайтаришга уринаётган бузғунчи кучларга қарши кескин курашиб келдик ва бундан кейин ҳам қатъий кураш олиб борамиз.

Халкимизни ишонтириб айтаман: мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигига рахна солишга уринадиган ички ва ташқи кучларнинг ҳар қандай ҳаракатларига қарши биз кескин зарба беришга қодирмиз. Бунга ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак.

Қадрли анжуман иштирокчилари!

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш – амалга оширилаётган барча ислохотлар самарадорлигига эришиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатда тинчлик, тотувлик ва барқарор вазиятни таъминлашнинг асосий қафолатидир.

Шу сабабли суд-ҳуқуқ тизими фаолияти тўғрисида гапирар эканмиз, амалга оширилган кенг камровли ишлар билан бир қаторда, соҳада ўз ечимини кутаётган кўплаб муаммолар мавжудлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим, деб ҳисоблайман.

Бугун оддий одамлар биздан нимани кутаяпти? Энг аввало, давлат идораларига қилган мурожаатлари ўз вақтида, ҳолисона ва қонуний ҳал этилишини кутмоқда. Лекин, айрим раҳбарларнинг аҳоли ариза ва шикоятларини кўриб чиқишда сансоларлик, масъулиятсизлик, ортиқча расмиятчиликка йўл қўяётгани одамларни бездирмоқда.

Биргина 2016 йилнинг 9 ойида Бош прокуратурага 137 минг, Олий судга 67 минг, Адлия вазирлигига 52 мингдан зиёд келиб тушган мурожаатларнинг салкам 30 фоизи бевосита тергов-суд фаолияти ва суд қарорлари ижроси соҳасидаги масалалар билан боғлиқ.

Энг ачинарлиси шундаки, мансабдор шахсларнинг ҳаракатсизлиги оқибатида такрорий мурожаатлар сони ортиб бормоқда. Қани, айтинг-чи, бу аҳволда аҳолининг умуман суд-ҳуқуқ тизимига ишончи ва уни мустаҳкамлаш тўғрисида гапириш мумкинми ўзи? Ўйлайманки, барчангиз бу масаланинг нечоғлик муҳим эканини яхши тушунасиз. Хўш, вазиятни ўнглаш учун нима қилиш керак?

Биринчи навбатда, барча даражадаги раҳбар ва масъул ходимларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлар билан ишлашга бўлган муносабатини тубдан ўзгартиришимиз шарт. Одамлар билан уларнинг тилида гаплашиш, дардини эшитиш ва муаммоларини ҳал қилишнинг самарали усулларини жорий этиш устида жиддий бош қотиришимиз зарур.

Афсуски, биз раҳбар бўлдикми, дарров юриш-туришимиз ўзгаради. Одамларнинг дардини гўёки билмаймиз ё билишни хоҳламаймиз. Ўйлайманки, бу масаланинг жуда муҳимлигини инобатга олиб, уни давлат сиёсатининг устувор вазифалари даражасига кўтариш пайти келди. Шунда бизнинг дунё-қарашимиз ҳам ўзгаради, шу билан бирга, ҳаётимиз ҳам ўзгаради.

Муҳтарам Биринчи Президентимиз: «**Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди**», деб такрор ва такрор таъкидлар эдилар.

Аммо, бугунги кунда судларда ишларни кўриб чиқишда юз бераётган оворагарчилик жойларда фуқароларнинг асосли норозилигига сабаб бўлмоқда.

Айнан шу нуктаи назардан, қабул қилинаётган ҳар бир қарорнинг асосли, адолатли ва қонуний бўлишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда одил судлов фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш асосий масаладир.

Энг ачинарлиси, кейинги йилларда судлар томонидан бирорта ҳам оқлов ҳукми чиқарилмаган. Ўзи ҳаётда бундай бўлмайди, бундай бўлиши мумкин эмас.

Бундан биз, барча тергов органлари хатосиз ва жуда сифатли даражада ишляпти, деган хулоса қилишимиз мумкинми? Тергов хатосиз бўлган деб ким хулоса беради? Ҳеч ким, ҳеч қачон.

Бундан ташқари, одил судловнинг мазмун-моҳиятига мутлақо тўғри келмайдиган судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш амалиётидан воз кечиш вақти келди.

Аслида суд нима қилиши керак? Бутун дунёда суд ё оқлов, ё қоралов ҳукмини чиқариши шарт. Тамом. Суд ҳукмининг ортида ким турибди – давлат турибди, халқ турибди.

Шунинг учун судьяларнинг ваколат муддатларини узайтириш орқали судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда халқимиз кутаётган адолатли қарор қабул қилишга ҳар томонлама кодир, мустаҳкам иродали, юксак маънавий ва касбий фазилатларга эга бўлган суд ходимлари таркибини шакллантириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.



Одил судловнинг муҳим шарти бўлган томонлар тенглиги принципини тўлиқ ишлатиш учун адвокатура соҳасини ҳам ислоҳ қилиш алоҳида ўрин тутди. Халқаро тажрибага назар ташлайдиган бўлсак, адвокат энг нуфузли, обрўли ва ишончли касб эгаси ҳисобланади. Миллий қонунчилигимизда ҳам адвокатларнинг самарали фаолият юритиши учун барча етарли асослар яратилган бўлса-да, амалиётда бу нормалар мутлақо ишламаётганини афсус билан қайд этишимиз лозим.

Айниқса, тадбиркорлар ва ишбилармонлар партияси адвокатура институтини ривожлантириш учун катъият ва фаоллик кўрсатиши керак.

Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ соҳасида адвокатуранинг ўрни ва ролини янада ошириш, адвокат ваколатларини кенгайтириш бўйича бир қатор қўшимча ва самарали чора-тадбирларни амалга оширишимиз зарур бўлади.

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этиш мақсадида:

**биринчидан**, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш;

**иккинчидан**, фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш;

**учинчидан**, одил судлов қафолатларини кучайтиришга қаратилган масалалар бўйича фармон лойиҳаси тайёрланмоқда.

Бу фармон тадбиркорлик фаолияти бўйича чиққан фармон билан ҳамоҳанг бўлиб, суд-ҳуқуқ тизимини замон талаблари асосида янада такомиллаштиришни кўзда тутди.

Бугунги кундаги яна бир устувор вазифамиз – мамлакатимиз ривожига тўсик бўлаётган ёвуз иллат, яъни, коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш масалаларини самарали ҳал этишдан иборат.

Эътибор беринг, биргина жорий йилнинг 9 ойида 61 мингдан ортиқ жиноят ва 2,5 миллиондан ортиқ ҳуқуқбузарликлар қайд этилган. Бу рақамлар жамият тақдири учун жавобгарликни ҳис қилган ҳеч бир инсонни ўйлантирмасдан қўймайди, албатта. Чунки, улар кимнингдир фарзанди, ота-она ёки қариндош, қолаверса, шу юртнинг фуқаросидир.

Жиноят учун жазо муқаррар, албатта. Лекин ўзимизга бир савол берайлик – фуқароларимиз жиноят йўлига кириб қолмаслиги учун шахсан ҳар биримиз нима иш қиляпмиз?

Вазиятни қандай ўрганияпмиз? Эртага шу жиноят яна қайтарилмаслиги учун ким нима иш қиляпти? Афсуски, кўпчилигимиз бу масалада фақат томошабин бўлиб турибмиз.

Шу нуктаи назардан, фаолиятимиз, биринчи навбатда, айбдор шахсни жавобгарликка тортиб, унга «судланган» деган тамғани босишга эмас, аксинча, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикасига қаратилиши зарур.

Афсуски, жойларда бу масалада маҳалла раиси, профилактика инспектори ва бошқа мутасаддилар ўз масъулиятини мутлақо ҳис этмаяпти, десак, тўғри бўлади.

Шунинг учун жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳар қандай жиноятга адолатли баҳо беришга қаратилган ишларимиз кескин кучайтирилади.

Ҳар бир ҳолат ва вазият бўйича туман ҳокими, вилоят ҳокими ва бошқа масъул раҳбарлар шахсан жавоб берадиган вақт келди. Жиноятнинг сабаби нима ўзи? Ўғирлик бўлган бўлса, у нима учун бўляпти? Қани профилактика нозирини? Қани бизнинг ишонган маҳалла раисимиз, қани жамоатчилигимиз? Бу саволларга жавоб йўқ.

Шу сабабли бу борада ҳар бир ҳолат ва вазият бўйича ҳоким, ички ишлар бўлими бошлиғи ва прокурорнинг аҳоли вакиллари олдида ҳисобот беришини кўзда тутадиган янги тизим жорий қиламиз.

Халқнинг дарди ва ташвишларини писанд қилмайдиган, эл-юртимиз осойишталиғи ва жамоат тартибни сақлашга, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга қурби етмайдиган ҳар қандай даражадаги раҳбарларга нисбатан жиддий чоралар кўрилади. Лўнда қилиб айтганда, бундай лоқайд ва бефарқ шахсларга раҳбарлик лавозимларида мутлақо ўрин йўқ.

Ана шундай қатъий ёндашув асосида жойларда муҳитни ўзгартирилсак, жамиятимиз мутлақо ўзгаради. Одамларнинг қонунга, қонун устуворлигини таъминлашга, давлатга, шу билан бирга, келажакимизга бўлган муносабати, дунёқараши тубдан ўзгаради.

Профилактик тадбирларни ташкил этишда маҳалла имкониятларидан самарали фойдаланиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтириш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда фаол қатнашаётган инсонларни ҳар томонлама рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Олдимизда турган улкан мақсад ва вазифаларни тўлақонли амалга ошириш учун давлат бошқарув тизими ва унинг аппарати самарали фаолият юритиши зарур, албатта. Бироқ, ҳолисона айтганда, бугун аксарият давлат идораларининг иш услуби давр талабига тўлиқ жавоб бермайди. Айрим вазирлик ва идоралар аҳоли муаммоларини ҳал этишда расмиятчиликка йўл қўймоқда, улар кўпинча курук рақам ва маълумотлар тўплаш билан овора. Вазирлик ва идораларда улар масъул бўлган соҳалардаги аҳволни чуқур таҳлил қилиб, тизимли камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган фаолият етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Шу билан бирга, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-иктисодий дастурларни амалга ошириш, қонунлар ижросини таъминлаш, жойлардаги давлат бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасида маҳаллий ҳокимликларнинг вазифа ва ваколатларини ҳам такомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу ўринда ҳокимлик идораларининг моддий-техник базасини тубдан мустаҳкамлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини мутлақо қайта кўриб чиқиш лозим. Ушбу камчиликларни бартараф этиш ва бутун бошқарув тизимида аниқ тартиб ва қатъий интизомни таъминлаш мақсадида фақат жорий йилда Бош вазирнинг 2 та ўринбосари, 22 та вазир ва идоралар раҳбарлари, Тошкент вилояти, Жиззах, Қарши ва Термиз шаҳарлари ҳамда 21 та туман ҳокимлари лавозимларидан озод этилди. Ишни жамоа бўлиб

бажарсак ҳам, унинг натижаси учун ҳар биримиз шахсан жавоб берадиган вақт-соат келди.

Аравани тортган одам биз билан ишлайди, тортмаган одам ишламайди. Агар биз бошқарувнинг вертикал тизимини жорий қиламиз, десак, бу талабларни сўзсиз бажаришимиз керак. Албатта, ҳамма нарсани биз ҳокимдан сўраймиз, Мўйноқда ҳам, Тошкентда ҳам, Бўзда ҳам ҳокимдан сўраймиз. Бинобарин, ҳокимлик идораларининг обрўйини, иш шароитини ҳам муносиб даражада ташкил этиб беришимиз лозим. Муаммоларнинг асосий сабаби – кадрларни тайёрлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш жараёни билан бевосита боғлиқ.

Янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, илғор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ватанпарвар, ҳалол кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилмас экан, давлат бошқарувида сифат ўзгариши юз бермайди.

Мана, бугун шундай муҳташам кошонада, муҳтарам Юртбошимизнинг ташаббуслари билан қурилган Давлат бошқаруви академиясининг биносида ўтирибмиз. Албатта, ушбу академиянинг ишини ҳам бошқатдан кўриб чиқишимиз керак. Академия нафақат Тошкентда, балки ҳар бир ҳудудда қайси соҳаларга, давлат бошқарувига қандай кадрлар зарурлигини чуқур ўрганиб, аниқ илмий тавсиялар бериши лозим. Нега деганда, бизга ҳеч ким ташқаридан тайёр кадр олиб келиб бермайди. Бу масалани ўзимиз ҳал қилишимиз керак. Шу маънода, Академияда ишлаётган ҳурматли кафедра мудирларимиз, дом-

лаларимиз ҳаётни ҳар томонлама теран биладиган одамлар бўлиши шарт.

Содда қилиб айтганда, халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қиладиган вақт келди.

Бу гапларни мен чин юрагимдан айтяпман. Чунки мен пастдаги аҳволни, Худога минг қатла шукр, яхши биламан. Мен ҳам сизлар билан бирга кўчаларда пиёда юрган одамман. Бу фақат менинг фикрим эмас, сизларнинг фикрларингиз.

Афсуски, ҳаётда бунинг аксини кўрсатадиган баъзи бир рақамларга сизнинг эътиборингизни қаратмоқчиман. Шу йилнинг ўзида Вазирлар Маҳкамасига, вазирлик ва идораларга, барча даражадаги ҳокимликларга тушган мурожаатларнинг умумий сони 338 мингтани ташкил этди. Улардан 200 мингдан ортиги ёки 60 фоизи туман ва шаҳарлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу рақамлар жойларда одамларнинг дарду ташвишлари билан ҳеч бир мутасадди раҳбар астойдил шуғулланмаётганини кўрсатади.

Бу аризалар нима ҳақида? Мана, эътибор беринг.

Ишга жойлаштириш, ер участкалари ажратиш, иш ҳақи ва пенсияларни ўз вақтида тўлаш масалалари бўйича мурожаатлар сони кўпайган. Айниқса, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига доир мурожаатларнинг ошгани ишимиздаги камчиликлардан далолат беради. Шулар қаторида аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига эътирозлари ҳам талайгина.

Раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, баъзан одамларнинг эҳтиёжлари ва ҳақли талабларига бефарқ-

лиги, уларнинг мурожаатларига панжа орасидан қарашлари туфайли Қашқадарё, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридан келаётган шикоятларнинг оқими доимий равишда ортиб бормоқда.

Бундан ташқари, Бош вазирнинг яқинда Интернет тармогида ташкил этилган Виртуал, яъни, электрон қабулхонасига ўтган 3 ҳафта ичида 50 мингдан ортик мурожаат келиб тушди.

Такрор айтаман, 3 ҳафта ичида 50 мингдан ортик мурожаат келиб тушди.

Ҳурматли партиядошлар, бу шунчаки кўр-кўрона намойиш ёки чет элдан ўрганган қандайдир бир масала эмас. Биз буни жуда кўп муҳокама қилиб, фикрлашиб, одамларнинг дардини эшитайлик, деб, шундан кейин бир қарорга келдик.

Бундай масъулиятсиз ва совуққон муносабатга қатъиян чек қўйишимиз шарт. Фуқароларнинг ҳар қандай муаммоларини ҳал этиш давлатнинг халққа нисбатан асосий мажбуриятларидан бири эканини унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Шунинг учун раҳбарлар мунтазам равишда халқ орасида бўлиб, шахсий қабулхоналар ташкил этишлари, жойлардаги муаммоларни ҳал қилишлари зарур. Бундан кейин жойлардаги раҳбарлар фаолиятига баҳо бериш биринчи навбатда ўз ҳудудидаги аҳоли мурожаатлари сонига қараб, уларнинг амалий ечимига қараб ва халқ ичида юришига қараб белгиланади. Қисқа қилиб айтганда, уларга халқнинг ўзи баҳо беради.

Шу билан бирга, кўплаб давлат хизматчиларининг зиммасига катта масъулият юкланганига қарамасдан, уларнинг иш куни ва иш ҳафтаси аниқ меъёрга солинмагани ҳеч кимга сир эмас. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат хизматчиларига юксак талаблар қўйишдан олдин уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ва ҳимоя тизими билан мустаҳкамлаш даркор.

Масаланинг ўта долзарблигини эътиборга олиб, давлат хизмати бўйича қонун қабул қилиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни изчил амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин эгаллайди. Шу боис жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини ривожлантириш мақсадида зарур чоралар кўришимиз керак. Бу борада «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясини изчил давом эттириш энг устувор вазифаларимиз қаторига киради.

Муҳтарам Ислон Абдуғаниевич бу концепцияда ҳамма нарсани чуқур ифодалаб берганлар. Бунинг замирида энг асосий вазифалар мужассам. Кучли фуқаролик жамияти барпо этиш учун, бугун муҳокама қилаётган масалаларни амалга ошириш учун, албатта, одамларнинг онги, дунёқараши ўзгариши керак.

Маълумки, дунёда ноёб, ўхшаши йўқ маҳалла тизими мустақиллик йилларида аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айланди. Қайси маҳаллада иш



тўғри ташкил этилиб, фуқаролар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган бўлса, ўша ерда ҳамжихатлик, меҳроқибат муҳити ҳукм сурмоқда, нохуш ҳолатларга йўл қўйилмаяпти.

Агар маҳаллада раис, профилактика инспектори ўз ишига фидойи бўлса, бу ерда муҳит мутлақо бошқа бўлади. Нега десангиз, агар улар шу ҳудуднинг ҳақиқий эгаси бўлса, маҳаллаларда безорилик содир бўлиши мумкин эмас.

Шуларнинг барчасини эътиборга олиб, биз бу тузилмани янада қўллаб-қувватлашимиз ва ҳар томонлама ривожлантиришимиз зарур. Биринчи навбатда, маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва ролини янада кучайтириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ушбу тизимда фаолият кўрсатаётган раҳбар ва ходимларнинг маълақаси ва савиясини мунтазам ошириб бориш лозим бўлади.

Маҳаллаларда сайловларни ўтказдик. Янги сайланган одамлар ишлашни хоҳлайди, лекин улар қандай ишлаши, нима қилиши, қаердан ўрганиши керак, деган саволларга ҳали тўла жавоб йўқ.

Маҳалла институти шунинг учун чин маънода халқнинг жойлардаги маслақдоши ва кўмақдошига, «адолат тарозиси»га айланиши одамларнинг давлатга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Яна бир муҳим масала – ислохотлар жараёнида оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш билан боғлиқ. Ахборот соҳасини ривожлантириш борасида ўтган даврда катта ишлар қилинди. Келгусида журналистларнинг профессионал

фаолиятини ҳимоя қилиш, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари ва моддий базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган ишларимиз изчил давом эттирилади.

Азиз дўстлар!

Биринчи Президентимиз, мухтарам Ислом Абдуғаниевич айтганларидек, «Иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб, сиёсий мустақилликни таъминлаб бўлмайди». Мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар ўсди. Унда саноатнинг улуши 14 фоиздан 34 фоизга ошди. Охириги 11 йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиши 8 фоиздан кам бўлмаган даражада сақланмоқда. Фаол инвестиция сиёсати амалга оширилмоқда.

Лекин, ҳаммамизга аёнки, ўсиш суръатлари бу шунчаки бир мақсад эмас. Бундай ўсиш аввало халқимизга, ҳар бир фуқарога қандай наф етказиши, унинг энг аввало дастурхонида, кундалик ҳаётида қандай акс этиши биз учун муҳим масаладир. Мана шу ўсиш суръатларини биз ҳақиқий жон бошига етказа олсак, нур устига нур бўлади.

Айни шу нуқтаи назардан, биз келгусида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида асосий диққат-эътиборни қуйидаги стратегик йўналишларга қаратишни зарур, деб ҳисоблаймиз.

**Биринчидан,** макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва кейинги йилларда эришилган иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш. Шунингдек, миллий валютамиз, ички бозордаги нарх-наво барқарорлигини таъминлаш.

Молиявий соҳада эса – тармоқ ва ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш ҳисобидан маҳаллий бюджетнинг даромад базасини кенгайтириш лозим бўлади. Энг асосийси, туман ва шаҳарларда маҳаллий бюджетлар имкониятларининг кенгайиши – аҳолининг турмуш даражаси ва шароитлари яхшиланишига, умуман, барқарорликка ва осойишталикка хизмат қилиши лозим.

Агар биз шаҳар, туман бюджетларининг даромад базасини кенгайтирмасак, ҳозирги айтган ўзгаришлар бўлмайди. Ҳозир яхши ишлаган туман ҳам бир, ёмон ишлаётган туман ҳам бир. Ҳеч кимда фарқ йўқ, рақобат йўқ. Биз бундай ҳолни тубдан ўзгартиришимиз керак.

**Иккинчидан,** иқтисодиётимизнинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини янада ошириш, унинг соҳа ва тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилишдир.

Бизнинг олдимизда 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш, иқтисодиётимиз таркибида саноатнинг улушини 40 фоизга етказиш бўйича ўта муҳим вазифалар турибди.

Шу мақсадда яқинда кимё саноатини, рангли ва нодир металллар, углеводород хомашёсини қайта ишлаш, тўқимачилик, чарм-пойабзал, фармацевтика, мева-сабзавот маҳсулотлари ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича 8 та махсус дастур қабул қилинди.

Ана шу дастурлар доирасида яқин беш йил ичида умумий қиймати қарийб 40 миллиард доллар бўлган 657 та инвестиция лойиҳасини амалга

ошириш кўзда тутилмоқда. Натижада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баробар ортади.

Маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш имкониятига эга бўлган тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилди. Мазкур дастур қиймати 2 миллиард 300 миллион доллар бўлган 140 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишни назарда тутди. Тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробар ошади.

Яна бир муҳим масала. Арзон ва ишончли доридармон билан таъминлаш масаласида бугун биз аҳолимиздан қарздормиз ва ўйлайманки, бу қарзни узиш вақти келди.

Айни пайтда биз тиббиёт ходимлари томонидан беморларга қиммат дориларни асоссиз равишда тайинлашга, дорихона тармоқларида нарх-навонинг бесабаб ошиб кетишига йўл қўймайдиган энг қатъий чораларни кўрамиз. Давлат дорихона тармоқларида ҳаётий муҳим дори воситаларининг аниқ белги-ланган нархларда сотилиши таъминланади.

Бу борада тасдиқланган дастурдаги ва ҳудудий 100 дан ортиқ лойиҳаларнинг амалга оширилиши 162 та янги, ҳозирги вақтда четдан олиб келинаётган дори воситаларини ўзимизда ишлаб чиқариш ва уларнинг умумий ҳажмини 2,5 баробар ошириш имконини беради.

Бу масалани сизлар ҳам яхши биласизлар, ҳозир жойларда одамлар билан учрашганда, улар гўштнинг, картошканинг нархига эътироз билдирмаяпти, асосан

дори-дармон воситаларининг нархи бўйича эътирозлар кўп. Албатта, биз бу масалани ҳал қилиш бўйича ишляпмиз.

Мана, орамизда оқсоқоллар ҳам ўтиришибди, улар яхши эслайди, илгари бир туманда битта дорихона бўлиб, дори-дармон ҳаммага етар эди. Хўш, майли, аҳолимиз кўпайибди, борингки, дорихона иккита бўлсин. Битта туманда юзлаб дорихонанинг нима кераги бор? Дорихона ходими билан савдогарнинг нима фарқи қолди ҳозир? Биз тасдиқланган дастурда одамларга энг зарур бўлган дориларнинг чакана нарх-навоси бўйича юзага келган номутаносибликни тўғрилашни кўзда тутганмиз.

Бизда фармацевтика соҳасида жуда катта имкониятлар бор. Ибн Сино бобомиз кашф қилган қанча-қанча доривор гиёҳлар юртимизда ўсади. Лекин биз улардан фойдаланиш борасидаги анъаналарни нега давом эттирмаяпмиз, шундай тарихимиз, илмий салоҳиятимиз, имкониятимиз бўла туриб, бунинг жиловини нега кимларгадир бериб қўймоқдамиз?

Ўйлайманки, бу муаммо бугун барчамизни кийнаяпти.

Ҳаммамизга маълумки, ҳозирги вақтда Навоий, Жиззах ва Ангрэн ҳудудларида эркин индустриал зоналар самарали фаолият кўрсатмоқда. Берилган имтиёзлар корхоналар томонидан инновацион лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш учун имкон яратмоқда.

Бу ижобий тажрибани кенгайтириш мақсадида Ургут туманида ҳам эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилмоқда.

Мана, яқинда мен Ургутга бориб, ана шу зонанинг иши билан танишдим. Ургут халқининг тадбиркорлигини бутун дунё биледи. У ерда 40 гектарлик эркин иктисодий зона ташкил қилганмиз. «ойнаи жаҳон»да ҳам намоиш этилди, кўрсангиз, қойил коласиз. Қанча одам шу ерда ишляпти. Биз яқин келгусида Қўқон шаҳри ва Ғиждувон туманида ҳам ана шундай худудларни ташкил этишни режалаштиряпмиз. Улар учун илгари яратилган имкониятларга қўшимча преференция ва имтиёзлар берсак, қанча янги иш жойлари ташкил қилишга эришамиз. Бу худудларга қанча-қанча сармоялар келади. Бозор иктисодиётининг талаби аслида шу.

**Учинчидан,** аҳолимизнинг сони ва ёши бўйича таркибини ҳисобга олиб, бандлик муаммосига доир тизимли ишларни давом эттиришимиз зарур.

Яқинда ҳукумат мажлисида депутат ва сенаторлар иштирокида 2017 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш дастури лойиҳаси муҳокама қилинди.

Дастур 390 минг кишини доимий иш жойи, 200 минг кишини – кишлок хўжалиги ҳамда қурилишда мавсумий ва вақтинчалик иш, 309 минг кишини – шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликлари, ҳунармандлик ва оилавий тадбиркорлик орқали иш билан таъминлашни назарда тутеди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда ҳар доимгидек Либерал-демократик партия аъзоларининг фаол қўллаб-қувватлаши ва ёрдамига умид қиламиз.

Бандликни таъминлаш масаласи – бизнинг энг муҳим, энг долзарб вазифамиздир. Бу масалани

ечиш, янги корхоналар куриш учун эса ресурслар, биринчи навбатда, электр энергияси етарли бўлиши лозим. Илкониётларимиз бор, ресурсларимиз бор. Иктисодиётимиз учун зарур бўладиган 30 фоиз электр энергиясини гидроэлектростанциялар оркали хосил қилишимиз мумкин.

Хитой бу соҳада жуда яхши ривожланган. Биз ҳозир вакилларимизни шу мамлакатга юбордик. Хитой раҳбари жаноб Си Цзиньпин мухтарам Ислом Абдуғаниевич билан қандай дўст бўлган бўлсак, шу дўстликни яна давом эттирамиз, деяпти. Агар биз мана шу режамизни амалга оширсак, бу тадбиркорларга ҳам, аҳолига ҳам жуда катта мадад бўлади.

**Тўртинчи масала,** қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича устувор вазифа – аввало ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишдир.

Бу борада замонавий интенсиф агротехнологияларни кенг жорий этиш, маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини такомиллаштириш ҳамда чуқур қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳосилдорлиги паст ерларда пахта экишни кискартириш сабзаёт, дуккакли ва озуқабоп экин майдонларини кенгайтириш, илғор хорижий тажрибаларни қўллаган ҳолда, юқори технологияга асосланган интенсиф боғ ва узумзорлар барпо этиш билан биргаликда олиб борилади.

Масалан, кейинги йилларда Сурхондарё вилоятида пахта ҳосилдорлиги пастлигича қолмоқда. Фермер хўжаликларининг иктисодий аҳволи йилдан йилга ёмонлашмоқда. Томорқалардан фойдаланиш ҳам

талаб даражасида эмас. Ваҳоланки, Сурхондарё вилоятининг тупроқ-иклим шароитида февраль ойидан бошлаб бемалол 3 марта ҳосил олиш имкони бор.

Шунинг учун 2017 йилда тупроқ унумдорлиги паст ерлар ҳисобидан ушбу ҳудуднинг қарийб 18 минг гектар пахта ва 1000 гектар ғалла майдонлари қисқартирилади. Ушбу майдонларда сабзавот ва мева етиштирилади, интенсив боғ ва токзорлар барпо этилади, иссиқхоналар ташкил қилинади. Натижада маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш ҳажми кескин кўпайиб, кўшимча қийматга эга бўлган экспорт-боп маҳсулотлар тайёрланади. Бу аҳолининг манфаатдорлиги ошиши ва даромади янада кўпайишига олиб келади. Ана шу масала бошқа вилоятларда ҳам босқичма-босқич қайта кўриб чиқилади ва бундай тадбирлар уларда ҳам давом эттирилади.

2017 – 2020 йилларга мўлжалланган кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш якунига етказилади. Дастурга мувофиқ, экин майдонларини оптималлаштириш, пахта майдонларини босқичма-босқич қисқартириш таъминланади.

Асосий эътибор фақат экспортга йўналтирилган мева-сабзавот ва озиқ-овқат ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга қаратилади. Шунингдек, кичик ишлаб чиқариш шохобчаларини ташкил этиш ва қишлоқ хўжалиги учун сервис хизматлари кўрсатишга қаратилган ишларни мутлақо янги босқичга олиб чиқамиз.



Мана, биз кеча Сурхондарёга бориб, шу борадаги ишлар билан танишиб келдик. У ердагилар карам бўладими, сабзи ёки пиёз бўладими, хоҳлаган маҳсулотини куришиб, чет давлатларга экспорт қияпти. Қайси маҳсулот экспортбоп бўлса, ўшани қайта ишляпти. Мана, қандай ишлашимиз керак. У ерда меҳнат қилаётган ақлли, ташаббускор, ишнинг кўзини биладиган, чет тилида бемалол гаплашадиган ёшларимизни кўриб, одамнинг ҳаваси келади.

Келгуси 5 йилда биз мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини 1,8 баробар ошириб, бугунги 17 фоиздан 30 фоизга кўпайтиришни вазифа қилиб қўймоқдамиз. Қўшимча тарзда 200 минг тонна маҳсулот сақлаш қувватига эга бўлган совутгичли омборхоналар қурилади. Бу ўз навбатида янги иш ўринлари очиш, аҳоли даромадини кўпайтириш ва маҳаллий бюджетга қўшимча маблағ тушириш имконини беради.

Асосий вазифаларимиздан яна бири – қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг мавжуд тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Бу ишларни амалга оширмасдан туриб, биз кафолатланган барқарор ҳосилдорликни, бутун агросаноат комплексини ривожлантиришни ва энг муҳими, фермерларнинг моддий манфаатдорлигини оширишни ва қишлоқ жойларда турмуш даражасини яхшилашни таъминлай олмаймиз. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

Биз кишлок хўжалигини молиялаштириш тизимини ўзгартиришимиз даркор. Ҳалол ишлаган одам албатта даромад топиши керак. Бунинг учун ер унумдорлигини ошириш, ирригация ва мелиорация ишларининг самарадорлигини янада кучайтириш, ресурслардан, аввало, сувдан оқилона фойдаланиш, тежамкор технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор беришимиз зарур.

**Бешинчидан**, олдимизда турган яна бир вазифа – хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантиришга ҳалакит бераётган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этишдан иборат.

Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжалиқларининг экспортдаги иштирокини янада рағбатлантириш бўйича қўшимча комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

Партиямизнинг асосий электорати бўлган тадбиркорлар фаолиятини жадал ривожлантириш жамиятимиз тараққиёти ва фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи, иқтисодиётимиз барқарор ўсишининг энг муҳим кафолатидир. Маълумки, бугунги кунда тадбиркорлик соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етди. Аҳолининг 78 фоизи айнан шу тармоқда меҳнат қилиб, мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бирок, тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган қатор чоралар кўрилишига қарамасдан, доимий текширишлар, молиявий-хўжалиқ фаолиятига ноқонуний аралашувлар оқибатида тадбиркорлар ўз ишини вақтинча тўхтатишга, айрим ҳолларда эса умуман тугатишга мажбур бўлмоқда.

Жиноят ишларини тергов қилиш доирасида ўтказилаётган текширишларнинг узок муддат давом этиши тадбиркорларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, лицензия ва рухсатномалар бериш жараёни ойнаб чўзилиши туфайли фуқаролар тадбиркорлик билан ноқонуний тарзда шуғулланишига ўзимиз замин яратмоқдамиз. Мансабдор шахсларнинг таъмагирлик ҳолатларига тўлиқ чек қўйилмаган.

Текширув тартибларини бузиш ҳолатлари асосан солиқ, ёнгинага қарши кураш, санитария назорати, кадастр, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа назорат қилувчи органлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида хўжалик судларида хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжалиklarининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид 23 мингта иш кўрилиб, тадбиркорлар фойдасига 640 миллиард сўм ундириш ҳақида қарорлар қабул қилинган, 133 нафар айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли суд таъсир чоралари кўрилган.

Режадан ташқари ва муқобил текширишлар назорат органларига тадбиркорлик субъектларини исталган вақтда текшириш имконини беради.

Баъзан шундай ҳам бўладики, хоҳлаган тумандаги кичкина санитария-эпидемия станциясининг ходими ёки солиқ назоратчиси катта бир корхонага бориб, мен бугун текширяпман, менга сенинг кўринишинг ёкмади, юришинг ёкмади, менга нотўғри салом бердинг, деб асоссиз равишда уни ёпади. Қайфияти бўлса, очади, бўлмаса – йўқ. Ахир, бу корхонада қанча

одам ишляпти – бу билан унинг иши йўк. Корхона маҳсулот экспорт қиляпти. Назоратчининг эса бу билан ҳам иши йўк.

Энг кенг тарқалган қиска муддатли текширишга эса текширувчи идоранинг ўзи рухсат бермоқда. Текширишлар тирнок остидан кир қидириш, камчилик топишга йўналтирилган бўлиб, охир-оқибатда тадбиркорларни синдирмоқда.

Шу сабабли текшириш турлари, уларни ўтказиш тартиби ва асосларини танқидий кўриб чиқиш, назорат органларининг ваколатларини катъий чеклаш, тадбиркорлар жавобгарлигини либераллаштириш бўйича аниқ чоралар кўриш вақти келди, дсб ўйлайман.

Бу муаммоларни эътиборга олиб, 2016 йил 5 октябрда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, улар фаолиятига ноконуний аралашувни тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва профилактика самарадорлигини ошириш сиёсатимизнинг устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари ва муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинди.

Тушунарли килиб айтганда, муқобил текшириш дегани – «встречная проверка» дегани. Текширувчи Тошкентда хато тополмаса, шу тадбиркорнинг фалон йил аввал Фаргонада ишлаган жойини топади-да, у ерга бориб текширади. Шунинг учун ҳаммани кийнаб келаётган бундай ҳолатларга чек қўймасак бўлмайди. Энди бу фармон асосида ҳамма нарсани жой-жойига қўйиб, конунни ўзгартириб олсак, биласизларми, жуда катта масалани ҳал қилган бўламиз. Аслини олганда, бизнинг тадбиркорларимизда бор имконият дунёда бирорта мамлакатда йўқ ўзи. Бу – ҳақиқат. Бизнинг билим ва тажрибамиз, ҳаракат ва интилишимиз етарли. Лекин, афсуски, кўп масалаларда ўзимиз ўзимизни кийнаб, оёғимизга кишан солиб турибмиз.

Биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этиб, отказилган зарарни қоплаган тадбиркорлар маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, жарималар ва молиявий санкциялардан озод қилинади.

Тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзида жиноий жазо қўллаш бекор қилинади.

Биласизларми, бу жуда оғир масала. Бу айтишга осон, лекин ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деб бежиз айтилмаган. Ўша текширувчи ҳам, суд ҳам Ўзбекистонда тинчлик бўлса, хотиржам ишлаши мумкин. Ўзбекистонда қачон тинчлик бўлади? Одамлар ойлик олса. Одамларга ким ойлик беради? Оддий тил билан айтганда, уларни ким боқяпти? Тадбиркор. Шундай экан, мевали шохга болта уриб нимага эришиш мумкин?.. Қани, бир шундай килиб кўрайлик.

**«Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди»**, деган гапнинг замиридаги маъно асли ўзи шу – ишлаётган, ҳалол даромад топаётган одамга халақит бермаслик керак.

Хорижий инвестициялар иштирокида янгидан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига давлат рўйхатидан ўтган вақтида амалда бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини беш йил мобайнида қўллаш ҳуқуқи берилди.

Тадбиркорлик фаолиятига аралашиб, фаолиятни асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги, шунингдек, уларга етказилган зарарни бевосита айбдорлардан ундириш тартиби белгиланди.

Агар солиқчими, прокурорми, мелисами, тадбиркорнинг фаолиятини ноқонуний ёпдимиз, суд зарарни айбдордан ундириш тўғрисида ҳукм чиқаради. Корхонани асоссиз ёпган одам энди у кўрган зарарни ёнидан тўлайди. Чунки қонун шуни талаб қилади.

Мазкур фармон талабларидан келиб чиқиб, Коррумпцияга қарши курашиш тўғрисида, Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида, Давлат харидлари тўғрисида ва Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги каби муҳим қонунларни қабул қилиб, амалга оширишимиз керак.

**Олтинчидан**, мамлакатимиз иктисодий қудратининг ўсиши, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга, айниқса, қишлоқ жойларда бунга эришиш – авваламбор, мамлакатимиз ҳудудларининг комплекс ва изчил ривожланиши билан белгиланишини яхши тушунамиз. Бу – бизнинг ҳам

якин, ҳам узок муддатли истикболдаги вазифамиздир.

Бугунги кунда 14 та худуддан 5 таси ёки уларнинг 36 фоизи, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари республика бюджетидан субвенция олувчи худудлар қаторига киради.

Бундан ташқари, Жиззах ва Янгиер шаҳарлари ҳамда 167 та тумандан 121 тасида ёки уларнинг 72 фоизида маҳаллий бюджет даромадлари субвенция ёрдамида шакллантирилмоқда.

Субвенция дегани – мана шу 121 та туман ҳозир ўзининг бюджети ҳисобидан ўзини боқмаяпти, дегани. Савол туғилади: ана шу туманларда иқтисодиёт нима бўляпти? Уларнинг раҳбарлари қандай ҳаракат қиляпти? Муаммо билан мурожаат қилган халққа нима деб жавоб қилади? Аҳвол яхши бўлса, одамлар муаммо кўтариб келмайди. Лекин бюджетида маблаг бўлмаса, ҳоким қаерга боради? Алдайди, эртага кел, индинга кел, деб одамлардан қутулмоқчи бўлади. Нега десангиз, муаммони ҳал қилиш имкони йўқ. Аччиқ бўлса ҳам, бу – ҳақиқат.

Шу муносабат билан Биринчи Президентимиз томонидан тасдиқланган, бир қатор вилоятлар, Тошкент, Қарши, Шаҳрисабз, Термиз, Наманган, Урганч ва Гулистон шаҳарлари, шунингдек, Булунғур ва Нишон туманларининг саноат салоҳияти ва инфратузилмасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурлар ижросини таъминлашимиз зарур.

Шу билан бирга, 2017 йилнинг биринчи ярим йилида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Мамлакатимиз ҳудуд ва минтақаларини замон талаблари асосида тараққий топтириш учун биз аниқ режа ва ҳисоб-китобларга эга бўлишимиз керак.

Шу мақсадда ҳукуматимизнинг ташаббуси билан жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойларида мамлакатимиздаги 182 та шаҳар ва тумандаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий аҳвол атрофлича ўрганиб чиқилди.

Биз 150 га яқин мутахассисни республикаимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларига юбордик. Улар жойларда ичимлик суви; йўлларнинг ҳолати, табиий газ масаласи, мактаб, боғча, шифохоналардаги аҳволни синчиклаб таҳлил қилиб чиқди. Албатта, бу, – осон масала эмас. Бизда ҳозир нафақат туман, балки маҳаллалар бўйича ҳам ҳар бир вилоятнинг барча муаммолари ҳақида маълумотлар бор.

Биз бу муаммоларни ечишда аввало Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига, умуман, Оролбўйи минтақасида ижтимоий соҳалар ривожига бошқа ҳудудларга нисбатан кўпроқ эътибор берсак, ўйлайманки, адолатдан бўлади.

Бу борадаги янги дастурлар реал воқеликни яхши билмасдан, Тошкентда ўтириб ёзиладиган дастурлар бўлмайди. Партиядошларимиз билан, депутатлик



корпусимиз билан бирга бу дастурларнинг ижросини назоратга олсак, бу одамларимизга жуда катта амалий кўмак бўлади.

Биз келгуси икки йил давомида 81 та туманни субвенциядан чиқармоқчимиз. Бу – ниҳоятда қийин масала. Бунинг тагида машаққатли меҳнат, аниқ ҳисоб-китоб бўлиши, қатъият бўлиши керак. Шулар қаторида 41 та туман ва шаҳар бўйича субвенция даражасини кескин камайтириш кўзда тутилмоқда.

Бизнинг келгуси режаларимизда азим пойтахтимиз – Тошкент шаҳрини нафақат минтақамиз, балки дунёдаги энг гўзал ва обод мегаполислардан бирига айлантириш энг муҳим ва устувор масала бўлиб қолади.

Шу мақсадда миллий меъморлик ва шаҳарсозликнинг энг илғор ютуқ ва ечимларидан ижодий фойдаланган ҳолда, кенг миқёсдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларини изчил давом эттириш эътиборимиз марказида бўлади.

Тошкент шаҳри учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик дастур – Сирғали туманида яқин келгусида 500 та кўп қаватли замонавий уй-жой барпо этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда.

Бу эса қарийб 30 минг оилани янги уй-жой билан таъминлаш имконини яратади. Шуниси эътиборлики, бу уйлар имтиёзли ипотека кредитлари асосида берилади ва эски, ҳеч бир шароити йўқ, пастқам уйларда яшаётган аҳолини босқичма-босқич замонавий уйлар билан таъминлаш имконини яратади.

Шаҳарнинг барча туманларида янги маданият ва истироҳат боғлари барпо этиш, яшил майдон ва худудларни янада кўпайтириш, коммунал ва савдо хизматлари сифатини яхшилаш, янги транспорт-коммуникация тармоқлари ва хизмат турлари, маданий-маиший объектлар бунёд этиш, ер устидан ўтадиган тезюрар метро йўналишларини қуриш, бир сўз билан айтганда, одамларни ҳаётдан рози қилиш масаласига устувор аҳамият берилади.

Бугунги кунда ўз ечимини кутиб турган социал-ижтимоий масалаларни ҳал қилиш учун биз республика миқёсида 15 та мақсадли дастурни пухта ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз зарур.

Аввало, кишлоқ аҳолисининг эҳтиёж ва талабларини эътиборга олиб, **Қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар қуриш дастурини** қабул қилиш кўзда тутилмоқда. Ушбу дастурга кўра, биргина келгуси йилнинг ўзида тўрт хил янги намунадаги, қулай ва арзон, бир ва икки қаватли 15 мингта замонавий уй-жой барпо этиш мўлжалланмоқда.

Бошланғич тўлов ҳажми икки баробар камай-тирилиши ҳамда арзон лойиҳалар асосида барпо этилиши натижасида эҳтиёжманд оилалар алоҳида уй-жой ва хонадонларга эга бўлади.

Бундан ташқари, 2017 – 2020 йилларда шаҳар жойларда 945 та кўп қаватли уйлар қуриш дастури лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Дастурга кўра, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида ҳамда йирик шаҳарларда 50 мингга яқин уй-жойга муҳтож оилалар учун 5, 7 ва 9 қаватли арзон уйлар қурилади.

Мана, Нукусда ҳам, Навоийда ҳам, Сирдарё, Жиззахда ҳам шароити огир одамлар бор. Уларга ҳам арзон уйлар керак. Шунинг учун Тошкентда ташкил қилинган, 500 та уйни кураётган корхонамиз бу жойларда ҳам 5 қаватли, 7 қаватли уй-жойлар қуришни бошлайди. Бунинг учун ҳамма ҳисоб-китобимиз бор.

Келажакда тасдиқланадиган **Қишлоқ аҳоли пунктларида ичимлик суви тармоқларини кенгайтириш ва модернизация қилиш дастури** биз учун гоят долзарб бўлган муаммоларни ҳал этишга қаратилади.

Бу муаммолар асосан қуйидагилардан иборат: **биринчидан**, бутунги кунда мамлакатимиз аҳолисини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 67 фоизни ташкил этмоқда; **иккинчидан**, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида марказлашган ичимлик суви таъминотида муаммолар мавжуд.

Бу йўналишда ўтган даврда мамлакатимизда катта ишлар қилинганини албатта эътироф этиш зарур. Айни вақтда аҳолимиз сони ўсиб, охириги 25 йилда 10 миллионга кўпайди ва бугунги кунда 31 миллион 800 минг кишини ташкил этмоқда.

Шунинг учун нафақат янги оилалар ва маҳаллалар, балки ўнлаб янги-янги қишлоқ ва шаҳарчалар пайдо бўлаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, мавжуд вазият бу борада кечиктирмасдан, самарали чоралар кўришни талаб этмоқда.

Бугунги кунда аксарият жойларда одамларни кийнаб келаётган ана шу муаммони ечиш мақсадида келгуси беш йил давомида қарийб 9 минг километр ичимлик суви тармоқлари, 1 минг 400 та қудуқ ва 3 минг 600 та сув иншооти қурилади ва реконструкция қилинади.

Бу эса Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Самарқанд, Тошкент, Хоразм вилоятларида 3,2 миллион аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва мамлакатимизда ушбу кўрсаткични 67 фоиздан 84 фоизга етказиш имконини беради.

Шу мақсадда Молия вазирлиги ҳузурида «Тоза сув» махсус жамғармаси ташкил этилади.

Ушбу устувор вазифаларни амалга ошириш учун ҳозирги вақтда Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигини ташкил этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўриб чиқилмоқда.

Кафолатланган ва барқарор электр қуввати етказиб бериш мақсадида яна бир ҳужжат **Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг электр энергияси таъминотини яхшилаш дастури** ишлаб чиқилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз бўйича 67 фоиз паст кучланишли электр тармоқлари эскирган бўлиб, трансформатор пунктлари зўриқиб ишламоқда. Куз-киш мавсумида уларни алмаштириш бўйича бажарилаётган ишлар эса масалани тубдан ҳал этаётгани йўқ.

Беш йил давомида электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, 25 минг 300 километр паст кучланишли электр тармоқларини янгидан

қуриш ва реконструкция қилиш, 5 минг 600 та эскирган трансформатор подстанцияларини алмаштириш назарда тутиляпти.

Навбатдаги масала **транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш** билан боғлиқ.

Бугунги кунда аксарият қисми ачинарли аҳволга келиб қолган минтақавий ва маҳаллий аҳамиятга молик йўлларга ҳам эътибор қаратадиган вақт келди.

Баъзи бир рақамларга мурожаат қилсак. 75 минг километр ёки 64 фоиз ички йўлларимиз таъмирталаб аҳволда. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг бир қисми ҳеч қандай копламасиз, яъни, тупроқ йўллардир. Шунингдек, 9 минг 500 километр йўлларни реконструкция қилиш талаб этилмоқда.

Янги дастурда умумий фойдаланишдаги 1 минг 700 километрлик автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, аҳолимиз учун ўта муҳим бўлган 10 минг 400 километрлик хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, шаҳарлар, туман марказлари, кичик шаҳарчалар ва қишлоқ жойлардаги маҳалла кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш режалаштирилмоқда.

Биз ҳозир ана шу йўлларни балансга олиш ҳақида қарор тайёрляяпмиз. Йўл масаласи худди сувдек, ҳаводек жуда муҳим, у – иктисодиётимизнинг қон томири. Ушбу дастурни амалга ошириш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Йўл жамгармаси ва «Ўзавтойўл» компаниясининг ташкилий тузилмасини тубдан қайта кўриб чиқишнинг вақт-соати келди.

Мазкур дастурнинг мантикий давоми сифатида **Қишлоқлар ва шаҳарларда транспорт хизматини янада яхшилаш дастури** ҳам ишлаб чиқилади. Бу дастурга асосан 74 та автовокзал ва автостанция реконструкция қилинади ва йўловчиларга қулай шарт-шароитлар яратилиб, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилади. Янги 3 мингта автобус, 5 минг 700 та микроавтобус сотиб олинди, 300 дан ортиқ янги автобус йўналишлари очилади ва мавжуд йўналишлардаги эскирган автобуслар янгиланади.

Шу билан бирга, **ҳаво ва темир йўл инфра-тузилмасини ривожлантириш** мақсадида аввало Тошкент халқаро аэропортининг янги терминалини барпо этиш зарур.

Бухоро – Мискин темир йўл тармоғи қурилишини якунига етказиш ва электрлаштириш, Қарши – Термиз, Поп – Наманган – Андижон – Қўқон темир йўллариини электрлаштириш ишлари ҳам кўзда тутилмоқда.

Муҳтарам Юртбошимизнинг ўзлари қўлларига қалам олиб, Шаҳрисабзни реконструкция қилишнинг лойиҳасини тузган эдилар. Лекин битта армон бор – Ислом Абдуғаниевичга шуни кўрсата олмадик. Янги йилда албатта ўзим бориб очаман, деб айтган эдилар, афсуски, насиб қилмади. Лекин буни одамлар кутяпти ва шунинг учун Шаҳрисабзга Биринчи Президентимиздан яна бир тухфа сифатида тезюрар поезд йўлини Қаршидан Шаҳрисабзга етказишни режалаштиряпмиз. Ўйлайманки, шу ишни амалга оширсак, Юртбошимизнинг руҳларини шод қилган бўламиз.

Яна бир муҳим масала – Қаттиқ маиший чиқиндиларни санитария йўли билан тозалаш ва утилизация қилишни янада яхшилаш дастури. Албатта, мен ҳозир айтадиган бу масала маърузада бор-йўги ярим бет жойни эгаллаган. Лекин бу масалага ҳаётимизда кўп нарса боғлиқ.

Бу дастурнинг амалга оширилиши шаҳарларимиз ва кишлоқ аҳоли пунктларининг тозалиги ва гўзаллигини ошириш, атроф-муҳитни заҳарлайдиган ва аҳоли саломатлиги учун хавф туғдирадиган, ноқонуний пайдо бўлган 1,5 мингта чиқиндихонани йўқ қилиш имконини беради.

Айни вақтда маиший чиқиндилар учун, жумладан, барча вилоятлар марказларида ҳамда йирик шаҳарларда 168 та полигон барпо этилади. Чиқиндиларни тозалаш билан шуғулланадиган ташкилотлар қўшимча равишда 405 та замонавий махсус техника билан таъминланади.

Яна бир муҳим масала – кўмирнинг таннархи ва аҳолига сотиш нархини камайтириш, айниқса, киш пайтида унинг баҳоси ошишига ва чайқовчиликка йўл қўймаслик бўйича қўшимча чоратадбирлар кўрилмоқда.

Кўмир ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳажми, афсуски, мавжуд талабни тўлиқ қондириш имконини бермаяпти. Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз бўйича кўмир маҳсулоти етказиб бериш режаси 35 фоизга, аҳолини таъминлаш бўйича эса 17 фоизга бажарилган, холос. Шу сабабли аҳолига кўмир етказиб бериш тизимини такомиллаштириш, унинг нархи сунъий равишда ошиб кетишининг олдини

олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилади.

Бизнинг биринчи даражали вазифаларимиз қаторида ижтимоий соҳани янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши бўлган **мактабгача таълим-тарбия тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш** эътиборимиз марказида бўлади. Жумладан, давлатга қарашли 1 миллион 109 минг ўринли – тасаввур қилинглари, 1 миллион 109 минг ўринли 2 минг 200 та болалар боғчаси қурамыз. Капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш масалалари ҳал этилади. Ўйлайманки, бундан аёлларимиз, ёш оналаримиз ва умуман, аҳолимиз мамнун бўлади.

**Соғлиқни сақлаш соҳасини янада ислоҳ қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан ошириш мақсадида** яқин кунларда қишлоқ врачлик пунктлари, тез тиббий ёрдам станциялари бўйича 4 та қарор чиқарамиз.

Тез тиббий ёрдам станцияларининг иши бўйича аҳолининг эътирозлари жуда кўплиги ҳеч кимга сир эмас. Биз бу масалада амалий чоралар кўришни режалаштирганмиз.

Ихтисослашган тиббий марказлар фаолиятини янада яхшилаш ҳам долзарб вазифа бўлиб турибди. Мухтарам Юртбошимиз замонавий ихтисослашган марказлар қуриб берганлар. Дунёда бунинг намунаси йўқ. Лекин Тошкентда жойлашган бу марказнинг фаолияти туман ёки қишлоққа қандай етиб борапти? Биз мана шу тизимни ҳам бугунги кун талаблари



нуктаи назаридан қайта кўриб чиқишимиз зарур. Бу марказлар фақат Тошкент учун эмас, бутун Ўзбекистон учун ташкил қилинганини барчамиз онгли равишда тушуниб олишимиз зарур. Бу марказлардаги энг яхши тиббиёт мутахассислари фақат Тошкентда эмас, Бойсунда ҳам, Мўйноқда ҳам, Бўзда ҳам бўлиши керак. Бунинг учун тизимни такомиллаштириш лозим.

Кейинги масала – мухтарама аёлларимизга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилганини барчамиз яхши биламиз.

Жамиятимизда тинчлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб вояга етказишда беқиёс ўрин тутадиган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги нуфузини янада оширишимиз зарур. Улар учун муносиб шарт-шароитлар, янги иш ўринлари яратиш, опасингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш бундан кейин ҳам муҳим вазифа ҳисобланади.

Маълумки, хонадонларимизнинг файзу фариштаси бўлган нуроний отахон ва онахонларимизни эъзозлаш, уларни ҳаётдан рози қилиш, қўлимиздан келганича умрларини узайтириш асрлар давомида энг улуғ кадриятларимиздан бири бўлиб келмоқда. Чунки, мўътабар кексаларнинг насиҳатлари, дуолари билан ҳаётимиз файзли, юртимиз тинч ва обод, хонадонларимизда қут-барақа барқарор, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди. Доно халқимизнинг

«Қариси бор уйнинг париси бор» деган хикматли сўзларида чуқур маъно бор.

Ҳақиқатан ҳам, бизнинг мана шундай ёруғ кунларга етиб келишимиз учун ўзини аямасдан меҳнат қилган бундай табаррук инсонларга хизмат қилиш, дуосини олиш, улар учун муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш бўйича қўшимча чоратадбирлар кўришни биз ўзимизнинг эзгу ва савобли вазифамиз деб биламиз.

**Бу борада Ёши улуг инсонлар, ёлғиз кексалар ва имконияти чекланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш дастури тайёрланмоқда.**

«Нуроний» жамғармасининг мақоми ва мавқеини кўтариш, унинг туман, вилоят ва республика тузилмалари штат бирликларини кўпайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилади.

Масалан, вилоят микёсида «Нуроний» жамғармаси бор, лекин туман микёсида кексаларимизнинг муаммолари билан шуғулланадиган одамлар йўқ. Агар биз ота-оналаримизга ҳақиқий ёрдам бсрамиз, десак, уларни ҳаёт пайтида кадрлашимиз, эъозлашимиз керак. Мен шу гапларни юрагимдан айтман, эрталаб ишга кетишимизда, ортимиздан дуо қилиб қоладиган, кечкурун очик юз билан кутиб оладиган ота-оналаримиз, бобо ва момоларимизнинг бўлиши – бу ўзи қандай катта бахт. Шу масалада кўп одамда армон бор. Ҳаётимизда армон бўлмаслиги учун бу ишларни ҳозир қилишимиз керак. Шунинг учун биз мана шу «Нуроний» жамғармасига туман микёсида штат бирликлари бериб, уларнинг моддий-

техник базасини мустаҳкамлаш, умуман, шу борада йўналишни ўзгартиришни мўлжаллаяпмиз.

Маълумки, Ўзбекистон – улкан табиий захиралар, иқтисодий ва инсоний салоҳиятга бой мамлакат. Аммо Яратганнинг ўзи ато этган яна бир бебаҳо бойлигимиз борки, у ҳам бўлса, халқимизнинг бекиёс интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир.

Илм-фан намояндаларининг, таъбир жоиз бўлса, «иғна билан қудуқ қазийдиган» заҳматкаш олимларимизнинг машаққатли илмий изланишлари мамлакатимиз, унинг бугунги ва келгуси равнақи учун жуда катта аҳамиятга эга. Бу фидойи инсонлар учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш мақсадида биз бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Бугунги кунда дунёда инновацион ғоясиз, илм-фан ютуқларисиз биронта соҳанинг ривожланиши мумкин эмас. Шу маънода, заҳматкаш, фидойи олимларимиз – Худо берган одамлар, десак, хато бўлмайди. Уларни бошқалар билан тенг қилиш мумкин эмас. Бундай инсонлар мингтадан, миллионтадан битта туғилади. Уларни асраб-авайлашимиз, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Битта илм намояндасини етиштириш учун давлат, жамият 30 йил вақт сарфлайди. Олим бўлиш учун инсон умр бўйи ҳаракат қилади. Ўзим ҳам бу соҳада бирмунча вақт фаолият кўрсатганим учун буни жуда яхши тушунаман. Доктор бўлиш, академик бўлиш – бу энди Худо берган одамда бўлади. Мана, даврамизда академикларимиз ўтиришибди, мен ёшлигимдан академикни кўрсам, илмнинг одамани кўрсам, ниҳоятда ҳавасим келарди. Уларнинг муҳити бошқа,

уларнинг маданияти бошка. Бу ажойиб инсонлардан ўргансак, ёшларимизга уларни ибрат қилиб кўрсатсак, ўйлайманки, ҳеч қайсимиз кам бўлмаймиз.

Бугунги кунда **ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет тизимини** кенг ривожлантирмасдан туриб, мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, барқарор тараққиётга эришиш ҳақида сўз юритиш мумкин эмас.

Ҳаётимизнинг энг муҳим жабҳалари учун юксак технологиялар, илмий ишланмалар яратиш, малакали мутахассислар тайёрлаш, жаҳон ахборот технологиялари бозорида муносиб ўрин эгаллаш масаласига устувор аҳамиятга эга вазифа сифатида қарашимиз зарур.

Айни вақтда ахборот-коммуникация соҳасидаги охириги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларимизнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини оширишга, уларнинг китоб билан дўст бўлишига, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади, деб ўйлайман.

Албатта, компьютер, планшет – яхши. Невараларимиз, болаларимизга одамнинг ҳаваси келади. Бу нарсалар – замон талаби ҳозир. Лекин маданият ёшлиқдан, инсонни болалар боғчасида, мактабда китоб ўқишга ўргатишдан бошланади. Мана, даврамизда ўтирган иккита машҳур шоиримиз – Сирожиддин Саййид ва Иқбол Мирзони кўриб, мен жуда хурсанд бўлдим. Мана шу масалаларни амалга оширишда, халқимизнинг китобхонлигию маданиятини юксалтиришда сизлар яқиндан ёрдам бера-

сизлар, деб ишонаман. Бошқа давлатларда китобни телевизорда ўқитяпти. Масалан, Россияда Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романини ўқитди-ку, нимага биз ўқитмаймиз?

Мана, биз Сурхондарёда бўлганимизда Исо Термизий бобомизнинг макбарасини зиёрат қилдик. Ҳаммамиз биламиз, бу улуғ аллома пайгамбаримиз Муҳаммад алайхиссалом тўғрисида китоб ёзганлар. Имом Бухорий Термизийнинг устози бўлган экан. Устози вафот этганидан кейин тинимсиз йиглаб, кўзи кўр бўлиб, дунёдан ўтиб кетган. Устозга бўлган меҳр-муҳаббатнинг кучи бу. Исо Термизий ҳаёт пайтларида устози Имом Бухорий: «Сиз менинг шогирдим бўлсангиз ҳам мен сиздан кўп нарса ўрганганман, эзгуликка садоқат, меҳр-муҳаббат ва устозга бўлган ҳурматни Сиздан ўргандим», деб айтган эканлар.

Бу гаплар қаерда ёзилган? Буларнинг ҳаммаси китобда бор, лекин Интернетда йўқ-ку. Шу ўринда кўпдан буён кўнглимда бўлган бир гапни айтмоқчиман. Агар Термиз университетига бир бўлим очиб, унда ёшларимизга термизийларнинг меросини чуқур ўргатсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Аввало, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ва уларни кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор беришимиз муҳим аҳамият касб этади.

Ўзининг ноёб истеъдоди ва маҳоратини халқимиз маънавиятини юксалтиришга бағишлаган, инсон қалбининг муҳандислари бўлган ижодкор зиёлиларга

доимий ғамхўрлик масаласи бизнинг дастуримизда алоҳида ўрин эгаллайди.

Ижодий ташкилотлар, бадий уюшмалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базасини, инфратузилма тармоқларини мустаҳкамлаш ишларига эътибор янада кучайтирилади.

Ижодкор зиёлиларимизнинг энг яхши асарларини юртимизда ва чет элларда тарғиб этишни биз маънавий-маърифий соҳадаги сиёсатимизнинг муҳим бир қисми сифатида давом эттирамыз. Айниқса, маданият, санъат, адабиёт ва матбуот оламига кириб келаётган иқтидорли ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга, уларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади.

Юртимизда ўтказилаётган ижодий танлов ва фестивалларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, бадий асарлар учун тўланадиган қалам ҳақи миқдорини қайта кўриб чиқиш, ижодий ва интеллектуал мулк эгаларининг манфаатларини химоя қилиш муҳим масалалардан биридир.

Бундай эътибор ва амалий ғамхўрлик нафақат ижод аҳлига, айти пайтда, жонкуяр ўқитувчи ва домлаларга, тиббиёт ходимларига, ҳарбий хизматчиларимиз ва ҳуқуқ-тартибот қосбонларига, бир сўз билан айтганда, давлат бюджетидан маош оладиган барча фидоий юртдошларимизга тааллуқли эканини алоҳида таъкидлашни зарур деб биламан.

Ҳурматли съезд қатнашчилари!

Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касбуналарга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни

миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир.

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, бу нақадар жиддий масала экани янада яққол аён бўлади.

Шу ўринда фарзандларимизнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтириш билан боглик вазифаларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Авваламбор, «оммавий маданият» кўринишида кириб келаётган турли таҳдидлар, гиёҳвандлик, диний экстремизм, миссионерлик каби бало-қазолардан ёшларимизни асраш, уларнинг таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Бу борада биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз.

Ёшларимиз ўртасида ҳукукий маданият, соғлом турмуш тарзини, жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилишга қаратилган ишларнинг самарасини оширишни бугун даврнинг ўзи талаб этмоқда. Бу борадаги дастурларда белгиланган тадбирларнинг ижроси яқинда янгидан қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун нормалари асосида катъий давом эттирилади.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади. Биз кўплаб дастурларни қабул қилмоқдамиз, лекин уларни амалга оширадиган, ташаббускор ва ватанпарвар, юқори малакали кадрлар етарлими? Олий ўқув юртларида тайёрланаётган мутахассислар олдимизга қўйилган бундай улкан вазифаларни бажаришга

кодирми? Уларга таълим бераётган ўқитувчи ва профессорларнинг билим ва малакаси давр талабига жавоб берадими?

Минг афсус, бу саволларга жавоб бериш анча қийин ва оғир. Нега десангиз, мен ўзим ҳам олий таълим тизимида ишлаганман, бу соҳада нима бўлаётганини яхши биламан.

Биз бу йўналишдаги ишларимизни танқидий баҳолаган ҳолда, **2017–2021 йилларда олий ўқув юртлари тизимини янада ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқишимиз** ва уни ҳаётга татбиқ этишимиз керак бўлади. Мана, ҳозир мамлакатимизга жуда катта инновациялар, замонавий технологиялар келяпти. Хўш, бу корхоналарда ким ишлайди? Шундай қимматбаҳо ускуналарни бошқаришга кимни кўямиз? Бу технологияларни бошқаришни инглиз тилида ким ўрганади? Фақат олий ўқув юртларини тугатган ўзимизнинг мутахассисларимиз.

Шу билан бирга, «Камолот» ЁИХ фаолиятини бугунги куннинг ўткир талаблари нуктаи назаридан танқидий кўз билан қайта кўриб чиқишимиз лозим.

Аввало, «Камолот» ҳаракатининг ўзини мустаҳкамлаш, унинг мамлакатимиздаги барча ёшлар чин дилдан интиладиган ташкилотга, ортикча тадбирлар ўтказиш ва расмиятчилик кўринишларидан холи бўлган, ёшлар манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячисига айланишига эришиш зарур. Унинг жойлардаги тузилмалари фаолиятини, хусусан, шаҳар ва туманларда, узоқ кишлоқ ва маҳаллаларда уюшмаган – такрор айтаман, уюшмаган ёшлар ўртасида олиб борилаётган ишларни кучайтириш керак.



Келажакда ёшлар билан ишлаш масаласи ижтимоий сиёсатимизнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб, бу борада кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини амалга оширишни тақозо этади.

Агар биз ёшлар тарбияси билан, мухтарам Ислом Абдуғаниевич айтганларидек, мунтазам шуғулланиб, бу масалани жой-жойига қўймасак, эртага кеч бўлиши мумкин. Нега деганда, фарзандларимиз эртага бизга ё ташвиш олиб келади, ё манфаат олиб келади. Лекин биз болаларимизнинг ҳақиқий ватан-парвар бўлиши, эртага бизга елкадош, кўмакдош бўлиши учун қилаётган ишларимиз ҳали етарли эмас. Шунинг учун партияимизнинг «Ёшлар қаноти»ни мустаҳкамлаш масаласига бугунги гаплардан кейин каттароқ эътибор берсак, мақсадга мувофиқ бўларди. Биз шу масалада ташаббускор бўлишимиз керак.

Ҳурматли дўстлар!

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан ташқи сиёсат бўйича ишлаб чиқилган принцип ва ёндашувларга тўлиқ амал қилиш сайловолди дастуримизнинг муҳим таркибий қисмидир.

Ташқи сиёсатимизнинг асосини тинчликпарварлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этиш, барча хорижий давлатлар ва жаҳон ҳамжамияти билан амалий ҳамкорлик ташкил этади.

Мамлакатимиз ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмайди, бошқа давлатларнинг ҳарбий база ва объектлари Ўзбекистон ҳудудида жойлашишига,

шунингдек, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида бўлишига йўл қўйилмайди.

Биз ташқи сиёсатни амалга оширишда барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз.

Айнан шундай сиёсатни давом эттиришни бугунги кунда дунёда вужудга келаётган мураккаб вазиятнинг ўзи тақозо этмоқда.

Муҳтарам ватандошлар!

Азиз партиядошлар!

Биз ўтган даврда партиямизнинг сиёсий соҳада орттирган тажрибаси, унинг мамлакатимизда ўрта синф – мулкдорлар синфи деб ном олган янги ижтимоий қатламни шакллантириш йўлида амалга оширган кенг қўламли ишларини, халқимиз орзунтилишларининг ифодачиси сифатида олиб бораётган фаолиятини албатта муносиб баҳолаймиз.

Айни вақтда мамлакатимизда сиёсий партиялар ўртасида рақобат кучайиб бораётган ҳозирги босқичда Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг жамиятимиздаги нуфузи ва таъсирини ошириш, эл-юртимизнинг ҳар томонлама ишончини қозониш энг муҳим ва долзарб вазифага айланмоқда.

Айниқса, партиямизнинг «Ёшлар қаноти»ни янада кучайтириш, унинг азму шижоатли, ташаббускор йигит-қизларимизни ўз атрофида бирлаштиришга қаратилган фаолиятини жонлантиришимиз зарур.

Буюк соҳибкирон Амир Темур бобомиз биз – авлодларга қолдирган васиятида гоят муҳим бир

фикрга алоҳида урғу бериб, «Эл дардига дармон бўлмоқ – эзгу вазифангиздир», деб таъкидлагани албатта бежиз эмас.

Партиямиз ана шундай улуғ вазифани ўз зиммасига олишга интилар экан, бунга ҳар жиҳатдан муносиб бўлиши даркор.

Шу маънода, Бош вазирнинг яқинда ташкил этилган Виртуал қабулхонасига юртдошларимиздан кўплаб ҳақли мурожаатлар тушаётгани ва уларда кўтарилган кўпгина масалалар ўз ечимини топаётганини бугун алоҳида қайд этиш лозим.

Такрор бўлса-да, айтиш керакки, бу вақтинчалик эмас, балки доимий равишда ишлайдиган тизим сифатида ўз фаолиятини давом эттиради.

Мен ҳар куни ўз номимга электрон шаклда келиб тушаётган ҳар бир мурожаатни ўқиб, мутасаддиларга уларнинг ечими бўйича аниқ топшириқ бераман. Бу мурожаатларнинг орқасида қанча одамларнинг тақдири, ҳаёти, келажаги турибди.

Шунинг учун бир фикрни сизлар билан ўртоқлашмоқчиман: агар сизлар кўллаб-қувватласангиз, яқин кунларда ҳар бир туман ва шаҳарда, барча вилоятларда бундай қабулхоналарни ЎзЛиДеПнинг «Халқ қабулхоналари» сифатида ташкил этсак, қандай бўлади? Бу шунчаки расмийлик учун эмас. Балки одамларимизга шу тариқа ўзини давлат тизимида қатнашчи деб билиши учун шароит ва имконият яратиб беришимиз даркор.

Ҳеч шубҳасиз, бу ишларнинг тўғри йўлга қўйилиши партиямизнинг аҳоли ва сайловчилар ўртасидаги обрў-эътибори ошишига хизмат қилади. Энг асосийси,

бундан эл-юртимизга наф бўлади, халкимиз барчамиздан ва давлатдан рози бўлади.

Муҳтарам ватандошлар!

Азиз партиядошлар!

Биз сизлар билан биргаликда сайловолди дастуримизда давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ қилиш борасидаги энг муҳим мақсад ва устувор вазифаларни белгилаб олдик.

Улкан режаларимизни ҳаётга татбиқ этишда биз, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзолари, биринчи навбатда, барча юртдошларимиз, бутун халқимизнинг ақл-заковати ва бунёдкорлик салоҳиятига таянамиз.

Фақатгина халқимизнинг азму шижоати ва қудрати, букилмас иродаси ва қатъияти, энг муҳими, мустақил тараққиётга бўлган мустаҳкам ишончи буюк мақсадларимизга эришишнинг бирдан-бир кафолатидир.

Азиз юртдошлар!

Барчамиз учун Ватан битта!

Битта мақсад бизни бирлаштиради.

У ҳам бўлса, Ватан тараққиёти ва халқимиз фаровонлигидир.

Бетакрор юртимизга, олижаноб халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – барчамизнинг энг шарафли ва муқаддас бурчимиздир.

*Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати –  
Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг  
VIII съездидаги маъруза.*

*2016 йил 19 октябрь*

## ОНА ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, азизлар билан бугун мана шундай кўтаринки, самимий кайфиятда кўришиб турганимдан ғоят хурсандман. Барчангизга қалбимда, юрагимда бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Бугун биз қувончли бир воқеа муносабати билан тўпланиб турибмиз.

Ҳаммангизга маълум, мустақиллик йилларида юртимизда кўплаб яхши анъаналар пайдо бўлди. Ва улар эзгу одатга айланиб, халқимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин олди.

Сизлар билан бўлаётган бугунги учрашувимиз ҳам айна шундай анъаналарнинг давомидир. Бу гўзал маросимга Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, муҳтарам Ислом Абдуганиевич томонидан асос солинганини барчамиз яхши биламиз.

Азиз Юртбошимизнинг фармонларига биноан мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида юртдошларимизнинг катта бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

Бугун сиз, ҳурматли ватандошларимизга давлатимизнинг ана шу юксак фахрий унвонлари, орден ва

медалларини топширишни ўзим учун катта шараф деб биламан.

Айни пайтда шу кунларда жойларда давлат мукофотларини қабул қилиб олаётган барча ватандошларимизни ҳам самимий қутлайман.

Азиз дўстлар!

Маълумки, биз бугун юртимизда эркин ва озод, адолатли, инсонпарвар жамият барпо этмоқдамиз. Шу борада, аввало, одамларимизнинг ҳалол меҳнатига ҳурмат билан қараш, уларнинг кадр-қимматини муносиб баҳолашни биз ўзимизнинг бош мақсадимиз, деб биламиз.

Бугунги кунда жамиятимиз ҳаётида инсонга айнан мана шундай муносабат мустаҳкам қарор топди. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Ва бу ютуқлар жаҳон ҳам-жамиятининг ҳайрати ва ҳавасини уйғотмоқда.

Ана шундай ижобий ўзгаришлар асосида одамларимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури юксалмоқда. Уларнинг ҳаётга, меҳнатга муносабати тубдан ўзгармоқда. Ўз кучи ва имкониятларига, эртанги кунга бўлган ишончи мустаҳкамланмоқда.

Шу ўринда истиклол йилларида жами 29 минг 170 нафар юртдошимиз давлатимизнинг нуфузли мукофотлари билан тақдирланганини айтиш лозим.

Албатта, гап фақат мукофотларнинг сонидан эмас. Бу мукофотлар, аввало, она Ватанимизнинг равнақиға бекиёс ҳисса қўшиб келаётган минглаб юртдошларимизни муносиб тақдирлашға хизмат қилаётгани билан ғоят аҳамиятлидир.

Ана шундай мухтарам инсонлар орасида Ўзбекистоннинг саховатли заминида яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг борлиги ҳаммамизни кувонтиради.

Бугунги хурсандчилик кунда омилкор деҳқон ва фермерларимизга, саноат корхоналари ва қурилиш майдонларида тер тўкиб ишлаётган ишчи-муҳандисларимизга, тинчлигимиз посбони бўлган жасур ҳарбийларимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди.

Ватанимизнинг энг олий мукофоти – «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган фидойи муаллима Муҳаббат Шароповани, моҳир темир йўл қурувчиси Эркин Уматовни, уста деҳқон, фермер Шарипбой Ражабовни, машҳур шифокор Равшанбек Қурбоновни барчамиз чин қалбдан муборақбод этамиз.

Давлат ва жамоат ишларидаги кўп йиллик меҳнати билан эл-юртимиз ўртасида катта обрў қозонган Миллий олимпия қўмитаси президенти, ҳурматли сенаторимиз Мираброр Зуфарович Усмоновни юксак мукофот билан қутлаб, у кишига сиҳат-саломатлик, узок умр, янги ютуқлар тилаймиз.

Мамлакатимиз, айниқса, пойтахтимиз зиёлилари ўртасида машҳур бўлган моҳир шифокор, академик Турғунпўлат Обидович Даминовнинг тиббиёт ва муносиб шогирдлар тайёрлаш йўлидаги улкан хизматларини барчамиз юксак баҳолаймиз.

Бутун умрини буюк Алишер Навоий бобомиз ижодини ўрганишга бағишлаб келаётган мухтарам

домламиз – Самарқанд давлат университети профессори Муслиҳиддин Муҳиддиновга эзгу тилакларимизни изҳор этамиз.

Гўзал инсоний туйғулар куйчиси, Ўзбекистон халқ шоири Энахон Сиддиқованинг дилбар шеърлари барчамизнинг кўнглимиздан чуқур жой олган, десак, айти ҳақиқат бўлади.

Шулар қаторида таниқли ижодкор Гулистон Аннақиличева, театр санъатининг фидойилари Эркин Комилов, Гавҳар Зокирова, Ўзбекистон рус маданий марказининг фаол аъзоси Елена Шавердова, шунингдек, Станислав Югай, Гулбаҳор Аймуратова сингари ўнлаб, юзлаб юртдошларимизнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Мана шу қувончли айёмда Бразилияда бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида Ватанимиз байроғини баланд кўтарган Фазлиддин Ғойибназаров, Руслан Нуриддинов, Шахрам Ғиёсов, Ҳасанбой Дўстматов, Шаҳобиддин Зоиров, Бектемир Мелиқўзиёв, Муроджон Аҳмадалиев, Элмурат Тасмурадов каби мард ўғлонларимизга яна ва яна бир бор раҳмат айтсак, албатта, ўринли бўлади.

Ҳаммамизнинг тилагимиз, истагимиз битта: сизлар мана шундай юксак галабаларни қўлга киритишдан ҳеч қачон чарчаманг. Биз эса сизларга давлатимизнинг мана шундай мукофотларини топширишдан чарчамайлик.

Ҳурматли дўстлар!

Энди руҳсатингиз билан сизларга ана шу юксак унвон, орден ва медалларни топширишга ўтсак.



Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Бугун сизларнинг кўксингизда ярақлаб турган мана шу орден ва медаллар барчангизга буюрсин, сизларни янги марраларга чорласин.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни Конституциямизнинг 24 йиллик байрами билан яна бир бор самимий табриклайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг! Оилавий фаровонлик, бахт-саодат сизларга доим ёр бўлсин!

*Бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топшириш маросимидаги нутқ.  
2016 йил 7 декабрь*

## **ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ГАРОВИ**

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Ватанимиз ҳаётидаги қутлуғ сана – Конституция-миз қабул қилинган кунни нишонлаш арафасида гўзал ва муҳташам «Ўзбекистон» анжуманлар саройида сизлар билан учрашиб турганимдан гоят мамнунман.

Барчангизга, бутун халқимизга ўзимнинг чексиз ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

1992 йил 8 декабрда мустақил Ўзбекистонимиз Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлди.

Конституциянинг яратилиши ва ҳаётимизга татбиқ этилишида замонамизнинг буюк давлат арбоби, улуғ йўлбошчимиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хизмати беқиёс эканини барчамиз яхши биламиз.

Халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ва бутун ҳаётини тубдан ўзгартирган ушбу муҳим

сиёсий ҳужжатни ишлаб чиқишда Ислом Абдуганиевичнинг концептуал аҳамиятга эга, теран фикрлари мустаҳкам замин бўлди.

Олий Кенгаш депутати сифатида мен ҳам Конституциявий комиссия таркибида Бош қомусимизни яратиш ва қабул қилиш жараёнида бевосита иштирок этганимни доимо фахрланиб эслайман. Конституциямизнинг қандай қилиб ҳозирги мазмун ва шаклга келгани, бу мураккаб жараёнда кечган қизгин тортишув ва баҳс-мунозаралар бугунгидек ёдимда.

Ҳақиқатан ҳам, 90-йиллардаги ўта огир даврда Асосий қонунимиз лойиҳасини ишлаб чиқишда Ислом Абдуганиевичдек кенг миқёсда, стратегик фикрлайдиган, узоқни кўра оладиган буюк сиёсий арбобнинг бу ишга раҳбарлик қилгани ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Ёш давлатимиз эндигина оёққа туриб келаётган қалтис ва нозик бир вазиятда турли тор манфаатлар, маҳаллийчилик, сепаратизм ва миллатчилик каби салбий ҳолатларга мутлақо йўл қўйиб бўлмасди.

Асосий қонунимизда умумэътироф этилган демократик принциплар билан бирга, халқимизнинг бебаҳо кадриятлари ва бой давлатчилик тажрибасини ифодалаш муҳим эди.

Айнан Биринчи Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Конституциямизда **«Инсон ва унинг кадр-қиммати»** деган улуғ тушунча марказий ўринга қўйилди.

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич Конституция-мизнинг лойиҳаси бўйича 1992 йил 8 декабрда,

Олий Кенгашнинг тарихий сессиясида сўзлаган нуткида куйидаги фикрни алоҳида таъкидлаган эдилар: «Биз сўнгги етмиш йил мобайнида давлатга қарамлик ва сиғиниш ҳолатида яшадик. Мамлакатнинг, ундаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат, деб ҳисоблаб келдик. Ана шу масалада ҳам Конституцияда туб бурилиш ясалган.

Яъни, Асосий қонунимизга «давлат, унинг идоралари ва мансабдор шахслари жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», деган модда киритилган.

Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан қафолатланади».

Биринчи Президентимизнинг ана шу фикрлари у кишининг давлат, жамият ва инсон ҳаёти билан боғлиқ ҳар бир масалага нақадар теран ёндашганидан, шу асосда Конституциямизда энг мураккаб саволларга ҳам жавоб топиш мумкин эканидан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда, Ислом Каримовни ҳақли равишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муаллифи, деб эътироф этиш учун барча асосларга эгамиз.

Қадрли дўстлар!

Мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари

ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иктисодиётни куриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Асосий қонунимиз фуқаролик жамиятининг таркибий қисми бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва сиёсий партияларнинг шаклланиши, уларнинг эркин фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратди, сайлов тизимининг асосий тамойил ва қоидаларини мустаҳкамлади.

Бош қонунимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатлар талабларига тўла мос ҳолда, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иктисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаб берди. Инсоннинг маънавий қамол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Ўтган давр мобайнида Конституциямизда муҳраб кўйилган тамойил ва қоидалар негизида юртимизда миллий қонунчилик тизими барпо этилди. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти юксалишига, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилган самарали ислохотларга асос бўлди.

Фуқароларимиз ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишда ҳам Конституциянинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Куни кеча мамлакатимизда бўлиб ўтган муҳим сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президенти

денти сайловида халкимизнинг фаол иштироки эса бунинг яққол далилидир.

Азиз дўстлар, биз бу сайловни Биринчи Президентимиз Ислом Абдуганиевич Каримовнинг сиёсий меросига ва у киши ўзининг чексиз меҳрини берган халкимизга муносиб тарзда ўтказдик.

Сайлов сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат ва кураш, президентликка номзодларнинг сайловолди дастурларини эркин муҳокама қилиш шароитида ҳамда демократик принципларга тўлиқ мос келадиган ошкоралик ва очиклик руҳида ўтганини мамнуният билан қайд этамиз.

Сайловни мана шундай юқори савияда ташкил этган Марказий сайлов комиссиясига, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларига, уларга кўмак берган барча фуқаролик жамияти институтларига, сиёсий партиялар фаолларига самимий ташаккур билдиришга ижозат бергайсиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сайлов жараёнида 5 та халқаро ташкилот ҳамда 46 та давлатдан 600 нафарга яқин кузатувчи иштирок этди. Жумладан, илк бор Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг 32 та мамлакатга мансуб 200 нафарга яқин таркибдаги тўлақонли миссияси кузатувчилари қатнашдилар.

Халқаро кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларга юксак баҳо бердилар. Барча сайлов участкаларида сайловчиларга қулай шароитлар яратилганини, айниқса,

жисмоний имконияти чекланган фуқаролар, турли миллат вакиллари учун сайлов ҳуқуқини амалга ошириш имконияти юқори даражада ташкил қилинганини эътироф этдилар.

Барча чет эллик кузатувчилар томонидан сайлов тенглик ва адолат принциплари асосида, очиқ ва ошкора ўтгани бир овоздан тан олингани ҳаммамизга мамнуният багишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистондаги демократик ўзгаришларга катта эътибор бериб, сайлов жараёнида иштирок этган барча халқаро кузатувчиларга, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимларига ташаккур изҳор этамиз.

Азиз ватандошлар!

Мана шу юксак минбардан туриб, аввало, бўлиб ўтган сайловда менга юксак ишонч билдириб, мен учун овоз берган барча сайловчиларга, нуроний отахон ва онахонларимизга, муҳтарама опа-сингилларимизга, навқирон ёшларимизга, кўп миллатли бутун халқимизга ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни билдириб, таъзим қиламан.

Халқимиз ўзининг хоҳиш-иродаси билан мени мана шундай юксак лавозимга муносиб кўрганини ўзим учун олий шараф деб биламан. Сизларнинг менга билдирган юксак ишончингизни оқлаш учун бор куч ва салоҳиятим, билим ва тажрибамни, бутун борлигимни сафарбар этаман.

Қадрли дўстлар!

Конституциямизда белгиланган қонун устуворлиги принципи жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва

эркинликларини таъминлаш, барча ислохотларни самарали амалга оширишнинг муҳим кафолатидир.

Ўтган даврда қабул қилинган 400 га яқин яхлит қонунлар ҳаётимизнинг барча соҳаларини ҳуқуқий тартибга солиш билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Айни вақтда қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларига эга экани ҳақида сўз юритганда, бу борада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини таъкидлаш зарур.

Афсуски, ҳозирги кунда қонунларнинг ислохотлар самарасига таъсири етарлича сезилмаяпти. Уларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги роли пастлигича қолмоқда.

Бу ҳолат фуқароларимиз, тадбиркорлар, қолаверса, чет эл инвесторларининг мамлакатимиз қонунчилик тизимига ишончсизлигини келтириб чиқариши мумкинлигини унутмаслигимиз керак.

Аминманки, ҳурматли Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари бу масалага жиддий эътибор қаратадилар.

Бу борадаги ишларни ташкил этишда авваламбор қонун лойиҳаларини пухта ва ижтимоий муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга соладиган даражада ишлаб чиқиш, айниқса, идоравий ҳужжатларни кескин қисқартириш зарур, деб ҳисоблайман.

Шу ўринда ҳукуматнинг парламент билан қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил соҳасидаги ҳамкорлигини янада самарали ташкил қилиш мақ-



садида **Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлисида доимий асосда фаолият кўрсатадиган вакили лавозимини таъсис этиш мақсадга мувофиқ бўлади.**

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, қонунларни қабул қилиш – бу ишнинг бир қисми, холос.

Асосий масала – қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир.

Афсуски, мазкур йўналишдаги ишлар талаб даражасида эмас. Бунинг оқибатида охириги уч йилда давлат органларининг 157 та қарори ўз кучини йўқотган қонунлар асосида чиқарилган.

Энди ўйлаб кўрайлик, қонунчиликка киритилаётган янгиликлар ўз вақтида жойларга, айниқса, ижрочиларга етказилмайдиган бўлса, уларнинг бажарилиши ҳақида нима дейиш мумкин?

Бу муаммони самарали ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли – қонунлар ижросини ташкил этиш бўйича соатдек аниқ ишлайдиган механизм яратишдир.

Қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказишда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида битта-иккита мақола ёки кўрсатув билан чекланиш мумкин эмас. Қабул қилинган қонунлар атрофлича муҳокама қилинадиган, юртдошларимизнинг уларга муносабатини ифода этадиган таҳлилий материаллар, кўрсатув ва эшиттиришлар, афсуски, жуда кам.

Янги қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорларнинг асосий маъносини аҳолига етказиш бўйича самарали механизм яратиш керак.

Ҳозирги кунда Адлия вазирлигининг бу борадаги фаолиятини талаб даражасида деб бўлмайди. Шу муносабат билан ушбу вазирлик ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятини танқидий кўриб чиқиш зарур.

Адлия вазирлиги мутасадди идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунларнинг маъно-мазмунини жойларга етказиш, уларни кенг тарғиб қилишга қаратилган аниқ таклифларни ишлаб чиқиши лозим.

Иккинчидан, қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Айнан шу нуқтаи назардан қараганда, 20 йил аввал бу борада қабул қилинган Миллий дастурни янгидан ишлаб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Парламентимиз жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича янги Миллий дастурни яратишда бош-қош бўлиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

**Ҳурматли анжуман иштирокчилари!**

Конституциямизда олий кадрият сифатида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади. Бунинг учун **суд ҳокимиятининг чинакам**

**мустақиллигига эришиш** нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини албатта барчамиз яхши тушунамиз.

Бу борада 2017 йил 21 октябрда қабул қилинган «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармон ижросини таъминлаш биринчи даражали вазифамиздир.

Хусусан, судьяларнинг ваколат муддатини узайтириш, суд ишларида адолатли қарорлар қабул қилишга қодир бўлган, юксак малакали суд ходимлари корпусини шакллантиришимиз лозим.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг муҳим кафолатидир.

Судларда ишларни кўриш сифатини ошириш, айниқса, фуқаролик ишларида овора бўлиб юришларнинг олдини олиш, айнан бир инстанция судида ишни бир неча маротаба кўриб турли қарорлар қабул қилиш амалиётига чек қўйиш вақти келди.

Қонунчилигимизда адвокатларнинг самарали фаолият юритиши учун барча асослар яратилган. Лекин, афсуски, адвокатура ҳанузгача фуқаролар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш институтига айлангани йўқ.

Шу боисдан ҳам суд-ҳуқуқ соҳасида адвокатуранинг ўрни ва ролини янада ошириш, унинг

ваколатларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишимиз керак.

Биз «Адолат – қонун устуворлигида» деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга хурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттираммиз.

Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самараси ва масъулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида очиклик ва ошкораликни таъминлаш учун биз фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан самарали ҳамкорликни кенг йўлга қўямиз.

Айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзлари томонидан қонунни бузиш билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатга принципал баҳо берилди ва қатъий чора кўрилади. Бунга ҳеч кимда шубҳа бўлмаслиги керак.

Жамият ривожига ғов бўлаётган яна бир иллат – бу коррупция балосидир. Бундай хатарга қарши курашиш мақсадида яқинда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунни тезроқ амалиётга жорий этиш чора-тадбирларини кўришимиз лозим.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, инсон ҳуқук ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга, халқимизнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Муҳтарам юртдошлар!**

Сизларга яхши маълумки, 2016 йил Биринчи Президентимиз ташаббуси билан «**Соғлом она ва бола йили**» деб эълон қилинган эди.

Бу борада Давлат дастури тасдиқланиб, кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Бу ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш йўлидаги ишларимизни изчил давом эттириб, янада юксак босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Биринчи навбатда, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, барқарор ривожланаётган давлатнинг негизи бўлган оила институтини мустаҳкамлаш мақсадида қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база янада кучайтирилди.

Хусусан, жорий йилда қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонун ушбу соҳанинг асосий йўналишлари бўлган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларни аниқ белгилаб берди.

Соғлом болани вояга етказишнинг муҳим шарти бўлган репродуктив саломатликни яхшилаш, туғма нуқсон ва хасталиклар билан тугилишларнинг олдини олиш, тиббиёт масканларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш учун тизимли ишлар амалга оширилди.

Бу ҳақда кўп гапириш мумкин, лекин мен фақатгина баъзи бир мисолларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Мамлакатимиздаги тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун жорий йилда 80 миллион доллар қийматидаги кредит ва грант маблағлари йўналтирилди.

Дастурда белгиланган тадбирлар бўйича 9 миллионга яқин фарзанд кўриш ёшидаги аёллар ва 10 миллионга яқин болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғломлаштирилди.

Жумладан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида эшитиш бўйича нуқсонли бўлган 350 дан ортиқ болада кохлеар имплантация операциялари амалга оширилди. Бунинг учун 21 миллиард сўм маблағ сарфланди. Лекин биз учун қанча маблағ кетгани эмас, балки юзлаб болаларимизнинг саломатлиги тиклангани муҳимдир.

Ана шундай ишлар қаторида 700 минг нафар бола пневмококк инфекцияси ва бошқа юқумли касалликларга қарши эмланди.

Дастур доирасида аёлларимиз учун зарур шароитлар яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этиш борасида ҳам катта ишлар қилинди.

Айни вақтда хорижий сармоялар иштирокида қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш, туман ва шаҳарлардаги сув тармоқ-

ларини модернизация қилиш мақсадида 100 миллион доллар маблағ жалб этилди.

Юртимизда болалар спортини ривожлантириш, айниқса, киз болалар ўртасида спортни оммалаштириш борасидаги ишларнинг давоми сифатида умумтаълим мактабларида 220 дан зиёд спорт заллари барпо этилди.

Ёш оилалар, тадбиркор аёллар, коллеж битирувчилари, оилавий бизнес ва хунармандликни қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан йил давомида 2 триллион сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди.

Албатта, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширган ишларимиз ҳақида яна узоқ гапириш мумкин. Лекин, мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, ана шу мақсадлар учун барча манбалар ҳисобидан 7 триллион 480 миллиард сўм ва 190 миллион доллардан зиёд маблағ сарфланди.

Шунинг ўзи, ўйлайманки, бу борадаги фаолиятимизнинг кўлами ва миқёси нақадар улкан эканидан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, шу йўлда фидокорона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларига, бу олижаноб ишга ҳисса қўшган барча ватандошларимизга чин қалбдан миннатдорлик билдирамыз.

Бугун мана шу залда ўтирган, бу масалада ўзининг ёрдам ва кўмагини аямаган халқаро ташкилотлар вакилларига, хорижий давлатларнинг мухтарам элчиларига, келинлар, ҳаммамиз биргаликда

самимий ташаккур ва эзгу тилаklarимизни билдирайлик.

Азиз юртдошлар!

Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад – **инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш** масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса, аввало, одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак.

Яқинда бўлиб ўтган сайловолди учрашувларида мен бир нарсага амин бўлдим. Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очик ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охириги ўринга тушиб қолди.

Ҳозирги вақтда одамлар давлат идораларидан нимани истаяпти? Бу ҳақда гапирганда, эътиборингизни муҳим бир масалага қаратмоқчиман.

Хабарингиз бор, шу йил 25 сентябрда Бош вазирнинг Интернет тармоғида электрон қабулхонаси ташкил этилган эди. Ўтган даврда ушбу қабулхонага фуқароларимиздан 218 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушди. Мурожаатларнинг қарийб 59 фоизи ечимини топган бўлса, 41 фоизи кўриб чиқилмоқда.

Очик айтишим керак, бу мурожаатлар таҳлилидан кўп нарса аён бўлди. Таъбир жоиз бўлса, улар ҳаётимизда мавжуд бўлган ўткир муаммоларга кўзимизни очиб берди.



Мана, одамлар нималар ҳақида мурожаат қилмоқда. Аввало, улар турли соҳалардаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, қонунга зид бўлган кўплаб идоравий йўриқномаларни бекор қилиш, ставкаси оптимал бўлган банк кредитлари ажратиш, тадбиркорлик бўйича ноқонуний текширишларга барҳам бериш, ҳуқуқ-тартибот идораларининг фаолияти ҳақида мурожаат қилмоқда.

Шу билан бирга, аҳолимиздан уй-жой қурилиши, коммунал, транспорт ва савдо хизмати, энергия таъминотини, йўлларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича ҳам кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда.

Кўриб турибсизки, азиз дўстлар, бу талабларнинг барчаси қонуний ва адолатли. Бу борада ортиқча изохнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Лекин шу ўринда бир савол туғилади: мана шу мурожаатларда кўтарилган ҳаётий муаммоларни жойлардаги ҳокимлик ва идоралар, тегишли мутасаддилар ўз вақтида ҳал этиши зарур эмасми? Ҳолбуки, бу масалада алоҳида қонун, яъни, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган. Лекин, минг афсуски, бу қонуннинг ижросини назорат қилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Шу сабабли ана шу қонун талабларини бажармаётган раҳбар ва мансабдор шахсларни нафақат маъмурий, балки жиноий жавобгарликка тортиш зарур, деб ҳисоблайман.

**Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак** ва бу ҳақиқатни аввало барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур.

Шу муносабат билан 2016 йил 5 октябрда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон талабларига сўзсиз амал қилишни таъминлаш шарт. Нега деганда, халқ бой бўлса, давлат ҳам албатта бой ва қудратли бўлади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари тушунчалари ўзаро шунчалик боғланиб кетганки, уларни бир-биридан асло ажратиб бўлмайди.

Ана шу заруратдан келиб чиққан ҳолда, барча конун ҳужжатларида халқ билан мулоқот тизими ҳақидаги нормаларни аниқ белгилаб қўйиш лозим, деб ҳисоблайман.

Ана шу фикр-мулоҳазаларнинг барчасини ҳисобга олиб, кириб келаётган 2017 йилни юртимизда **«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»** деб эълон қилишни таклиф этаман.

Энди, ижозатингиз билан, бу борадаги энг долзарб ва устувор вазифаларга атрофлича тўхталиб ўтсам.

Аввало, «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»нинг асосий мақсад ва вазифаларидан

келиб чиққан ҳолда, давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари юзасидан ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Бу борада аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усулларини жорий этишимиз даркор.

Биз аҳоли энг кўп мурожаат қиладиган давлат идоралари фаолиятида одамлар билан ишлаш бўйича сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимга ўтиш ҳақида ўйлаяпмиз. Хусусан, 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилади.

Шу билан бирга, ҳар бир туман ва шаҳарда «Халқ қабулхоналари»ни ташкил этиш ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлашимиз зарур.

Айтиш керакки, бундай қабулхоналар сиёсий партиялар, жумладан, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси тизимида фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқдир. Чунки сиёсий партия фуқароларнинг мақсад ва манфаатларини рўёбга чиқарадиган куч сифатида одамлар ҳаётидаги муаммолардан доимо хабардор бўлиши керак.

Айни вақтда бу қабулхоналарнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ваколат ва мажбуриятларини ҳам аниқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг асосий мақсадимиз – «Халқ қабулхоналари»га қилинган ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайдиган тизим яратишдан иборат.

Мухтасар айтганда, одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очик мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш – аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустақкамлашга хизмат қилади.

Шу мақсадда аҳолига кундалик ва энг зарур бўлган давлат хизматларини «ягона дарча» принципи бўйича бир идора орқали кўрсатиш тизимини такомиллаштиришимиз керак.

Бундан ташқари, ҳар бир ҳудуддаги вазиятни, аввало, фармон ва қарорлар ижросини, уларнинг самарадорлигини доимий равишда ўрганиб, бу борада давлат органлари масъулиятини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқадиган тизимни шакллантиришимиз лозим.

Фурсатдан фойдаланиб, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси раҳбарияти, депутатлар ва сенаторларга бир таклиф билан мурожаат қилмоқчиман. Яъни, парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг хисоботини халқ депутатлари Кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартибини жорий этишни ҳаётнинг ўзи такозо қилмоқда.

Ҳар қайси вилоятдан, масалан, Сурхондарёдан сайланган Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда, айтайлик, Музработ туманида бўлиб, ўзлари сайланган ҳудуддаги ижроия ҳокимият органи, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг фаолиятини ўрганиб,

тахлил қилиши ва тегишли хулоса бериши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Маълумки, ҳозирги кунда Олий Мажлисимиз Сенати томонидан ҳар йили Бош прокуратуранинг ҳисоботи эшитилади. Бу албатта муҳим, лекин жойлардаги, масалан, узоқ Олот туманида маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура ва ички ишлар бўлимларининг ҳисоботини ким эшитади?

Шу нуқтаи назардан қараганда, Биринчи Президентимиз жорий этган тизим асосида ҳурматли Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси жойларга чиққанларида маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларидан улар ўз зиммасидаги вазифаларни қай даражада ижро этаётганига, аҳолини ўйлантираётган муаммоларни, уларнинг мурожаатларини қандай ҳал қилаётганига алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Бу борадаги ишларни ташкил этишда парламент сўрови, тегишли давлат идоралари раҳбарлари ахборотларини эшитиш каби ваколатлардан кенг фойдаланиш керак.

Ўтказилган барча ўрганишлар натижаларини умумлаштириб, ҳар йили бир марта ички ишлар вазирининг энг аввало профилактика соҳасидаги фаолияти юзасидан ҳисоботини Сенатда эшитиш амалиётини жорий этиш ҳам тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Шу мақсадда Олий Мажлис 2017 йилдан бошлаб ҳар қайси вилоят бўйича бир йилга мўлжалланган иш режасини белгилаб олиши ўринли бўларди.

Келгусида биз маҳаллий ҳокимларни бевосита халқ томонидан сайлаш масаласи ҳақида ҳам ўйлаб, муҳокама қилиб кўришимиз керак. Ҳар бир ҳудуд ўз раҳбарини ўзи сайласа, раҳбарларнинг халқ ва жамият олдигаги масъулиятини кескин оширишга эришиш мумкин.

**Ҳозиргина баён қилинган устувор вазифалар давлат бошқаруви тизимини бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиқиб, янада такомиллаштиришни тақозо этади.**

Бу борада 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида маъмурий бошқарув соҳасидаги ислохотлар концепциясини қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

Ушбу концепцияга мувофиқ, давлат бошқаруви органлари тузилмасини, вазифа ва ваколатларини оптималлаштириш, уларнинг ўзига хос бўлмаган, такрорланадиган функцияларини ҳамда ходимлар умумий сонини қисқартириш, шунингдек, давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ролини кескин камайтириш бўйича аниқ тадбирлар амалга оширилади.

Президент девони ва Вазирлар Маҳкамаси ижро аппарати фаолиятини такомиллаштиришга, қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорлар самарали амалга оширилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Шу билан бирга, давлат хизмати институтини ислох этиш, давлат хизматчиларининг моддий ва ижтимоий таъминоти, уларнинг касбий тайёргарлигини тубдан такомиллаштириш, бу соҳага

янгича фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, ватанпарвар кадрларни жалб этиш бўйича самарали тизим яратилади.

Ана шу масалаларнинг барчаси яқинда ишлаб чиқиладиган «Давлат хизмати тўгрисида»ги қонунда ўз ифодасини топади.

Ҳурматли дўстлар!

Инсон манфаатларини таъминлашда иқтисодиёти-мизнинг юксак суръатлар билан барқарор ривожланиши қандай катта аҳамиятга эга эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Самарали меҳнат учун зарур шароитлар, муносиб иш ҳақи, замонавий уй-жойлар, сифатли таълим ва тиббий ёрдам, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш – буларнинг барчаси иқтисодий соҳадаги ислохотларимиз моҳияти ва мазмунини белгилаб берадиган муҳим омиллардир.

Шу борада нафақат энг кам ойлик иш ҳақини, балки бюджет ташкилотларида ҳам, хўжалик юри-тувчи субъектларда ҳам ўртача иш ҳақи миқдорини, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳаж-мини босқичма-босқич кўпайтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Аҳолини иш билан таъминлаш биз учун нафақат иқтисодий, айти пайтда катта ижтимоий аҳамиятга эгадир. Ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар, иш берувчи ташкилотлар билан бир қаторда банк муассасалари ҳам бу ишга янада фаол жалб этилиши керак.

Аҳоли бандлигини ҳал этишда туризмни ривожлантириш бўйича катта имкониятларни ҳам ишга солишимиз лозим.

Шу мақсадда яқинда ташкил этилган Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ўз маблағларини ва хорижий сармояларни халқаро стандартларга мос келадиган инфратузилмаларни ривожлантиришга йўналтириши зарур.

Мамлакатимизда инвестиция сиёсатини кучайтириш масаласига биз алоҳида устувор аҳамият қаратамиз.

Хорижий сармояларни ва илгор технологияларни иқтисодиётга жалб этиш учун чет эллардаги дипломатик ваколатхоналаримиз жиддий иш олиб бориши лозим.

Бунинг учун Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини кучайтириш, чет мамлакатлардаги элчиларимиз нафақат сиёсий, айти вақтда юртимизга инвестицияларни жалб қилиш масалалари билан ҳам фаол шуғулланишлари даркор. Уларнинг бу борадаги фаолиятини назорат қилиш учун Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг фаолият соҳаси ва ваколатларини кенгайтириш зарур, деб ҳисоблайман.

Бу қўмита халқаро иқтисодий ҳамкорлик, чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш масалалари бўйича парламент назоратининг муҳим бўғинига айланиши лозим.

Қўмита мамлакатимизга инвестициялар жалб қилиш борасидаги ишларнинг самарадорлиги, бу соҳадаги муаммолар, тўсиқ ва ғовларни бартараф



этиш, инвестициявий муҳитни яхшилаш бўйича тегишли идораларнинг масъулиятини ошириш чораларини кўриши мақсадга мувофиқ бўлади.

Инсон манфаатларини таъминлаш яна бир муҳим масала – аҳолимизнинг ярмидан кўпи яшайдиган қишлоқ жойларда ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш билан бевосита боғлиқдир. Шу сабабли биз бундан буён ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштиришга, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга, илгор технологияларни жорий этишга асосий эътиборни қаратамиз. Шу билан бирга, хомашёни, энг аввало пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича аниқ режалар белгиланмоқда.

Яна бир устувор вазифа – янги 2017 йилдан бошлаб қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон ва қулай уй-жойлар қуриш дастурини амалга оширишга киришамиз.

Азиз дўстлар!

Барчамизга аёнки, юртимиздаги ҳар қайси инсон, ҳар қайси оиланинг энг эзгу орзу-мақсадлари, ҳаётий манфаатлари авваламбор унинг фарзандлари тимсолида намоён бўлади, рўёбга чиқади. Албатта, бу борада юртимизда улкан ишлар қилинмоқда ва улар амалда ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Бу ҳақда гапирганда, барчамизга чексиз гурур ва ифтихор бағишлайдиган бир мисолни айтиб ўтмоқчиман. Жорий йилда Бразилияда ўтказилган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида спортчи-

ларимиз 44 та медаль, жумладан, 12 та олтин медални кўлга киритгани мамлакатимиз ҳаётида тарихий воқеа бўлди.

Фурсатдан фойдаланиб, халқаро майдонларда юртимиз байроғини баланд кўтариб келаётган спортчи ёшларимизга, уларнинг ота-оналари ва устоз-мураббийларига чуқур миннатдорлик билдираман.

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» дастуридан ёшларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш масаласи алоҳида ўрин эгаллаши табиийдир.

Бу борада фарзандларимиз учун зарур шароитлар яратиш, янги-янги таълим-тарбия, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш, ёш оилалар учун уй-жойлар қуриш, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш бўйича бошлаган ишларимизни янги, юксак босқичга кўтарамиз.

Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз.

Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини жуда-жуда истардим. Мана, улуғ аждодимиз нима деб ёзганлар: **«Халқининг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб**

хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, зътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ».

Қаранг, қандай бебаҳо, олтинга тенг сўзлар!

Бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, «оммавий маданият» деган турли балоқазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу сўзларнинг чуқур маъноси ва аҳамияти янада яққол аён бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда.

Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда.

Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз, ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳаллақўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим.

Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига кулок солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак

беришимиз керак. Бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аجدодларимизнинг бой меросига таянамиз. Фарзандларимиз, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни, хорижий тилларни эгаллашлари, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб, ҳаётдан муносиб ўрин топишлари учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Бизнинг навқирон авлодимиз манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолиятимиз яқинда қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун асосида қатъий давом эттирилади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати барча ёшларимиз интиладиган, уларнинг қобилият ва иқтидорини рўёбга чиқарадиган ва манфаатларини ҳақиқий ҳимоя қиладиган ташкилотга айланиши учун барча чораларни кўрамиз.

Азиз дўстлар!

Барчамизга яхши аёнки, инсон манфаатларини юрт тинчлиги, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик муҳитидан ажратган ҳолда тасаввур этолмаймиз. Буларнинг барчаси бизнинг бебаҳо бойлигимиз ва уни кўз қорачигидек сақлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Бу борада маҳалла идоралари, хотин-қизлар, нурунийлар, ёшлар ташкилотларининг ўрни ва

ролини янада кучайтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Айни вақтда ҳозирги мураккаб замон тинч-осойишта ҳаётимизни асраш ва мустаҳкамлаш, халқимизнинг кафолатланган хавфсизлигини таъминлаш масаласини янада долзарб қилиб қўймоқда. Шу мақсадда биз ҳозирги вақтда Ички ишлар вазирлиги тизимини тубдан ўзгартириш чоратадбирларини кўряпмиз.

Ўз пайтида ички ишлар органларининг энг қуйи тизимида профилактика инспекторлари тузилмаси ташкил қилинган эди. Аммо бугун бу инспекторлар профилактика, яъни жиноятларнинг олдини олиш билан шуғулланмаяпти, аксинча, содир бўлган жиноятларни рўйхатга олиш, юқори идораларга ҳисобот ёзиш билан банд.

Шу сабабли бу масалага қарашимизни тубдан ўзгартириб, маҳалладаги участка нозирларига самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур иш ва турмуш шароитларини яратиб берамиз.

Шунингдек, ҳар бир туман ҳокими ва туман ички ишлар бўлимлари раҳбарларининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозими жорий этилади. Бу раҳбарларнинг асосий вазифаси маҳаллада участка инспекторлари билан ишлашни ташкил этишдан иборатдир.

**Ҳурматли мажлис иштирокчилари!**

Мамлакатимизда инсон манфаатлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда бизнинг сайловолди

дастуримиздан жой олган, ҳозирги кунда ишлаб чиқиладиган мақсадли дастурлар муҳим ўрин тутди. Бу дастурлар одамларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада оширишни таъминлашга қаратилган.

Шу мақсадда мамлакатимиз ҳукумати Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати билан биргаликда ва жамоат ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар иштирокида 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича **Ҳаракатлар стратегиясини** ишлаб чиқмоқда.

Ушбу стратегияда давлат қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш бўйича энг долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилди.

Азиз дўстлар!

Биз ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятимизни аввало халқимиз, Ватанимиз манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда амалга оширамиз.

Бу сиёсатнинг асосини тинчликпарварлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этиш ташкил этади.

Биз бундан буён ҳам узоқ-яқиндаги барча хорижий мамлакатлар, жаҳон ҳамжамияти билан самарали ҳамкорлигимизни давом эттирамиз. Бу борада очик, дўстона ва прагматик сиёсат олиб бориш тамойилига содиқ қоламиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар билан фаол муносабатлар ва ҳамкорлик олиб бориш Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига хизмат қилади.

Биз Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Халқаро валюта жамгармаси, бошқа халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар билан амалий ҳамкорликни янада ривожлантира-  
рамиз.

Азиз ва мухтарам юртдошлар!

Биз янги – 2017 йилга эзгу ва олижаноб мақсадлар билан кадам қўймоқдамиз.

Буни ҳозиргина эълон қилинган «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» бўйича барчамиз, бутун халқимиз қалбидаги орзу-интилишлар ифодаси бўлган режа ва мақсадларимиз яққол тасдиқлаб турибди.

Ишончим комил, ана шу олижаноб вазифаларни ҳал этишда давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар вакиллари, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз фаол иштирок этади.

Қириб келаётган Янги йил сиёсатимизнинг бош мақсадини, яъни, «**Инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ**» деган эзгу гояни изчил давом эттириш, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этиш йўлида яна бир улкан кадам бўлади.

Барчангизни Конституциямиз байрами билан самимий табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси  
қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган  
тантанали маросимдаги маъруза.  
2016 йил 7 декабрь*



## **ЭРКИН ВА ОБОД, ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИ БАРЧАМИЗ БИРГАЛИКДА БАРПО ЭТАМИЗ**

Ассалому алайкум, кадрли ватандошлар!

Мухтарам Сенат Раиси ва сенаторлар!

Ҳурматли Спикер ва депутатлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, сиз, азизларга, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга мурожаат қилиб, менга юксак ишонч билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайлаган барча ватандошларимга чин қалбимдан яна бир бор миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Бугун, мана шу юксак минбардан туриб, юртимизда яшаётган барча миллат ва элат вакилларига, мухтарам отахон ва онахонларимизга, мунис аёлларимиз, навқирон ёшларимизга самимий ташаккур билдираман. Юксак инсоний фазилатлар соҳиби бўлган, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимиз олдида бош эгиб таъзим қилишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Сиз, азизларнинг, эл-юртимизнинг менга билдирган мана шундай юксак ишончини ўзим учун катта шараф ва улкан масъулият деб ҳисоблайман.

Ҳеч нарса билан қиёслаб, ўлчаб бўлмайдиган бундай олий ишончни оқлаш учун бор куч-

гайратим, билим ва тажрибамни, бутун борлигимни багишлашга ваъда бераман.

Менинг номзодимни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига кўрсатган ва бутун сайлов кампанияси давомида қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг барча аъзоларига алоҳида миннатдорлик билдираман.

Шу билан бирга, муқобиллик асосида ўтган ушбу сайловда иштирок этган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгаши раиси Ҳатамжон Кетмоновга, «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуротов ва «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий кенгаши раиси Наримон Умаровга яна бир бор ўз ташаккуримни изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, менга ўз табрик ва кутловларини йўллаган барча хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар етакчиларига, сиёсат ва жамоат арбобларига, шунингдек, сайлов жараёнида ва ҳар доим бизга хайрихоҳ бўлиб келган, бугунги йигилишимизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг юртимиздаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларига ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни, юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдираман.

Қадрли юртдошлар!

Барчамизга маълумки, ҳар бир суверен давлат ўзининг бетакрор тарихи ва маданиятига эгадир. Бу тарих, бу маданиятнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси эса ҳақли равишда шу мамлакат халқи ҳисобланади.

Ўзбекистонимизнинг кўп асрлик тарихи ва кейинги 25 йиллик ривожланиш даври, ўз давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашга қаратилган тараққиёти бу ҳақиқатни яна бир бор яққол тасдиқлаб берди. Ана шу бунёдкорлик жараёнининг қудратли ва ҳал қилувчи кучи, ҳеч шубҳасиз, кўп миллатли халқимиздир.

Ўзбек халқининг неча минг йиллик тарихида қандай мураккаб даврлар, оғир синовлар бўлганини барчамиз яхши биламиз.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи ва биз эришган оламшумул ютуқлар мард ва матонатли халқимиз ҳар қандай қийинчилик, тўсиқ ва синовларни ўз кучи ва иродаси билан енгиб ўтишга қодир, деб баралла айтишга тўла асос беради.

Биз аجدодларимизнинг ёрқин хотирасини асраб-авайлаб, қалбимизда, юрагимизда абадий сақлаймиз. Букилмас ирода, фидойилик ва жасорат намунасини амалда намоён этиб, ўз ҳаётини азиз Ватанимизнинг ҳар томонлама раванг топишига бағишлаган устоз ва мураббийларимиз, замондошларимиз билан биз чексиз фахрланамиз.

Мен бугун Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, бутун халқимизнинг саъй-ҳаракатларини Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, барчамиз учун азиз ва қадрли бўлган Ислом Абдуганиевич Каримов бизга васият қилиб қолдирган ягона мақсад йўлида бирлашгиришга даъват этаман.

Бу олижаноб мақсад – изчил ва барқарор ривожланаётган, эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини барпо этишдан иборатдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрни ва мавқеига эга. Биз дунёдаги барча давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва амалий мулоқот учун очикмиз. Бўлиб ўтган демократик сайлов жараёни бунинг яна бир ишончли ва яққол тасдиғи бўлди.

Сайловни кузатиш учун дунёдаги 5 та нуфузли халқаро ташкилот ҳамда 46 та давлатдан 600 нафарга яқин кузатувчи қатнашгани сизларга яхши маълум. Айниқса, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлақонли миссияси биринчи марта юртимизга ташриф буюрди. Яъни, ушбу халқаро тузилманинг 32 та мамлакатдан келган 200 нафарга яқин вакили – бу албатта кичкина гап эмас – айнан демократик тамойиллар талаблари асосида сайлов жараёнини синчиклаб кузатиб борди.

Сайловда халқимиз ўзининг хоҳиш-иродасини, юксак сиёсий онги ва фаол фуқаролик позициясини ёркин намоён этди. Бу, ўз навбатида, эл-юртимизнинг ўз тақдири ва келажагига қандай катта ишонч ва масъулият билан қараётганини яққол ифода этади.

Сайлов натижаларини биз аввало ватандошларимизнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотларга, яқин ва олис истикбол

учун белгилаб олинган стратегик тараққиёт дастуримизга берган холис ва ҳаққоний баҳоси, деб қабул қиламиз.

Сайлов сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат ва кураш, миллий қонунчилигимиз талабларига, сайлов бўйича умумэтироф этилган халқаро стандартларга тўла мос ҳолда, эркинлик ва очиқлик руҳида ўтганини барча чет эллик кузатувчилар очиқ ва баралла таъкидладилар.

Куни кеча Марказий сайлов комиссияси ҳам ўзининг сайлов натижалари бўйича якуний хулосаларида шу ҳақиқатни яна бир бор қайд этди. Ҳеч шубҳасиз, бундай юксак этироф, бундай юксак баҳо барчамизни қувонтиради.

Мухтарам дўстлар!

Бугун мен Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажаришга киришар эканман, буюк давлат ва сиёсат арбоби, азиз устозимиз Ислом Каримовнинг ишларини давом эттирган ҳолда, 32 миллионлик катта халқ, катта мамлакатни бошқариш қанчалик масъулиятли ва мураккаб эканини, давлат раҳбари сифатида зиммамдаги жуда улкан жавобгарликни ҳар томонлама чуқур ҳис қилиб, англаб турибман.

Биринчи Президентимиз ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас ва ёрқин из қолдирди.

Буюк Юртбошимиз нафақат Ўзбекистонда, балки бутун жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эъти-

борга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилган эди. Шунинг учун ҳам устозимизнинг хотирасини абадийлаштириш бўйича минглаб юртдошларимиздан кўплаб таклиф ва тавсиялар келиб тушмоқда. Уларнинг барчаси айти пайтда атрофлича ўрганилмоқда ва бу борада алоҳида қарор қабул қилинади.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Бугун дунёдаги шиддатли глобаллашув шароитида, халқаро майдонда турли манфаатлар тўқнашуви кучайиб бораётган, жаҳон иқтисодий-молиявий инқирози давом этаётган кескин бир вазиятда Ўзбекистонга раҳбарлик қилишдек улкан масъулиятни зиммамга олаётган эканман, мен аввало кўпни кўрган, донишманд халқимизга, сиз, азизларнинг ёрдам ва кўмагингизга таянаман ва ишонаман.

Барчангиз хабардорсиз, сайлов арафасида мен сайловчилар ҳамда аҳолининг турли катламлари вакиллари билан кўплаб учрашув ва суҳбатлар ўтказдим.

Ана шундай очик мулоқотларда билдирилган амалий таклифлар, қонуний талаблар, уларни амалга ошириш учун кўрилган аниқ чора-тадбирлар, очигини айтаман, мен учун яна бир катта ҳаётий мактаб бўлди.

Ана шу учрашув ва суҳбатларнинг якуний хулосалари мамлакат Президенти лавозимидаги ўта муҳим ва масъулиятли фаолиятимда мен учун дастурий қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Бугун замоннинг ўзи барчамизнинг олдимизга, биринчи навбатда, Ўзбекистон Президенти сифатида менинг олдимга янги ва ғоят масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Ана шу асосий вазифалар ҳақида бугун ушбу йиғилишимизда қисқача ахборот беришни ўринли, деб ҳисоблайман.

**Биринчидан,** биз мухтарам Биринчи Президентимиз Ислом Абдуганиевич Каримов бошлаб берган кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар йўлини оғишмасдан, қатъий ва изчил давом эттирамиз.

Бу йўл – эркин, демократик, инсонпарвар давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтириш ва янада раванг топтиришнинг мустаҳкам заминидир.

Мен мамлакат Президенти сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талабларини қатъий ва сўзсиз бажариш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишни ўзимнинг энг асосий бурчим ва вазифам, деб ҳисоблайман.

Ана шу фундаментал тамойилларни рўйбга чиқаришга доир амалий саъй-ҳаракатлар тўғрисида мен Конституциямизнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузамда ўз фикрларимни баён қилганимдан албатта барчангиз хабардорсиз, деб ўйлайман.

Шу муносабат билан Қонунчилик палатаси Спикери ва депутатлар, Сенат Раиси ва сенаторлар-

дан Президентнинг давлат маслаҳатчилари хизматлари ҳамда ҳукумат билан биргаликда мамлакатимизда келажақда амалга ошириладиган ислоҳот ва ўзгаришларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишни сўрайман.

**Иккинчидан,** мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар тотувлиги, ўзаро ҳурмат ва меҳр-окибат муҳитини кўз қорачигидек сақлаш ҳамда мустаҳкамлашни ўзимнинг устувор вазифам, деб ҳисоблайман.

Маълумки, юртимизда виждон ва эътиқод эркинлиги, турли миллат вакилларининг ҳуқуқлари кенг кафолатланиб, диний бағрикенглик муҳити мустаҳкамланмоқда.

Ҳозирги вақтда диёримизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳамжиҳат яшамокда, 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда.

Жамиятимизда ҳукм сураётган ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада ривожлантириш, қайси миллат, дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи назар, барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқларни таъминлаш эътиборимиз марказида бўлади. Уларнинг ўртасига нифок соладиган экстремистик ва радикал гояларни тарқатишга Ўзбекистонда мутлақо йўл қўйилмайди.

Бугунги кунда дунёнинг айрим минтақаларида тобора кескинлашиб бораётган конли можаро ва



зиддиятлар, терроризм ва экстремизм хавфи биздан доимий огоҳ ва хушёр бўлишни талаб этмоқда.

Шу борада Ўзбекистон чегараларининг хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, юртимиз остонасига ҳеч қандай бало-қазони яқин келтирмаслик каби ҳал қилувчи вазифалар ҳамиша диққатимиз марказида бўлади.

Бугун принципиал жиҳатдан ғоят муҳим бўлган бир фикрни яна таъкидлаб айтишни зарур деб биламан: Ўзбекистон ва унинг бағрикенг халқи тинчликсевар сиёсат юритиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш тамойилларини амалга ошириш позициясида доимо мустаҳкам туриб келмоқда. Лекин, зарур бўлса, биз мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигига, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётига таҳдид соладиган ҳар қандай уринишларга қарши кескин зарба беришга қодирмиз. Шунинг учун мен, халқимизга мурожаат қилиб, шуни айтмоқчиманки, бу масалада ҳеч кимда ҳеч қандай иккиланиш ва шубҳа бўлмаслиги лозим. Бунинг учун бизнинг кучимиз ҳам, кудратимиз ҳам етарли.

Фурсатдан фойдаланиб, Қуролли Кучлар, Миллий хавфсизлик хизмати, чегара ва ички кўшинларнинг аскар ва сержантлари, офицер ва генералларига, барча ҳарбий хизматчиларимизга ўзининг ҳарбий қасамёди ва муқаддас бурчига садоқати учун самимий миннатдорлик билдираман.

Ишончим комилки, сизлар бундан буён ҳам юксак профессионал маҳорат, мардлик ва жасорат намунасини кўрсатиб, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича ўз ватанпарварлик бурчингизга содиқ бўлиб қоласиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашидан Мудофаа вазирлиги ва бошқа тузилмалар раҳбарияти билан биргаликда Қуролли Кучларимизнинг 25 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни муносиб нишонлашга доир чоратадбирлар комплексини яқин кунларда тақдим этишни сўрайман.

Бу борада муносиб ҳарбий хизматчиларни нафақат яқинда таъсис этилган кўкрак нишонлари билан, балки юксак давлат мукофотлари билан тақдирлаш бўйича ҳам тақлифлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

**Учинчидан**, халқимиз азалдан юксак кадрлаб келадиган, ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтиришни биз биринчи даражали вазифамиз, деб ҳисоблаймиз.

Бу борада буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: **«Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!»** деган чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътиқодга айланиши зарур.

Бу масала, энг аввало, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бутун суд тизими, прокуратура, ички ишлар, назорат органлари раҳбарлари

ва ходимларининг, шунингдек, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг бевосита вазифасидир.

Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо албатта муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур.

Депутатлар ва сенаторлар, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг ана шу муҳим соҳасидаги давлатимизнинг саъй-ҳаракатларини албатта қўллаб-қувватлайдилар, деб ўйлайман ва бунга ишонаман.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда биз, илгаригидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар, эркин ва холис оммавий ахборот воситалари фаол ўрин эгаллайди, деб ишонамиз.

**«Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари»** деган муҳим тамойилни амалга оширишда биз аввало ана шу ижтимоий институтларнинг куч ва имкониятларига таянамиз.

Шу муносабат билан халқ ҳокимиятининг энг муҳим пойдевори сифатида жамоатчилик назорати институтини кучайтириш бўйича мамлакатимиз Конституциясининг 32-моддасида, шунингдек,

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа ҳужжатларда муҳраб кўйилган талабларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Бу муҳим ишда биз барча фуқароларимиз, энг аввало, ёши улуғ, улкан ҳаётий тажрибага эга нуруний оқсоқолларимиз, катта авлод вакиллари-нинг маслаҳатлари ва фаол кўмагига умид қиламиз ва таянамиз.

Айнан шу авлоднинг фидокорона меҳнати туфайли ўз пайтида мамлакатимиздаги йирик индустрия комплекслари барпо этилди ва модернизация қилинди. Уларнинг ақл-заковати ва саъй-ҳаракатлари билан саноатнинг янги, юқори технологияларга асосланган тармоқлари ташкил этилди, ноёб инфратузилма объектлари қурилди, фермерлик ҳаракати шакллантирилди, шаҳар ва қишлоқларимизнинг киёфаси тубдан ўзгарди.

Айнан ана шундай табарруқ инсонларнинг Ватанимизга бўлган буюқ меҳр-муҳаббати ва жонқуярлиги туфайли мустақил Ўзбекистон давлатининг мустаҳкам замини яратилди.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, юртимиз равнақи йўлидаги фидокорона хизматлари учун муҳтарам нурунийларимизга, кадрли меҳнат фаҳрийларига ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилақларимни билдиришга, уларнинг барчасига узоқ умр, мустаҳкам

соглик, бахту саодат ва фаровонлик тилашга рухсат бергайсизлар.

Шу борада бир фикрга алоҳида урғу бериб таъкидламоқчиман: ёши улуғ инсонлар, катта авлод вакилларига эътибор ва амалий ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг пенсияларини ошириш, тиббий хизмат ва ижтимоий-маиший таъминотини яхшилаш бундан буён ҳам Президент учун, ҳукуматимиз ва барча ҳокимликлар учун энг муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолади.

Шу мақсадда пенсионерлар, ёлғиз қария ва ногиронларга давлат кўмагини кучайтириш бўйича айни пайтда кенг қамровли чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди ва улар сўзсиз амалга оширилади.

«Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларининг ходимлар штатларини кўпайтириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жамиятимиз ҳаётида уларнинг ўрни ва мавқеини янада ошириш бўйича қўшимча зарур чоралар кўрилади.

Яратганнинг бебаҳо мўъжизаси бўлган азиз аёлларимиз, кадрли оналаримиз, меҳрибон рафиқаларимиз, мунис опа-сингилларимиз, севимли кизларимиз ва набираларимиз ҳаётда бизга барча тўсиқларни енгиб ўтиш, олдимизга қўйган мақсадларимизга эришиш йўлида доимо ғамхўрлик қилиб, ҳамиша чексиз ишонч, куч ва мадад берадилар.

Сизларнинг оналик меҳрингиз ва саховатингиз, аёллик тароватингиз ва меҳр-оқибатингиз учун биз сизлардан умрбод қарздормиз.

Шу сабабли оналар ва болалар соғлиғини муҳофиза қилиш, аёлларнинг турмуш шароитларини ҳисобга олган ҳолда, иш билан таъминлаш, опсингилларимизнинг оғирини енгил қилиш учун ҳар томонлама имконият яратиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича давлат сиёсатини фаол давом эттиришни биз ўзимизнинг энг муҳим вазифамиз, деб биламиз.

Барчамизга аёнки, Ўзбекистон бой қазилма ва табиий ресурсларга, қудратли иқтисодий ва инсоний салоҳиятга эга. Бироқ бизнинг энг катта бойлигимиз – бу халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир.

Бу салоҳиятни яратиш ва янада кўпайтиришда ҳурматли зиёлиларимиз – илм-фан ва техника намояндалари, биринчи навбатда кадрли ҳамда ҳурматли академикларимиз, маданият, адабиёт ва санъат, спорт соҳаларининг вакиллари бутун вужудини бериб, фидокорона меҳнат қилаётганларини биз яхши биламиз ва юксак кадрлаймиз.

Ана шу заҳматқаш инсонларнинг илмий ва ижодий изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратишни биз ўзимизнинг бирламчи вазифамиз сифатида кўришимиз даркор.

Шу мақсадда ҳукуватимиз томонидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Бугунги кунда **«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиш-**

**лари шарт!»** деган ҳаётий даъват ҳар биримизнинг, ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг онги ва қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг 32 фоизини ёки 10 миллионини 30 ёшгача бўлган ёшларимиз ташкил этади.

Ёшларимиз ҳақли равишда Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Бу соҳада олиб бораётган кенг миқёсли ишларимизни, хусусан, таълим-тарбия бўйича қабул қилинган умуммиллий дастурларимизни мантиқий якунига етказишимиз зарур.

Шу мақсадда ҳукуматнинг, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда бутун таълим тизимининг, ҳурматли домлаларимиз ва профессор-ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифаси – ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир.

Фарзандларимиз учун замонавий иш жойлари яратиш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган ишларимизни янги босқичга кўтаришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

**Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг**

устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз.

Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.

Тўртинчидан, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлашдек муҳим тамойил ва устувор вазифани амалга ошириш, давлат раҳбари сифатида мен учун стратегик вазифа бўлиб қолади.

Биз аввало иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасидаги ишларимизни янада чуқурлаштириш, унинг соҳа ва тармоқларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш бўйича бошланган ишларни жадаллаштиришимиз керак.

Тармоқлар ва ҳудудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатдошлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Бунинг учун хорижий сармоялар ва илғор технологияларни ҳамда ахборот-коммуникация тизимларини барча соҳаларга янада фаол жалб этишимиз зарур бўлади.

Айнан шу асосда 2030 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 2 баробардан зиёд кўпайтиришга эришишимиз даркор.



Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилади.

Иқтисодиётда давлат иштирокини стратегик асосланган даражада қисқартириш, хусусий мулкни янада ривожлантириш ва уни ҳимоя қилишга доир комплекс масалаларни ҳал этиш – ҳукумат, давлат бошқаруви органлари ва барча даражадаги ҳокимликлар учун энг муҳим устувор вазифа сифатида белгиланади.

Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади. Мен такрор бўлса ҳам, айтишдан ҳеч қачон чарчамайман, яъни, **халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади.**

Шунинг учун бундан кейин тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилиш – давлат сиёсатига, Президент сиёсатига тўсқинлик қилиш,

деб баҳоланади. Принципиал жиҳатдан ғоят муҳим бўлган бу позициямизни яна бир бор алоҳида таъкидлаб ўтишни муҳим ва зарур деб ҳисоблайман.

Сайловчилар билан учрашувларда нафақат тадбиркорлар, балки аҳолимизнинг кенг қатлами ана шу талабни қатъий қўллаб-қувватлаганига шахсан ўзим чуқур ишонч ҳосил қилдим.

**Бешинчидан,** биз амалга ошираётган иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришларнинг самараси, биринчи навбатда, аҳолининг моддий аҳволи ва фаровонлигини, унинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қай даражада таъсир кўрсатаётгани билан ўлчанади.

Шу мақсадда иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини босқичма-босқич ошириб бориш бўйича биз аниқ чора-тадбирларни режалаштирганмиз ва улар албатта амалга оширилади.

2017 йилдан бошлаб аҳолини, авваламбор, лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи бўйича янги тизим жорий этилади.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳолининг уларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ кондириш, жумладан, мақбул нархлар бўйича кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан халқимизни тўлиқ таъминлаш олдимизда турган муҳим вазифалар каторига киради.

Биз учун бебаҳо бойлик бўлган инсон саломатлигини асраш мақсадида соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг бирламчи бўғинидаги бўлинмалари ва қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, тез тиббий ёрдам ва юқори технологиялар асосида хизмат кўрсатадиган, ихтисослашган махсус марказларни янада ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш ҳукуматнинг эътибор марказида бўлиши даркор.

Бу масалада куни кеча Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги раҳбар кадрлар тўлиқ янгиланди ва айтиш мумкинки, уларнинг таркиби кучайтирилди.

Барчангизнинг хабарингиз бор, дори воситалари ва тиббий буюмларга нархларни шакллантириш тизимини такомиллаштириш бўйича кейинги пайтда аниқ чоралар кўрилмоқда ва биз бу ишларни қатъий давом эттираемиз.

Бу борадаги ислохотлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва дори воситалари билан таъминлаш сифатини тубдан яхшилашга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Хабарингиз бор, 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган 15 та мақсадли дастурнинг айримлари қабул қилиниб, уларнинг ижросига киришилди ва яқин вақт ичида шу йўналишдаги бошқа дастурларнинг барчасини тасдиқлаш бўйича ишлар тўлиқ якунланади.

Мазкур дастурларнинг барчасини ягона мақсад бирлаштириб туради. Яъни, улар яқин 5 йилда

аҳоли пунктларини, айниқса, қишлоқ жойлар, туман ва шаҳарларни комплекс ривожлантириш, замонавий муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини шакллантиришга доир бир қатор долзарб масалаларни ҳал этишга қаратилади.

**Олтинчидан**, аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, унинг қонуний талаблари, сўров ва таклифларини амалга ошириш учун аниқ чоралар кўришни мен ўзим учун энг муҳим ва устувор вазифа, деб ҳисоблайман.

Энди нафақат ҳукумат, балки мутасадди вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, шунингдек, ҳокимларнинг ҳам бу борадаги фаолияти яқунлари бўйича ҳисобот бериш тизими жорий этилади ва шунга қараб уларнинг ишига баҳо берилади. Шу сабабдан ҳар бир раҳбар ва мансабдор шахсдан айти шу асосда тизимли ва самарали иш олиб боришни талаб этаман.

Сизларга яхши маълумки, биз 2017 йилни юртимизда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилдик. Лекин, ҳаммамиз тушунамизки, халқ билан мулоқот, одамларнинг ичига кириш, уларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, инсон манфаатларини таъминлаш – бу биз учун фақат бир йиллик иш эмас.

Бу масала келгуси беш йиллик фаолиятимизда ҳам энг устувор вазифа бўлиб қолади ва бу ҳақиқатни ҳаммамиз чуқур тушуниб, яхши англаб олишимиз шарт. Чунки, биз юртимизда янги

давлат, янги жамият куриш йўлида қандай иш қилсак, уларнинг барчасини халқимиз билан бамаслаҳат қиламиз.

**Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган – шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам – шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ.**

Шундай экан, биз биринчи навбатда ким билан мулоқот қилишимиз керак – одамларимиз билан.

Ким билан бамаслаҳат иш тутишимиз керак – аввало халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади.

Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади.

Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади.

Шу маънода, буюк Алишер Навоий бобомизнинг «Одамий эрсанг, демагил одами, Ониким, йўқ халқ ғамидин гами» деган сатрларида қанчалик чуқур ҳаётий ҳикмат, фалсафа бор. Яъни, бу дунёда инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир, халқнинг гамидан узок бўлган инсонни одам каторига қўшиб бўлмайди, деб таъкидламоқда улуг бобомиз.

Бу ўлмас сатрлар бизнинг бугунги ҳаётимиз билан, бизнинг орзу-интилиш ва амалий ҳаракатларимиз билан нақадар ҳамоҳанг экани одамни ҳайратга солади.

Биз барча давлат идоралари фаолиятида аҳолининг мурожаатлари билан ишлаш бўйича сифат жихатидан мутлақо янги тизимга ўтишимиз даркор. Хусусан, 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилади.

Шу билан бирга, илгари ҳам айтганимиз каби, ҳар бир туман ва шаҳарда «Халқ қабулхоналари»ни ташкил этиш ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлашимиз зарур бўлади.

Бу қабулхоналарнинг ҳуқуқий мақомини, уларнинг ваколат ва мажбуриятларини аниқ белгилаб, бирорта ҳам мурожаат эътиборсиз қолмайдиган тизим фаолиятини йўлга қўйиш даркор.

Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига баҳо беришда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қандай ҳимоя қилинаётгани, уларга давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва очиклиги биз учун энг асосий мезон бўлиши шарт. Шу борада бир фикрни яна такрорлаб айтмоқчиман: **халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак.**

Шу муносабат билан энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифалар, тармоқ ва ҳудудлар бўйича мақсадли дастурлар, устувор инвестиция лойиҳалари ва бошқа долзарб вазифалар бажарилишини танқидий таҳлил қилиш юзасидан амалдаги мавжуд тизим самарадорлигини оширишимиз лозим.

Айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари ва иқтисодий тармоқлари раҳбарлари ҳамда ҳокимларнинг Президент ҳузурида шахсий ҳисоботини эшитиш амалиёти янгидан жорий этилади.

Ҳукуматга, ҳокимликларга сайловчилар ва аҳолининг кенг қатламлари вакиллари билан учрашувлар якунлари бўйича 2017–2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрини ривожлантириш борасидаги муаммоли масалаларни ҳал этиш юзасидан ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирларни вазирлик ва идоралар билан биргаликда сўзсиз амалга ошириш топширилади.

Бугунги кунда нафақат Бош вазирнинг электрон почтаси ва қабулхонасига, балки Президент номига келиб тушаётган фуқароларнинг қонуний мурожаат ва шикоятларини батафсил ўрганиш ва уларда кўтарилган масалаларни ечиш бўйича ишларни фаол давом эттириш ғоят муҳим, деб ҳисоблайман.

Умуман олганда, бундан кейин вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва ҳокимларнинг фаолияти натижаси қуруқ иқтисодий рақамлар билан эмас, балки уларнинг одамлар билан қандай мулоқот олиб бораётгани ва ишни ташкил этгани, фуқароларнинг муаммоларини қай даражада ҳал қилаётганига қараб баҳоланади ва тегишли хулосалар чиқарилади.

Айни шу масалада уларнинг фаолияти ижобий бўлса, халқ улардан рози бўлса, раҳмат деймиз, акси бўлса – биз бундай раҳбарлар билан хайрлашамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни самарали ҳал этиш, энг аввало, давлат раҳбари сифатида шахсан мендан, давлат ҳокимиятининг урта тармоғидан, шунингдек, барча раҳбар ва мансабдор шахслардан қатъий интизомни талаб этади.

Ишимизни тўғри ташкил этиш, унинг самарадорлиғини таъминлаш, бутун бошқарув тизими фаолиятини сифат жиҳатидан замон талаблари даражасига кўтаришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Албатта, биз режалаштираётган барча ўзгаришларнинг ниҳоятда кўп киррали ва ўта муҳим эканини мен чуқур тушунаман.

Бирок йўлимизда қандай тўсик ва қийинчиликлар, кескин ва долзарб муаммоларга дуч келсак ҳам, шошма-шошарлик билан, пала-партиш қарорлар қабул қилишга, яхши ўйлаб кўрилмаган хатти-ҳаракатларга йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ.

Бизнинг вазифамиз – тўпланган тажриба ва илғор халқаро амалиётга суянган ҳолда, ўзимизнинг тараққиёт ва янгиланиш моделимизни қатъий амалга оширишдан иборат. Шу борада яқин ва ўрта муддатга белгиланган марраларга эришиш учун қатъият билан ҳаракат қилишимиз зарур.

Шу мақсадда 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш яқин кунларда якунланади.

Бу стратегия давлат қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, иқтисодиётни эркинлаш-



тириш, ижтимоий соҳани ривожлантиришни жадаллаштириш ва фаол ташқи сиёсатни амалга оширишга оид бешта асосий устувор йўналишни камраб олади.

Халкимиз билан доимий мулоқот қилишга доир талабни амалда бажариш учун ушбу Стратегияни қабул қилишдан олдин уни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб, эл-юртимиз ўртасида кенг муҳокама қилишни таклиф этаман.

Ишончим комилки, бундай муҳокамалар халкимиз манфаатларини янада тўлиқ инобатга олиш учун хизмат қилади.

Азиз дўстлар!

Маълумки, Конституциямизнинг 98-моддасига мувофиқ, иктисодий ва ижтимоий ислохотларнинг устувор вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун жавобгарлик Вазирлар Маҳкамаси, ҳукуматнинг ҳар бир аъзоси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари зиммасига юклатилган.

Бу, биринчи навбатда, Бош вазир ва унинг ўринбосарларидан юксак даражадаги шахсий масъулиятни, шунингдек, уларнинг зиммасига юкланган вазифаларни самарали ва тўлиқ бажаришни талаб этади.

Шу муносабат билан бир таклиф киритмоқчиман. Яъни, Олий Мажлис палаталарининг 2015 йил 23 январдаги ва жорий йилнинг 8 сентябрдаги қўшма мажлисларида таклиф этилган Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракат дастурини янада аниқлаштириб,

ҳозирги талаблардан келиб чиққан ҳолда, унга қўшимчалар киритиш лозим. Бу – кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Умид қиламанки, бугунги мажлисимизнинг иккинчи қисмида Бош вазир лавозимига кўрсатиладиган янги номзод ушбу дастурнинг яқин ва узок истиқболга мўлжалланган асосий йўналишлари ва устувор вазифалари тўғрисида ахборот беради.

Бу борада асосий диққат-эътиборни қуйидаги стратегик йўналишларга қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

**Биринчидан,** иқтисодиётимизда юкори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорлик ва миллий валютамизни янада мустаҳкамлашни таъминлаш.

**Иккинчидан,** мамлакатимиз ҳудудларини, яъни шаҳар, туман ва маҳаллаларни, айниқса, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда нисбатан орқада қолаётган туман ва шаҳарларни комплекс ва жадал ривожлантириш.

**Учинчидан,** аҳолининг реал даромадларини, турмуш даражаси ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратиш.

Ҳукумат ва шахсан унинг янги раҳбарияти фаолияти самарасини биз айнан шу мезонлар асосида баҳолашимиз зарур.

Шу мақсадда яқин кунларда Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмаси қайта кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Бундай ўзгартиришлардан асосий мақсад тўпланган тажриба асосида ва мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлан-

тириш бўйича олдимизда турган кенг кўламли янги вазифаларга мувофиқ, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг энг оптимал ва самарали тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Ана шу тизим марказида нафақат иқтисодиётнинг таянч тармоқларини, балки, энг аввало, ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва мамлакатимиз барча фуқароларининг ҳаётий манфаатларини таъминлашга ва уларнинг даромадларини кўпайтиришга доир истикболдаги муҳим вазифалар туриши керак.

Олдимизда марказий бошқарув органлари – Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси, божхона тизими ва бошқа идоралар фаолиятини тубдан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси ҳам турибди.

Мамлакатимиз банк тизими ва бозор инфратузилмасининг бошқа органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳам долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Афсуски, ҳозирги кунда уларнинг фаолияти бугунги ҳаёт ва иқтисодий ислохотлар талабларидан анча ортда қолмоқда. Шунинг учун биз бугунги йиғилишимизга барча йирик тижорат банклари раҳбарларини ҳам таклиф этганмиз. Уларнинг бош вазифаси – бундан кейин ўз иш услубларини тубдан ўзгартириб, фуқароларимиз ва тадбиркорларнинг

хақиқий ишончини қозонишга ва уларга хақиқий кўмакдош бўлишга эришишдан иборат.

Шу боис давлат банклари олдига қуйидаги вазифалар қўйилмоқда. Улар ҳар бир оила билан мулоқот ташкил қилиш орқали фуқароларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун қулай имкониятлар яратиши керак.

Шу мақсадда тижорат банклари ва уларнинг жойлардаги филиаллари, ўз имкониятларидан келиб чиқиб, тадбиркорларга молиявий кўмак ва мадад беришни зиммасига олади.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, **банклар энди халқимизни тадбиркорликка, ишбилармонликка ўргатиши ва шунга етаклаши лозим бўлади.**

Шунда одамлар боғдорчилик, чорвачилик, хунармандлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш, сервис ва бошқа соҳаларда тадбиркорлик билан шуғулланиб, кичкина бўлса ҳам ўзининг корхонасини ташкил этиб, қонуний асосда даромад топади, ўзини ҳам, оиласини ҳам молиявий жиҳатдан мустаҳкамлаб, маҳалламиз, туманимиз ва шаҳримиз, вилоятимиз ва мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшади.

Бу сиёсатнинг асосий мақсади шундан иборатки, биз ҳар бир фуқаро ўзининг куч ва имконияти, қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун кенг шароит ва имконият яратиб беришимиз керак.

Мана, 2016 йил якунига етишига ҳам 15 кун қолди. Биз йилни муваффақиятли яқунлаш, белгиланган

мақсадларга эришиш, янги – 2017 йилда мамлакатимиз барқарор ривожланиши ва жадал ўсиш суръатларини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратиш мақсадида барча воситаларни сафарбар этишимиз лозим.

Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятидан бу вазифаларни ҳар томонлама пухта бажаришни ва келгуси йил январь ойида ўтказиладиган ҳукумат мажлисида бу ҳақда батафсил ҳисобот беришни сўрайман.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Мамлакатимиз Асосий қонунининг 78-моддасига мувофиқ, мамлакатни модернизация қилиш, жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришни таъминлашда муҳим ўрин ва жавобгарлик Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатига юкланган.

Бунинг учун учта вазифани амалга ошириш зарур.

**Биринчи вазифа** – 2016 йил 7 декабрдаги тантанали мажлисда белгилаб берилган топшириқларнинг аниқ бажарилишини таъминлаш керак.

Хабарингиз бор, мен Конституциямиз қабул қилинган кунга бағишлаб ўтказилган ўша йиғилишда депутатлар ва сенаторларга бир таклиф билан мурожаат қилган эдим. Яъни, парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартибини жорий этишни таклиф этган эдим.

Бунинг учун ҳар қайси вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда бўлиб, ҳокимият идоралари, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг фаолиятини пухта ўрганиб, таҳлил қилиши ҳамда тегишли хулоса беришлари лозим бўлади. Шу асосда ҳурматли Спикер ва Сенат Раиси жойларда ўзлари бош бўлиб, маҳаллий кенгашларда ана шундай муҳокамалар ўтказиш тизими жорий этилса, бу ишлар эртага албатта ўзининг самарасини беради.

**Иккинчи вазифа** – «Парламент назорати тўғрисида»ги қонуннинг амалдаги ижросини барча соҳаларда мониторинг қилиш, шунингдек, бу борада хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш зарур.

Шунинг учун кеча Олий Мажлис Сенати йиғилишида муҳим бир масала муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

Маълумки, мамлакатимизнинг чет давлатлар билан иқтисодий алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва хорижда республикамизнинг иқтисодий имкониятларини кенг тарғиб қилиш орқали унинг халқаро нуфузини янада ошириш, инвестициялар жалб қилишни жадаллаштириш, туризм соҳасини янада ривожлантириш иқтисодий соҳадаги устувор вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Шу боис Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа давлат идораларининг бу йўналишлардаги фаолияти устидан самарали парламент назорати тизимини яратиш мақсадида Сенат Раисининг биринчи ўринбосари лавозими жорий этилди ва бундан буён

Сенатнинг тегишли кўмитаси фаолияти тубдан такомиллаштирилади.

**Учинчи вазифанинг аҳамияти ва муҳимлигини алоҳида таъкидламоқчиман** – қонун талабларини бажармаслик билан боғлиқ ҳар бир ҳолат юзасидан аниқ ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш керак.

Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари – барча даражадаги ҳокимликлар, халқ депутатлари кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришни давом эттиришимиз зарур. Шунинг учун Олий Мажлис Сенати томонидан ҳар бир вилоятда навбатма-навбат намунавий халқ депутатлари кенгашлари ишини ташкил этиш тажрибаси жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Уларнинг асосий мақсади ва вазифаси – аҳолининг барча тоифалари билан доимий мулоқотда бўлиш, фуқароларнинг қонуний талаб ва эҳтиёжларини нафақат ўрганиш, балки уларни таъминлашдан иборат.

Мавжуд муаммоларни амалда ҳал этиш, шунингдек, аҳоли учун эркин меҳнат қилиш, мазмунли дам олиш ва муносиб турмуш даражасини таъминлаш бўйича ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш лозим. Айнан ана шу мезонлардан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимият органларининг мамлакатимиз Конституциясининг 100- ва 101-моддалари талабларини бажариш бўйича фаолияти самарадорлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин ва зарур. Шунинг учун ҳам 2017 йил юртимизда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинганини алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни бажариш учун **кадрлар билан ишлашнинг бутун тизимини такомиллаштиришга** доир бир қатор ишларни албатта амалга оширишимиз керак.

Ҳозирги вақтда давлат ва ҳокимият идораларида кўп ҳолларда кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш, уларнинг вазифа ва ваколатлари тақсимооти оқилона ва самарали йўлга қўйилмагани сезилмоқда.

Энг ёмони, бу ҳолат ишимизга халакит бермоқда. Бир идорани қарасангиз, юзлаб одам номига ишлаб ўтирибди. Бошқа идорани қарасангиз, иш кўп, вазифа кўп, лекин ишлайдиган одам, кадр етишмайди.

Бундай нотўғри иш тақсимотига мутлақо чек қўйишнинг вақти етди. Ҳар бир давлат хизматчиси ўзининг бурчи ва мажбуриятини аниқ-равшан билиши, содда қилиб айтганда, ўз аравасини ўзи тортиши лозим.

Бу – замон талаби. Олдимизга қўйган мақсад-муддаоларга етиш учун бу ишларни ўзимиз қилмасак, бошқа ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бермайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, кадрларнинг амалий захирасини шакллантириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг муҳим масалаларини ўз ичига оладиган мақсадли дастурни ишлаб чиқиш вақти келди, деб ўйлайман.

Асосий вазифа – бу юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила оладиган,



белгиланган мақсадларга эришадиган раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантиришдан иборат.

Бу борада ҳудудий бошқарув органлари, энг аввало, мамлакатимиз туман ва шаҳарлари ҳокимликлари учун малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бунинг учун олий таълим муассасалари тизими билан бирга, мамлакатимиздаги 6 та академия, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази каби ташкилотларнинг илмий-амалий салоҳияти ва имкониятларини янада фаол сафарбар этиш даркор.

Шу ўринда айтиш керакки, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ўзига юклатилган вазифани мутлақо уддаламаяпти, десак, тўғри бўлади. Шунинг учун ушбу академияни ҳам, унинг иш услубини ҳам тубдан ўзгартириш ва раҳбар кадрларини қайта кўриб чиқиш лозим.

Айни вақтда маҳаллий ҳокимликларнинг вазифа ва ваколатларини ҳам такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, конунлар ижросини таъминлаш, жойлардаги давлат бошқаруви органлари фаолиятини самарали мувофиқлаштириш борасидаги ролини ҳисобга олиб, бугунги кунда маҳаллий ҳокимликларга қўшимча ваколатлар бериш борасида тегишли таклифлар тайёрланмоқда.

Ҳурматли дўстлар!

Давлатимизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги ёндашув ва позицияси Конституция кунига бағишланган маърузада атрофлича баён этилгани сизларга яхши маълум.

Ана шу фикрларга кўшимча қилиб айтмоқчиманки, биз жаҳондаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиш ва амалда жорий этишни олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири, деб ҳисоблаймиз.

Биз ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш асосида хорижий давлатлар, энг аввало, кўшни давлатлар, шу билан бирга, халқаро институтлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишни бугунги кун талаблари даражасида ташкил этамиз.

Ўзбекистонда ўзини ишончли шерик сифатида кўрсатган ишбилармонлар билан ҳамкорлик муносабатлари албатта давом эттирилади.

Бу борада янгидан ташкил этилган Сенат қўмитасидан зиммасига юкланган вазифаларни изчил амалга ошириш талаб этилади.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Ҳозирги вақтда олдимизда нақадар улкан вазифалар турганини барчамиз яхши тушунамиз. Биз Ватанимизнинг буюк келажагини сиз, азизлар билан, мард ва олижаноб халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, кўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз.

Шу борада барчамизга Яратгanning ўзи мададкор бўлсин!

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад,  
хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу  
барака тилайман.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз ҳа-  
миша омон бўлсин!

*Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида  
киришини тантанали маросимида бағишланган  
Олий Мажлис палаталарининг қўшма  
мажлисидаги маъруза.  
2016 йил 14 декабрь*

## **ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН**

Ассалому алайкум, учрашувимизнинг мухтарам иштирокчилари!

Азиз илм-фан фидойилари!

Сўзимни аввало юрагимда ардоқлаб юрадиган бир туйғуни сизларга изҳор қилишдан бошласам, ўйлайманки, нур устига нур бўлади. Мен доимо зиёли, олим, ижодкор инсонлар билан суҳбатлашишга интиламан ва бундай мулоқотларни ҳамиша соғинаман. Нега десангиз, олимлик Оллоҳ нурини солган улуғ бир мартаба. Бу мартабадан жамиятнинг бутун вужудига нур, зиё таралади.

Олимларнинг суҳбатидан инсон ўзига беқиёс маънавий бойлиқ олади, қалб кенглиklarини, тафаккур теранлигини ҳис қилади. Шу боисдан бугун сизлар билан учрашиб турганимдан, сизларни мана шундай хуш кайфиятда, бардам ва тетик, юз-кўзларингиздан нур ёғилиб турганини кўрганимдан ниҳоятда мамнунман.

Тан олишимиз керак, узоқ вақтдан буён сизлар билан учрашмадик, мамлакатимизда илм-фанни қўллаб-қувватлаш, уни бугунги замон талаблари асосида ривожлантириш масалаларини давлат сиёсати даражасига кўтариш бўйича сизларнинг маслаҳатларингизни олишни унутиб қўйдик. Бунинг учун барча раҳбарлар

катори мен ҳам ўзимнинг масъулиятимни яхши ҳис қиламан. Шунинг учун бундан кейин мана шундай учрашувларни мунтазам равишда ўтказиб туришни таклиф этаман.

Ҳурматли устозлар!

Барчамизга маълумки, биз кириб келаётган 2017 йилга юртимизда **Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили**, деб ном бердик. Бу қароримизнинг моҳияти Конституциямизнинг 24 йиллигига бағишланган йиғилишда ҳамда шу йил 14 декабрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги маърузаларимда батафсил баён қилинди.

Мухтасар қилиб айтганда, бизлар ҳаммамиз – давлат раҳбаридан тортиб, энг қуйи поғонадаги раҳбар – маҳалла раисигача она халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида хизмат қиламиз.

Агар мана шу вазифа бўлмаса, бизнинг раҳбарлигимиздан маъно ҳам қолмайди. Жумладан, сиз, азиз зиёлиларимиз ҳам халқимизга катта меҳр ва садоқат билан хизмат қилиб, илм-фанни ривожлантириш, юртимиз келажагини таъминлаш, миллатимизнинг ақл кўзини очишдек эзгу мақсадга умрингизни бағишлагансиз. Бунинг учун аввало сизларга халқимиз номидан чексиз миннатдорлик билдираман.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили бўйича қабул қилинадиган давлат дастурини ишлаб чиқиш ва уни юқори даражада амалга оширишда биз ҳаммамиз биргаликда фаоллик кўрсатишимиз айтилган муддао бўлур эди.

Ҳозирги кунда халкимизнинг турмуш даражасини янги босқичга олиб чиқиш, давлатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга қаратилган кенг кўламдаги чора-тадбирларни камраб олган Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилмоқда. Стратегия лойиҳасида илм-фан, таълим-тарбия соҳаларини ривожлантиришга ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Ўйлайманки, сизлар кўп йиллик тажрибаларингиздан келиб чиқиб, ушбу лойиҳага киритиш учун жиддий таклифлар берасизлар.

Ҳаммамиз яхши биламиз, бугунги давр юқори технологиялар, инновациялар замонидир. Дунёдаги ривожланган мамлакатлар ўз олдига нафақат кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни бозорга олиб чиқишни, балки чуқур билим ва илмий ютуқларга асосланган инновацион иқтисодиётга ўтиш вазифасини қўймоқда. Яъни, ўз иқтисодиётини мавжуд табиий ресурсларни сарфлаш эвазига эмас, инновацион маҳсулотлар яратиш, ўзлаштириш ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали ривожлантириш тараққиётнинг асосий омилига айланмоқда.

Мамлакатни инновацион ривожлантириш стратегияси ва механизмлари энг аввало шу давлатда яратилган интеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятдан қанчалик самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 300 дан ортиқ илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, илмий-иш-

лаб чиқариш корхоналари, кичик инновацион марказлар ва бошқа илмий-техникавий тузилмалар фаолият юритмоқда.

Сўнгги йилларда олимларимиз фундаментал фан ва унинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш борасида бир қатор ютуқларни қўлга киритдилар. Табиий фанларнинг асосий соҳалари – астрономия, физика, математика, кимё, биология, фармацевтика, геология, сейсмология ва бошқа жабҳаларда жаҳон миқёсида кизиқиш уйғотаётган натижаларга эришилди.

Иқтисодиётнинг минерал хомашё ресурсларини чиқиндисиз ва самарали қайта ишлаш, куёш энергетикаси ва бошқа қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологиялари, кимё ва биотехнология, генетика, экология, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, фармакология, тиббий диагностика каби ҳаётий муҳим тармоқларида маҳаллий инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ижтимоий-гуманитар фанлар – тарих, археология, шарқшунослик, Ўзбекистон халқлари маданий мероси, тилшунослик ва адабиётшунослик, санъатшунослик ва бошқа соҳаларда ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг бозор ислохотларига ўтиши илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга бўлган янгича ёндашувларга йўл очиб берди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматининг бир қатор муҳим қарор

ва фармойишлари қабул қилинди. Улар мамлакатимизнинг илмий салоҳиятини сақлаб қолиш ва илмий муассасалар фаолиятини мамлакатимизнинг долзарб илмий-техник ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга йўналтириш имконини берди.

Фундаментал тадқиқотлар натижасида тўпланган янги билимлар олимларнинг амалий ва инновацион ишланмаларида ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, юртимизнинг йирик кимё ва нефть-кимё корхоналарида маҳаллий инновацион технологиялар асосида ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди. Натижада 2006 – 2015 йиллар мобайнида импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлди (ўғит, дефолиантлар, ўсишга ёрдам берадиган стимуляторлар, юкори маркали авиация ёқилғиси ва бошқалар).

Бир қатор радиоизотоплар технологияси яратилди ва уларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўзбекистондаги даволаш муассасалари ушбу дори воситалари билан таъминланди ва уларни экспорт қилишга ҳам эришилди.

Дунёда биринчи бўлиб ген-нокаут технологияси ёрдамида пахтанинг бир қатор фойдали хусусиятларга эга бўлган ноёб трансген нави – «Порлок» ссрияси яратилгани мамлакатимиз пахтачилигидаги энг йирик илмий ютуқ бўлди.

Селекционер олимлар мамлакатимизнинг турли иқлим ҳудудларида ғўзанинг 20 та янги маҳаллий навини районлаштиришга эришдилар.



Ўттиздан ортиқ номдаги янги маҳаллий дори воситалари яратилди ва ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Улар ҳозирги кунда ички эҳтиёж учун истеъмолга чиқарилмоқда, айримлари эса хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Шу билан бирга, фундаментал тадқиқотларни янада ривожлантириш масаласи бироз эътиборимиздан четда қолгани бугун яққол намоён бўлмоқда. Чунки фундаментал тадқиқотлар жадал ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий тараққиёт бўйича бошқа давлатлардан сезиларли равишда илгарилаб бораётганини кўриб турибмиз. Дунёда илм-фан соҳасидаги ютуқлар айнан фундаментал тадқиқотлар йўналишида қўлга киритилгани тасодифий эмас. Шунинг учун эндиликда фундаментал фанларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳани иқтидорли ёш кадрлар билан таъминлаш давлатимизнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

Ҳозирги пайтда Фанлар академияси ва академик илм-фан тармоқларини ривожлантиришга қаратилган концепция ишлаб чиқилмоқда. Ушбу концепцияда Фанлар академиясининг фундаментал ва амалий фан, таълим ва янги технологияларни яратиш соҳаларидаги ролини янада ошириш назарда тутилмоқда. Шунингдек, Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлири, тармоқ институтлари, илмий ва инновацион марказлар ҳамда корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, илм-фан ва таълим соҳаларидаги илмий, инновацион фаолиятни рағбатлантирадиган

шарт-шароитларни яратишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Эндиги вазифа – нафақат илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, балки уларнинг натижаларини амалиётга татбиқ этишга қаратилган самарали механизмларни яратишдан иборат.

Фанлар академияси тизимида мамлакатимиз иктисодиёти эҳтиёжларига йўналтирилган бир қатор янги илмий институт ва бўлимларни, жумладан, Фанлар академияси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг институтлари негизида Қишлоқ хўжалиги фанлари бўлимини шакллантириш лозим. Шунингдек, академиядан бошқа вазирлик ва идоралар тасарруфига ўтказилган институтлар фаолияти қайта кўриб чиқилади ва зарур бўлганда уларни Фанлар академияси таркибига қайтариш чоралари кўрилади. Улар жумласига, биринчи навбатда, Ядро физикаси институти, . Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Шаркшунослик, Тарих ва бир қатор бошқа институтлар киради.

Ўйлайманки, ана шу тадбирларни амалга ошириш билан бирга Фанлар академиясининг вице-президенти лавозимларини ҳам қайта тиклаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу ишларнинг мантиқий давоми сифатида биз амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни тадбиркорлик фаолияти билан бирлаштириш имкониятини берадиган амалий механизмни ташкил этишимиз лозим. Бу эса, бир томондан, инновацион бизнес-

ни ривожлантиришга имконият яратса, иккинчи томондан, илмий тадқиқотларнинг самарасини ошириш учун инвестициялар оқимини кўпайтиришни таъминлайди. Шу мақсадда келгуси йилда Тошкентда иккита технопарк ҳамда Академиклар шаҳарчасида эркин иқтисодий ҳудуд мақомига эга бўлган Инновацион марказ ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Худди шундай асосда Навоий, Ангрен, Жиззах каби эркин иқтисодий ҳудудлардаги илмий-инновацион фаолиятни кучайтириш лозим. Бу тузилмаларга хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда илм-фан, таълим ва инновациялар соҳаларидаги халқаро илмий-техник ҳамкорлик шакллари ривожлантириш керак бўлади.

Мамлакатимизда илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун аввало ёш, иқтидорли кадрлар зарур. Шунинг назарда тутилган ҳолда, биз сизларнинг бой билим ва тажрибангизга таянамиз. Шу мақсадда сизларни, илмий йўналишларингиздан келиб чиқиб, республикамиздаги олий ўқув юртлири, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарига, вазирлик ва идораларга, йирик банкларга бириктиришни лозим топдик.

Сизларнинг ҳар бирингиз бириктирилган таълим муассасаларида илмий мактабларингизни ташкил этишингиз, юқорида зикр этилган технопарк ва инновацион марказда эса инновацион ишланмаларни жорий этиш бўйича зарур маслаҳатлар бериб боришингиз кўзда тутилмоқда.

Бу ишларни амалга оширишни моддий таъминлаш учун бириктирилган ишлаб чиқариш корхоналари, вазирлик ва идоралар ҳамда банклар масъул бўлади.

Хурматли устозлар, ҳозиргина айтиб ўтилган фикрлардан келиб чиқиб, мамлакатимизда илм-фанни, илмий-инновацион фаолиятни барқарор ривожлантириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

**Биринчидан**, илмий-инновацион фаолиятни кафолатли молиялаштириш учун давлат бюджети, илмий-техникавий, инновацион фондлар, инвестициялар, шунингдек, инвесторлар, ҳомийлар маблағларини кенг жалб қилиш чоралари кўрилади.

Шу мақсадда Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш республика фонди ташкил этилади.

Фонд маблағлари ҳисобидан замонавий илмий асбоб-ускуналар, жиҳозлар сотиб олиш, шунингдек, ёш олимларнинг дунёнинг етакчи илмий марказлари ва университетларида стажировкадан ўтишини ташкил этиш учун ҳар йили камида 10 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилади.

**Иккинчидан**, инновацион изланишларни қуйидаги соҳаларда кучайтириш режалаштирилмоқда:

**кимё саноати соҳасида:**

– маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ҳисобидан янги, самарали ҳамда озиқлантириш даражаси юқори бўлган ўғитлар ва суспензиялашган мураккаб ўғитлар ишлаб чиқариш;

– ўсимликлар уруғига кимёвий ишлов берувчи препаратлар, юмшоқ таъсир қилувчи кўпфункционал дефолиантлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарур.

### **Нефть-газ саноати соҳасида:**

– корхоналарда технологик жараёнларни комплекс автоматик бошқариш тизимини ўрнатиш;

– мураккаб шароитларда кидирув ва қудуқларни бурғулаш жараёнларини энгиллаштириш учун сувда эрийдиган реагентлар ишлаб чиқариш;

– нефть фракцияларини ва табиий газни гидротозалаш учун ҳимоя қатлами катализаторларини ишлаб чиқариш технологиясини жорий қилиш лозим.

### **Қишлоқ хўжалиги соҳасида:**

– хужайралар технологияси асосида вируссиз, касаллик ва зараркунандаларга чидамли қишлоқ хўжалиги экинлари (мева, сабзавот, дон ва бошқалар) навларини етиштириш;

– тезпишар, сувсизликка чидамли, юқори сифатли ва узун толали транс-ген ғўза навларини кенгайтириш;

– маҳаллий хомашё асосида ветеринария препаратларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

– ҳосилдорлиги паст яйловларни яхшилаш учун озукабоп ўсимликлар уруғларини кўпайтириш талаб этилмоқда.

### **Фармацевтика соҳасида:**

– доривор ўсимликлар турлари ва улар етиштириладиган майдонларни кенгайтириш;

– доривор ўсимликларни қайта ишлаш ва фармацевтика саноатида дори воситалари субстанцияларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш.

### **Энгил саноат соҳасида:**

– пахта ва таркибида ипак бўлган ип-калава асосида икки қатламли трикотаж маҳсулотлари олиш;

– маҳаллий хомашёлардан самарали фойдаланиб, трикотаж мато ишлаб чиқариш технологияларини яратиш.

**Қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида:**

– олис ва чекка қишлоқларда энергия таъминотини яхшилаш ва сейсмик станция тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун табиат инъоми бўлган куёш, шамол, сув ва бошқа манбалардан самарали фойдаланишни ташкил қилиш бўйича муҳим вазифалар турибди.

**Учинчидан,** мамлакатимиз иқтисодиёти учун муҳим ва истиқболли, ноёб хусусиятларга эга бўлган материаллар, нанотехнологиялар, қайта тикланувчи энергия манбалари, янги кимё ва биотехнология соҳалари фундаментал ва амалий изланишларнинг устувор йўналишлари этиб белгиланиши лозим.

**Тўртинчидан,** етакчи олимлар, истеъдодли ёш илмий ходимларнинг фаолияти ва илмий тадқиқотларини кўллаб-қувватлаш, жамиятда илм-фан намояндаларининг обрў-эътибори ва нуфузини ошириш давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири бўлади. Шу мақсадда мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматининг бир қатор қарорлари қабул қилинади. Жумладан, куни кеча бу борадаги биринчи фармонга имзо чекилганини маълум қилмоқчиман. Ана шу фармон асосида академик унвони учун бериладиган гонорар миқдори энг кам иш ҳақининг 4 баробаридан 10 баробарига қадар кўтарилди.

Энг муҳими, бу пул маблағларидан умуман солик олинмайди.

Хурматли академикларимиз ўз саломатликларини тиклашлари учун йилига бир марта ўзларига қулай вақтда давлат ҳисобидан юртимиздаги санаторийларга бепул йўлланмалар билан таъминланади.

Бир сўз билан айтганда, Фанлар академиясини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш пайти келди. Ўйлайманки, бу фикрга сизлар ҳам қўшиласиз.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Маълумки, битта фан доктори, профессор, айниқса, академикнинг ҳақиқий олим бўлиб камол топиши учун давлат ва жамият унга камида 30 – 40 йил вақт, катта меҳнат ва маблағ сарфлайди. Академик деган юксак даражага эришиш – бу албатта осон эмас. Бундай бахт ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Академиклар миллатнинг фахри, ғурури, халқнинг юзи, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Афсуски, биз кейинги вақтда захматқаш олимларимизнинг илмий изланишлари ва эришаётган ютуқларини кенг ёритиш, атрофлича тарғиб қилиш масаласини эътиборимиздан биров четда қолдираётганимизни ҳам очик айтиш керак. Илм-фан ютуқларини жамоатчилик, аввало, ёшларимиз ўртасида кенг оммалаштириш, бу соҳага уларнинг эътибори ва қизиқишини кучайтириш бўйича биз ҳали кўп иш қилишимиз зарур.

Бир вақтлар «Фан ва турмуш» деган журналимиз бутун юртимизда қандай машҳур бўлганини ҳаммамиз яхши эслаймиз.

Шу муносабат билан ҳукуматга мамлакатимизда илм-фан ютуқларини ҳар томонлама оммалаштириш мақсадида Фанлар академияси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда, бу масала бўйича аниқ чоратадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси топширилади. Ушбу режада «Фан ва турмуш», «XXI аср технологиялари» каби илмий-оммабоп журналлар, шунингдек, махсус илмий журналлар ва бюллетенларнинг моддий-техник базасини, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш масалалари ҳам кўзда тутилиши керак.

Мухтарам учрашув катнашчилари!

Мамлакатимизда илм-фанни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган даражада ривожлантириш учун сизларга ва барча олимлар, илмий жамоаларга замонавий шарт-шароитларни яратиб бериш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Энг муҳими, сиз, мухтарам олимларимизнинг Ўзбекистон илм-фанининг бугунги ва эртанги кунига бефарқ эмаслигиниз, бу масалада астойдил жон қуйдираётганингизни биз юксак кадрлаймиз.

Мамлакатимизда ташкил этилган электрон қабулхона орқали аксарият олимларимиз бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлари албатта эътиборга лойик.

Мен шахсан ўзим хурматли академикларимиз Маҳмуджон Салоҳиддинов, Шавкат Солиҳов, Оқил



Салимов, Турсунбой Рашидов, Ахмадали Асқаров, Турғунпўлат Даминов, Мухтор Саидов ва бошқалар томонидан билдирилган фикрлар, таклиф ва тавсиялар билан яқиндан танишиб чиқдим. Бу таклифлар ҳозирги вақтда тегишли вазирлик ва идоралар, мутасадди ва мутахассислар томонидан синчиклаб ўрганиб чиқилмоқда ва биз бу масалалар бўйича албатта аниқ қарорларга келамиз.

Азиз устозлар!

Сизлардек қалби дарё, улуг инсонлар билан бирга она Ватанимизни раванк топтириш, юртимизда илмий муҳитни юксалтириш, халқимизда, айниқса, ёшларда илму фанга интилишни кучайтириш, илмий-техникавий, инновацион соҳаларни янада тараққий эттириш учун келажакда ҳали кўплаб эзгу ишларни амалга оширамиз.

Халқимизда «Оққан дарё оқаверади» деган доно нақл бор. Шу маънода, эл-юртимизнинг қон-қонида азалдан бўлган ақл-заковат, илму маърифат туфайли, сиз каби заҳматқаш ва фидойи инсонларнинг хизматларингиз туфайли Ўзбекистонимиз заминидан янги хоразмийлар, берунийлар, улуғбеклар етишиб чиқади ва Ватанимиз шуҳратини бутун дунёга юксалтиради, деб ишонаман.

Мана шундай олижаноб мақсадларимизга етишда сизларга куч-қувват, бардамлик, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, илмий-ижодий ютуқлар тилайман.

Қалбимиздаги Ватанимиз ва халқимизга бўлган эзгу туйғулар, меҳр-муҳаббат янада зиёда бўлсин.

Машаққатли меҳнатингиз натижасидан баҳраманд бўлиш ўзингизга, оилангиз, фарзанд ва невараларингизга, бутун эл-юртимизга буюрсин!

*Мамлакатимиз илмий жамоатчилиги  
вакиллари билан учрашувдаги нутқ.  
2016 йил 30 декабрь*

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Бетакрор диёримизга янги – 2017 йил кириб келмоқда.

Сиз, муҳтарам отахон ва онахонлар, меҳрибон опа-сингилларимиз, навқирон ёшларимиз, бутун халқимизни янги йил байрами билан чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва қувонч тилайман.

Поёнига етаётган 2016 йилда юртимиз ҳаётида яхши кунлар, улкан ютуқ ва марралар кўп бўлди. Шу билан бирга, афсуски, бошимизга огир ташвиш ва синовлар ҳам тушди.

Лекин бу синовлар эл-юртимизни янада бирлаштирди. Мард халқимизнинг матонати туфайли биз бу синовлардан ҳам муносиб ўтдик.

Яқунига етаётган йил аввало мустақил Ватанимиз 25 ёшга тўлган йил сифатида тарихимизда ўчмас из қолдирмоқда.

Ўтаётган йилни деҳқон ва фермерларимиз, ишчи ва қурувчилар, ўқитувчи ва шифокорлар, жасур ҳарбийларимиз, олимлар, ижодкор зиёлилар – барча касб эгалари ўз соҳалари бўйича ёруғ юз билан яқунладилар.

Айниқса, юртимиз спортчилари Олимпиада ва Паралимпия ўйинларида эришган бекиёс ютуқлар

мамлакатимиз шуҳратини бутун дунёда янада юксалтирди.

Бир сўз билан айтганда, ўтиб бораётган йилдан рози бўлиб, ҳар қанча шукрона айтсак арзийди.

Кадрли дўстлар!

Биз кириб келаётган 2017 йилга «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб ном бердик.

Бунинг негизида «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ» деган олижаноб мақсад ва вазифалар ётибди.

Янги йилда бу борадаги дастурий вазифаларни амалга оширишда барчамизнинг, аввало, раҳбар ва етакчиларнинг бир жону бир тан бўлиб, астойдил меҳнат қилишларига ишонаман.

Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, тараккиёт, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш бундан буён ҳам асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Азиз ватандошларим, кадрдонларим!

Мана шу қувончли дамларда барчангизни Янги йил байрами билан самимий муборакбод этаман.

Юртимиздаги ҳар бир оилага тинчлик-хотир-жамлик, бахт ва омад ҳамда фаровонлик тилайман.

Янги – 2017 йилнинг қадами жонажон Ватанимизга қутлуғ ва баракали келсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

*Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

## **ТИББИЁТ СОҲАСИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ – КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗДИР**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 5 январь куни соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан учрашди.

Видеоконференция шаклида ўтган учрашувда ҳукумат аъзолари, сенаторлар, вилоят ҳокимлари, вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлари, соғлиқни сақлаш тизими масъул ходимлари иштирок этди.

Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир, деди Шавкат Мирзиёев. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, даволашнинг замонавий технология ва усулларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган халқимизнинг муносиб ҳаёт сифатини таъминлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш, тиббий хизмат сифатини юксалтиришга

қаратилган тизимли ишлар изчил давом эттирилмоқда. Мустақиллик йилларида ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли ислохотлар туфайли соғлиқни сақлаш тизими тубдан ўзгарди. Аҳолининг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиши Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонуни билан мустаҳкамланди.

Шифокорлик касбини улуғлаш, уларнинг машаққатли меҳнатини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Президент фармони замонавий талабларга жавоб берадиган ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларида аҳолига малакали хизмат кўрсатадиган, жумладан, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш бўйича яхлит тизимни шакллантиришда муҳим омил бўлди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ мамлакатимизда бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича замонавий тиббий хизмат тизими ташкил қилинди. Ушбу хизмат кишлоқ врачлик пунктлари ва шаҳарлардаги оилавий поли-клиникалар тармоғини қамраб олган.

Бугунги кунда кардиология, жарроҳлик, кўз микрохирурғияси, урология, терапия ва тиббий реабилитация, эндокринология, пульмонология ва фтизиатрия, акушерлик ва гинекология, дерматология ва венерология, педиатрия ва бошқа йўналишлардаги махсус илмий-амалий тиббий ёт марказларида юқори сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Ушбу

шифо муассасаларида ҳар йили юқори технологиялар асосида 50 мингга яқин мураккаб операциялар бажарилади, 600 мингдан кўпроқ беморга амбулатор хизмат кўрсатилади. Олимларнинг долзарб мавзулардаги илмий изланишлари натижасида тиббиётнинг йигирмадан зиёд йўналишлари бўйича 1000 дан ортиқ даволаш-диагностика стандартлари ишлаб чиқилди.

2016 йил – Соғлом она ва бола йилида мамлакатимиз тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун 80 миллион доллар қийматидаги кредит ва грант маблағлари йўналтирилди, фарзанд кўриш ёшидаги аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғломлаштирилди. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида эшитиш бўйича нуқсонли бўлган 350 дан ортиқ болада кохлеар имплантация операциялари амалга оширилди. 700 минг бола пневмококк инфекцияси ва бошқа юқумли касалликларга қарши эмланди.

Аммо бугун замон ўзгармоқда, одамларнинг талаби ошиб бормоқда. Халқимизнинг тиббий маданияти юксалиб, энг сўнгги усул ва русумлардаги тиббий хизматдан баҳраманд бўлишни истайди. Бизга шу ҳам бўлаверади, деган тушунча энди ўз умрини ўтаб бўлди. Бу барча соҳалар қатори тиббиёт соҳасига ҳам бевосита дахлдор, деди Президентимиз. Шу боис соҳа ходимлари тиббиётнинг энг илғор, замонавий ютуқларини, даволаш усулларини ўзлаштираётган за-

рур. Эришилган ютукларга махлиё бўлиб ўтириш – тараккиёт йўлидаги энг катта ғовдир.

2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб эълон қилинганида ҳам катта маъно мужассам. Чунки, инсон манфаатлари деганда, аввало инсоннинг саломатлиги, замонавий тиббий хизматдан тўлақонли фойдаланиши ҳам назарда тутилади.

Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловолди учрашувларида одамлар ичига кириб, уларнинг дарди, муаммолари, таклифларини эшитиш лозимлигини алоҳида қайд этди. Бош вазирнинг Виртуал қабулхонасига келган мурожаатларнинг 7 мингдан зиёди айнан тиббиёт соҳасига тегишли экани ҳам мазкур соҳада муайян муаммолар йигилиб қолганини кўрсатмоқда. Аҳолининг мурожаатлари, фикр-мулоҳазалари ва таклифлари соғлиқни сақлаш тизимини янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда.

Президентимиз тиббиёт соҳасида бажарилиши лозим бўлган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида атрофлича тўхталди. Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятига оид куйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда қишлоқ врачлик пунктлари бирламчи тиббий кўрикни ўтказиш учун лаборатория таҳлили воситалари, қатор диагностика аппаратлари билан жиҳозлангани аҳоли учун қулайлик яратмоқда. Лекин тиббий ускуналарни ишлатадиган малакали мутахассислар етарли даражада эмас. Баъзи чекка ҳудудларда оддий қон топ-



шириш учун туман марказига ёки шаҳарга боришга тўғри келаётганини ҳам инкор эта олмаймиз.

Айрим жойларда тиббий кўриклар номигагина ўтказилмоқда, деб фикрини давом эттирди Президентимиз. Чекка ҳудудларда малакали мутахассислар етишмаётгани кадрлар масаласида қилинадиган ишлар кўплигини англатади. Қишлоқ врачлик пунктлари туну кун ишламоғи зарур. Бунинг учун пункт ёнидан шу жойда ишлайдиган врачга уй куриб бериш лозим.

Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини юксалтиришга қаратилган бир катор чора-тадбирлар кўрилди. Лекин бугун халқимиз бу хизмат сифатидан рози, дея олмаймиз. Тизимни мутлақо ўзгартириш – давр талаби.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар танкидий кўриб чиқилди.

Аёлларимиз иболи, ҳаёли. Баъзи масалаларда шифокорга бориб дардини бемалол айтавермайди. Шу боис хотин-қизлар учун алоҳида поликлиника ташкил қилишимиз керак, деди давлатимиз раҳбари. Токи улар бориб ўзини қийнаётган масалада бемалол фикрлашсин. Чунки эртанги кунимизнинг давомчиларини соғлом дунёга келтириш кўп жиҳатдан аёлларимизнинг саломатлигига боғлиқ.

Соғлиқни сақлаш соҳаси ҳақида гапирганда, бир ҳақиқатни эсимиздан чиқармаслигимиз лозим: тиббиёт ходимлари – саломатлигимиз посбонларидир. Уларга халқ ишониши, улар эса халқни ишонтира олиши керак, деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятида ҳам ечимини кутаётган масалалар кўп. Мавжуд марказларнинг ҳаммаси Тошкент шаҳрида жойлашган. Бу, айниқса, қишлоқ аҳолисига муайян ноқулайликлар туғдирмоқда. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари мутахассислари жойларга чиқиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоғи, жарроҳлик амалиётларини ўтказмоғи лозим, деди Президентимиз.

Тадбирда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасини янада ривожлантириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш, ёш мутахассисларни тарбиялаш жараёнига илғор таълим технологияларини кенг жорий этиш, дунёнинг етакчи тиббиёт марказлари ва ўқув муассасалари, таниқли олимлар ва мутахассислар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва бошқа долзарб масалалар юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, соғлиқни сақлаш вазири А.Икромов, соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Ҳожибоев, соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарлари Э.Боситхонова, С.Саидалиев, Республика ихтисослаштирилган урология маркази директори Ф.Оқилов, Респуб-

лика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази директори А.Аляви, Республика иммунология илмий маркази директори Т.Арипова, сенатор З.Низомхўжаев, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси С.Иномова, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси М.Ерниязов, Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдурахмонов, Бухоро вилояти ҳокими Ў.Барноев ва бошқалар Президентимизнинг тиббиёт соҳасига қаратаётган алоҳида эътибори соҳа ривожига муҳим омил бўлаётганини қайд этдилар. Билдирилган танқидий фикрлардан зарур ҳулосалар чиқариб, кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, соҳа олдида турган долзарб вазифаларни бажариш юзасидан тизимли ишлар олиб борилишини, барча куч ва имкониятлар ишга солинишини таъкидладилар.

*2017 йил 5 январь*

## **ХАЛҚИМИЗ БИЗДАН ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИ АМАЛДА ТАЪМИНЛАШНИ КУТМОҚДА**

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Хурматли прокуратура ходимлари ва фахрийлари!

Аввало, сизларни, сизлар оркали прокуратура тизимида хизмат қилаётган барча юртдошларимизни, мухтарам фахрийларни кутлуғ сана – Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ташкил топганининг 25 йиллиги билан самимий табриклайман.

Сизларга яхши маълум, юртимизда 8 январь Прокуратура органлари ходимлари куни этиб белгиланди. Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, бу сананинг тарихи тўғрисида қисқача тўхталиб ўтиш жоиз.

Аввало, Биринчи Президентимиз, мухтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан 1992 йил 8 январда «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тўғрисида»ги фармон қабул қилингани, шу асосда илгари собиқ Иттифокка бўйсунган Ўзбекистон ССР прокуратураси мустақил Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига айлантирилганини эслаш лозим.

Бу эса, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда янги прокуратура тизимини яратиш йўлидаги тарихий қадам бўлди.

Юртимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган тизимли ислохотлар жараёнида суд-ҳуқуқ соҳаси ҳам тубдан ислох қилинди. Биринчи навбатда, халқаро ҳуқуқ талабларига жавоб берадиган қонунлар яратишга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга устувор аҳамият қаратилди. Миллий анъана ва қадриятлар ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларини ўзида мужассам этган Конституциямиз ва қонунларимиз қабул қилинди. Айтилиши мумкин, ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолияти қайта кўриб чиқилди. Жумладан, прокуратура органлари фаолиятини ислох қилиш ва янада такомиллаштириш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бу борада «Прокуратура тўғрисида»ги қонун қабул қилинганини алоҳида қайд этиш лозим.

Давлатимизнинг Асосий қонуни – Конституцияда прокуратура органлари зиммасига қонун устуворлигини таъминлашдек масъулиятли вазифа юклатилди.

Шу билан бирга, прокуратуранинг тадбиркорлик фаолияти эркинлиги, қишлоқ хўжалигини ислох қилишга оид қонунлар сўзсиз ижро этилишини таъминлаш, солиқ, валютага оид жиноятларга ҳамда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича роли ва масъулияти янада кучайтирилди.

Кадрли дўстлар!

Бундан икки йил олдин сизлар билан Бош прокуратурада ўтказилган учрашувда прокуратура органлари олдида турган асосий вазифалар ҳақида атрофлича фикрлашиб олган эдик.

Шу ўтган даврда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, юқори малакали кадрларни тарбиялаш, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, ходимларнинг моддий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва меҳнат шароитларини яхшилаш борасида бирмунча ишлар амалга оширилди. Жумладан, прокуратура ташаббуси билан жамият ва давлат ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган 17 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 та фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 3 та қарори қабул қилинди.

Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизими такомиллаштирилди. Прокуратура органларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасидаги фаолиятдан барчамиз хабардормиз.

Назорат тадбирларида 13 мингдан ортиқ тадбиркорнинг ҳуқуқлари, 7 мингдан зиёд ўз ишини тўхтатган тадбиркорлик субъектлари фаолияти қайта тиклангани прокуратура органлари томонидан бу йўналишга устувор вазифа сифатида қаралаётганидан далолат беради.

Ўтказилган тадбирлар ва жинойтларни тергов қилиш жараёнида 1 триллион 859 миллиард сўмлик етказилган зарар ундирилганини қайд этиш лозим.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Бугунги кунда жаҳон миқёсидаги глобаллашув жараёнлари, бошимиздан кечираётган ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган, тобора кучайиб бораётган талабларни ҳисобга олмасак, шиддатли давр билан ҳамқадам бўлиб яшамасак, ўз-ўзидан аёнки, стратегик мақсад ва вазифаларимизни амалга оширишимиз, тараккий топган замонавий демократик давлатлар қаторига киришимиз кийин бўлади. Бу юксак талабни, биринчи навбатда, сиз, прокуратура ходимлари яхши тушунасиз, деб ўйлайман.

Шу нуктаи назардан қараганда, гарчи бугун сизларнинг профессионал байрамингизни биринчи марта нишонлаётган бўлсак-да, эришилган ютуқларга махлиё бўлиб, ўзимиздан мамнун бўлиб, хотиржамликка берилишга бизнинг ҳаққимиз йўқ.

Шу сабабли биз прокуратура ва бутун ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган устувор вазифаларни, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш йўллари аниқ белгилаб олишимиз зарур.

Халқимиз ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда том маънода қарор топтириш – энг асосий вазифамизга айланиши шарт.

Биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатда, адолатсизликнинг ҳеч қандай кўринишига йўл қўйилмаслиги даркор. Нега деганда, **«Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди»**. Бу чуқур маъноли сўзлар бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этаётганини сезиш, англаш кийин эмас.

Масалага шу кўз билан қараб баҳо берадиган бўлсак, ислохотларни самарали амалга оширишнинг муҳим шарти бўлган **қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш** борасида прокуратуранинг бугунги фаолияти талабга жавоб берадими?

Мана шу мураккаб ва оғир савол бугун олдимизда кўндаланг турибди. Ва қанчалик кийин, қанчалик аччиқ бўлмасин, биз бу саволга ўзимиз, сизлар билан бирга, виждонимиз олдида очиқ жавоб беришимиз зарур.

Шу ўринда яна бир табиий савол туғилади: **кўрилаётган чораларга қарамасдан, нима учун жамиятимизда қонунни бузиш ҳолатлари кескин камаймаяпти?**

Агар ҳисоботларга назар ташласак, кейинги икки йилда прокуратура органлари томонидан 264 мингдан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланиганини кўрамиз. Бу рақамлар, бир қараганда, гўёки прокуратура органлари фаолиятида олиб борилаётган кенг миқёсдаги ишлардан далолат беради.

**Айни вақтда, афсус билан айтиш керакки, кўп ҳолларда қонун устуворлигини таъминлаш бўйича прокурор назорати ҳуқуқбузарлик содир этилганидан сўнг намоён бўлмоқда.**

Бир сўз билан айтганда, асосий эътибор ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаб, уларнинг олдини олишга эмас, балки оқибатлари билан курашишга қаратилмоқда. Бундай ҳолатга чек қўйиш вақти келди.



Фукароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам диққатимиз марказида бўлиши, бунинг учун суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни изчил давом эттиришимиз лозим. Ана шу ислохотлар жараёнида прокуратура фаол иштирок этиши, авваламбор, фукароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган назорат фаолиятини кучайтириши керак. Лекин инсон ҳуқуқларининг ҳимоячиси сифатида прокуратура органлари томонидан бу соҳада қонунийликни тўлиқ таъминлашга эришилмаяпти. Буни очиқ айтишимиз лозим.

Айниқса, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш, меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш соҳаларида қонун бузилишларига барҳам берилмагани кўплаб эътирозларга сабаб бўлмоқда.

Шу борада баъзи мисолларни келтириб ўтмоқчиман. Ўтган йили очилган Бош вазирнинг Виртуал қабулхонасига қисқа давр мобайнида фукароларимиздан 311 мингдан зиёд мурожаат келиб тушди. Уларнинг 111 мингдан ортиғи ёки ҳар учтадан биттасида ижтимоий соҳадаги ўткир масалалар кўтарилган.

Жойларда иш ҳақи ва пенсия тўловларини кечиктириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун ажратилаётган бюджет маблағларини ноқонуний сарфлаш ва талон-торож қилиш ҳолатлари мунтазам равишда давом этиб келаётгани ҳаммамизни ташвишга солади. Масалан, ўтган йили 5 минг 925 та фукаролар йиғинида кам таъминланган оилаларни

ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган 41 миллиард 300 миллион сўмга яқин нафақа ва моддий ёрдам пули ноқонуний тўлангани аниқланган.

Бундан ташқари, нақд пулнинг банкдан ташқари айланиши билан боғлиқ салбий ҳолатларга қарши етарлича кураш олиб борилмаяпти.

**Аслида бу масалалар Прокуратура ҳузуридаги департаментнинг бевосита вазифасига киради. Лекин, афсуски, департамент ва унинг жойлардаги бўлинмалари бу ишни ўз ҳолига ташлаб қўйган. Шунинг учун, департамент янги раҳбариятининг эътиборини ушбу муҳим масалаларни алоҳида назоратга олиш зарурлигига қаратаман.**

Яна бир муҳим масала – оналик ва болаликни химоя қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ҳам етарли назорат ўрнатилмаган.

Оқибатда оналар ўлими Сурхондарё (Саидов), Фарғона (Абдурахмонов) ва Хоразм (Турдиев) вилоятларида, гўдақлар ўлими эса Тошкент (Файзиев) ва Сирдарё (Облокулов) вилоятларида кўпайгани кузатилмоқда.

Прокуратура идоралари томонидан тўлов интизомига оид қонунлар ижроси устидан етарли назорат олиб борилмаяпти. Бунинг оқибатида ўтган йили Тошкент шаҳри (Қудратхўжаев), Сирдарё (Облокулов), Тошкент (Файзиев) ва Хоразм (Турдиев) вилоятларида дебитор қарздорлик даражаси ошган.

**Ёқилғи ва энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда коммунал хўжалик соҳасида**

прокурор назорати талаб даражасида ўрнатилмагани туфайли ёкилги-энергетика ва энергиядан фойдаланиш тизимида кўплаб конунни бузиш ҳолатлари кўзга ташланмоқда.

Коммунал тўловлар соҳасида умумий қарздорлик кун сайин ўсиб бораётгани ва жуда катта рақамларни ташкил этаётгани, албатта, ҳаммамизни ташвишга солиши керак. Бундай қарздорлик, айниқса, Тошкент (Файзиёв), Жиззах (Муҳаммаджонов), Андижон (Эгамбердиев), Сирдарё (Облоқулов) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (Қудратхўжаев) кескин ошиб кетганини афсус билан айтишга тўғри келади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади, қонун қосбонлари – ҳурматли прокурорларимиз қаёққа қараган? Нима учун бундай салбий рақамлар бўла туриб, сизлар томошабин бўлиб ўтирибсиз? Шунинг учун бугун яна бир марта сизларни огоҳлантириб айтаман, бундай кейин бу масалаларда бошқа раҳбарлар қатори прокурорлар ҳам бошлари билан жавоб берадилар.

Мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш бўйича, юқорида айтилганидек, прокуратура органлари томонидан бирмунча ишлар қилинди. Айни вақтда бу соҳада ҳам қатор қамчиликлар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, ердан ноқонуний ва мақсадсиз фойдаланиш, уни талон-торож қилиш, уй-жой қуриш ва бошқа мақсадлар учун ер участкаларини асоссиз ажратиб

бериш ҳолатларига, афсуски, чек қўйилмаяпти. Ўтган йили қарийб 7 минг 665 гектар ер майдонидан ноқонуний ва мақсадсиз фойдаланиб келингани аниқланди.

Шу билан бирга, мансабдор шахслар томонидан 74 минг гектардан зиёд ер ноқонуний ажратиб берилгани бу соҳада тартиб ва назорат сусайиб кетганидан далолат беради.

Шу муносабат билан прокуратура органлари ўз фаолиятида қуйидаги долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратиши шарт:

– иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни тўлашдаги кечиктиришларга, меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларнинг бузилишига мурасасиз бўлиш;

– электр, табиий газ ва бошқа коммунал тўловларнинг қонунийлиги ва асосли экани устидан самарали назорат ўрнатиш;

– аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш ва бандликни таъминлаш соҳасидаги назоратни кучайтириш;

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида қонунийлик ҳамда алоҳида ҳимояга муҳтож бўлган, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга нафақа тайинлашда ижтимоий адолат принципини таъминлашимиз зарур.

Агар туман ёки шаҳарда прокурор қайд этилган масалаларда қонунийликни таъминлаш юзасидан ҳар ойнинг бешинчи ёки ўнинчи кунда мутасадди идоралар, банклар ва тегишли ташкилотлар раҳбарларини йиғиб, профилактика билан шуғулланса, олам гулистон бўлади.

Сизлар эса, муаммо тагига олиб кетганидан кейин шугулланасизлар ва натижа ҳам шунга яраша коникарсиз бўлади.

Муҳтарам дўстлар!

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш ҳақида гапирганда, гоят муҳим бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Яъни, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, халқ билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, содда қилиб айтганда, эл-юрт ичига кириш, унинг дарди ва ташвиши билан яшаш прокуратуранинг энг долзарб вазифасига айланиши зарур.

Жорий йилни Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилганимизнинг асл мақсади ҳақида мен ўз чиқишларимда атрофлича сўз юритганман. Лекин бугунги имкониятдан фойдаланиб, бу ҳақда яна бир бор тўхталиб ўтишни ўринли, деб биламан.

Биз одатда инсоннинг ҳаётий эҳтиёж ва манфаатларини таъминлаш – энг олий кадрият, бу – давлат идораларининг асосий вазифаси, деган мазмундаги гапларни кўп такрорлаймиз. Буларнинг ҳаммаси албатта тўғри. Лекин ҳақли савол пайдо бўлади: **одамнинг манфаатини таъминлаш учун аввало у билан гаплашиш, мулоқот қилиш керак эмасми? Мулоқот ва манфаат деган тушунчалар ўзаро чамбарчас боғлиқ эмасми?**

Шу маънода, биз – эл-юрт ишонч билдирган раҳбарлар халқимиз билан аввало ўзимиз мулоқот қилмасак, унинг дарду муаммоларини эшитиб,

Ўзимиз ҳал этмасак, жамиятимизнинг ижтимоий кайфиятидан доимо хабардор бўлиб яшамасак, бизнинг ўрнимизга четдан келадиган, кўштирноқ ичидаги «меҳрибон»лар албатта топилади. Улар ҳам ўзича халқ билан мулоқот қилишга уринади. Лекин бу «мулоқот» жамиятимизда вазиятни издан чиқаришга, бузғунчилик, карама-қаршилик, ҳатто, Худо сакласин, қон тўкилишига олиб келиши мумкин. Бунга мисол кидириб, узокқа боришнинг ҳожати йўқ. Дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган зиддият ва хунрезликларни эслашнинг ўзи кифоя.

Шу боис одамларнинг оғирини снгиб қилиш, аҳолининг давлат идораларига ишончини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар бир ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхона ташкил этилганидан хабардорсиз, албатта.

Шу ўринда яна бир фикрни афсус билан айтишга тўғри келади. Агар прокуратура органлари ва бошқа тегишли идораларимиз ўз вазифасини виждонан, қонуний асосда бажарганида, биз Халқ қабулхоналарини ташкил этишга мажбур бўлмас эдик. Бу прокуратура ишига берилган ўзига хос бир баҳо, десак, бу ҳам тўғри бўлади.

Мана шу танқидий фикрлардан ҳулоса қилган ҳолда, прокурорлар тегишли ҳокимликлар ва бошқа мутасадди идоралар билан биргаликда марказда ва жойларда бу ишларни тўғри ташкил этиши, фуқаролардан тушган мурожаатлар тўлиқ ва мулдатда қўриб чиқилишини таъминлаши шарт.

Қадрли мажлис иштирокчилари!

Мамлакатимиз иктисодиётини ривожлантириш, халқимизнинг фаровон турмушини таъминлашда муҳим ўрин тутаётган **тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш** масаласи давлат сиёсатининг стратегик йўналишларидан биридир.

Шу нуктаи назардан қараганда, прокуратура органлари тадбиркорлик фаолияти ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш юзасидан ўтган йили 5 октябрда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон талабларига сўзсиз амал қилинишини таъминлаши зарур.

**Минг афсуски, тадбиркорлик субъектлари бўйича ноқонуний текширишлар ўтказиш ва уларнинг фаолиятига асоссиз аралашиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда. Жумладан, охириги икки йилда давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари бўйича 209 та ноқонуний текшириш ўтказилган ва 702 та ҳолатда уларнинг фаолиятига асоссиз аралашилган.**

Айни вақтда ўтган йили Жиззах, Қашқадарё, Тошкент вилоятларида тадбиркорлар фаолиятини ноқонуний текшириш билан боғлиқ бор-йўғи биттадан ҳолат аниқланган. Сирдарё вилоятида эса бирорта ҳам бундай ҳолат аниқланмаган.

Билмадим, балки ушбу вилоятларда прокуратура идоралари бу борада ҳаммаси жойида, ҳеч қандай

камчилик йўқ, деган кайфият билан юргандир. Лекин биздаги маълумотлар бунинг тамоман аксини кўрсатмоқда.

Таҳлилларга кўра, мамлакатимиз бўйича кичик бизнес субъектларидан қарийб 16 мингтаси ёки 7 фоизи ўз фаолиятини тўхтатган. Бундай корхоналар барча ҳудудларда мавжуд. Мисол учун, Тошкент вилоятида тадбиркорлик субъектларининг 15 фоизи, Сирдарё вилоятида 13 фоизи, Жиззах вилоятида эса 10 фоизи фаолият кўрсатмаяпти. Энг ёмони, бунинг оқибатида мавжуд иш ўринлари йўқотилмоқда.

Маълумки, тадбиркор ўзининг, бола-чақасининг насибасидан қийиб, тўплаган пули, молу мулкни янги иш очишга сарфлайди. Банкдан кредит олса, уни ҳам фоизи билан ўзи тўлайди. Унга ҳеч ким ҳар ўн беш кунда бюджетдан аванс ёки ойлик бермайди. Шунга қарамасдан, таваккал қилиб, ҳузур-ҳаловатидан кечиб, бор имконияти, маблағини хавф-хатарга қўйиб, ўз иши учун кечаю кундуз жонини бериб ишлайди. Шу йўл билан, у нафақат ўзини, оиласини, балки эл-юртни ҳам боқади.

Шу маънода, тадбиркор – бу ҳақиқий фидойи инсон. Шахсан мен бундай одамларни ёки, майли, иккита бўлса ҳам иш ўрни яратган тадбиркорни бошимга кўтаришга тайёрман. Шунинг учун, тадбиркор бой бўлса, давлат ҳам, халқ ҳам бой бўлади, деган фикрни қайта-қайта такрорлашдан мен чарчамайман. Билиб қўйинглар, бизнинг бундан бошқа йўлимиз йўқ.



Шу муносабат билан яна бир бор таъкидлаб айт-  
моқчиман: **тадбиркорлик йўлига қарши чиқиш –  
давлат сиёсатига, Президент сиёсатига қарши чи-  
қишдир.**

Афсуски, шу борада айтилаётган гаплар, кўри-  
лаётган чора-тадбирларга қарамасдан, мансабдор  
шахслар томонидан тадбиркорларга нисбатан  
таъмагирлик ҳолатлари ҳали-бери учраб турибди. Бу  
эса тадбиркорларда ҳақли норозилик уйғотмоқда.  
Бундай ҳолатларнинг ҳар бири бўйича айбдор шахс-  
ларни аниқлаб, сўзсиз жиноий жавобгарликка  
тортиш шарт.

Биз бундан буён ҳар қайси туман ва вилоят  
прокурорининг фаолиятига у ишлаётган ҳудудда  
қанча янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилган-  
нига, қанча тадбиркорнинг қонуний ҳуқуқ ва  
манфаатлари ҳимоя қилинганига қараб баҳо берила-  
диган тизимни жорий этамиз.

Яна бир долзарб масала шундан иборатки,  
айрим ҳудудлар ҳанузгача субвенция олади, лекин  
прокурорлар ва департамент ходимлари тегишли  
масъул шахслар билан биргаликда ҳудуд иқтисо-  
диётини кўтариш, солиқ ва бошқа мажбурий  
тўловларни тўлик ва ўз вақтида ундириш масаласига  
етарлича аҳамият бერмаяпти. Ваҳоланки, проку-  
ратура ва департамент органлари ҳудудларнинг  
ижтимоий-иқтисодий аҳволи билан доимий кизи-  
қишлари, бу борада тегишли чора-тадбирларни  
амалга оширишда фаол қатнашишлари керак.

**Вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқук ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топтириш** каби муҳим масалалар бўйича қонунлар ижроси устидан прокурор назорати устувор аҳамият касб этади.

Бу борадаги тадбирлар натижасида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик 7,8 фоизга камайишига эришилган. Лекин бизни жиддий ташвишга солаётган бир муаммо – академик лицей ва касбхунар коллежлари, олий ўқув юртларидаги давомат, битирувчиларнинг кейинги тақдири, уларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ.

Прокурорлар битирувчиларни ишга жойлаштиришдаги кўзбўямачилик ҳолатларига принципиал муносабат билдирмаяпти.

Шу ўринда мамлакатимиз бўйича кейинги йилларда содир этилаётган барча жиноятларнинг 25 – 30 фоизи ёшлар ҳиссасига тўғри келаётгани, умуман олганда, ҳар йили 30 – 34 минг нафар ёшлар, жумладан, 3,5 минг хотин-қиз жиноят содир этаётгани барчамизни ташвишга солиши зарур.

Биргина 2016 йилнинг 11 ойида 815 нафар коллеж ва лицей ўқувчиси, 318 нафар талаба жиноятга қўл урганига қандай баҳо бериш мумкин?

Айни вақтда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик Бухоро ва Фарғона вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ошганини қайд этиш лозим.

Мактаб ўқувчилари ўртасида жиноят содир этганлар сони Тошкент, Жиззах, Навоий, Андижон, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида кўпайгани кузатилмоқда.

Вояга етмаганлар ўртасида босқинчилик жиноятлари мамлакатимиз бўйича айниқса Тошкент, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида ошгани барчамизни хавотирга солади.

Буларнинг барчаси прокуратура органларидан ушбу йўналишдаги ишларни жиддий қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Ҳурматли мажлис катнашчилари!

Биз учун ўта муҳим бўлган **аҳолини иш билан таъминлаш масаласи** кўпгина ҳудудларда ўткир муаммо бўлиб қолмоқда.

Савол туғилади: бу муаммони ҳал қилишга прокурорлар қандай хисса қўшмоқда? Аслида бу масала сизлар учун одамларни, халқ ишончини қозонишда энг муҳим мезон бўлиши керак эмасми?

Яратилган янги иш ўринлари ва иш билан таъминлаш ҳақидаги ҳисоботларда сохта маълумотлар орқали мавжуд салбий аҳволни ижобий қилиб кўрсатиш давом этмоқда.

Маълумки, ишсизлик биринчи навбатда жиноятчиликнинг ўсишига сабаб бўлади. Андижон ва Наманган вилоятларида жиноят содир этганларнинг ярми, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида эса деярли ҳар учтадан биттаси ишсиз одамлар экани аниқланган. Бу эса ана шу ҳудудларда аҳолини иш билан таъминлашда жиддий нуксонлар борлигидан далолат беради.

Бир ўйлаб кўрайлик: жиноят қачон камаяди? Қачонки одамлар ишли бўлса, даромад манбаига эга бўлса. Шундагина инсон ҳаётдан, давлат ва жамиятдан рози бўлади. Халқ рози бўлиши учун прокурор тадбиркор билан дўст бўлиши керак. Прокурорнинг кабинети тадбиркор учун доимо очик бўлиши лозим.

Тадбиркорни фақат жазолаш учун повестка билан чақириш эмас, балки унга амалий ёрдам бериш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш – прокуратура идоралари учун асосий вазифа бўлиши зарур.

Кадрли дўстлар!

Ҳаммамизга маълумки, ҳозирги вақтда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, «оммавий маданият» деган турли бало-казоларнинг хавфи тобора кучайиб бормоқда.

Шу нуқтаи назардан караганда, ҳар бир туман ҳокими ва туман ички ишлар бўлимлари раҳбарларининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозимини жорий этиш – давр талаби, деб ўйлайман.

Прокуратура органлари ана шу тузилмалар фаолиятини йўлга қўйишда яқиндан кўмак бериши, ёшлар билан олиб бориладиган ишлар «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим.

Олдимизда турган навбатдаги муҳим вазифа яратиб берилган имконият ва ваколатлардан тўлиқ

фойдаланиб, фуқароларимиз, жамият ва давлатимиз хавфсизлигини ҳамда конституциявий тузум химоясини таъминлашдан иборат.

Шу боисдан ҳам бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачигидек сақлашимиз, юртимиздаги миллатлар ва динлар вакиллари ўртасида тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлашимиз зарур.

Қадрли дўстлар!

Энди, рухсатингиз билан, прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири – **жиноятчиликка қарши кураш** масаласига тўхталиб ўтсак.

Албатта, дунёнинг аксарият мамлакатларида криминоген вазият кескинлашиб бораётган вазиятда юртимизда тинч ва осойишта ҳаёт ҳукм сураётгани, бунда прокуратура органларининг ҳам муносиб хиссаси борлигини барчамиз эътироф этамиз.

Айни вақтда бу борада прокуратура фаолиятида жиддий камчиликлар кўзга ташланаётганини ҳам айтмасдан ўтолмаймиз. Аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ишлари аксарият ҳудудларда тўғри ташкил этилмаган.

2016 йилда умумий жиноятчилик кўрсаткичлари Қорақалпоғистон Республикаси (Таджиев), Бухоро (Эшбаков) ва Андижон (Эгамбердиев) вилоятларида сезиларли равишда ошган.

Бу эса мазкур ҳудудларда профилактика соҳасидаги ишлар талаб даражасида эмаслигини кўрсатади.

Мамлакатимиз бўйича жиноятларнинг 6 минг 440 таси ёки 18,4 фоизи очилмасдан қолган. Бу кўр-

саткич Сурхондарё (Саидов) ва Андижон (Эгамбердиев) вилоятларида 24 фоизни, Сирдарё (Облакулов) вилоятида 23 фоизни ташкил этмоқда.

Бугунги кунда жиноят содир этган ва кидирувда бўлган шахсларнинг 12 минг 249 нафари ёки 55 фоиздан ортиги қўлга олинмаганини, ўзингиз айтинг, қандай баҳолаш мумкин?

Тошкент шаҳри (Қудратхўжаев), Андижон (Эгамбердиев) ва Фарғона (Абдурахмонов) вилоятлари бўйича ана шундай жиноятчилар сони энг юқори эканига қарамадан, уларни кидириб топиш кўрсаткичи энг паст даражада қолаётганини мутлақо оқлаб бўлмайди. Шунингдек, Хоразм (Турдиев) ва Наманган (Умаров) вилоятларида ҳам бу борадаги ишлар талабга умуман жавоб бермайди.

**Шуни афсус билан айтиш керакки, процессуал қонун нормалари асосида ҳолисона тергов ўтказишни таъминламаслик, уни зўравонлик билан олиб бориш ва чўзиш орқали фуқароларни сарсон қилиш каби салбий амалиётга батамом чек қўйилгани йўқ.**

Маълумки, судларда прокурор ваколатини самарали таъминлаш, шу мақсадда қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларини ўз вақтида аниқлаб, уларни қонунга мувофиқлаштириш чораларини кўриш прокуратура фаолиятида муҳим йўналиш ҳисобланади.

Бу борада яқинда қабул қилинган фармон ижросини таъминлаш биринчи даражали вазифадир.

Жиноят ишини суддан қўшимча терговга қайтариш институти батамом тугатилади.

Бундан кўзланган мақсад фуқароларнинг ортиқча овора бўлишига чек қўйиш, лўнда қилиб айтганда, судда оқни – оққа, қорани – қорага ажратишдан иборат.

Табиийки, бу амалиётнинг жорий этилиши натижасида айби тасдиқланмаган судланувчиларга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқариш ҳолатлари учун ҳам йўл очилади.

Бугунги кунда оқлов ҳукми чиқдими, бунга алоқадор прокуратура ходими жазоланиши лозим, деган эскича қарашлардан воз кечиш зарур.

Албатта, бундай ёндашув тергов ҳаракатларини қасдан ва фақат айблов нуқтаи назаридан бир томонлама олиб борган ҳамда шунга йўл қўйган ходимларга тегишли бўлмаслиги керак. Бундай шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланиши шарт.

Яна бир долзарб вазифа – қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, қонунлар мазмун-моҳиятини халқимиз ва иж-рочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Айниқса, маҳаллий ижро ҳокимияти, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари томонидан қонунни бузиш билан боғлиқ ҳар қандай ҳолат бўйича қатъий чора кўриш шарт.

Бу ҳақда гапирганда, прокуратура тизимида сўнгги икки йил ичида 7 нафар ходим томонидан жиноят содир этилганини афсус билан айтишга мажбурмиз.

Бундан ташқари, 2015–2016 йилларда ўз хизмат вазифасини талаб даражасида бажармаган ёки ноҳуш хатти-ҳаракатлар содир этган 643 нафар ходим интизомий жазога тортилган, 461 нафар ходим эса эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. Шу даврда ўз хизмат вазифасини талаб даражасида бажармагани учун Жиззах, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси прокурорлари лавозимидан озод этилди.

Шу билан бирга, 29 та туман прокурори хизмат лавозимидан озод этилгани, 11 нафари эса прокуратура органларидан бўшатилгани кадрлар масаласида жиддий хатоларга йўл қўйилганидан дарак беради.

Ҳар бир прокуратура ходими бундан ўзига тегишли хулоса чиқариши, прокуратура органи ходими деган шарафли номга лойиқ бўлиш учун ўз хизмат вазифасини масъулият билан бажариши, бергап қасамёдига ва хизмат бурчига доимо содиқ қолиши шарт. Бу масалалар бўйича энди талаб ва сўров қаттиқ бўлади.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Хукукбузарлик ҳолатларининг олдини олиш, прокурорлар фаолиятида очиклик ва ошқораликни таъминлаш мақсадида халқ вакиллари олдида прокурор ҳисоботини эшитиш тизимини йўлга қўйиш, прокуратура фаолияти устидаи жамоатчилик назоратини янада кучайтириш зарур.



Ҳақиқатан ҳам, давлат томонидан беш йилга ваколат берилган прокурор нима учун бирор марта жамоатчилик, халқ олдида ҳисобот бермайди?

Яна бир карра таъкидлайман: **халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак** ва бу ҳақиқатни аввало прокурорлар қулоғига кўргошиндек қуйиб олиши зарур.

2017 йилдан бошлаб парламент ва жамоатчилик назорати бўйича таъсирчан механизмларни шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли раҳбарлар ҳисоботини халқ депутатлари кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартиби жорий этилди. Яъни, ҳар ойда 10–12 кун давомида ҳар қайси вилоятнинг маълум бир туманида депутат ва сенаторлар томонидан ҳудуддаги ижро ҳокимияти органи, прокуратура ва ички ишлар бўлими фаолияти ўрганилади ҳамда тегишли халқ депутатлари кенгашлари сессияларида муҳокама қилинади. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир прокурордан ўз фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, натижадорликни кучайтиришни талаб этади.

Прокуратура органлари зиммасига юклатилган вазифаларни самарали амалга ошириш салоҳиятига ҳамда юксак маънавий-ахлоқий фазилат ва масъулиятга эга бўлган **профессional кадрларни тарбиялаш ва тайёрлаш** масаласи муҳим вазифаларимиздан биридир.

Бу ҳақда сўз юритганда, мазкур вазифага бевоқифа масъул бўлган Бош прокуратура Олий ўқув курсларининг фаолияти талабга жавоб бермайди.

Ана шу ўқув курслари фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, прокурор ва тергов ходимлари малакасини узлуксиз ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича **2 ой муддатда аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз зарур.**

**Қадрли юртдошлар!**

Биз сайловолди дастуримизда халқимизни ўйлантириб, безовта қилаётган, унинг кундалик ҳаётига бевосита таъсир кўрсатаётган ғоят муҳим масалаларни, биринчи навбатда, адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш масаласини ўртага қўйдик.

Аҳолимиз, эл-юртимиз энди биздан ана шу вазифаларнинг амалий ижросини кутмоқда. Агар биз мана шундай муаммоларни ўз вақтида, қонуний асосда бажармасак, бизга инониб, ишониб яшаётган миллион-миллион одамларга хиёнат қилган бўламиз. Барчамизга билдирилган юксак ишончни оқламасак, халқимиз биздан рози бўлмайди. Жумладан, бугун нишонлаётган байрамдан ҳам одамлар рози бўлмайди. Буни ҳеч ким ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги керак.

Бундан кейин прокуратура тизимида иш натижаларини баҳолаб бориш бўйича чорақлик рейтинг тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Яъни, биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни ким эгаллади ёки ким умуман рейтингга илинмади – буларнинг барчаси таҳлил этиб борилиши керак.

Ишда яхши натижадорликка эришиб, рейтингда биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган раҳбар

ва масъул ходимлар рағбатлантирилади. Аксинча, рейтингда учинчи поғонани эгаллаган шахсга хайфсан эълон қилинади. Рейтингга илинмаган ходим билан эса хайрлашишга тўғри келади. Кимгадир ёқадими-ёқмайдами, биз айти шундай йўл тутишга мажбурмиз.

Намунали иш қилиб, юқори натижаларга эришган прокурор ва милиция ходимларининг фаолиятини намуна сифатида телевидение, радио ва газеталарда ёритиб, уларнинг тажрибасини кенг тарғиб қилиш ва ўзларини рағбатлантириш керак. Шунда адолат бўлади, ходимлар яхшиларга қараб интилади ва эргашади.

Мухтарам дўстлар!

Биз бугун прокуратура органлари фаолиятини танқидий нуқтаи назардан баҳолаб, олдимизда турган муҳим ва устувор вазифалар ҳақида ҳеч нарсани яширмасдан, очикчасига гаплашиб олдик.

Ўйлайманки, биз бир-биримизни тўғри тушунамиз. Халқимизнинг «Дўст ачитиб гапирар» деган мақолида чуқур маъно борлигини сизлар яхши англайсиз. Чунки, ҳамма нарсани ўз номи билан, ютукни – ютук, камчиликни – камчилик деб иш олиб бормасак, биз ўз мақсадларимизга етолмаймиз.

Такрор айтаман, ишимизда йўл қўйилган хато ва нуқсонларни ўзимиз тузатмасак, муаммоларни ўзимиз ечмасак, ҳеч ким четдан келиб бу ишларни биз учун қилиб бермайди.

Бу масалалар қанчалик қийин ва огир бўлмасин, уларни ҳал қилишга бизнинг кучимиз ҳам, билим

ва тажрибамиз, салоҳиятимиз ҳам етади. Мен бунга ишонаман.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, прокуратура тизимидаги бундай нохуш аҳвол, бундай вазият бугун пайдо бўлгани йўқ.

Бундай яроқсиз иш услуби йиллар давомида шаклланиб келган ва уни бирданига тубдан ўзгартириш ҳам қийин масала. Буни ҳам тан олиш керак.

Прокуратура соҳасидаги олдинги раҳбарлар бу масалаларга совуққонлик билан, бефарқ қарагани туфайли биз бугун мана шундай аҳволга тушиб ўтирибмиз.

Бу ҳолатни тузатиш, ушбу тизимни замон талаблари, демократик тамойиллар асосида ўзгартириш учун нима қилишимиз керак?

Энг аввало, прокуратура илгаригидек фақат жазолайдиган, репрессия органи бўлиб қолмаслиги, аксинча, **фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қоғозда эмас, амалда ҳимоя қиладиган тизимга айланиши зарур.** Бунинг учун ҳаммамиз биргаликда, тизимли асосда ҳали кўп-кўп иш қилишимиз керак.

Барчангизга маълум, биз ҳозирги вақтда прокуратура тизимида жиддий ўзгаришларни амалга оширмакдамиз. Жумладан, соҳанинг кўпгина раҳбар ва ходимларини янгиладик ва ёшларни бу тизимга кўпроқ жалб этдик.

Бош прокуроримиз Ихтиёр Бахтиёрович Абдуллаев ҳам ишни янгича асосда ташкил этиш учун астойдил ва фидокорона, кечаю кундуз ҳаракат

килмоқда. Лекин бир фикрни очик айтишим керак: раҳбар ҳар қанча кучли, билимли ва ғайратли бўлмасин, агар унинг ўринбосарлари, бошқарма бошлиқлари, вилоят ва туман прокурорлари, бутун жамоа уни қўллаб-қувватламаса, бугунги қўйилган вазифаларни самарали ва натижали бажариш учун, чин маънода фидойилик ва қатъият кўрсатмаса, кутилган натижага эришиш мумкин эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, сизлар бугунги йиғилишимизда билдирилган фикр-мулоҳазалардан тўғри хулоса чиқариб, қонун устуворлигини таъминлашдек мураккаб ва айни вақтда шарафли вазифани бажариш учун бор билим ва салоҳиятингизни, куч-ғайратингизни сафарбар этасизлар, деб ишонаман.

Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда барчангизга сиҳат-саломатлик, ғайрат ва матонат ҳамда янги ютуқ ва зафарлар тилайман.

*Прокуратура ходимлари ва фахрийлари  
билан учрашувдаги маъруза.  
2017 йил 7 январь*

## **КУРОЛЛИ КУЧЛАР – ВАТАНИМИЗ ВА ХАЛКИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҚЎРҒОНИ**

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Куролли Кучларимиз фахрийлари!

Қадрли юртдошлар!

Шу кунларда бутун халкимиз мамлакатимиз ҳаётидаги буюк тарихий санани байрам қилмоқда. Яъни, Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги юртимизда кенг нишонланмоқда.

Ана шу қутлуғ айём билан ўз ҳаётини Ватанни ҳимоя қилишдек энг улуғ ва олижаноб ишга багишлаган сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халкимизни чин қалбимдан самимий табриклайман.

Бугун, мана шу шонли байрам кунида буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти мухтарам Ислом Абдуганиевич Каримовнинг ёркин хотирасига барчамиз яна бир бор ҳурмат бажо келтирамиз. Ўтган 25 йил давомида Куролли Кучларимизни барпо этиш йўлида қўлга киритган бекиёс ютуқларимиз азиз Юртбошимизнинг номи билан чамбарчас боғлиқ эканини чуқур миннатдорлик билан эсга оламиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунларда айнан Ислом Абдуганиевич намоён этган принципиал позиция, сиёсий ирода ва азму шижоат

туфайли миллий армиямизга асос солинди. 1992 йил 14 январда юртимиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига ўтказилди. Мана, 25 йилдирки, ана шу тарихий кун Куролли Кучларимиз пойдевори кўйилган, истиклолимиз солномасига олтин ҳарфлар билан ёзилган буюк сана сифатида байрам қилинмоқда.

Биринчи Президентимиз ўша оғир йилларда «Ўзининг буюк тарихи ва аجدодларига муносиб ворис бўлган халқимиз мамлакат хавфсизлигини таъминлашга қодир армияни ярата олади», деб катта ишонч билан айтган эдилар.

Бугунги кунда ана шу улкан ишончга ҳар томонлама лойиқ бўлган Куролли Кучларимиз ташкил этилганини барчамиз кўриб турибмиз.

Ҳақиқатан ҳам, тарихан қисқа муддатда мамлакатимиз мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, чегараларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армия барпо этилди, деб гурур ва ифтихор билан айтишга бугун барча асосларимиз бор.

Собик Иттифок ҳудудида турли қуроли тўқнашув ва қарама-қаршиликлар юз бераётган гоят мураккаб шароитда Ўзбекистон Қуроли Кучларига асос солигани, ҳеч муболагасиз айтиш мумкин, ёш давлатимизни қуриш жараёнида ҳал этилган буюк вазифалардан бири бўлди. Айнан миллий армиямиз мамлакатимизда эркин, озод ва фаровон ҳаёт бунёд этиш, демократик ислохотларни самарали амалга ошириш йўлида ишончли қафолат, тоғдек таянч бўлиб келмоқда.

Албатта, мустақилликнинг илк йилларида барча сохалар каби ҳарбий йўналишда ҳам кўплаб огир муаммолар тўпланиб қолган эди. Аввало, кўшинларнинг моддий-техник таъминот тизими талаб даражасида эмас эди. Ҳарбий тузилмалар ўзининг қурилиши ва жанговар таркиби бўйича янги пайдо бўлган таҳдидлар олдида заиф эди. Энг мушкул муаммо малакали ҳарбий кадрлар етишмасди. Шунинг учун миллий армиямизни барпо этиш ва ислоҳ қилиш бўйича ҳар томонлама чуқур ўйланган ва узок муддатга мўлжалланган стратегия ишлаб чиқилди.

Ўтган чорак аср давомида ана шу стратегия асосида, Миллий хавфсизлик концепцияси ва Мудофаа доктринаси доирасида кўп ишлар қилинди. Юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театри ва унинг реал хусусиятлари, илғор хорижий тажрибалар ҳар томонлама ҳисобга олинди. Шу асосда ихчам, яхши таъминланган, юксак жанговар руҳга эга бўлган миллий армиямиз барпо этилди.

Қисқа муддатда ҳарбий округлар, чегара минтақалари, шунингдек, жанговар қобилиятга эга кўшин гуруҳлари, биринчи навбатда, мураккаб жанговар операцияларни амалга оширишга қодир бўлган Ички вазифалар корпуси ва Махсус операциялар бўйича кучлар ташкил этилди.

Бугунги кунда ҳарбий бошқарувнинг самарали тизими шакллантирилди. Қуролли Кучлар таркибида турли кўшинларнинг ўзаро мувофик ҳолда ва ҳамкорликда ҳаракат қилишини таъминлайдиган механизмлар фаолият кўрсатмоқда.



Ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизими принципиал жиҳатдан мутлақо янги асосга ўтказилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида маҳаллий офицер кадрлар юртимиздаги ҳарбий хизматчилар умумий сонининг – шунга эътибор беринг – атиги 0,6 фоизини ташкил этарди. Офицерларни тайёрлаш эса учта ҳарбий билим юртида ва бор-йўғи учта ҳарбий мутахассислик бўйича олиб борилар эди. Амалга оширилган ишлар натижасида қўшимча равишда янги, замонавий учта ҳарбий таълим муассаси ташкил этилди, курсантларни ўқитиш тизими эса кўп тармоқли асосда йўлга қўйилди.

Юқори бўғин қўмондонлик офицерларини тайёрлаш ҳамда мудофаа қурилиши соҳасида илмий-тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш бўйича энг зарур вазифалар самарали ҳал этилмоқда. Бу борада айниқса 1995 йилда ташкил этилган Куролли Кучлар академияси ғоят муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Шунингдек, армиянинг асосий таянчи бўлган сержантлар корпусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Сержантларни ўқитиш 2001 йилда илғор халқаро стандартлар асосида ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабларида 26 та йўналиш ва мутахассислик бўйича олиб борилмоқда.

Кадрли дўстлар!

Мустақилликка эришганимиздан сўнг фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш тизимини ислоҳ қилиш бўйича ҳам улкан ишлар амалга оши-

рилди. Бунинг натижасида жамиятимизнинг армияга бўлган муносабати тубдан ўзгарди.

Миллий армиямиз ташкил этилган дастлабки йилларда ҳарбий қисмларни ёш аскарлар билан тўлдиришда жиддий муаммолар мавжуд эди. Собик шўро тузумида армияда хизмат қилган катта авлод вакиллари яхши билади, ўша пайтда ҳарбий хизматни ўташ, айниқса, Ўзбекистон ёшлари учун оғир ташвиш ва машаққат эди. Чунки, юртимиз ёшлари асосан қурилиш батальонлариға қора ишчи сифатида юбориларди.

Ҳарбий қисмлардаги носоғлом маънавий-руҳий муҳит, устав қоидаларига зид бўлган муносабатлар туфайли қанча-қанча навқирон йигитлар, ота-оналар жабр чеккани – булар ҳаммаси ҳақиқат.

Янги миллий армияни яратишда бундай салбий иллатларга мутлақо чек қўйиш керак эди. Шу мақсадда бир неча йиллар давомида изчил иш олиб борилди. Жумладан, муддатли ҳарбий хизмат бир йил этиб белгиланди, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший шароитлари, озиқ-овқат таъминоти тубдан яхшиланди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, резервга бўшатишган ёшларнинг ишга жойлашиши ва олий ўқув юртиларига ўқишга кириши билан боғлиқ имтиёзлар тизими белгиланди. Буларнинг барчаси ҳарбий жамоаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳит шаклланиб, ёшлар ўртасида ҳарбий хизматнинг нуфузи кескин ошишида муҳим омил бўлди.

Ана шу ислохотларнинг мантикий давоми сифатида фукароларнинг сафарбарлик-чакирув-резерв хизматини ўташини назарда тутадиган ўзига хос ноёб тизим яратилди. Бу тизимда ёшлар нафакат зарур ҳарбий тайёргарликдан ўтади, балки жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиникади. Улар ўзларининг фукаролик масъулияти, Ватан ҳимоячиси сифатидаги мукаддас йигитлик бурчини чуқур англаб, ўз юртига фидойи инсон бўлиб етишади.

Бугунги кунда миллий армиямиз минг-минглаб ўғлонларимиз учун чинакам мардлик, фидойилик, ҳақиқий ватанпарварлик мактабига айлангани, ҳеч шубҳасиз, шу йўлда эришган энг катта ютуғимиздир. Бу ҳақиқатни юртимиздаги барча ота-оналар, бутун халқимиз ғурур билан, миннатдорлик билан эътироф этмоқда.

**Ҳозирги кунда оналар ўз фарзандларини армияга кўзда ёш, юракда хавотир билан эмас, балки менинг ўғлим ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўлади, деб, юксак ишонч ва фахр туйғуси билан кузатмоқда.**

Оналар кўнглидаги розилик – бу бутун халқимиз қалбидаги розилик ифодаси, десам, айнаи ҳақиқатни айтган бўламан.

**Ҳурматли юртдошлар!**

Миллий армиямиз ривожланиб бориши билан уни қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш бўйича ҳам кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қўшинлар замонавий ва модернизация қилинган

ўқ отар ва оғир қуроллар, вертолётлар, самолётлар, ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари, автомобиль ва зирҳли техника, алоқа воситалари билан таъминланмоқда.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳарбий шахарчаларда замон талабларига жавоб берадиган ижтимоий-маиший шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда комплекс дастурлар амалга оширилмоқда. Ана шу дастурлар доирасида 15 мингдан ортиқ ҳарбий хизматчилар оиласи уй-жой билан таъминлангани, айниқса, эътиборлидир.

Ҳеч шубҳасиз, биз бу йўналишдаги тизимли ишларни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз.

Мустақиллик йилларида Қуролли Кучлар устидан фуқаролик назоратини амалга ошириш бўйича самарали механизм ишлаб чиқилди. Бу механизм миллий армия фаолиятида очикликни таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Шунингдек, ҳарбий қурилиш соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳарбий хизматчилар ва чақирув ёшидаги фарзандларимизни тарбиялашга фуқаролик институтлари ва жамоат ташкилотларини кенг жалб этишда муҳим роль ўйнамоқда. Мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича Олий Мажлис палаталари кўмиталари, Мудофаа вазирлиги ҳузурида 2012 йилда ташкил этилган Жамоатчилик кенгаши бугунги кунда Қуролли Кучлар билан фаол ҳамкорлик олиб бормоқда.

Буларнинг барчаси миллий армиямизни халқимизга, халқимизни миллий армиямизга янада яқинлаштиришдек гоят муҳим мақсадга хизмат қилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Куролли Кучларимизни барпо этиш, унинг жанговар кудратини ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилган ҳарбийларимизга, шу эзгу ишга ҳисса қўшган барча юртдошларимизга чуқур миннатдорлик билдираман.

Мухтарам дўстлар!

Ҳозирги вақтда жаҳонда ва минтақамизда ҳарбий-сиёсий вазият кескин ўзгариб, миллий ва глобал хавфсизлик соҳасида хатар ва таҳдидлар тобора кучайиб бормоқда. Ана шундай ўта масъулиятли вазият ва ҳаётнинг ўзи эришган барча ютуқларимизни, шу билан бирга, йўл қўйган камчиликларимизни чуқур ва танқидий таҳлил қилишни барчамиздан талаб этмоқда. Шу асосда миллий армиямизни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида пухта ўйланган ва изчил ҳаракатларни давом эттиришимиз даркор.

**Биринчидан, миллий хавфсизлик каби ўта муҳим соҳани қонун талаблари асосида бошқариш самарасини ошириш** бизнинг устувор вазифаларимиз қаторига киради. Афсуски, бу соҳадаги кўплаб ҳужжатларимиз ҳозирги давр талабларига жавоб бермаяпти.

Биз миллий хавфсизликни таъминлашда стратегик режалаштириш бўйича аниқ давлат тизимини барпо этишга объектив зарурат сифатида эҳтиёж сезмоқдамиз.

Ушбу тизимда доимо янгиланиб борадиган Миллий хавфсизлик концепцияси марказий ўринни эгаллаши шарт. Мазкур концепцияда Ўзбекистон ташки сиёсатига хос мослашувчанлик ва очиклик тамойиллари, бизнинг яқин қўшниларимиз билан конструктив муносабатларни ривожлантириш устувор вазифа экани акс эттирилиши даркор. Айни вақтда Ватанимиз мустақиллиги ва суверенитети, халқимизнинг маданий-тарихий ўзига хослигини асраш бўйича қатъий кўрсатмалар белгилаб берилиши керак.

Шу муносабат билан муҳим бир ёндашувни яна бир бор таъкидлашни ўринли, деб биламан: ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий база ва объектларини жойлаштиришга йўл қўймаслик, ҳарбий хизматчиларимизнинг хориждаги тинчликпарварлик операцияларида иштирок этмаслиги сиёсатига содиқ қолиш бундан буён ҳам мамлакатимизнинг принципиал позицияси бўлиб қолади.

Жаҳонда ва минтақада вазиятнинг ривожланиш динамикасини ҳисобга оладиган бўлсак, вужудга келадиган хавф-хатар ва таҳдидларга муносиб зарба бериш зарурати, шунингдек, бизнинг устувор вазифа ва имкониятларимиз Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринасини қайта ишлаб чиқишни талаб этади.

Фақат ана шундай тизимли ёндашув биз учун миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасида ягона,

мувофиқлаштирилган ва изчил стратегияни ишлаб чиқиш, мавжуд ресурс ва маблағларни устувор мақсадларга йўналтириш, уларни беҳуда сарфламаслик, иккинчи даражали вазифаларга чалғиб кетмаслик имконини беради.

**Иккинчидан, Қуролли Кучлар қурилишининг ташкилий тизимини янада такомиллаштириш лозим.** Ҳарбий қурилиш соҳасида тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ҳар қайси ҳарбий округнинг таркибий тузилиши ва вазифаларини аниқлаш даркор. Бу борада улардан айнан қайси вазифаларни ҳал этиш учун фойдаланиш кераклиги, кўшинларнинг қўлланиш ва шунингдек, операцияларни ўтказиш йўналишлари бўйича ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шу билан бирга, бизнинг «ҳаво қалқонимиз» – Ҳаво ҳужумидан мудофаа ва Ҳарбий ҳаво кучлари кўшинларини оптималлаштириш вазифаси ҳам катта эътибор ва ресурсларни сафарбар этишни талаб қилади.

Қисқа муддатда уларнинг ташкилий тузилиши ва бошқарув тизимини такомиллаштириш, шунингдек, уларни замонавий техника ва қурол-яроғ билан таъминлаш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш лозим.

**Учинчидан, кўшинларни тайёрлаш борасидаги тадбирларни режалаштиришга оид янгича ёндашувни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир.** Бу тадбирлар авваламбор ҳарбий бўлинмаларга юкланган вазифаларга, уларнинг тайёргарлик ва таъминланиш даражасига мос бўлиши зарур.

Биз учун бу борадаги якуний мезон – амалий натижа, яъни, бутун эътиборни Қуролли Кучларнинг жанговар қобилияти ва тайёргарлигини реал оширишга, уларнинг юқори даражадаги уюшқоклиги ва самарали ҳамкорлигига қаратишдан иборат.

**Тўртинчидан, барча бўғиндаги профессионал ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш** бизнинг эътиборимиз марказида бўлиб қолиши зарур.

Шу нуктаи назардан қараганда, мутлақо янги Қуролли Кучлар академиясини ташкил этиш бу йўналишдаги биринчи қадам бўлиши даркор. Ушбу ўқув маскани Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг шонли ҳарбий анъаналарини ва ҳозирги мавжуд академия ҳамда мамлакатимиздаги етакчи илмий-таълим муассасаларида тўпланган фаолият тажрибасини ўзига қамраб олиши керак.

Ишончим қомил, бу академия ҳарбий таълимнинг ягона тизимида ҳақиқатан ҳам асосий ўринни эгаллайди, том маънода ҳарбий илм-фан марказига айланади. Академияда лейтенантлар тайёрлаш, фаолият кўрсатаётган офицерлар малакасини ошириш ва шунингдек, армиямиз бошқарув таркибидаги қўмондонлик кадрларини махсус тайёргарликдан ўтказиш давом эттирилади.

Бу вазифани амалга оширишда биз таълим жараёнига энг янги усул ва технологияларни жорий этишимиз, аудиторияларни замонавий тренажёрлар, ўқув ва лаборатория асбоб-ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлашимиз лозим.



Академия тингловчиларининг умумий маданиятини ошириш, уларнинг дам олиши ва спорт билан шуғулланиши учун барча кулай шароитларни яратишимиз даркор.

Бу жараёнда ҳарбий билим юртида ҳақиқатан ҳам таълим олишга муносиб, юксак ақл-заковат ва етакчилик қобилиятига эга бўлган ёшларни аниқлаш учун уларни ўқишга танлаб олишда талабни ошириш лозим. Шу мақсадда мамлакатимизнинг ҳар бир минтақасида икки-учтадан коллеж ва лицейни белгилаб қўйиш керак. Ана шу коллеж ва лицейлар ўзларининг асосий вазифалари билан бирга, олий ҳарбий ўқув юртларига кирадиган ёшларни чуқур тайёрлаш билан ҳам шуғулланади.

Бундан ташқари, барча олий ҳарбий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркибини тайёрлаш, жумладан, уларнинг хориждаги етакчи олий таълим муассасаларида малака ошириш имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

**Бешинчидан, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан қайта таъминлаш** – бугунги ва истикболдаги энг муҳим вазифамиздир.

Афсуски, бу масала биз кутган даражада жадал суръатлар билан амалга оширилмаяпти.

Шу муносабат билан биринчи галдаги вазифа сифатида 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган комплекс дастур ишлаб чиқишимиз керак. Унда ҳарбий аҳамиятга эга маҳсулотлар сотиб олиш, мавжуд техника воситаларини таъмирлаш ва модернизация

килиш, бу борадаги ишларни мақсадли молиялаштириш бўйича аниқ тадбирлар кўзда тутилиши даркор.

Мамлакатимизда **ҳарбий саноат мажмуасини барпо этиш** вақти келди, деб ҳисоблайман. Шу нуктаи назардан, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов бошчилигида мудофаа саноати соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш учун масъул бўлган тегишли давлат органини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш керак. Унинг таркибига Мудофаа вазирлигининг таъмирлаш бўйича барча корхоналарини, шунингдек, Чирчиқ авиация таъмирлаш заводи ҳамда ўқ-дори тайёрлайдиган «Восток» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини ўтказиш зарур.

Келгусида ана шу корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш билан бирга, илмий-ишлаб чиқариш базасини яратиш, сервис марказлари ва қўшма корхоналар ташкил этишга, шунингдек, мамлакатимизнинг етакчи корхоналарида ҳарбий аҳамиятга эга бўлган айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш керак.

**Олтинчидан, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш дикқатимиз марказида бўлиши даркор.** Бу соҳада қабул қилинган давлат дастурини амалга ошириш бўйича янги механизмларни ишлаб чиқиш объектив заруратга айланганини бугун яққол ҳис этмоқдамиз.

Шу мақсадда хизматни ўташ тартиби, фронт орти таъминоти, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга қаратилган, кўпдан буён ҳаёт талабига айланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишни тезлаштириш муҳим аҳамиятга эга. «Ҳарбий хизматни, ички ишлар ва божхона идораларида хизматни ўтаган шахслар ҳамда уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилиш зарур, деб ҳисоблайман.

Маълумки, мамлакатимизда яқка тартибда уй-жойлар қуриш учун узок муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш бўйича жорий этилган янги тизим бугунги кунда ижобий натижа бермоқда.

Ана шу тизимни ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш бўйича ҳам кенг жорий этиш зарур.

Шу йилнинг ўзида мамлакатимизнинг барча минтақаларида ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун уларга имтиёзли ипотека кредитлари бериш йўли билан уч қаватли 56 та уй-жой биносини барпо этамиз.

**Еттинчидан, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича узлуксиз олиб бориладиган ишлар биз учун долзарб аҳамиятга эгадир.**

Барчамизга яхши маълумки, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён

бўлади. Шунинг учун ҳам фуқароларимизда бизга мутлако ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш ва Ватанимиз тақдири учун масъулият туйғусини мустаҳкамлаш бўйича аник чора-тадбирларни кўришимиз шарт.

Ана шу мураккаб ишда армия сафларида мардлик ва матонат, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш мактабини ўтаган навқирон ўғлонларимиз ишончли таянч ва суянч бўлиб хизмат қилади.

Шу муносабат билан мудофаа ишлари бўйича бошқарма ва бўлимлар бундай ёшлар билан доимо алоқада бўлиши керак. Мазкур бошқарма ва бўлимларнинг бу йўналишдаги ва маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорлик қилиш соҳасидаги ваколатларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу борада Бош вазир А.Н.Арипов бошчилигида муддатли ҳарбий хизматни ва сафарбарлик-чакирув-резерв хизматини ўтаган фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича республика комиссиясини, жойларда эса бевосита ҳокимлар раҳбарлигида вилоят, шаҳар ва туман комиссияларини ташкил этиш яна бир амалий кадам бўлур эди.

Сизларга яхши маълумки, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ёшларни ватан-парварлик руҳида тарбиялаш бўйича кўпгина ютуқларга эришмоқда. Шунинг эътиборига олган ҳолда, вилоят ҳокимликлари таркибида ушбу кенгашнинг минтақавий бўлинмаларини тузиш орқали унинг имкониятларини кенгайтириш зарур. Бу бўлин-

маларнинг ишини ҳарбий округлар кўмондонлиги билан якин ҳамкорликда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

**Кадрли дўстлар!**

Ҳозиргина баён қилинган барча вазифаларни катъий ва изчил амалга ошириш биздан миллий армиямизни янада ислоҳ этиш, унинг салоҳияти ва жанговар қобилиятини ошириш бўйича тизимли ишларни давом эттириш ва чуқурлаштириш борасида бутун куч ва имкониятларимизни сафарбар этишни талаб қилади. Айнан шунинг учун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг бошқа соҳалари каби ушбу йўналишдаги долзарб вазифалар ҳам ҳозирги кунда ишлаб чиқиладиган **Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясида** аниқ белгилаб берилмоқда.

Ана шу ўта муҳим ҳужжатга биноан муҳофаа соҳасидаги конунчилик базаси, қўшин гуруҳларининг жанговар таркиби, ташкилий тузилмаси, ҳарбий кадрлар тайёрлаш ва уларнинг сафини тўлдириш самарадорлигини ошириш чоралари кўрилади. Шунингдек, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва техника билан қуроллантириш ҳамда уларни ҳар томонлама таъминлаш масалаларини яхшилашга йўналтирилган аниқ чора-тадбирлар қабул қилинади ва амалга оширилади.

**Азиз ва муҳтарам юртдошлар!**

Мана шу кутлуғ айёмда ҳарбий соҳада ўзининг масъулиятли ва шарафли бурчини муносиб адо этаётган мард ўғлонларимиз – аскар ва офицерлар,

барча Ватан посбонлари, уларнинг ота-оналарига ўз номидан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни бугунги улуғ байрам – Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 25 йиллик санаси билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод этаман.

Барчангизга мустаҳкам соғлик, оилаларингизга бахту саодат, Ватанни ҳимоя қилишдек олижаноб фаолиятингизда куч-ғайрат ва ютуқлар тилайман.

*Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси  
Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллигига  
бағишланган тантанали маросимдаги табрик нутқи.  
2017 йил 13 январь*

**ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ,  
ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ  
ВА ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК –  
ҲАР БИР РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИНГ  
КУНДАЛИК ҚОИДАСИ  
БЎЛИШИ КЕРАК**

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Мана, 2016 йил якунига етди.

Бу йил Ўзбекистон ва унинг халқи учун кўп жиҳатдан мураккаб йил бўлди. Охирги беш ойда юз берган воқеалар буни яққол тасдиқлаб турибди.

Юртимизда бўлиб ўтган Президент сайлови ва Ўзбекистон Конституциясининг 24 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари давлатимиз тизими мустақамлигини, ҳокимиятнинг барча бўғинлари, жамиятимиз ва халқимизнинг жипслигини бутун дунёга яна бир бор намоён этди.

Барчамиз учун азиз ва кадрли бўлган Ислом Абдуғаниевич Каримов бугун орамизда йўқ. Бирок Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели»ни амалга ошириш ва замонавий давлат барпо этиш борасидаги стратегик тамойилларга биз ўз ишимизда доимо суянамиз.

Бу тамойиллар Ўзбекистонда бундан буён ҳам сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни таъминлашнинг мустақам пойдевори ҳисобланади.

2017 йилни биз **Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили**, деб эълон қилдик. Бугунги мажлисимизнинг асосий мазмунини айнан шу талабдан келиб чиққан ҳолда белгилашни таклиф этаман. Шу муносабат билан сизларнинг эътиборингизни қуйидаги энг муҳим масалаларга қаратишни зарур, деб ҳисоблайман.

**Биринчидан**, нима сабабдан ўтган йилда иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларни ривожлантиришнинг айрим кўрсаткичларига эришилмади? Бунинг учун ким шахсан жавоб беради?

**Иккинчидан**, 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилаб олишимиз зарур.

**Учинчидан**, келгуси беш йил давомида қандай стратегик вазифаларни амалга оширишимиз керак?

Мажлис иштирокчиларини огоҳлантириб айтмоқчиман: «ғалаба рапортлари» ва қилинган ишга доир ҳисоботларга берилмасдан, асосий диққат-эътиборни мавжуд камчиликлар ва уларнинг илдизларини пухта таҳлил қилишга қаратиш зарур. Шунингдек, мамлакат Президенти ва ҳукумати даражасида ечиладиган аниқ таклифлар ва муаммоли масалаларга эътибор бериш шарт.

Мажлисни асосан мулоқот тарзида ўтказишни таклиф этаман. Қўйилган саволларга бериладиган жавоблар аниқ-равшан ва тушунарли бўлиши керак. Бу нафақат Бош вазир ўринбосарлари, ҳукумат аъзолари ва шу залда ўтирган мажлис иштирокчиларига, балки барча шаҳар ва туман раҳбарларига ҳам бирдек тегишлидир.



Бугун мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлида изчил илгарилаб боришини таҳлил қилар эканмиз, ўтган йили принципиал муҳим ислоҳотларни амалга ошириш бўйича қатъий қадамлар қўйилди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Бу ислоҳотларнинг асосий мақсади – аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир.

**Жадал ва барқарор ривожланишга қаратилган бу сиёсат бундан кейин ҳам сўзсиз давом эттирилади.**

**Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбарни – бу Бош вазир ёки унинг ўринбосарлари бўладими, ҳукумат аъзоси ёки ҳудуд ҳокими бўладими, улар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиб қолиши керак.**

Энди ҳар биримиз, энг аввало, давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг вазифаси – ўзимиз масъул бўлган соҳа ва тармоқда ишларнинг аҳолини танқидий баҳолаш асосида зиммамизга юклатилган вазифаларни масъулият билан бажаришни таъминлашдан иборат. Шундай давр келди.

Ана шу талабни, шунингдек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси лойиҳасини кенг муҳокама қилиш давомида келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда, 2017 йил учун мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий дастурнинг ўн битта энг муҳим устувор вазифасини белгилашни таклиф этаман.

Ушбу устувор вазифалар бугунги мажлисимиз баённомаси лойиҳасида кўрсатилган. Шу муносабат

билан Бош вазир А. Ариповга ана шу йўналишларни амалга ошириш бўйича ўзаро боғлиқ чора-тадбирлар комплексини бир ой муддатда тақдим этиш топширилади.

Энг асосий устувор вазифа – «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини амалга ошириш, «**Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун**» деган олижаноб ғояни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишдан иборат.

Айнан ана шу энг муҳим вазифалар иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларига жиддий ўзгартиришлар киритиш учун пойдевор бўлиши керак.

Бунинг учун куйидаги вазифаларни бажаришимиз лозим.

**Биринчи** – фуқаролар билан очик мулоқотни йўлга қўйишнинг янги самарали усул ва механизмларини татбиқ қилиш, жумладан, барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизimini жорий этиш керак. Ўйлайманки, ана шу муҳим ишда Қонунчилик палатаси ва Сенат кўмиталари фаол иштирок этади.

Жорий йилнинг 1 февралидан бошлаб Қонунчилик палатаси Спикери – Нуриддинжон Мўйдинхонович Исмоилов ва Сенат Раиси – Нигматилла Тўлкинович Йўлдошев ҳам жойларга чиқиб, мавжуд аҳволни шахсан ўрганиш асосида аҳолининг энг

муҳим эҳтиёжларини ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатишлари мақсадга мувофиқдир.

**Иккинчи** – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги, ҳар бир туман ва шаҳардаги Халқ қабулхоналари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш даркор.

Ана шу ишларнинг бош мақсади – фуқароларнинг қонуний муурожаатларини қисқа муддатда синчиклаб кўриб чиқишни ва ҳал этишни таъминлашдир. Бу борада рақамлар ва силлик ҳисоботларнинг орқасидан қувиб, навбатдаги кампаниябозликни уюштириш керак эмас.

**Буни халқ ҳеч қачон кечирмайди!**

Бундан буён агар аризачи олган жавоб хатидаги ўз қонуний муаммоси ечимидан қаноат ҳосил қилмаса, бундай муурожаат назоратдан олинмайди.

**Учинчи** – Бош вазир бошчилигида тузилган махсус комиссия бир ҳафта муддатда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури лойиҳасини яна бир бор қайта кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун киритиши керак.

**Макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш** – энг муҳим устувор вазифамиздир.

Бош вазирнинг барча ўринбосарлари, иқтисодиёт вазири Г.Саидова, молия вазири Б.Хўжаев, Давлат солиқ кўмитаси раиси Б.Парпиев ва Давлат божхона кўмитаси раиси М.Тоҳирийни 2017 йил учун белгиланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш борасида шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида яна бир бор огоҳлантираман.

**Макроиқтисодиёт комплекси раҳбари Р.Азимов, иқтисодиёт вазири Г.Саидова ва молия вазири Б.Хўжаевнинг жорий йил якуни бўйича Давлат бюджети дефицити прогнозига доир таклифларига қўшилиб бўлмасликини алоҳида таъкидламоқчиман.**

**Бу борада фақат бюджет профицити ҳақида сўз бориши мумкин ва зарур. Бу муҳокама қилишни эмас, балки сўзсиз бажаришни талаб этадиган стратегик вазифадир.**

Бунинг учун жойларга чиқиш, ҳар бир хонадоннинг тадбиркорлик борасидаги имкониятини ўрганиш, молиялаштиришни кенгайтириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, тадбиркорларни ишонтириш ва уларга амалий ёрдам бериш – бутун Макроиқтисодиёт комплекси фаолиятидаги кундалик коидага айланиши керак.

Фақат шундагина натижага эриша оламиз. Шу муносабат билан ҳокимлар ва уларнинг биринчи ўринбосарлари ўз иш услуби ва дунёқарашини тубдан ўзгартириши шарт.

Ҳар бир туман ва шаҳарда, республика аҳамиятига молик йирик корхоналар ҳиссасини эътиборга

олмаган ҳолда, солиққа тортиш базасини кенгайтириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятининг барча туманларини субвенциядан чиқаришни сўзсиз таъминлаш керак.

Бу йил бошқа ҳокимликлар ва тегишли органлар учун ҳам субвенциядан кутулиш масаласида синов йили бўлади. Бунинг учун Макроиктисодиёт комплекси таркибидаги вазирлик ва идоралар ҳар куни, ҳар ҳафта самарали ва тинимсиз иш олиб бориши керак. Бусиз натижага эришиб бўлмайди.

Шунинг учун Макроиктисодиёт комплекси раҳбари Р.Азимов иктисодиётни бошқариш бўйича ҳозирги замонавий янги тизимлар самарадорлигига қуйи бўғиндаги раҳбарларни ишонтириши, уларни шу асосда ишлашга ўргатиши, бу борадаги натижа учун жавоб бериши ва уни кафолатлаши керак.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизнинг олдимизга амалий ечимини топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда.

Бу ўринда асосий муаммо, менинг назаримда, қуйидагилардан иборат:

**Биринчидан**, айрим идоралар ва уларнинг раҳбарлари реал ҳаётдан ва халқ эҳтиёжларидан маълум даражада узилиб қолмоқда.

**Иккинчидан**, тармоқ ва ҳудудларни ривожлантириш концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқишда юзаки ёндашувга йўл қўйилмоқда.

Ва ниҳоят, **учинчи асосий камчилик** – кўпчилик раҳбарларнинг мураккаб муаммоларни кабинет-

дан чикмасдан, иктисодиёт тармоклари, ҳар бир корхонадаги, шаҳар ва туманлардаги, айникса, кишлоқ жойлардаги ишлар қандай аҳволда эканини чуқур ўрганмасдан ҳал этишга одатланиб қолгани билан боғлиқ.

Шунинг учун бугун Бош вазир ўринбосарларидан ўзларига қарашли вазирлик ва идораларнинг адвокати бўлиб эмас, балки, энг аввало, давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ана шу саволларга ғоят аниқ ва равшан жавоб беришни талаб қиламан. Шунингдек, комплекс таркибидаги ҳар бир бошқарув органи раҳбарига жиддий ва аниқ баҳо беришни сўрайман.

Барқарор иктисодий ривожланиш пойдевори бўлган таянч тармоқлардаги ишларимиз қай аҳволда?

Давлат томонидан бу тармоқлар доимо қўллаб-қувватланаётган бўлса-да, нима сабабда: изчил ва барқарор ўсиш таъминланмаяпти? Ва ниҳоят, нима сабабдан тажрибали комплекс раҳбари Ғ.Ибрагимов томонидан самарали бошқарув жиловни қўлдан чиқариб юборилган?

Аниқ далилларга мурожаат қилайлик.

«Ўзбекнефтгаз» компанияси тизимида – А.Султонов – 2010 – 2016 йилларда қарийб 20 миллиард долларлик катта капитал қўйилмалар киритилганига қарамасдан, суюқ углеводород ва табиий газ қазиб олиш камайган.

Шу билан бирга, бу борада хомашё импорт килиш 1,3 баробар кўпайган. Йирик ва ҳаётий муҳим

лойиҳаларни амалга ошириш муддатлари доимо барбод қилинмоқда. 40 минг киши ишлайдиган «Ўзтрансгаз» компанияси тизимида муддати ўтган дебитор қарздорлик 14 фоизга ошган.

Нима сабабдан, Ғулом Иномович, сиз илгари ўзингиз раҳбарлик қилган «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти тизимидаги ишлар аҳволига сусткашлик билан ёндашяпсиз? Нима сабабдан ушбу тармоқдаги ишлар доимий равишда издан чиқмоқда? Қишлоқ хўжалигига фосфорли ўғитларни тўлиқ етказиб бермаслик ва уларнинг танқислиги учун шахсан ким жавоб беради? Охириги 10 йилда минерал ўғитларнинг нархи неча баробар ўсган?

Табиий савол туғилади: ўғитнинг таннархи неча марта камайган? Афсуски, бундай ҳақли саволларга жавоб йўқ. Бундан ким зарар кўряпти? Албатта, деҳқон ва фермерларимиз.

«Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятида 67 минг киши, жумладан, қўштирноқ ичидаги «пул йиғувчи»лар мавжуд бўлса-да, нима сабабдан улкан дебитор қарздорликнинг тагига етиб бўлмайди? Кўмир қазиб олиш тармоғи, таъбир жоиз бўлса, «ёнбошлаганича ётибди».

Сизга уч йил олдин ходимлар штати ҳаддан ташқари кенгайиб кетган, жумладан, қариндошлик асосида ишга олиш ва жуда юқори иш ҳақи белгилаш авж олган ўнлаб лойиҳа гуруҳлари фаолиятини пухта ўрганиб чиқиб, тартибга солиш топширилган эди. Нима учун топшириқни охиригача бажармадингиз?

Сиз ва сизга бўйсунувчи раҳбарлардан бугун ана шу саволларга жавоб беришингизни талаб қиламан. Шу билан бирга, биринчи ярим йилда асосий эътиборни қуйидаги вазифаларни амалга оширишга қаратиш зарур:

**биринчи** – Навоий ва Олмалик кон-металлургия комбинатларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича яқинда тасдиқланган дастурни сўзсиз амалга ошириш учун Қ.Санакулов ва А. Фармоновнинг шахсий жавобгарлигини таъминлаш шарт. Бир-икки фоиз миқдордаги ўсиш суръатлари билан чегараланиб қолиш мумкин эмас.

Шу муносабат билан Ғ.Ибрагимов қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва янги фабрикалар қуришга доир топширикни бажариш бўйича қарор лойиҳасини киритишни тезлаштириши зарур;

**иккинчи** – нафақат жорий йилда, балки яқин 3–5 йилда фойдаланишга топширилаётган барча стратегик муҳим объектларни ўз вақтида ишга тушириш даркор;

**учинчи** – нефть-газ маҳсулотлари экспортини кўпайтириш, импортни кескин камайтириш ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳажмини ошириш учун қўшма корхона ташкил этиш бўйича пухта ишлаб чиқилган аниқ чора-тадбирлар комплексини тақдим этиш зарур.

Кейинги 10 йилда Вазирлар Маҳкамаси комплексларига қарашли вазирлик ва идоралар томонидан



олиб кирилган асбоб-ускуналар импорти тахлил килинмаган. Уларни маҳаллийлаштиришдан ҳеч ким манфаатдор эмас, бу масала билан ҳеч ким астойдил шуғулланмаяпти. Бундай ёндашув замирида нима ётибди, деган ҳақли савол туғилади.

Шунинг учун бундан буён Вазирлар Маҳкамасининг ҳар чорак якуни бўйича мажлисларидан олдин алоҳида йиғилишлар ўтказилиб, уларда ҳар қайси Бош вазир ўринбосарининг импортни ва таннархни камайтириш, маҳаллийлаштиришни кенгайтириш борасидаги ишларнинг аҳволи тўғрисидаги ҳисоботи эшитилади. Уларнинг фаолиятига ҳолисона баҳо берилади.

Давлат геология қўмитаси тизими, шунингдек, унинг раҳбари И.Тўрамуратов фаолияти самарадорлиги алоҳида эътиборни талаб қилади. Яқин вақт ичида 2017 – 2021 йилларда минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва тиклаш дастури лойиҳасини тақдим этиш зарур.

Бош вазир ўринбосари У.Розукулов раҳбарлик қилаётган Машинасозлик комплексида юзага келган аҳвол бизни жиддий ташвишлантирмоқда.

Энг аввало, сиз раҳбарлик қилаётган автомобилсозлик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми кейинги уч йилда 2,8 баробар камайган. Бу нафакат саноат маҳсулоти ўсиш суръатига, балки мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ўсишига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бу соҳада импорт ҳажми экспортдан бир неча баробар юқори бўлиб, маҳаллийлаштириш даражаси эса импортга нисбатан 20 фоиздан ҳам паст бўлиб қолмоқда.

Бутун кишлок хўжалиги машинасозлиги тизими-ни тубдан қайта куриш таъминланмаган. Бу тизим ўз моҳиятига кўра нафақат кишлок хўжалигини механизациялаш ва фермер хўжаликлари меҳнатини енгиллаштиришнинг мустаҳкам пойдевори, айнаи вақтда мамлакатимиз валюта балансини тўлдириш бўйича кафолатланган манба бўлиши керак эди.

Охирги йилларда шахсан сиз кадрлар билан иш-лашни бўшаштириб юбордингиз. Сизнинг такли-фингизга кўра «Ўзэлтехсаноат» компанияси раҳбари этиб Э.Иминов тайинланган эди. Бироқ унинг иш натижалари ва бутун тармоқдаги аҳвол қандай?

Кўпгина инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш чўзиб юборилмоқда. Ички бозоримизнинг кўплаб то-варларга бўлган эҳтиёжи 50 фоиз даражасида ҳам қондирилмаяпти. Экспорт бўйича топшириқлар бар-бод қилинган.

Сиз ва компания раиси хорижий инвестиция ва замонавий ўскуна олиб келиб, замонавий рақобат-дош ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этганингиз-ни мен эслай олмайман ҳам.

Сиз хусусий тадбиркорларнинг ўзи ташаббус кўр-сатаётганидан қаноатланиб юрибсиз. Тармоқда эса ҳалигача зарур силжиш йўқ.

Сиз томонингиздан «Ўзстандарт» агентлиги раҳ-барлигига тавсия қилинган А.Қурбонов номзоди ва унга нисбатан талабчанлик кўрсатилмагани ту-файли соҳада аниқ иш ва якуний натижа бўлмади. Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг 21 минг

стандартидан атиги 13 фоизи мамлакатимизда жорий этилган, холос.

Шунинг учун ҳам сиздан ва тармоқ раҳбарларидан бугун куйидаги вазифаларни амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида ахборот беришингизни талаб қиламан:

**биринчи** – автомобилсозлик саноатини ривожлантириш, унинг маҳсулотлари рақобатдошлигини, энг аввало, яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар бозорларида ошириш бўйича принципиал жиҳатдан янги тизим зарур.

Бу борада мен «отвертка билан машина йиғиш» эмас, балки асосий ва ёрдамчи тармоқларни барқарор ривожлантириш, ортиқча харажатлар ва таннархни камайтириш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ва импортни қисқартиришни назарда тутяман;

**иккинчи** – аҳоли учун мақбул нархда турли маиший электр техника буюмлари ишлаб чиқаришни таъминлашимиз керак;

**учинчи** – ўтган йили биз «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш бўйича муҳим ҳужжатлар қабул қилдик. Савол: уларни муваффақиятли амалга ошириш ва бу ўта муҳим тармоқнинг барқарор иш юритишини таъминлаш бўйича сиз томонингиздан қандай аниқ чора-тадбирлар кўрилади?

**тўртинчи** – бутун стандартлаштириш тизимини тубдан қайта қуриш керак. Бундан кўзланган мақсад – мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсу-

лотлар замонавий халқаро стандартларга жавоб бериши лозим.

Сиз ва Бош вазирнинг бошқа ўринбосарлари учун мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш 2017 йилда сўзсиз ҳал қилувчи фаолият йўналишига айланиши зарур.

Бу ўринда гап фақат экспорт ҳажмининг ўсиш кўрсаткичлари ҳақида бораётгани йўқ. Кун тартибида ўта жиддий масалалар турибди. Булар – мамлакатимизда яратилган технологияларнинг рақобатдошлигини таъминлаш, «ноу-хау» намуналарини яратиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, яъни юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишдир.

Бизда улкан резервлар бор. Лекин шунга қарамасдан, ўтган йили жами 1 миллиард 540 миллион долларлик прогноз кўрсаткичлари бажарилмай қолди. Шундан 570 миллион доллари Вазирлар Маҳкамаси комплексларига қарашли корхоналарга тўғри келади. 970 миллион доллар миқдоридagi кўрсаткичлар эса ҳудудлардаги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилмаган. Бизнинг маҳсулотимиз экспорт қилинадиган мамлакатлар сони 2010 йилга нисбатан 176 тадан 138 тага камайган.

Айни вақтда машинасозлик комплекси, «Ўзфарманоат» концерни ва «Ўзбекэнерго» акциядорлик

жамияти тизимидаги корхоналарда импорт ҳажми экспорт ҳажмидан ўнлаб марта кўп.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамияти ва «Ўзбекнефтгаз» компанияси тизимида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми импорт миқдорига нисбатан 25–30 фоиздан ошмайди.

Нима сабабдан сиз ушбу муҳим вазифадан ўзини четга олаётган ва прогноз кўрсаткичи атиги 42 фоизни ташкил этган Тошкент шаҳри ҳокими Р.Усмонов ва туманлар ҳокимларининг шахсий жавобгарлигини белгилаш бўйича аниқ таклифлар киритмаяпсиз?

Ёки Ш. Абдурахмонов, З. Рўзиев, Ш. Ғаниев каби тажрибали ҳокимлар раҳбарлик қилаётган Андижон, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида прогноз кўрсаткичлари атиги 65–85 фоиз бажарилганини қандай тушуниш мумкин?

Энди, рухсатингиз билан, 2017 йилда олдимизда турган вазифалар тўғрисида тўхталсак. Биз 10 миллиард 800 миллион доллар ҳажмидаги маҳсулот экспортини таъминлашимиз керак. Бу борда қандай кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳал этишимиз зарур?

**Биринчи** – 15 кунлик муддатда комплекслар бўйича эмас, чунки бу ўзини оқламаяпти, балки экспортга маҳсулот чиқарадиган барча корхоналар бўйича ҳаракат дастурини пухта ишлаб чиқиш ва У.Розукулов раҳбарлигидаги махсус комиссия мажлисида тасдиқлаш керак.

**Иккинчи вазифа** – 2016 йилда Тошкент шаҳри ва хорижда ўтказилган халқаро саноат ярмаркаларида жами 7,7 миллиард долларлик маҳсулотни экспорт қилиш бўйича тузилган шартномаларни амалга ошириш зарур.

Россия, Қозоғистон, Туркменистон, Украина ва Беларусь Республикасида, шунингдек, бошқа давлатларда маҳсулот сотишнинг янги бозорларини излаш бўйича бошланган ишларни янада фаол давом эттириш керак. Болгария билан бу борада яқиндан ҳамкорлик қилиш бўйича берилган топшириқ, афсуски, натижасиз қолди.

Бу ишларга бизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналаримиз ҳам ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Буни Сенат раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев ва ташқи ишлар вазири А.Комилов назоратга олсин.

**Учинчи вазифа** – «Ўзтадбиркорэкспорт» ва «Ўзсаноатэкспорт» акциядорлик жамиятлари, шунингдек, Миллий банк ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси йўналиши бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорти билан боғлиқ. Бу борада камида 1 миллиард 500 миллион долларлик экспортни таъминлаш керак.

**Тўртинчи вазифа** – мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш. Бош вазир ўринбосари З.Мирзаевга 15 кун муддатда ўтган йили 650 миллион долларлик

мева-сабзавот экспорт қилинмай қолгани сабабларини атрофлича таҳлил қилиб, аниқ таклифлар киритиш топширилади.

Бу борада мамлакатимиздаги мева-сабзавот етиштиришга ихтисослашган 66 та туманнинг салоҳияти ва имкониятларини ҳам сўзсиз ҳисобга олиш зарур. Энди ушбу туманлар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари ва тумандаги барча раҳбарлар прогноз кўрсаткичларига эришиш учун тўғридан-тўғри жавобгардир.

Бош вазир ўринбосари, махсус комиссия раиси У.Розукулов ва янги департамент бу амалий вазифаларни ҳал этиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик бўйича биринчи ўринбосарлари фаолиятини мувофиқлаштириши шарт.

Мазкур иккита комплексдаги ишларнинг ҳолатини, шунингдек, Ғ.Ибрагимов ва У.Розукуловнинг шахсий жавобгарлигини танқидий таҳлил қилишга эътиборингизни алоҳида қаратдим. Бунинг сабаби – бу соҳаларга нафақат саноат, балки бутун иқтисодиёт ривожига ҳал қилувчи ўрин тутади, деб гоят катта ишонч билан қараяпмиз. Уларни ва комплекслар таркибидаги ташкилотлар раҳбарларини шахсан оғохлантираман: агар жорий йил биринчи ярим йиллиги яқунлари бўйича реал натижалар таъминланмаса, сизларга нисбатан қаттиқ чора кўрилади.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Маълумки, биз ижтимоий соҳада **аҳоли саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш,**

**дори воситалари билан ишончли таъминлаш, жисмоний бақувват ва маънавий жихатдан соғлом авлодни камол топтириш масалаларига алоҳида устувор аҳамият бермоқдамиз.**

Ана шу муҳим соҳаларда қандай муаммолар бор? Бундан илгари ҳам соғликни сақлаш вазири лавози-мида ишлаган Бош вазир ўринбосари А.Икромовга муурожаат килиб сўрамоқчиман:

**биринчидан,** нима сабабдан ўтган шунча йил мобайнида соғликни сақлаш тизимининг бирлам-чи бўғини, энг аввало, кишлок врачлик пунктларини ислоҳ килиш самарадорлиги таъминланмади? Бугунги кунда уларда 2 минг 500 нафар врач этиш-майди, бу масканларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва дори воситалари билан таъминлаш дара-жаси жуда паст;

**иккинчидан,** диагностика даражаси пастлиги ва врачларнинг малакаси етарли эмаслиги натижаси-да йилига 30 мингдан зиёд юртдошимиз даволаниш учун хорижий мамлакатларга боришга ва оила бюджетидан катта маблағ сарфлашга мажбур бўла-ётганидан сизнинг хабарингиз йўқми?

**учинчидан,** сиз қачон тез тиббий ёрдамнинг бар-ча тузилмаларида тартиб ўрнатиб, уларнинг барқарор ишлашини таъминлайсиз? Нима сабабдан улар акса-рият ҳолатларда беморларга хақиқий тез ёрдам кўр-сата олмайди?

**тўртинчидан,** тиббиёт ходимлари ўртасидаги салбий ҳолатларга қачон барҳам берилади? Бу борада фақатгина ўтган йилнинг ўзида 174 та



**жиноят иши қўзғатилган.** Соғлиқни сақлаш ходимлари билан яқинда бўлиб ўтган учрашувда туғурукхоналардаги таъмагирлик билан боғлиқ салбий ҳолатлар тўғрисида сизга ва тизим раҳбарларига алоҳида айтган эдим;

**бешинчидан,** сиз нима сабабдан экологиянинг жиддий муаммолари билан етарлича шуғулланмаяпсиз? Ахир, бу соҳа одамларнинг соғлиғига ва мамлакатимиздаги эпидемиологик ҳолатга таъсир қилмайдими?

**олтинчидан,** шахсан сиз ва «Дори-дармон» компанияси раҳбари А.Комилов нима сабабдан дорихоналар тармоғидаги жиддий камчиликларга панжа орасидан қараб, уларни бартараф этиш учун таъсирчан чораларни кўрмаяпсиз? Ахир, бу соҳада қиммат дориларнинг 45 фоизини импорт дорилар, бунинг устига, нархи ҳаддан ташқари ошириб юборилган дорилар ташкил этади.

Адҳам Илҳомович, сиз раҳбарлик қилаётган комплекснинг яна бир муҳим тармоғи – жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш билан боғлиқ. Албатта, бу соҳада, айниқса, олий маҳорат спорти борасида кейинги йилларда муайян ютуқларимиз бор. Биз улар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Лекин охириги Олимпиадада фақатгина огир атлетика, бокс, кураш ва дзюдо бўйича совринли ўринлар эгалланди. Бунинг сабаби нимада?

Сўнгги беш йилда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, шунингдек, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун бюджетдан 1 триллион

230 миллиард сўм ажратилган. Бу – Миллий олимпия кўмитаси маблағларидан ташқари.

Бизда болалар спорти, олий спорт маҳорати ва олимпия резервларини ривожлантириш бўйича кудратли база яратилган. Яна қандай база, кўшимча шарт-шароит ва воситалар керак?

Ана шу муаммоларнинг ичига чуқур кириб бориш зарур. Шу муносабат билан қуйидаги вазифаларни амалга ошириш талаб этилади:

**биринчи** – кишлоқ врачлик пунктлари, юқори технологиялар асосидаги ихтисослашган марказлар ва тез тиббий ёрдам станциялари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва уларга доир топшириқларни амалга ошириш юзасидан таклифларни ва тегишли хужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни тезлаштириш зарур;

**иккинчи** – врачлар ва тиббиёт ходимлари малакасини ҳам мамлакатимизда, ҳам етакчи хорижий клиникаларда ошириш бўйича таъсирчан тизим яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш даркор. Зарур бўлса, уларни моддий рағбатлантириш бўйича таклифлар киритиш керак;

**учинчи** – 340 номдаги дори воситалари ва тиббиёт буюмлари чегараланган нарх бўйича сотилишини назорат қилувчи органлар билан бирга қатъий тартибга солиш зарур. Ҳар бир фуқаро қабул қилаётган карорларимиз реал фойда бераётганини сезиши керак.

Шу билан бирга, ўтган йили сентябрь ойида тасдиқланган 2016–2020 йилларда фармацевтика sanoa-

тини янада ривожлантириш бўйича дастур самарали бажарилишини таъминлаш даркор;

**тўртинчи** – қариялар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича тасдиқланган дастурни амалга ошириш алоҳида назоратга олиниши керак. Ҳар бир имтиёз ва ижтимоий ҳимоя чораси ўз эгасига етиб бориши даркор;

**бешинчи** – Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов билан биргаликда экология соҳасидаги ишлар аҳволини яхшилаш, энг аввало, жойларда чиқиндилар билан ишлаш соҳасида давлат назоратини кучайтириш бўйича таклифларни яқин вақт ичида тақдим этиш зарур;

**олтинчи** – сиз ва шахсан маданият ва спорт ишлари вазири Б.Аҳмедовнинг эътиборини жисмоний тарбия ва спорт соҳасида яратилган қудратли базадан самарали фойдаланиш зарурлигига қаратаман.

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари билан чегараланиб қолиш керак эмас. Иктидорли ўсмир ва кизларни танлаб олиш ва тарбиялаш бўйича жиддий селекция ишларини амалга ошириш зарур.

Таъкидлаш керакки, вазир Б.Аҳмедовнинг бугунги мажлисимизга тайёрлаб келган жонсиз ҳисоботи ҳеч қандай танқидга чидамайди. Бу ҳисоботда на таҳлил, на аниқ таклиф бор. Афтидан айнан шунинг учун ҳам сизнинг маданиятни ривожлантириш соҳасидаги ишларингиз асосан юбилей тадбирларини ўтказиш билан чекланиб қоляпти. Сиз

хам, ўринбосарларингиз ҳам бу соҳага янгича мазмун киритиб, вазиятни тубдан яхшилашга ҳаракат қилмаяпсизлар.

**Қадрли дўстлар!**

Ҳаётнинг ўзи ва ўтган йиллар тажрибаси ҳудудларни комплекс ривожлантиришни ва инфратузилма фаолиятини тубдан ўзгартиришни таъминлашдаги жиддий камчиликларни бартараф этишни талаб қилмоқда. Шу сабабли Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари раҳбарлик қиладиган янги комплекс ва департамент ташкил этилди. Уларнинг бош вазифаси қуйидаги икки йўналиш бўйича барқарор ишлайдиган тизимни ташкил этишдир:

**биринчи** – туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги кечиктириб бўлмайдиган ва истиқболли вазифаларни амалга ошириш юзасидан ҳокимлик ва тармоқларни бошқариш органларининг куч ва ҳаракатини аниқ мувофиқлаштириш. Мақсад – иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги, энг муҳими, одамларнинг ҳаёт даражасидаги жиддий тафовутни бартараф этишдир;

**иккинчи** – йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича дастурларнинг прогноз параметрларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назорат қилиш ҳамда уларга эришиш.

Яқуний мақсад – иқтисодиёт тармоқлари учун ишончли инфратузилмани шакллантириш, шаҳар ва қишлоқ аҳолисига қулай шарт-шароит яратиб беришдир.

А.Раматовнинг эътиборини шахсан ундан ва иккита департаментдан талаб этиладиган қуйидаги вазифаларга қаратаман:

**биринчидан**, комплекс таркибига кирадиган барча идораларнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш. Пала-партиш таклифларни бериш ва шошма-шошарлик билан қарорлар қабул қилиш керак эмас. Яқинда шу сабабларга кўра Оролбўйи муаммоларини ҳал этиш бўйича комплекс дастурни қайтаришга мажбур бўлдим. Бу каби хатоликлар такрорланмаслиги шарт;

**иккинчидан**, 14 та ҳудудда сайловчилар билан учрашувда кўтарилган йирик муаммоли масалаларни ҳал этишга доир қарорлар лойиҳаларини ишлаб чиқишни яқин вақт ичида яқунлаш ва тақдим этиш зарур;

**учинчидан**, 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган 12 та ижтимоий ва инфратузилма дастурини амалда бажариш. Шундан 8 та дастур тасдиқланган. Яқин вақт ичида транспорт ва савдо хизматини яхшилаш, автомобиль йўлларини ва ичимлик сув таъминоти тизимини реконструкция қилиш бўйича ҳужжатлар тўпламини қайта ишлаб чиқиб, тақдим этиш керак.

Кун тартибида Уй-жой ва коммунал хизмат вазирлигини ташкил этиш масаласи ҳам турибди. Ана шу лойиҳаларни тасдиқлаш жараёни сиз томонингиздан асоссиз равишда чўзиб юборилди;

**тўртинчидан**, мамлакатимиз ҳудудларига салмоқли инвестициялар киритишга доир муаммоларга

алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шу сабабли тажриба лойиҳаси тариқасида Миллий банк мисолида қуйидаги тизимни жорий этиш бўйича таклиф киритаман.

Банк инвестиция фаолиятига ўз маблаглари билан бирга, ташқаридан молиялаштириш манбаларини жалб этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиши керак. Банк раҳбари С.Раҳимов бугун ўз таклифларини бериши лозим.

Бундан ташқари, кечиктириб бўлмайдиган бир қатор ўта муҳим вазифалар бор. Улар орасида Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тизимини тубдан қайта ташкил этиш, шаҳарсозликнинг эскирган методология ва нормативлари, капитал қурилишдаги номутаносиблик ва муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, лойиҳа институтларининг самарасиз фаолиятини қайта кўриб чиқиш масалалари бор.

Айрим фактларни келтирмоқчиман. Шаҳарсозликни такомиллаштириш бўйича бир қатор ҳужжатлар қабул қилинган бўлса-да, уларнинг кўпчилиги назоратсиз қолган. 2012 – 2015 йилларда ишлаб чиқилган 18 та шаҳар ва посёлканинг бош режалари ҳалигача тасдиқланмаган.

Қўмита раҳбарияти бундан 3 йил аввал туман архитекторлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича кенгашлар ташкил этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларга «Дамас» автомобиллари ажратиш бўйича берилган топшириқлар ижроси устидан назоратни таъминламади.

Лицензияга эга бўлган 850 та лойиҳа ташкилотларининг атиги 147 таси ёки 17 фоизи мамлакатимиз микёсидаги инвестиция дастурларини амалга оширишга жалб этилган.

Очик тан олишимиз керак, бизнинг энг жиддий камчиликларимиздан бири – замонавий талабларга жавоб берадиган лойиҳа институтларининг йўқлигидир. Уларнинг моддий-техник базаси ўтган асрнинг 80-йиллари даражасида қолиб кетган. Улар томонидан ахборот технологияларини, замонавий илм-фан, архитектура ва дизайн ютуқларини қўллаш даражаси ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Шу сабабли ҳаётнинг ўзи ҳар бир вилоятда бириккита замонавий лойиҳа институтини ташкил этишни талаб этмоқда.

Давлат маблағлари ва ресурслари талон-торож қилинмоқда. Ўтган йили инспекциялар томонидан пудрат ишлари ҳажми 4 миллиард 700 миллион сўмга камайтирилган. 24 мингта лойиҳа экспертизадан ўтказилганида уларнинг нархи 1 триллион 500 миллиард сўмга камайтирилган.

Савол: бундай жиддий камчиликларни Б.Зокиров ва унинг биринчи ўринбосари А.Тўхтаев билмайдими? Нима сабабдан сиз иккалангиз фақатгина айрим объектлар билан чекланиб, кўрсатилган муаммоларнинг ичига кириш ва уларни ечишга умуман эътибор бермаяпсиз?

Бутун тизимни тубдан қайта ташкил этиш бўйича 20 кун муддатда аниқ таклифларни киритиш керак.

Бизни йўл қурилишидаги ишлар аҳволи ҳам қоник-тирмайди. Молия вазирлиги ва унинг Йўл жамғармаси айби билан маблағларнинг кескин етишмаслиги доим сезилиб турибди. Битумни барқарор етказиб бериш масаласи ҳал этилмаган. Ўғирликлар тугамаяпти. Кадрлар кўнимсизлиги юқорп.

Ўтган йили «Ўзкоммунахизмат» агентлиги ва «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамияти раҳбариятини алмаштирдик. Бироқ бу ташкилотларнинг янги раҳбарлари – И.Маҳкамов ва Б.Зарипов зарур даражада ташаббус кўрсатмаяпти.

Умид қиламанки, А.Раматов ва бошқа раҳбарлар ўз ҳисоботида ана шу саволларга аниқ жавоб беришади. Шу йил бошида жорий қилинган ҳукумат аъзоларининг Президентга ҳисобот бериш тартиби доирасида бошқа раҳбарлар билан ҳам албатта учрашаман. Бунга барча раҳбар ходимлар ва ҳудудлар ҳокимлари пухта тайёргарлик кўришини сўрайман.

Жойлардаги аҳволнинг жиддийлиги ва оғирлигидан келиб чиққан ҳолда, А.Раматовни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари лавозимига тайинладик ва унга шу оғир участкани топширдик. Шунинг учун Бош вазирнинг барча ўринбосарлари, ҳокимлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ўз саъй-ҳаракатини бирлаштириб, унга ёрдамчи бўлиб фаол кўмак бермаса, кутилган натижага эришиш қийин бўлади.

Агар жойларда инфратузилма ва ижтимоий объектларда ўта ачинарли аҳволга дуч келсангиз,



мавжуд ҳолати улардан кўра яхшироқ бўлган объектлар ўрнига ана шу ёмон аҳволдаги объектларни киритиш йўли билан, А.Раматов, сизга тасдиқланган манзилли дастурларга ўзгартириш киритиш ҳукуки берилади. Буни барча раҳбарлар билиб олсин.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Барчамиз сўзсиз тушунамиз, иқтисодий ислоҳотлар ва ижтимоий ўзгаришларни муваффақиятли амалга ошириш энг аввало иқтисодий ва молиявий органларнинг фаолияти самарадорлигига боғлиқдир. Улар якин ва узок истиқболга мўлжалланган, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга доир стратегик вазифаларни нафақат ишлаб чиқиши, балки амалга оширишни таъминлаши зарур.

Бундан бир неча йил олдин ҳукумат мажлисида Иқтисодиёт вазирлиги ва унинг собиқ раҳбари Р.Ғуломовнинг фаолияти қаттиқ танқид қилинган эди. Иқтисодиёт вазирлиги мамлакатимиздаги бошқа вазирлик ва идоралар учун ҳаракатлантирувчи куч, яъни локомотив вазифасини бажара олмаётгани таъкидланган эди. Афсуски, бугун очик айтиш керак, ана шу вазифа ҳалигача бажарилмади.

Аниқ далил ва муаммоларга мурожаат қиламан.

**Биринчи** – ислоҳотларнинг қай даражада самара бераётганини кўрсатадиган мақсадли дастурларни амалга ошириш натижадорлиги. Булар қаторида саноат ва бошқа тармоқларни ривожлантиришнинг куйидаги иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини келтириш мумкин: ишлаб чиқариш қувватларининг аҳволи, ҳаражатларни ва таннархни пасайтириш,

махаллийлаштириш ва рентабеллик даражасини, маҳсулот ракобатдошлигини сўзсиз ошириш.

Тармоқлар бўйича таннарх ўртача 10 фоизга кискартирилган бўлса-да, кимё ва енгил саноат, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ва бошқа бир қатор тармоқларнинг айрим маҳсулотлари қимматлиги сабабли ташқи бозорларда ракобатдош бўла олмаяпти. Айрим корхоналар зарар билан ишламоқда.

Маҳаллийлаштириш дастурини шакллантиришнинг аввалги усуллари эскирди. Экспортни прогноз қилиш билан бирга, импортни пухта ва синчиклаб прогноз қилмаслигимизни қандай тушуниш мумкин?

Фақат ўтган йилнинг ўзида мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган қарийб 400 миллион долларлик маҳсулот четдан импорт қилинган. Айниқса, «Ўзбекэнерго», «Ўзқурилиш материаллари» акциядорлик жамиятлари, Олмалик кон-металлургия комбинати, «Ўзфармсаноат» концерни бунга берилиб кетган.

Энди, ҳурматли Галина Каримовна, бундан кейин ҳар ой, ҳар чорак якуни билан, мавжуд аҳволни чуқур таҳлил қилган ҳолда, таннархни ва импортни кискартириш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш бўйича хўжалик бирлашмалари ва ҳокимликлар томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида Президентга шахсан маълумот киритасиз.

Бу маълумотномада чуқур таҳлил, кўрилаётган ёки кўрилмаётган чоралар ёритилиши, шунингдек,

аниқ таклифлар берилиши керак. Айрим раҳбарларнинг чилдирмасига ўйнаш даври ўтди энди. Шу асосда ҳар ойда бир марта Президент раҳбарлигида селектор йиғилиши ўтказилади ва тегишлича баҳо берилади.

Ўз вақтида, Галина Каримовна, шахсан сиз ва жаноб Э.Ғаниев эркин иқтисодий зоналар ташкил этишни таклиф этган эдингиз. Бу – яхши ташаббус, лекин у охиригача аниқ ҳаракатлар билан мустаҳкамланмади.

Исбот тариқасида «Навоий» эркин иқтисодий зонаси бўйича маълумотларни келтираман. Ўтган 8 йил мобайнида бу ерда атиги 24 та лойиҳа амалга оширилиб, уларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши жуда паст ва атиги 900 та одам ишга жойлаштирилган. Ўтган йили эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 24 фоизга пасайган.

Принципиал жиҳатдан янги асосларда «Ургут», «Ғиждувон», «Кўкон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш бўйича кунги кеча фармон қабул қилинди. Ўтган йиллардаги хатоларни яна такрорлашга энди йўл қўйиб бўлмайди.

Бундан деярли 10 йил олдин Иқтисодиёт вазирлигининг собиқ раҳбарияти мева-сабзавот балансини ишлаб чиқмасликни ва тасдиқламасликни қатъий таклиф этган эди. Бу нимага олиб келиши мумкинлигини, энг аввало, ички истеъмол бозорига таъсири қандай бўлишини биз бугун бошқалар мисолида кўриб турибмиз. Бунинг устига,

валюта балансининг муҳим тушум манбаидан ажралган бўлар эдик.

Хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишлар қандай аҳволда экани танқидий таҳлилни талаб этади. Бундай инвестицияларнинг улуши 30 фоизга тушиб қолган.

Халқаро молия институтларининг кредитларини, айниқса, лойиҳалар буюртмачилари бўлмиш Республика йўл жамғармаси ва «Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан самарасиз ишлатилмоқда. Чунки уларнинг фаолиятида тизим, назорат ва масъулият йўқ.

Лойиҳаларни экспертиза қилиш ва тендерларни ўтказиш бюрократлашиб кетгани энг асосий тўсиклардан бири ҳисобланади. Лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини экспертиза қилиш агентлиги ташкил этилганидан кейин ҳам сзиларли ўзгариш ва натижалар йўқ. Агентлик раҳбари Ш. Ҳошимовда ташаббус етишмайди.

Ушбу масалага доир ҳукумат қарори ишламасдан, таъбир жоиз бўлса, жойида тошдек қотиб қолган ва ўн йилдан буён қайта кўриб чиқилгани йўқ. Бундан экспертиза органларининг айрим қўли эгри раҳбарлари ва мутахассислари усталик билан нопок мақсадларда фойдаланмоқда.

Сиздан, Галина Каримовна, 15 кун муддатда ушбу қарорга ўзгартиш киритиш бўйича таклиф киритишни сўрайман.

Маҳаллий ҳокимларнинг айби билан мамлакатимиз ҳудудларига хорижий инвестициялар жалб этиш ўта қониқарсиз аҳволда қолмоқда.

Биргина мисол келтираман. Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё вилоятларида атиги 18 та лойиҳани амалга оширишга 55 миллион доллар ёки ҳар бир лойиҳага ўртача 3 миллион доллардан хорижий инвестиция жалб этилган.

Ана шу ҳудудларнинг саноати ва инфратузилмасини ривожлантириш бўйича мамлакат Президенти томонидан тасдиқланган махсус дастурлар амалга оширилаётган бир шароитда бу албатта етарли эмас.

Шунинг учун вилоят ҳокимлари ҳар чорак якунига кўра тижорат банклари билан биргаликда хорижий инвестициялар олиб кириш бўйича ишларнинг қандай аҳволда экани тўғрисида шахсан Президентга ахборотнома киритади. Буни Давлат маслаҳатчиси У.Исмоилов алоҳида назоратга олсин.

Юқорида зикр этилган масалаларнинг барчаси Иқтисодиёт вазирлиги ва унинг раҳбарияти вазифасига қирмайдими?

«Биз ишлаб чиқдик ва тасдиқладик, энди сизлар амалга ошириш ва натижа учун жавоб беришга мажбурсиз» деган кайфият билан яшаб, уни одат қилиб олиш мумкин эмас. «Бизнинг қароримиз – энг юқори босқичдаги ҳақиқат ва қонун» деган яроқсиз, қўштирноқ ичидаги «принцип»га асоссиз равишда таяниш ва амал қилиш мумкин эмас.

Шу муносабат билан Бош вазир А.Ариповдан вазирликнинг бутун тизимини қайта ташкил этишни таъминлайдиган хужжатлар тўпламини ишлаб чиқишни ва тақдим этишни тезлаштиришни сўрайман. Бунда унинг таркибий тузилмасига хокимликларнинг тугатилган Йиғма бошқармаларни ва иктисодиёт бўлимларини киритишни назарда тутиш керак.

Бирок, энг асосийси – Иктисодиёт вазирлигининг вазифа ва функцияларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Бунда ушбу ташкилотнинг энг муҳим вазифаси сифатида вазирлик, унинг раҳбарияти, жумладан, шахсан вазирнинг якуний натижалар, шунингдек, таклиф этилаётган концепциялар, дастурлар ва улар бўйича қабул қилинган қарорларнинг иктисодий ва ижтимоий оқибатлари учун жавобгарлиги белгиланиши лозим. Ҳукумат ушбу таклифнинг ҳукукий асосларини Қонунчилик палатаси ва Сенат билан бирга пухта ўрганиб чиксин.

Солиқ-бюджет сиёсатида қатъий амал қилиш, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини бажариш, иш хақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ҳажми, йирик инвестиция лойиҳалари ва мамлакат муҳофаза қобилиятини мустаҳкамлашни молиялаштириш ушбу энг муҳим вазифаларни амалга ошириш, аввало, Молия вазирлиги ва шахсан вазирнинг фаолияти самарадорлиги билан белгиланади.

Мажлисимиз иштирокчиларига мурожаат қилар эканман, қуйидаги саволларни беришни зарур, деб

хисоблайман. Ушбу масалалар қай даражада самарали ҳал этилмоқда?

Нима сабабдан Молия вазирлигининг низоми 1992 йилда тасдиқланган бўлса-да, 25 йилдан буён асосий вазифа ва функциялари тубдан қайта кўриб чиқилмаган? Ахир, ислохотлар вазирлик ва унинг раҳбарларига тааллуқли эмасми? Нима сабабдан вазирлик ўзига юклатилган энг муҳим вазифаларни самарали бажаришни, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашни таъминламаяпти? Ахир, вазирлик таркибида 16 мингдан ортиқ ходим ишлайди, ҳаддан ташқари кенгайиб кетган марказий аппарат, ҳудудий органлар, Ғазначилик, Назорат-тафтиш бошқармаси, Пенсия жамғармаси ва яна 4 та махсус жамғарма мавжуд. Уларни саклаш учун бюджетдан ҳар йили 350 миллиард сўм харажат килинади.

Энг муҳим дастурлар, лойиҳа ва вазифалар бўйича қабул қилинган айрим қарорлар ёки умуман реал молиялаштириш манбалари билан таъминланмаган ёки қолдиқ принципи бўйича молиялаштирилади. Нима сабабдан тўлов интизоми оқсаяпти?

Жами 18 триллион сўмлик дебитор қарздорликдан 11 триллион сўми ёки 60 фоизи охириги 3 йил мобайнида чўзилиб келяпти.

Нима учун ушбу муаммо билан Муддати ўтган қарздорликни қисқартириш комиссиясига бошчилик қиладиган молия вазири ва Марказий банк раиси жиддий шуғулланмаяпти?

Нима сабабдан пластик карточкаларни муомалага киритишдан илгари барча механизмлар пухта ишлаб чиқилмаган? Нима учун кўплаб ташкилотлар, энг аввало, бюджет ташкилотлари ходимлари – ўқитувчилар, врачлар, хизматчилар ва ҳатто пенсионерлар айрим амалдорларнинг кўштирноқ ичидаги «янгилик»ларидан қийналиши керак?

Албатта, Давлат бюджети ўлчовсиз эмас, маблағларни қаттиқ тежаш, белгиланган мақсад учун ва оқилона ишлатишни таъминлаш зарур. Бу – ҳаммага равшан ва рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат.

Шундай экан, нима учун Ғазначилик ва Назорат-тафтиш бошқармасининг аппаратлари ҳаддан ташқари кенгайиб кетган? Уларда жами 4 минг нафар ходим ишлайди ва уларнинг харажатиغا йилига 90 миллиард сўм давлат маблағи сарфланади. Ана шу тузилмалар раҳбар ва ходимлари шундай тасаввур билан яшамокдаки, уларнинг вазифаси гўё фақатгина назорат қилиш ва бошқаларни жазолашдир.

Лекин фақат камчи ва қилич билан ижобий натижаларга эришиб бўладими? Бу – нафақат хато фикр. балки чуқур янглишиш, деб ҳисоблайман. Бу борада профилактика ишларини ким самарали олиб боради?

Ўтган йилнинг ўзида 22 мингта ташкилотда жами 200 миллиард сўмлик ўзлаштириш ва маблағларни бошқа мақсадлар учун сарфлаш ҳолатлари аниқланган. Уларнинг асосий қисми ижтимоий соҳа ташкилотларига тўғри келади. Ана шу камчиликларни бар-



тараф этиш тегишли вазирликлар раҳбарлари билан бирга молия вазирининг биринчи ўринбосари этиб тайинланган Ж.Кўчқоровнинг фаол иш йўналиши бўлиб қолиши керак.

Ҳисоб палатаси (Қ.Акмалов)дан бир ой муддатда Давлат бюджети маблағларининг нафақат самарали ва мақсадли ишлатилишини ҳар тарафлама ўрганишни, балки, биринчидан, раҳбарларнинг шахсий жавобгарлиги чоралари бўйича, иккинчидан, аллақачон вақти келган масалаларни ҳал этишга доир таклифларни киритишни сўрайман.

Молия вазирлиги, унинг таркибий тузилмалари ва аппаратининг иш юритиш шакли ва усулларига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ҳукуматнинг аксарият топшириқлари белги-ланган муддатларни қўпол равишда бузган ҳолда бажарилмоқда, иш сифати ҳам аксарият ҳолатларда оқсамоқда. Шунга қарамасдан, бу тузилмалар раҳбарларининг ўзига бўлган ишончи осмон қадар баланд.

Нима учун бошқа идоралар раҳбарлари давлатнинг аниқ муаммоларини ҳал этиш бўйича малакали тавсия олиш ўрнига, доимо қоғозбозлик ва сансалорлик ҳолатлари, шунингдек, айрим вазир ўринбосарларининг баланд димоглиги ва қайсарлиги билан тўқнашиши керак?

Ниҳоят, нима сабабдан баъзан инсон кадр-киммати ерга урилади, бунга ким ҳуқуқ берган?! Нима учун Бош вазир ўринбосари ёки ҳукумат

аъзоси қабулхонада соатлаб кутиб ўтириши керак? Нима учун Вазирлар Маҳкамасининг тармоқ департаменти мудири жиддий масалалар бўйича юзаки презентация ўтказилишини кунлаб ва ҳафталаб кутади, кейин эса ҳужжат қайта ишлашга қайтарилади? Ва нима сабабдан бу жараёнларнинг барчасини штатдаги ёрдамчи эмас, балки чаласавод ва беандиша қабулхона инспектори белгилайди?

Ўйлайманки, ана шу олдий бўлмаган ва муҳим саволларга аниқ ва равшан жавоб топши вақти келди. Шу муносабат билан Бош вазир А.Ариповга ва янги вазир Б.Хўжаевга бир ой муддатда Молия вазирлигининг ташкилий тузилмаси, унинг вазифа ва функцияларини тубдан қайта кўриб чиқиш бўйича аниқ таклифлар киритиш топширилади.

Кадрлар билан ишлаш ҳолатини ҳам танқидий таҳлил қилиш зарур. Ўйлайманки, молия органларининг бутун тизимидаги раҳбар ва ходимларни аттестациядан ўтказиш керак.

Ҳақиқий факт шундан иборатки, агар Р.Азимовда ана шу жиддий камчилик ва муаммоларни кўриш хоҳиши бўлганида, уларни кескин барта-раф этиш бўйича у зарур ташаббус кўрсатганида, биз бугун иктисодий ва молиявий соҳаларда бундан ҳам юқорироқ натижаларга эришган бўлар эдик.

Такрор айтаман, фақатгина «ғалаба рапортлари» билан, шунингдек, муаммоларга умуман алоқаси йўқ, ўз орзу-истагидаги мавҳум нарса-

ларни ҳақиқат деб кўрсатадиган шахслар томонидан тайёрланган ахборотномалар билан чекланиб қолиш мумкин эмас.

**Ҳақиқат эса хизмат вазифангизга кўра сиз шахсан жавоб берадиган қуйидаги жиддий муаммоларда ўз аксини топган.**

**Биринчи** – иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатлари ва инвестиция ресурсларига ўсиб бораётган талабни қаноатлантириш бир-бирига мувофиқ эмас.

**Иккинчи** – нақд ва нақдсиз шаклдаги ҳисобкитобларда фарқ мавжудлиги.

**Учинчи** – ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни молиялаштириш учун маҳаллий бюджетларнинг маблағлари етарли эмаслиги.

Сиз бу очик-ойдин фактларни инкор қилмайсиз, деб ўйлайман. Сиздан реал таклифларни кутаман.

Макроиқтисодиёт комплекси таркибига кирувчи бошқарув органларининг самарали ишлаши ва уларга раҳбарлик қилиш талаб даражасида таъминланмаяпти. Шу муносабат билан шахсан сизга қуйидагилар топширилади:

**биринчи** – Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ўзининг вазифа ва функцияларини самарали ва тўлиқ ҳажмда бажаряптими? Унинг раҳбарлари Э.Ғаниев ва Ш.Тўлаганов-чи? Бу – принципиал савол. Ушбу вазирликнинг 163 та мутахассис ишлаётган марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари нима билан машгул?

Бош вазирга 10 кун ичида аллақачон ҳал этиш вақти келган ушбу саволлар бўйича таклифлар киритиш юкланади;

**иккинчи** – Меҳнат вазирлиги ва унинг раҳбари А.Абдуҳақимов фаолияти самарадорлигини тублан кайта кўриб чиқиш зарур.

Юртимизда йилига 1,5 миллион одамни ишга жойлаштиришга эҳтиёж бўлса-да, ўтган йили Бандликка кўмаклашиш марказлари атиги 248 минг кишини ёки 16,5 фоизини ишга жойлаштирган. Буннинг асосий сабаблари иш фаолиятидаги эскирган шакл ва усуллар ҳамда бандлик муаммоларини ҳал этишдаги расмиятчилик билан боғлиқ.

Айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича тўрт томонлама шартномаларни амалга ошириш борасида кўплаб кўшиб ёзиш ҳолатлари бартараф этилмаган.

Ана шу муаммоларга барҳам бериш бутун Макроиктисодиёт комплекси ва шахсан меҳнат вазирининг биринчи даражали вазифасига айланиши керак.

Сизга, Рустам Содикович, 15 кун муддатда ушбу ишга барча иқтисодий ва молиявий органлар, банк муассасалари ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг ҳудудий бўлинмалари ходимларини, шунингдек, барча бўғиндаги ҳокимлар ўринбосарларини жалб этишни назарда тутадиган, принципиал жихатдан янги, таъсирчан механизмни жорий этиш юзасидан аниқ таклифлар киритишни топшираман.

Аниқ бир мисол билан ушбу муаммони ҳал этишнинг реал йўлини айтмоқчиман. Андижон вилояти-

нинг аҳоли зич жойлашган Олтинкўл туманида 7 та касб-хунар коллежи бор, уларни бу йил турли мутахассисликлар бўйича 2 минг 300 нафар битирувчи тамамлайди. Туман худудида 714 та хўжалик юритувчи субъект, жумладан, саноатда – 371 та субъект, қурилишда – 167 та субъект, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида – 156 та субъект ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатади.

Тумандаги ҳар бир хўжалик субъектига ўртача 3 нафар битирувчи тўғри келади.

Туманда бюджетдан ойлик оладиган иктисодий комплекс ташкилотларидаги жами 400 нафар ходим ушбу корхоналарнинг самарали ишлашига амалий ёрдам берса, масалан, кимгадир кредит, яна кимга хомашё ёки малакали маслаҳат билан кўмаклашса, бу ишни бемалол бажарса бўлади. Агар ана шу 400 нафар одам ойига биттадан иш ўрни ташкил этишга кўмаклашса, бир йилда 4 минг 800 та янги иш жойига эга бўлиш мумкин.

Бугуннинг ўзида ҳар бир битирувчини аниқ бир ташкилотга бириктиришни таъминлаш билан бирга, унинг бўлажак иш жойи, иш ҳақи ва ижтимоий шароитларини аниқ белгилаш зарур.

Буларнинг барчасини ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамлаш ва энг асосийси, хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг нафақат мажбуриятини, балки шахсий масъулиятини ҳам белгилаш зарур.

Фақат шундай йўл билан биз давлатнинг ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари олдидаги мажбуриятини бажаришимиз мумкин. Худди шундай амалиёт-

ни республика олий таълим муассасалари битирувчилари бўйича ҳам ишлаб чиқиш ва жорий этиш даркор.

Навбатдаги муҳим вазифа – бу бандлик масаласини ҳал қилишнинг бутун тизимини тубдан ўзгартириш бўйича комплекс раҳбарияти, ҳокимлар ва уларнинг биринчи ўринбосарлари шахсий масъулиятини оширишдан иборат. Шу масала бўйича қуйидаги таклифларни киритаман.

**Биринчидан**, ҳокимлар янги иш ўринлари яратиш юзасидан тасдиқланган кўрсаткичларнинг ҳар ой якунига кўра бажарилишини таъминлаган тақдирда, уларнинг иш ҳақига 15 фоиз кўшимча кўшиш билан рағбатлантирилади. Ана шу кўрсаткичлар бажарилиши таъминланмаса, аксинча, уларнинг иш ҳақидан 15 фоиз ушлаб қолинади.

**Иккинчидан**, мазкур йўналиш учун бевосита жавоб берадиган ҳокимларнинг биринчи ўринбосарлари ҳам шунга мос равишда иш ҳақининг 20 фоизи миқдо­рида ё рағбатлантирилади, ё жазоланади. Бу тартиб вилоят, туман ва шаҳарларнинг иқтисодий комплекслари барча раҳбарларига нисбатан ҳам қўлланади.

Шунинг учун Бош вазир А.Ариповга, Бош вазир ўринбосари Р.Азимовга 15 кунлик муддатда иш жойлари ташкил этишни моддий рағбатлантиришга доир таклиф этилаётган ушбу тизимни шу йилнинг 1 мартидан бошлаб амалиётга жорий этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг пухта ишланган қарорини қабул қилишни топшираман.

**Учинчидан,** биз бугун Давлат рақобат кўмитасининг раиси Д.Ҳидоятовдан шахсан сиз ва кўмитанинг бўлинмалари хусусийлаштириш жараёнида пировард натижани нима учун назорат қилмайсиз ёки таъминламайсиз, деган саволга жавоб беришни қатъий талаб қилишга ҳақлимиз.

Сиз нима учун ушбу муаммоларни амалда ҳал этиш ўрнига менга ўзингизнинг ҳеч қандай натижа бермаган ва бермайдиган хорижий хизмат сафарларингиз ва «тақдимот»ларингиз тўғрисида оғиз кўпиртириб ахборот берасиз?

Бугун давлат бюджети ҳисобидан катта маблағларни харажат қилиб, хорижга хизмат сафарига бориб келаётган раҳбарлар ва ишчи гуруҳларидан сўрашга ҳақлимиз: кани сизлар оғиз тўлдириб, қоғозга чиройли қилиб ёзиб берган натижалар, кани инвестор ва инвестициялар?

Сиз бу ишларга мутасадди давлат кўмитасининг раҳбари бўлиб, бундай натижаларни кимдан талаб қиляпсиз? Биргина Корея Республикасига корхоналарни сотамиз, инвестициялар олиб келамиз, деб ташкил этган бир нечта бизнес форумларингиз натижа бердимиз, кани ваъдалар?

Агар сизлар хорижий сафарларга сарф қилган харажатларни ҳисоб-китоб қилсак, шу пулнинг ўзига иккита йирик корхонани сотиб олса бўларди.

«Ноль» киймати бўйича 1 минг 27 та объект сотилган. Албатта, бу яхши, бироқ нима учун уларнинг кўпчилиги, баъзиларини ҳисобга олмаганда, ишга туширилмаган ва вайрона ҳолида ётибди?

Биз уларнинг ўрнига нимани ташкил этдик, қандай кувватлар ва ишлаб чиқаришлар барпо этилди, қанча одам иш билан банд? Нима учун сотилиши лозим бўлган 119 та акциядорлик жамиятидан фақат ярмининг 15 фоизлик улуши хорижий инвесторларга сотилган?

Давлат мулки талон-торож қилингани учун бугун ким шахсан жавоб бериши керак? Сўзсиз ва биринчи навбатда сиз қўмита раиси сифатида жавоб беришингиз шарт.

Сиз олдинги раҳбарларнинг хатоларини такрорлаб, сусткашлик қилиб ва фақат статистика билан шуғулланиб, асосий бўғинни – мамлакатнинг ва халқнинг бойлигига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни бой беряпсиз.

Сизга охири марта, комплекс раҳбари ва Давлат маслаҳатчиси О.Муродов билан биргаликда, Олий Мажлис билан ўзаро ҳамкорликда 20 кун муддатда, биринчидан, ушбу муаммоли масалаларни бартараф этишни, иккинчидан, сотилган ва сотиб олинган давлат мулкининг ишламаслиги, ундан самарасиз фойдаланилгани ёки талон-торож қилингани учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий мажбурият ва масъулиятини пухта ишлаб чиқишни назарда тутадиган комплекс аниқ чора-тадбирларни тақдим этишни топшираман.

Давлат статистика қўмитаси раҳбариятининг фаолиятида ҳам эскича ёндашувлар бартараф этилмаган. Уларнинг иш усули, ҳисоб-китоблари ва маълумотлари амалий ва тезкор чора-тадбирлар



кўришни талаб этадиган камчилик ва муаммоларнинг сабабларини тўлиқ очиб бермаяпти.

Охирги йилларда туризмдек муҳим соҳа комплекс раҳбарининг зарур даражадаги эътиборидан четда қолиб кетди. Бу хатони сўзсиз ва энг муҳими, натижали равишда тўғрилаш керак. Биз ҳозир фақат туризмни ривожлантириш билан шуғулланадиган тузилмага доир масалаларни тасдиқладик.

Бу чоралар туризмнинг Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига кўшадиган хиссасини ошириш, тарихий ва маданий кадриятларимизни тарғиб қилиш, шунингдек, валюта захираларини тўлдириш бўйича аниқ чора-тадбирлар билан кучайтирилиши зарур. Бу вазифани ҳал қилиш учун 1 ой муддат берилади.

Ушбу муаммолар кўп жиҳатдан вазирликлар, хўжалик бирлашмалари ва ҳокимликларнинг иқтисодий тузилмалари билан тизимли ишлар йўлга қўйилмагани натижасидир.

Ахир, қачондир ва кимдир туроператорларнинг дардини эшитганми? Улар қандай масалалар билан шуғулланыпти, қандай муаммоларга тўқнаш келяпти? Уларга аниқ профессионал ёрдам кўрсатиш ҳақида умуман гапирмаса ҳам бўлади.

Тақдим этилган ҳисоботларда зарур саволларга умуман жавоб йўқ. Биринчи – қанча одам меҳнат қиляпти? Иккинчи – ҳудудларда ислохотларни амалга ошириш бўйича муаммолар билан ким шуғулланыпти: менежерми ёки иқтисодиётдан умуман узоқ одамларми? Яна бир бор комплекс раҳбарига ушбу муаммо билан яқиндан шуғулла-

нишни топшираман. Фақат энди талаб қаттиқ бўлади.

Комплекс раҳбари Р.Азимов, тегишли тузилма ва ҳокимликларнинг жиддий ва кундалик эътиборини талаб қиладиган яна бир муҳим йўналиш бор. Бу – хусусий мулк ва тадбиркорликни янада ривожлантириш ва уларнинг таъсирчан ҳимоясини таъминлашдир.

Тадбиркорлар билан шахсан учрашишга сизларга нима халақит беради? Албатта, бу учрашувларда сизларга ёқмайдиган саволлар берилиши табиий.

Тадбиркорлар билан бўлиб ўтган учрашувларда шахсан ўзим шунга қаттиқ ишонч ҳосил қилдимки, бундай саволларни беришга уларнинг тўлиқ ва қонуний ҳуқуқи бор.

Бу ҳуқуқни улар турли маълумотнома, рухсатнома ва сертификатлар, кредит олишда неча кунлар навбатда туриш, ноқонуний текширувлар, бой берилган иқтисодий ва молиявий фойда ҳисобидан қўлга киритган.

Шу билан бирга, тадбиркорларнинг кўпчилиги ҳақиқий фуқаролик позициясида туриб, стим болалар ва ночор оилаларга, маҳаллалар ва ижтимоий соҳа муассасаларига беғараз ёрдам бермоқда.

Бунинг эвазига улар нима оляпти? Биринчиси – фақат кўрқув, яна текширишни ва сиқувга олишни бошлашади, эркин меҳнат қилишга, оиламни, бола-чақамни боқишга яна имконият бермайди, деган кўрқув. Шу сабабли улар ўз ишида камчилиги ва қонунбузарлик ҳолати бўлмаса ҳам тур-

ли даражадаги амалдорлар билан «келишиб олишга» мажбур бўлмоқда.

Ўйлайманки, буларнинг барчасидан сиз, Рустам Содикович, танкидий хулоса чиқарасиз ва жорий йил якуни бўйича ҳукумат мажлисида реал натижалар билан ҳисобот берасиз.

Ҳурматли дўстлар!

2016 йилда кишлок хўжалигида иқтисодий ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш бўйича тизимли ишлар давом эттирилди.

Шу билан бирга, 2016 йил учун белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва устувор вазифаларни бажаришни таъминламаган айрим раҳбарларга бугун ҳукумат мажлисида алоҳида баҳо беришни зарур, деб ҳисоблайман.

**Биринчи** – бу ер майдонларини оптималлаштиришдаги камчиликлар. Тошкент, Наманган, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бу жараён талаб даражасида ўтказилмаган.

Халқ депутатлари туман кенгашлари томонидан фермер хўжалиқларини ташкил этиш бўйича номзодлар танлашда жиддий хатоларга йўл қўйилган.

**Иккинчи** – айрим фермер хўжалиқлари етарлича айланма маблағлар, зарур техника ва бошқа моддий-техник ресурсларга эга эмас. Бу кишлок хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигига, шартнома мажбуриятлари бажарилишига ва фермер хўжалиқларининг рентабеллигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

**Учинчи** – ишлар етарли даражада ташкил этилмагани ва айрим раҳбарларнинг, жумладан, Сур-

хондарё, Сирдарё, Жиззах ва Бухоро вилоятлари собик ҳокимларининг шахсий масъулиятсизлиги сабабли бир қатор туманлар ва фермер хўжаликларидида кутилган даражада пахта ҳосили олинмади.

Косонсой, Ангор, Музработ, Қизирик, Шеробод, Қуйичирчиқ, Қўштепа туманларида пахта сотиш бўйича шартнома мажбуриятлари 60 – 65 фоиз даражасида қолиб кетган. Зарбдор, Пахтакор, Арнасой, Мирзаобод, Ховос, Сардоба, Гулистон, Чуст ва Бекобод туманларида давлат захираси учун ғалла етказиб бериш мажбуриятлари бажарилмаган.

Ана шу фактларнинг ҳар бири бўйича мажлис баёнида принципиал ва қатъий баҳо бериш зарур.

2017 йилда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, компаниялар ва бошқа идоралар, шунингдек, барча бўғиндаги ҳокимликлар қуйидаги стратегик муҳим вазифаларни амалга ошириши шарт:

**биринчи** – экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илгор агротехнологияларни жорий этиш ва ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзавот ва узум етиштиришни кўпайтириш;

**иккинчи** – фермер хўжаликларининг молиявий-иктисодий ҳолатини мустаҳкамлаш. Охириги 10 йил мобайнида минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва уруғлик нархининг ўсиши билан пахта хомашёси ва ғаллани харид қилиш нархлари ўсиши ўртасида кескин фарқ борлиғи кузатилмоқда;

**учинчи** – ўтган йилларда Молия вазирлиги ва унинг хузуридаги Жамгарма раҳбарияти томонидан шакллантирилган, агротехника тадбирларини молия-

лаштиришда ижобий натижа бермаётган ва мутлақо чала тизимга барҳам бериш зарур.

Неча йилдан бери савол бераман: агарки кишлок хўжалиги масъулиятсизларча ёндашув асосида молиялаштириладиган бўлса, давлат хариди учун маҳсулотни қандай етиштириш мумкин? Бу саволга ҳалигача аниқ жавоб йўқ. Нима сабабдан?

Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Жамғарма томонидан фермер хўжаликларига 300 миллиард сўм маблағ тўлаб берилмаган. Табиий савол туғилади: агар фермер давлат олдида ўз мажбуриятини бажарган бўлса, нега давлат ва унинг баъзи бир раҳбар ходимлари бу масалага бефарқ ва безътибор муносабатда бўлмоқда? Ким бунга масъул? Ким шахсан жавоб бериши зарур ва шарт?

**Тўртинчи** – охириги йилларда агросаноат комплексида ташкил этилган янги бошқарув органлари фаолиятидаги бир қатор муаммоларни бартараф этиш юзасидан қатъий чоралар кўришимиз зарур.

Энг аввало, бу ўринда гап «Ўзпахтасаноатэкспорт» компанияси (А.Камолов) ва унинг таркибига кирувчи «Ўзпахтасаноат» (Я.Хидиров), «Ўзпахтаэкспорт» (Ж.Қодиров) ва «Ўзпахтаёғ» (В.Жўраев) акциядорлик жамиятлари тўғрисида борапти.

Ушбу тармоқларни модернизация қилиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, жумладан, пахта хомашёсини қайта ишлаш бўйича марказларни ташкил этиш борасидаги ишлар ўта қониқарсиз йўлга қўйилган.

«Ўзбекозиковкат-холдинг» компанияси раҳбарлари О.Рустамов ва А.Салимовга саволлар тўпланиб қолмоқда. Мева-сабзавотни қайта ишлаш даражаси 20 фоизга ҳам етмайди. Янги технология ва стандартлар ўта сусткашлик билан жорий этилмоқда.

Кўшма корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми кескин пасайган. Ана шу раҳбарларга нисбатан вақт ва ишонч захираси тез вақт ичида ниҳоясига етади. Улар бундан хулоса чиқаришни зарур.

«Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти раҳбари И.Ҳайдаров, «Ўзвиносаноат-холдинг» Ш.Раҳимов ва «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси М.Мансуров фаолиятида замонавий ёндашув ва янгиликлар сезилмаяпти.

Аниқ фактларни келтираман. Экспорт таркибида ип-калаванинг улуши юқориликча – 53 фоиз даражасида қолмоқда. Аҳолининг пойабзалга бўлган эҳтиёжини қондириш даражаси 41 фоизни ташкил этади. Узум етиштирадиган, вино ва ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўплаб корхоналар самарасиз ишляпти.

Ана шу устувор вазифаларни амалга ошириш Бош вазир ўринбосари – кишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Мирзаев учун биринчи ва жиддий имтиҳон бўлади.

Сиздан яқин вақт ичида уларни бажаришни таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни белгилаб, ахборот беришингизни сўрайман.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Бугун Бош вазир ўринбосари – Хотин-қизлар кўмитаси раиси Т.Норбоевадан кечиктириб бўлмайдиган қуйидаги вазифалар бўйича жавоб беришни ва уларни амалда ҳал этиш юзасидан аниқ таклифларни кутамиз.

**Биринчи вазифа** – биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур.

**Иккинчи вазифа** – аёллар ўртасида жинойтчилик, оилаларда ажралишлар кўпайгани, ёшларнинг турли диний-экстремистик оқимлар ва террористик ташкилотлар таъсирига тушиши каби халқимизга хос бўлмаган аччиқ ва нохуш масалалар билан боғлиқ.

**Учинчи вазифа** – аёлларни уларга муносиб меҳнат билан бандлигини таъминлаш масаласидир. Аёллар учун доимий иш жойлари яратиш борасидаги муҳим масала билан бир қаторда, оилавий бизнес, касаначилик, хунармандлик, томорқа хўжалигини кенг ривожлантириш ишлари ҳам оқсамоқда.

Бу ўринда расмиятчиликка, қоғозбозликка, ҳатто кўзбўямачиликка берилиш ҳолатлари ҳам кам эмас ва бу ҳақда кўплаб ҳаққоний мисолларни келтириш мумкин. Савол туғилади: кимни ва нима учун алдаяпмиз?

Шунинг учун Бош вазир ўринбосари Т.Норбоева бошчилигида Хотин-қизлар кўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Нуроний», «Маҳалла», «Камолот» тузилмалари, Дин ишлари бўйича кўмита, Савдо-саноат палатаси ва тижорат банклари раҳбар ва мутасаддиларидан иборат ишчи гуруҳлари ташкил этилсин.

Ушбу гуруҳлар жорий йилнинг 20 январидан бошлаб Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларига бориб, уч ой давомида кўчама-кўча, хонадон-ма-хонадон юриб, мавжуд вазиятни чуқур ва пухта ўрганади, таҳлил қилади ва жойлардаги оддий оилалардан, кўпни кўрган отахон ва онахонларимиздан ҳам таклифлар олади.

Бош вазир А.Ариповдан Давлат маслаҳатчиси О.Муродов билан биргаликда, ана шундай ўрганишлар натижалари ва аччиқ сабоқлари асосида мавжуд муаммо ва масалаларнинг ҳам ҳуқуқий, ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам маънавий-маърифий, ҳам ташкилий томондан ечимини ўзида акс эттирган Президент қарори лойиҳаси ва аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиб, 20 апрелгача тасдиқлаш учун киритишни сўрайман.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Аввалги учрашувларда таълим ва илм-фан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш, таълимнинг янги, замонавий усулларини, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасидаги ишлар аҳволи танқидий таҳлил қилиб берилган эди.



Бу борадаги долзарб вазифаларни амалга ошириш ёшларимиз, жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келажиги учун стратегик аҳамиятга эга экани сабабли ушбу соҳадаги ишлар шахсан Бош вазирга юклатилган. Сизнинг эътиборингизни қуйидаги вазифаларни амалга оширишга қаратаман.

**Биринчи вазифа** – мактабгача таълим соҳасида. Очiq тан олишимиз керак, биз бу муҳим соҳадаги ишларни эътибордан четда қолдирдик. Ушбу соҳада болаларни қамраб олиш 27 фоизни ташкил этади.

Яқинда тасдиқланган дастурга кўра, бу йўналишда 2 минг 200 та муассасанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланади.

Шунингдек, тажрибали педагог ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, ўқув режа ва дастурларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Олдимизда ёшларга тарбия бериш, психология ва бошқа турли соҳаларда кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мураккаб вазифалар турибди.

**Иккинчи вазифа** – умумтаълим мактаблари, лицей ва касб-ҳунар коллежлари, шунингдек, олий ўқув юртларидаги ўқитиш сифати билан боғлиқ. Замоनावий ўқув режа ва услубларини жорий этиш талаб даражасида эмас.

Болалар ва ёшларга махсус фанлар, мамлакатимиз ва жаҳон цивилизацияси тарихини, хорижий тилларни ва замонавий компьютер дастурларини чуқур ўргатиш вазифалари ҳали сифатли ва тўлиқ ҳолда ечилгани йўқ.

Яна бир муаммони ҳал этиш ҳам ўта муҳим ҳисобланади: бу – педагоглар ва профессор-ўқитувчи-

лар таркибининг профессионал даражаси, уларнинг махсус билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий кадриятларни шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур.

**Учинчи вазифа** – таълим муассасаларини, энг аввало, касб-хунар коллежларини оқилона жойлаштиришни, шунингдек, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва ҳар бир ҳудуднинг зарур мутахассисларга бўлган талабини тўғри аниқлашни танқидий таҳлил қилишидир.

Ҳозирча ушбу механизм ишламаяпти. Тармоқлар раҳбарлари кадрларга эҳтиёж тўғрисидаги маълумотни Олий таълим вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этишади. Кейин мутахассислар тайёрлаш квоталари бўйича чуқур ўйланмаган таклифлар ишлаб чиқилади. Бунинг натижасида кадрлар сифати ва уларни ишга жойлаштириш муаммоси йилдан йилга кучайиб бормоқда.

Афсуски, ҳеч ким бунинг учун жавобгар эмас. Нима сабабдан? Ахир, бу ўринда гап барчамизнинг фарзандларимиз тўғрисида, ҳеч бир муболагасиз айтиш керакки, мамлакатимизнинг келажаги ҳақида кетяпти.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири Р.Қосимовни огоҳлантириб айтмоқчиман. Сиз бу соҳада қатта тажрибага эга бўлган ҳолда, нафақат ушбу камчиликларни бартараф этиш, балки туб ва сифатли ўзгаришларни таъминлаш учун ҳам шахсан жавоб берасиз. Олдинги йиллардаги хатоларни такрорлаш мумкин эмас.

**Тўртинчи вазифа** – нафақат академик илм-фанни, балки олий ўқув юртларидаги илм-фанни янада ривожлантириш. Бунга Фанлар академияси аъзолари билан яқинда ўтказилган учрашув ва узоқ муллатли мулоқот давомида қатъий ишонч ҳосил қилдим.

Бу ўринда, менинг назаримда, иккита асосий вазифани ҳал этиш зарур:

**биринчи** – илмий муассасаларнинг моддий-техник базасини илғор хорижий марказлар даражасида ва олимлар талабларига мувофиқ сезиларли равишда мустаҳкамлаш керак. Бунда, албатта, давлатнинг эҳтиёжлари ва унинг мақсадли вазифалари инобатга олиниши шарт;

**иккинчи** – академикларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, моддий рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Сизга, Абдулла Нигматович, Фанлар академиясининг янги президенти Б.Йўлдошев, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва бошқа идоралар билан биргаликда бир ой муддатда олимлар билан учрашувда берилган топшириқларни ижро этиш бўйича пухта ишланган чора-тадбирлар комплексини тақдим этиш топширилади.

**Бешинчи вазифа** – китоб чоп этиш ва тарқатишдаги муаммоларни ҳал қилишдир. Бу ўринда гап, энг аввало, ёшлар ва аҳоли ўртасида мамлакатимизнинг бой тарихини, унинг бетакрор маданияти ва миллий кадриятларини кенг тарғиб қилиш, жаҳон илм-фани ва адабиёти ютуқларини етказиш

учун зарур мухит ва шарт-шароит яратиш ҳақида бормоқда.

Бу борада замонавий компьютер технологиялари ва, айниқса, Интернет тизими биздан анча илдамлаб кетганини ҳам инобатга олиш зарур.

Ана шу вазифани ҳал этишда турли дарсликлар яратиш, уларни чоп этиш ва молиялаштириш масалаларида идоралар ўртасидаги ўзаро келишмовчилик, афсуски, жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Шу муносабат билан Бош вазирга алоҳида комиссия тузиб, бир ой муддатда дарсликлар, махсус ва бадий адабиётга бўлган реал эҳтиёжни, уларни бошқа тилларга таржима қилиш, улар билан ўқув юртлари, кутубхона ва ахборот-ресурс марказларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини тақдим этиш топширилади.

Бунда ёшлар ва аҳолининг кенг қатламлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. Китобларнинг ҳақиқий нархи шаклланишини жуда ҳам пухта ўрганиш зарур.

Ҳозирги пайтда ҳаммамизнинг олдимизда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди.

Ушбу масалаларни амалга ошириш учун биз куни кеча алоҳида фармойиш ҳам қабул қилдик.

Бизнинг навбатдаги кечиктириб бўлмайдиган ва истикболдаги вазирамиз – «Электрон ҳукумат» тизими самарали ишлашни таъминлашдан иборат. Ҳозирча у тўлиқ ҳажмда ишламаяпти. Айрим идоралар эса бу тизимга ёки уланмаган, ёки очиқ айтадиган бўлсак, уни нима қилишни ҳам билмайди.

2016 йилдаги айрим фактлардан ўзингиз хулоса чиқариб олинг. Давлат хизматлари ягона порталига 534 минг фуқаро ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлардан 6 мингдан ортиғи ёки кўриб чиқилмаган, ёки уларга ўз вақтида жавоб берилмаган.

Рўйхатга олинган 4 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг атиги мингга яқини тизимга жойлаштирилган. Туман ва шаҳарлар ҳокимликларининг кўпида ушбу тизим самарасиз ишлатилмоқда.

Ҳатто, технологик жараёнларни ва бошқариш тизимларини такомиллаштиришга жиддий эҳтиёж бўлган йирик корхоналар, ташкилот ва хўжалик бирлашмалари ҳам ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда зарур ташаббус кўрсатмаяпти. Улар қаторида «Ўзбекнефтгаз», «Ўздонмахсулот» компаниялари, «Ўзфармсаноат» концерни, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамияти ҳам бор.

Бундай юзаки ёндашув билан кўплаб муаммоларимизни ечишимиз мумкинми? Шу сабабли яқин вақт ичида ана шу ишлар аҳволини муҳокама қилиб, бу борада тасдиқланган Миллий

дастурни бажаришнинг самарадорлиги юзасидан кўрилган чора-тадбирлар, шунингдек, истикболдаги вазифалар тўғрисида ахборот бериш керак.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Ҳокимларнинг мавқеи ва роли, уларнинг тумандаги, шаҳар ва вилоятдаги ишлар аҳволи учун шахсий жавобгарлиги Конституциямизда принципиал қоида сифатида белгилаб қўйилганини барчангиз яхши биласиз.

Биз ҳар доим уларнинг фаолияти натижаларига алоҳида эътибор қаратганмиз ва бундан кейин ҳам бу масала диққатимиз марказида бўлади.

Шуни инобатга олиб, яқинда барча бўғиндаги ҳокимликларнинг тузилмасига принципиал ўзгаришлар киритилди. Бунга қандай зарурат бор эди?

**Биринчидан**, ҳудудларни, айниқса, колок шаҳар ва туманларни комплекс ривожлантиришга доир энг муҳим устувор вазифани амалга ошириш заруратидан келиб чиқилди.

Агар ҳудудларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичларини солиштирсак, улар кун ва тундек бир-биридан фарқ қилади.

**Иккинчидан**, ҳудудий ва тармоқ бошқаруви самарасига, уларнинг ривожига ҳолис баҳо беришни кийинлаштирадиган ҳолатлар мавжуд. Масалан, республикага бўйсунадиган йирик корхоналар кўрсаткичини чиқариб ташласак, вилоятлар ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми жуда кичик бўлиб қолади.

Бош вазир А.Ариповга бир ой муддатда ҳудуд ва тармоқлар кўрсаткичлари ҳисоби ва уларни статистикада акс эттириш механизмини такомиллаштириш юзасидан қарор тайёрлаш ва қабул қилиш юкланади.

Масалан, Навоий ва Олмалик кон-металлургия комбинатлари, нефть-газ ва кимё саноати корхоналарининг ҳудудларга бевосита алоқаси йўқ. Уларни ривожлантиришга эришишда ҳокимликларнинг ҳеч қандай роли ва хизмати йўқлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Шунинг учун оқни – оққа, қорани – қорага ажратиш вақти ҳам келди. Шунда статистик рақамлар ҳам ҳақиқий ҳолатни акс эттиради.

**Учинчидан**, ҳокимликларнинг тузилмасини ишлаб чиқишда тўпланган тажриба ҳамда бир қатор вилоятлар ҳокимларининг таклифлари ҳисобга олинди.

Тузилмага кўшимча равишда қуйидагилар киритилди. Барча вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида ҳокимнинг иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари, шунингдек, ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимлари жорий этилди.

Ахборот-таҳлил гуруҳлари кучайтирилди. Чегарага яқин 80 та туманда ҳокимнинг махсус ёрдамчиси лавозими киритилди. Жами 739 та кўшимча штат ташкил этилди.

Яқинда ҳокимлар ва ҳокимликларнинг барча ходимлари иш ҳақини уларнинг меҳнат стажидан

келиб чиққан ҳолда ошириш бўйича қарор қабул қилинди.

Ўйлайманки, энди барча бўғиндаги ҳокимларнинг ходимлар сони етишмаслиги тўғрисида шикоят қилиши учун объектив асос йўқ. Энди ушбу лавозимларга самарали ишни таъминлайдиган, муносиб кадрларни танлаш бўйича олдимизда муҳим вазифа турибди.

А.Арипов, А.Раматов ва Р.Азимовнинг эътиборини ҳокимларнинг биринчи ўринбосари лавозимларига муносиб номзодларни тақдим этиш чўзиб юборилганига қаратаман.

Бироқ яна бир устувор вазифа бор. Бу – Бош вазирнинг барча ўринбосарлари, департаментлар, тармоқларни бошқариш органлари раҳбарларининг ҳокимлар ва уларнинг тегишли ўринбосарлари билан ўзаро яқин алоқаси ва фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлашдир. Энди самарали ишлаш барча раҳбарлар учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

2017 йил ва ундан кейинги даврга белгиланган вазифаларни амалга ошириш учта энг муҳим талабга ҳал этувчи даражада боғлиқдир.

**Биринчи** – давлат раҳбари – Президентдан бошлаб барча бўғиндаги раҳбарларнинг якуний натижалар учун шахсий жавобгарлиги.

**Иккинчи** – ҳамма соҳада аниқ тартиб ва қаттиқ интизомни таъминлашимиз даркор. Яна бир бор таъкидлайман, ишни биргаликда бажарамиз, натижа учун эса ҳар биримиз шахсан жавоб берамиз.



**Учинчи талаб** – сафларимиз ва кадрларимизнинг софлигини таъминлаш, ишдаги ҳар қандай салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва бундай иллатларнинг илдизини қуритиш.

Ўтган йили ишдаги жиддий камчиликлар ва шахсий масъулиятсизлиги учун олий ва ўрта махсус таълим вазирини, «Ўзстандарт» агентлиги, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти, «Ўзагро-саноатмаш-холдинг» компанияси, «Асакабанк» ва бошқа бир қатор бошқарув органлари ва ташкилотлар раҳбарларини лавозимидан озод этдик.

Айнан ана шу сабабларга кўра Бухоро, Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари, шунингдек, бир қатор шаҳар ва туман ҳокимлари лавозимидан озод қилинди.

Буларнинг барчаси давр талаби. Бу талаб иқтисодиёт ва, айниқса, ижтимоий соҳанинг, шунингдек, аҳолининг муҳим муаммоларини **бир ой ёки бир йилдан кейин эмас, балки шу бугун, ҳозирнинг ўзида ечиш заруратидан келиб чиқади.**

Ҳисобот берувчи Бош вазир ўринбосарлари, тармоқлар раҳбарлари ва ҳокимлардан, шунингдек, мажлисда иштирок этаётган барча мутасадди шахслардан асосий эътиборни қуйидаги саволларга қаратишни сўрайман:

**биринчи** – ҳар бирингиз камчилик ва муаммоларни бартараф этиш учун қандай аниқ чораларни кўрасиз?

**иккинчи** – иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани, шунингдек, мамлакатимиз ҳудудларини ри-

вожлантириш бўйича қайси энг муҳим кўрсаткичларни жорий йил биринчи чораги ва биринчи ярим йиллигида бажариш учун нима қилиш керак?

Яна бир бор таъкидламоқчиман: бизга назарий ва умумий фикрлар эмас, ана шу иккита саволга аниқ ва лўнда жавоб керак.

\* \* \*

Бўлиб ўтган муҳокамалардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мажлисга яқун ясаб, қуйидаги фикрларни таъкидлади.

– Азиз дўстлар, ҳозир сизлар билан белгилаб олган мақсад ва вазифаларга эришиш учун ишимизни янги асосда ташкил этиб, ҳар биримиз ўз жойимизда масъулиятни чуқур ҳис қилиб, қаттиқ иш олиб боришимиз керак. Бугунги мажлисда билдирилган барча тахлилий ва танкидий фикрлар эртанги кун учун, янги марраларни эгаллашимиз учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Ҳаммамизга бир ҳақиқат равшан бўлиши лозим: биз мавжуд ривожланиш суръатлари билан ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга эриша олмаймиз. Бугун замон ўзгармоқда, унинг талаби, олдимизга қўяётган вазифалари тобора ортиб бормоқда. Мана шундай мураккаб шароитда «Сен – менга тегма, мен – сенга тегмайман» деган кайфият билан иш-лашнинг вақти ўтди. Биз «вазият ёмон, вазият оғир» деб баҳона кидиришга ўрганиб қолганмиз. Лекин шу вазиятни ким ўзгартиради, ким изга солади, деган саволни, келинг, ўзимизга берайлик. Вазиятни ўзимиз, ўз ақл-заковатимиз, меҳнатимиз билан

ўзгартирмасак, ҳеч ким четдан келиб бу ишни биз учун килиб бермайди.

Бугун бу мажлисда ҳамма нарса ўз номи билан айтилиб, иктисодиётимиздаги мавжуд аҳвол холис таҳлил килинди, келгуси режалар белгилаб олинди.

Энг муҳим вазифамиз – мамлакатимизда тинчлик ва фаровонликни мустаҳкамлаш, одамларни, халқимизни ҳаётдан рози қилишдан иборат. Бунинг учун эл-юртимиз, аввало биз – раҳбарларнинг фаолиятидан рози бўлиши керак. Бунинг учун ҳар бир раҳбар ўз аравасини ўзи тортиши, ўз соҳасидаги ишларнинг аҳволи учун ўзи шахсан жавоб бериши керак. Шундан кейин жамиятимизда ўзгариш бўлади, ривожланиш бўлади.

Ўтган йили декабрь ойида бўлиб ўтган Президент сайлови халқимизнинг эртанги кунга, келажакка бўлган ишончини кўрсатди. Энди биз ана шу юксак ишончни амалий ишлар билан оклашимиз шарт. Шунинг учун ҳам ҳаммамиз хулоса қилайлик: жонажон Ватанимиз, олижаноб халқимизнинг ишончини қозониш, унинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун фақат тинимсиз меҳнат, изланиш ва ташаббус кўрсатиб яшаш керак. Одамлар буни кундалик ҳаётда сезиши, кўриши зарур.

Халқимизда «Дўст ачитиб гаиради» деган мақол бор. Биз бир-биримизга нисбатан айтилган танқидий гапларни, албатта, тўғри тушунамиз, деб ўйлайман.

Ҳаммамизга маълум, ўтган йил биз учун осон бўлмади. Жуда оғир қийинчилик ва мусибатларни

бошимиздан ўтказдик. Лекин бу синовлардан муносиб ўтдик.

Худога шукр, мана, 2017 йил ёмон келмаяпти. Тогларда қор мўл, «оби раҳмат» – ёмғирлар ёғиб турибди. Бу – қишлоқ хўжалиги, деҳқон ва фермерларимиз учун қут-барака, мўл ҳосил дегани.

Мана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, замон талабини ҳис этмасдан, эскича ишлашга энди ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Халқимиз бугун катта орзу-умидлар билан яшаяпти. Бу орзу-умидларни ким амалга оширади? Аввало, мана шу залда ўтирган раҳбарлар, мутасадди ва мутахассислар, навқирон ёшларимиз. Бунинг учун бизда қуч ва имконият, билим ва салоҳият ҳам, қатъий ирода, интилиш ва азму шижоат ҳам етарли.

Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, янги ютуқлар тилайман.

*Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза.  
2017 йил 14 январь*

## **МИЛЛАТЛАРАРО ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК – ХАЛҚИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ ҲАЁТБАХШ МАНБАИ**

Қадрли дўстлар!

Сизларни ва сизларнинг тимсолингизда кўп миллатли бутун Ўзбекистон халқини кутлуғ сана – Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллиги билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Маълумки, бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар ривожда янги босқич бошланди. Бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжихатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Буларнинг барчаси ҳаётда ўзининг тўлиқ ифодасини топди.

Юртимизда ҳукм сураётган дўстлик ва бирдамлик муҳити – тинчлик ва барқарорлик, амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришнинг энг муҳим омилидир. Биз барчамиз мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримовнинг ана шу том маънодаги бебаҳо бойлигимизни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш борасидаги хизматларини яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Бугун мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва инोक яшамокда. Улар умумий уйимиз – Ўзбекистонимиз равнаки йўлида бирлашиб, барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилмоқда, ривожланган бозор иктисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бизнинг Конституциямиз ва қонунларимизда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари миллати, тили ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани мустаҳкамлаб қўйилган. Уларга ўз миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. Мамлакатимизда 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда. Давлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда олиб борилмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатувларини

12 тилда намоиш этмоқда, ўндан ортиқ тилда газета ва журналлар нашр этилмоқда.

Мамлакатимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 137 та миллий маданий марказ етакчи роль ўйнамоқда. Улар ўзларининг ўзига хос маданияти, тили, халқ хунармандлигини ривожлантириб, турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитишига, ҳар биримизда кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса кўшмоқда.

Республика байналмилал маданият маркази уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб, амалий ва услубий ёрдам бераётгани алоҳида диққатга сазовордир.

Марказ мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётган ёрқин тадбирлари асосида маданий ва ижтимоий ҳаётимизни янада теран маъно-мазмун билан бойитмоқда, Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик ва бағрикенглик муносабатларини мустаҳкамламоқда. МДХ давлатлари ўртасида фақат Ўзбекистонда шундай тузилма ташкил этилгани эътиборга лойиқдир.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар соҳасида нодавлат ташкилотларнинг ноёб тизими шаклланигандан далолат беради. Ушбу ташкилотларнинг серкирра фаолияти мамлакатимизда тинч ва фаровон ҳаётни таъминлаш, муҳим маданий-маърифий вазифаларни ҳал этиш, шунингдек, хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ҳурматли учрашув иштирокчилари!

Барчангизга маълумки, ҳозирги вақтда дунёнинг турли минтақаларида миллатлараро ва динлараро кескинлик кучайиб бормоқда, миллатчилик, диний мурасасизлик бош кўтармоқда. Бу иллатлар давлатни емириб, жамиятни парчалаб, радикал гуруҳ ва окимлар учун мафкура базасига айланмоқда.

Ана шундай мураккаб вазиятда мамлакатимизда турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамжихатликни янада мустаҳкамлаш биз учун борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳеч шубҳасиз, бу бизнинг заминимизда тинчлик ва осойишталикнинг мустаҳкам кафолати, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятини, унинг эртанги кунга бўлган ишончини оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу муносабат билан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Бадиий академияси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа кўплаб ташкилотлар, ўйлайманки, маданият ва маърифат, ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишларни янада кучайтириши зарур. Бу бугун бизнинг барчамиз учун ҳаётий муҳим вазифадир.

Янада огоҳ ва сергак бўлиш, энг асосий бойлигимиз бўлган ва биз ҳақли равишда фахрланадиган кўп миллатли халқимизнинг бирдамлиги ва жипслигини



кўз қорачигидек асраш ҳамда янада мустаҳкамлаш Ўзбекистонни ўз Ватани, деб биладиган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Биз фақат шу йўл билан бугунги куннинг барча таҳдид ва хавф-хатарларига самарали қарши туришимиз, жамиятимизда турли бузғунчи гоёларга қарши қатъий иммунитет яратишимиз, ўзимиз танлаган демократик тараққиёт йўлида янада салмоқли натижаларга эришишимиз мумкин.

Биз ўзимиз учун энг муҳим бўлган ана шу масалага бундан буён ҳам устувор аҳамият қаратамиз, жумладан, миллий маданий марказлар фаолиятини амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур барча ишларни бажарамиз.

Масалан, яқинда менга мослаштирилган биноларда жойлашган қатор марказларнинг бир гуруҳ фаоллари ўзларининг меҳнат шароитларини яхшилашга кўмаклашиш тўғрисида мурожаат қилди.

Шу муносабат билан пойтахтимиз кўркига кўрк кўшиб турган, илгари «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамиятига тегишли бўлган Бобур кўчасидаги бинони Республика байналмилал маданият марказига беришни ва уни Дўстлик саройи деб номлашни таклиф этаман. Биз мазкур бинони реконструкция қилиш ва унинг атрофини ободонлаштиришни кўзда тутадиган тегишли ҳукумат қарорини қабул қиламиз.

Ана шу бинонинг ёнида жойлашган ва мустақиллик йилларида Республика байналмилал маданият маркази ўзининг кўплаб тадбирларини ўтказиб

келаётган боғни «Дўстлик боғи» деб номлашни таклиф қиламан.

Шу муносабат билан Бош вазир А.Арипов тегишли идоралар билан биргаликда, бир ой муддатда мазкур боғ худудида Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча элу элат вакилларининг ўзига хос маданияти, урф-одатлари ва пазандалик анъаналарини намойиш этиш учун павильонлар барпо қилиш лойиҳасини ишлаб чиқиши зарур.

Тошкент шахрининг Мирзо Улуғбек туманида Наврўз байрами арафасида очиладиган янги боғ эса энди буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан аталади.

Фанлар академияси институтлари билан ҳамкорликда мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни янада ривожлантириш ва уйғунлаштиришга бағишланган илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш Республика байналмилал маданият марказининг яна бир долзарб вазифаси, деб ҳисоблайман.

Агар Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ҳар бир миллий маданий марказнинг фаоллари ўзларининг тарихий ватанлари билан маданий-гуманитар соҳадаги муносабатларни янада фаол ривожлантирадиган бўлса, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлади. Республика байналмилал маданият маркази биз учун муҳим бўлган бу масалада катта вазифани бажариши керак.

Ишонаманки, яна бир таклифни сизларнинг барчангиз қўллаб-қувватлайсиз.

Афсуски, ҳозирги вақтда шундай тажриба шаклланганки, мамлакатимизнинг аксарият аҳолиси турли миллат ва элатлар маданиятининг ўзига хос хусусиятлари билан бир йилда атиги икки-уч марта, энг аввало, Наврўз байрами кунларида танишиш имкониятига эга, бу албатта етарли эмас.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Республика байналмилал маданият маркази Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда юртимиздаги ижодий ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг жамоатчиликни Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва халқлар вакилларининг бетакроп маданияти, халқ хунаромандлиги, анъана ва урф-одатлари билан тизимли ва доимий асосда таништириш бўйича дастур ишлаб чиқиши ва ҳар йили йил давомида уни амалга ошириши айни муддао бўлур эди. Бунинг учун уларга мамлакатимиздаги энг яхши концерт майдончалари, театр сахналари ва кўргазма залларини бериш керак.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси турли халқлар маданиятларининг бир-бирини ўзаро бойитишига, бизнинг кўп миллатли Ўзбекистонимизнинг маънавий ва маданий ҳаётини янада ёрқин намоён этишга хизмат қилади.

Қадрли дўстлар!

Биз сизлар билан мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган жорий йил бошида учрашиб турганимиз чуқур рамзий маънога эга.

Одамларнинг дарду ташвиши, манфаатларини ўйлаб яшаш, аҳоли учун муносиб шароитлар яратиш, дунёдаги ривожланган демократик давлатлар каторидан муносиб ўрин олишни давлат сиёсатининг устувор йўналишлари этиб белгилаганмиз.

Ишончим комил, сизлар ана шу дастурий вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этасиз. Халқимиз сизларнинг биз учун ўта мухим, шунчалик зарур фаолиятингизни юксак кадрлайди ва у муносиб баҳоланмоқда.

Мустақиллик йилларида Республика байналмилал маданият маркази ва миллий маданий марказларнинг юздан ортиқ фаоллари фахрий унвонларга сазовор бўлди, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Турли миллатлар вакили бўлган 14 нафар фуқаромиз Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвон билан мукофотланганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Мен сизларнинг кўпчилигингизни шахсан танийман, аксариятингизни телевидение, матбуотдаги чиқишларингиз орқали биламан ва бугун бошқаларга ўрнатилган бўладиган, халқимизнинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган яна 20 нафардан зиёд ташаббускор ва фидойи юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширишдан хурсандман.

Уларнинг орасида Навоий вилояти Конимех туманидаги қорақалпоқ миллий маданий маркази фаоли Нуркул Базарбаева, Республика байналмилал маданият маркази директорининг ўринбосари Сергей Миронов, Тошкент вилояти Янгийўл тумани татар

миллий маданий маркази раиси Анися Гатауллина, Сирдарё вилояти рус миллий маданий маркази раиси Фаина Голубцова, Хоразм вилояти козоқ миллий маданий маркази раиси Пўлатбек Изюмов, Жиззах вилояти корейс миллий маданий маркази раиси Олег Ким, Фарғона вилояти яҳудий миллий маданий маркази раиси Семён Абдурахмонов, Тошкент шаҳридаги литва миллий маданий маркази раиси Лидия Довидайтис, Самарқанд вилоятидаги немис миллий маданий маркази раиси Наталья Кайзер, Нукус шаҳридаги «Славутич» украин миллий маданий маркази раиси Ольга Миронец, Қашқадарё вилоятидаги тожик миллий маданий маркази раиси Абдурасул Эргашев каби юртдошларимиз бор.

Шунингдек, Тошкент шаҳридаги «Свитанак» белорус миллий маданий маркази раисининг ўринбосари Нина Шубникова, Қашқадарё вилоятидаги араб миллий маданий маркази раисининг ўринбосари Ниёзмухаммад Панжиев, Бухоро вилоятидаги турк миллий маданий маркази раиси ўринбосари Жума Шукуров, республика озарбайжон миллий маданий марказининг «Озарбайжон кизлари» ансамбли бадий раҳбари Кайкеп Алиева, Қорақалпоғистон Республикаси туркман миллий маданий маркази фаоли Аразмухаммет Абаев, Андижон вилоятидаги қирғиз миллий маданий маркази фаоли Умутхон Маматалиева, республика арман миллий маданий маркази фаоли Георгий Сааков ва бошқалар ҳам давлат мукофотлари билан тақдирланди. Улар биргалликдаги саъй-ҳаракатлари билан энг муҳим вазифани бажармоқда, яъни мамлакатимизни ривожлантириш-

га, унинг маънавий ва инсонпарварлик асосларини мустаҳкамлашга муносиб хисса қўшмоқда.

Энди учрашувимизнинг ҳаяжонли қисмига ўтиш Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширишга рухсат бергайсиз.

Ҳурматли дўстлар!

Сизларнинг барчангизни Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллиги билан яна бир бор табриклар, жонажон Ўзбекистонимизнинг барқарор тараққиёти ва фаровонлиги йўлидаги беғараз меҳнатингиз учун ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Сизлар билан, кўп миллатли ва меҳнатсевар халқимиз билан биргаликда эркин демократик ва фаровон давлат курашимиз ҳамда кўзлаган юксак мақсадларимизга албатта эришамиз.

Сизларнинг барчангизга мустаҳкам соғлиқ ва омад, оилавий бахт, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи қўлласин!

Гўзал диёримизда доимо тинчлик-осойишталик барқарор бўлсин!

Ватанимиз осмони ҳамиша мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

*Республика байналмилал  
маданият маркази ташкил этилганининг  
25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқ.  
2017 йил 24 январь*

## **ЗАМОНАВИЙ, ҚУДРАТЛИ АРМИЯ – ТИНЧ-ОСОЙИШТА ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев 2017 йил 26 январь куни Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Мудофаа вазирлиги раҳбарияти билан йиғилиш ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида белгиланган вазифалар ижросининг бориши муҳокама қилинди, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахбороти тингланди.

Давлатимиз раҳбари хавфсизлик соҳасига оид қонунчилик самарадорлигини юксалтириш, Қуролли Кучлар ташкилий тизимини янада такомиллаштириш, унинг шахсий таркибини тайёрлаш, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланганлик даражасини янада оширишга қаратилган аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш, жумладан, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари учун замонавий уй-жойлар қуриш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юртдошларимизда Ватан тақдири ва келажаги учун масъулият туйғусини янада юксалтириш каби муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратди.

Йигилишда ҳукумат аъзоларига, вазирлик ва идоралар раҳбарларига Қуролли Кучларимиз қудратини ошириш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш, миллий армиямиз ва халқимиз яқдиллигини янада мустаҳкамлашга доир аниқ топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур билим юртида курсантлар учун яратилган шароитлар билан танишди.

*2017 йил 26 январь*



## **СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ЗАМОН ТАЛАБИ ДАРАЖАСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – КУН ТАРТИБИДАГИ АСОСИЙ МАСАЛА**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 5 январь куни соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари билан учрашиб, ушбу тизимни такомиллаштириш, муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берган эди. Халқимиз саломатлиги, айниқса, ёш авлод келажагига дахлдор бу соҳа Президентнинг доимий эътиборида бўлишини алоҳида таъкидлаган эди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ҳудудларига сафарлари чоғида кишлоқ врачлик пунктлари ва клиникаларда бўлиб, шифокор ва беморлар билан мулоқот қилмоқда. Бу Президентимизнинг мазкур соҳага – халқимиз саломатлиғига доимий эътиборидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 7 февраль куни юқорида эслатилган мажлисда белгиланган вазифалар ижроси, соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммолар ва соҳанинг ривожланиш истикболларига бағишланган видео-селектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлисда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, тиббиёт олий ўқув юртлари ректорлари,

республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари директорлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимлари, соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги, раҳбарлар масъулияти ва шахсий жавобгарлиги хусусида атрофлича тўхталди.

Президентимиз таъкидлаганидек, кўрилаётган чоратадбирларга қарамадан, жойларда тиббиёт соҳасидаги вазиятни ўзгартириш ишлари талаб даражасида олиб борилмаяпти. Буни аҳолидан Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонага келиб тушаётган кўплаб ариза ва шикоятлар тасдиқлаб турибди.

Бирламчи тиббиёт муассасалари, айниқса, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлинакалар, патронаж хизмати, тез тиббий ёрдам тизимининг фаолияти ҳамон қониқарсиз аҳволда қолмоқда. Шифоналар ва аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, жумладан, ижтимоий дорихоналар ташкил этиш бўйича берилган топшириқлар ижроси талаб даражасида эмаслиги қайд этилди.

Тиббиёт муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш, республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича сезиларли ишлар кўзга ташланмаяпти.

Соғлиқни сақлаш тизимида хусусий секторни ривожлантириш ишларига етарлича эътибор берилмаяпти.

Маълумки, тиббий хизмат – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир. Тиббиёт ходимлари уйма-уй юриб, касалликларни профилактика қилиши, соҳадаги ўзгаришларни одамлар сезиши керак. Бунинг учун шифокорларнинг маданиятини, маънавиятини, масъулиятини ошириш, ишга ва беморларга муносабатини ўзгартириш зарур, деди давлатимиз раҳбари.

Қишлоқ врачлик пунктлари жойлашувини қайта кўриб чиқиш, самарасиз ишлаётган пунктларни оптималлаштириш, уларга сарфланаётган маблағларни талаб юқори бўлган қишлоқ врачлик пунктларини моддий-техник жиҳатдан мустаҳкамлаш, мақсадга мувофиқларини поликлиникаларга айлантириш, малакали шифокорларни рағбатлантиришга йўналтириш зарурлиги таъкидланди. Қишлоқ врачлик пунктлари туну кун ишлаши, врач у ерда яшаши учун зарур шароитлар яратиш масалаларига эътибор қаратилди.

Ўтган йилларда аҳолини тиббий хизмат билан камраб олиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Жойларда қишлоқ врачлик пунктлари бунёд этилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Лекин одамлар қуруқ бинога бормаиди, мутахассисга боради. Шу боис қишлоқ врачлик пунктлари ва поликлиникаларда энг яхши мутахассислар ишлаши керак. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, республика ва вилоят шифохоналаридаги малакали

врачлар жадвал асосида қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда қабуллар ўтказиши лозим, деди Президентимиз. Шунда халқимиз тиббий хизматдан рози бўлади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий тузилмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, ихтисослаштирилган марказларнинг туман тиббиёт бирлашмалари, бу бирлашмаларнинг қишлоқ врачлик пунктлари ва поликлиникалар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳақида сўз юритилди. Тиббий хизматнинг қайси турлари бепул амалга оширилиши ва қайсиларига пул тўланишини аниқ белгилаш, бу маълумотларни ҳар бир муассасада кўринарли жойга ёзиб қўйиш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 31 октябрда қабул қилинган «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бу маҳсулотларнинг нархи анча арзонлашди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги департамент, тегишли вазирлик ва ҳокимликлар вакиллари иштирокида дори-дармон воситаларининг белгиланган нархларда сотилиши назорат қилиб борилмоқда.

Президентимиз дори-дармон воситалари ноқонуний равишда баланд нархда сотилишига йўл қўймаслик, халқ манфаатларини таъминлаш мақсадида Бош прокуратура ҳузуридаги департаментда «Ишонч телефонлари» ташкил этиш бўйича кўрсатма берди. Бу телефон рақамлари ҳар бир дорихонага осиб қўйилади, телевидение орқали кўрсатилади.

Йигилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, соғлиқни сақлаш вазири А.Икромов, вазирнинг биринчи ўринбосари А.Ҳожибоев, вазир ўринбосари Э.Боситхонова, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги департамент бошлиғи З.Дўсанов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси раиси М.Ерниязов, Тошкент шаҳри, Андижон, Сурхондарё, Самарқанд, Хоразм, Тошкент, Фарғона, Бухоро, Жиззах вилоятлари ҳамда Бекобод, Олтиариқ, Вобкент туманлари ҳокимларининг ахборотлари тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тиббий хизмат самарадорлигини янада ошириш, бу борада белгиланган устувор йўналиш ва вазифаларни беками кўст бажариш бўйича мутасаддиларга алоҳида топшириқ ва кўрсатмалар берди. Танкидий таҳлил руҳида ўтган йигилиш тиббиёт соҳасини янада такомиллаштириш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини замон талаблари даражасига кўтариш ишлари тизимли равишда олиб борилиши ва қатъий назоратда эканини кўрсатди.

*2017 йил 7 февраль*

## **ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН АВВАЛО УНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИНМОҒИ ЗАРУР**

Ассалому алайкум, ҳурматли видеоселектор катнашчилари!

Бугунги мажлисимизда сизлар билан ҳозирги пайтда жуда муҳим ва долзарб бўлиб турган, ички ишлар тизимидаги ҳақиқий аҳвол, жойларда жамоат хавфсизлиги ва фуқароларимиз осойишталигини таъминлаш борасида аҳолини ташвишга солаётган, ечимини кутаётган кўплаб масалаларни муҳокама қилиш учун йигилдик.

Шунинг учун бугунги йиғилишимизда асосий эътиборни мавжуд муаммо ва камчиликларни танқидий таҳлил қилишга, уларни бартараф этиш ва ишимиз сифатини тубдан яхшилаш бўйича, вазифаларни белгилаб олишга қаратишни таклиф этаман.

Бугунги кунда мамлакатимизда юритилаётган давлат сиёсатининг асл моҳияти ва пировард мақсади – халқимизнинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларидан доимо хабардор бўлиб, унинг моддий фаровонлигини ошириш, муносиб турмуш даражаси ва сифатини таъминлаш, тинч ҳаётини ҳимоя қилишдир.

Энг муҳими – халқимиз ўз ҳаётидан ва давлатдан рози бўлиб яшашини таъминлаш бугун барчамизнинг бош вазифамиздир.

Ўйлайманки, асосий вазифаси мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботни ва аҳоли осойишталигини таъминлаш бўлган ички ишлар органларидан халқимиз бугунги кунда розими, улар фаолияти замон талабларига мос келадими ёки йўқми, деган саволга жавоб бериш вақти келди.

Қайси ҳудудда ҳокимлик, прокуратура ва ички ишлар органлари, жамоат ташкилотлари бир ёқадан бош чиқариб, оқилона иш олиб бораётган бўлса, энг муҳими, адолат ва ҳалоллик билан иш кўраётган бўлса, ўша ерда одамлар ҳаётдан рози бўлиб яшаяпти ва ўша жойда вазият барқарор бўлиб келмоқда.

Шу билан бирга, бунга амал қилинмаётган баъзи туман ва шаҳарлардаги аҳвол ўзгаришсиз қолаётганини афсус билан тан олиш керак.

Ички ишлар идоралари фаолиятида сурункали тарзда қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда.

**Биринчидан**, аҳолининг мурожаатларини юзак кўриб чиқиш ҳолатлари кенг тарқалган. Айниқса, ҳудуд бўйича жиноят кўрсаткичларини камайтириш ва жиноятларни яшириш мақсадида аризаларни асоссиз равишда қабул қилмаслик ҳолатлари мавжудлигини алоҳида таъкидлаш керак. Масалан, 2016 йилда Андижон вилояти ички ишлар бошқармасига аҳолидан 2463 та шикоят келиб тушган, шундан 947 та ҳолатда масаласи ҳал бўлмагани учун одамлар бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

идораларга такрор мурожаат қилишга мажбур бўлган. Андижон шаҳар ички ишлар бошқармаси раҳбариятининг ҳаракатсизлиги оқибатида 38 та ўғирлик ва талончилик жинояти узоқ вақтдан буён очилмасдан қолмоқда.

**Иккинчидан,** жойларда тезкор-қидирув ишларни амалга оширадиган ходимларда амалий иш тажрибаси етишмайди, тергов ва тезкор тузилмалар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик жуда паст даражада. Масалан, Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси қидирувдаги шахсларни излаш ва қўлга олиш бўйича энг пастки ўринлардан бирида турибди. Вилоятда диний-экстремистик оқимларга алоқадор бўлган, қидирувдаги 214 нафар шахсни излаш бўйича ишлар жуда суст олиб борилмоқда.

**Учинчидан,** ҳукукбузарликларни профилактика қилиш ишлари талаб даражасида олиб борилмаяпти. Профилактика инспекторлари фаолиятида уларга ҳаддан ташқари кўп иш юклаш, ишларни сохталаштириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан етарли даражада ҳамкорлик қилмаслик ҳолатлари кенг тарқалган.

**Тўртинчидан,** вояга етмаганлар билан ишлаш соҳасида тизимли иш умуман йўқ, деса ҳам бўлади. Бу йўналиш бошқа соҳаларда ўз ишини эплай олмаган, интизомий жазоланган ходимлар ишлайдиган бўлинмага айланиб қолган. Бу ходимлар таълим муассасаларидаги давомат билан мутлақо шуғулланмайди, болаларнинг ота-оналари билан тушунтириш ишларини олиб бормади.



**Бешинчидан,** кадрлар билан ишлаш масаласи узоқ вақт давомида вазирлик раҳбариятининг эътиборидан четда қолиб келган. Бу эса ички ишлар идоралари ходимларида «шараф» («честь») тушунчаси йўқолишига олиб келган, янги ходимларни ишга қабул қилишда аксарият ҳолларда таъмагирликка йўл қўйилган.

2016 йилда биргина Тошкент вилоятида 9 та ана шундай жиноят иши очилиб, 11 нафар ходим жиноий жавобгарликка тортилган, 113 нафар ходим лавозимидан бўшатишган.

Кейинги пайтларда аҳолимиз томонидан қийинчилик ва машаққатли меҳнат натижасида ишлаб топилган мол-мулкка жиноий тажовузлар қилиш каби салбий ҳолатларга тўлиқ чек қўйилмагани фуқароларимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда инсон манфаатлари билан боғлиқ масалаларни кечиктирмасдан ҳал қилиш зарур. Шундай бир вақтда ички ишлар органларида эскича фикрлаш, ўз хизмат вазифасини халққа хизмат қилиш тамойилига асосланиб эмас, балки шахсий манфаатидан келиб чиққан ҳолда бажариш каби яроқсиз иш усули ҳали ҳам кўп учраётгани ҳеч кимга сир эмас.

Энди ўзимизга бир ўринли савол берайлик: жиноятчилар томонидан талончилик йўли билан олиб қўйилган ёки ўғирланган мол-мулкни фуқароларга қайтариб беради? Нима учун бундай жиноятларнинг ўз вақтида олди олинмаяпти?

Масалага шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Ички ишлар вазирлигининг барча тизимлари ва ҳудудий бўлинмалари фаолияти бугунги кунда

хуқукбузарликлар профилактикасини таъминлаш ўрнига, фақат жиноятчиликнинг оқибатлари билан курашишга қаратилгани яққол аён бўлмоқда. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир жиноятлар сони ошиб бораётгани кузатилмоқда.

Энг ачинарли томони шундаки, ўтган йилнинг ўзида мамлакатимиз бўйича жиноят-қидирув йўналишидаги 7 минг 66 та жиноят аниқланмаган. Уларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Ушбу ҳудудларда оғир ва ўта оғир жиноятларнинг кўрсаткичи энг юқори даражада қолаётган экан, жойлардаги ички ишлар бошқармалари раҳбарларининг бу борадаги масъулиятини қандай баҳолаш мумкин? Жаноб вазир ва унинг ўринбосарлари бу йўналишда қандай чоралар кўряпти? Ҳокимлар, прокуратура идоралари нима учун бу ҳолатларга фақат кузатувчи, томошабин бўлиб қараб турибди?

Энди ички ишлар органлари фаолиятининг яна бир асосий йўналишларидан – тезкор-қидирув ишларининг аҳволига тўхталсак.

Тезкор-қидирув ишларидаги камчиликлар, айниқса, ходимлар малакасининг пастлиги натижасида бир катор жиноятлар йиллар давомида фoш этилмаяпти. Масалан, 2016 йил февралда Самарқанд шаҳридаги Амир Темур кўчасида икки нафар номаълум шахс фуқаро Б.Мамажоновнинг уйига кириб, унга тан жароҳати етказган ҳамда уйдан қимматбаҳо буюмлар ва пул маблағларини олиб кетган. Аммо бу жиноят бугунги кунгача очилмаган.

Ёки 2015 йил февралда Сирдарё вилоятининг Сирдарё шаҳридаги «Пахтакор» маҳалласида аёл кишининг жароҳат етказилган жонсиз танаси топилган. Лекин бу жиноятни амалга оширган шахслар ҳанузгача аниқланмаган.

Шу билан бирга, бугунги кунда жиноят содир этиб, қидирувда юрган шахсларни қидириб топиш борасидаги ишлар ҳам қоникарсиз даражага тушиб қолган. Натижада қидирувда юрган шахслар сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Масалан, қидирув эълон қилинган 12 минг 447 нафар жиноятчидан 8 минг 756 нафари ушланмагани ҳаммамизни ташвишга солиши керак. Уларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри, Фарғона, Самарқанд, Тошкент, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё ва Наманган вилоятлари ҳиссасига тўғри келаётганини қандай баҳолаш мумкин?

Қидирувда юрган жиноятчиларнинг ушланмай қолгани – улар жиний қилмишларини республикамизда ёки чет элларда давом эттириб юрганидан далолат эмасми?

Қидирув фаолиятидаги жиддий камчиликлар, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қуйи тизимларидаги ҳамкорлик етарли даражада ташкил этилмаганида намоён бўлмоқда.

Бу соҳада жиддий ўзгариш қилмаса бўлмайди.

Шунинг учун Миллий хавфсизлик хизмати раиси ўринбосари Р.Ғуломов бошчилигида Бош прокуратура, Олий суд, ички ишлар вазирлиги, бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда, икки ҳафта муддатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг

Ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштирувчи идоралар-  
аро комиссия тузиш керак. Бу комиссия ҳуқуқни муҳо-  
фаза қилувчи органлар ўртасидаги, айниқса, қуйи  
тизимлардаги ҳамкорликни самарали ва тўғри йўлга  
қўйиш, очилмай қолаётган жиноятларни ва қиди-  
рувдаги шахсларни ушлаш бўйича ишлар ахволини  
танкидий кўриб чиқиш билан шуғулланиши лозим.  
Керак бўлса, комиссия қарори билан ҳуқуқни муҳо-  
фаза қилувчи органларнинг юқори тизими раҳбар-  
ларига 10–15 тадан очилмай қолаётган жиноят иши  
учун масъулиятни юклаб, натижасини сўраб бориш  
зарур.

Жиноят-қидирув соҳасидаги долзарб муаммо-  
лардан бири **терроризм ва диний экстремизмга  
қарши курашиш**дир. Ҳозирги кунда диний экстре-  
мистик оқимга қўшилаётганлар сонини кескин  
камайтириб, бу иллатни илдизи билан бутунлай  
қуритиш таъминланмаётгани учун ким жавоб  
беради?

Энг ачинарлиси, мазкур шахсларнинг 11 фоизини  
аёллар, 9 фоизини эса 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган  
ёшлар ташкил этади.

Қидирув эълон қилинган 2 минг 988 нафар диний  
экстремизм тарафдоридан ўтган йили бор-йўғи  
75 нафари ушланган, холос.

Хабарингиз бор, 2017 йил 1 январь куни Туркия-  
нинг Истанбул шаҳридаги тунги кафедра мижоз-  
ларга қарата ўқ узган, 2011 йилдан бери қидирувда  
бўлган Абдулқодир Машарипов иштирок этган тер-  
рорчилик акти натижасида 39 нафар шахс ўлдирил-  
ган, 70 га яқин киши турли тан жароҳати олган.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари ушбу террорчини Ўзбекистон фуқароси деб эълон қилди. Бу қандай шармандалик, бунга қандай изох бериш мумкин?

Шу ўринда бир таклиф киритмоқчиман. Президентнинг Давлат маслаҳатчиси О.Муродов икки ҳафта муддатда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда қидирувдаги жиноятчи кўп йиллардан буён хорижда юрган бўлса, уни Ўзбекистон фуқаролигидан маҳрум қилиш бўйича қонунчиликка ўзгартириш киритиш юзасидан таклиф киритсин.

Ички ишлар органлари фаолиятини баҳолашга таъсир этадиган яна бир масала, бу – жиноят ишларини сифатли тергов қилиш, шахснинг жинойий қилмишига муносиб, адолатли ҳуқуқий баҳо бериш ҳисобланади.

Масаланинг яна бир жиҳатини алоҳида қайд этиш зарур: жиноят ишларини фақатгина тергов қилиш ва жиноятчиларни айблаш билан чекланиб қолмасдан, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитлари, омилларини чуқур таҳлил асосида ўрганиш лозим.

Бироқ, тан олишимиз керак, бу борадаги ишлар етарли самара бермаяпти. Шунинг учун Бош прокурор И.Абдуллаев ва ички ишлар вазири А.Азизов тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда, жиноят-қидирув ва тергов билан шуғулланувчи бўлинмалар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг тузилмасига тегишли ўзгартиришлар киритиш,

масъулиятини оширувчи ва моддий рағбатлантирувчи механизмларни жорий этиш юзасидан ҳукумат қарори лойиҳасини бир ой муддатда тайёрлаб, киритсин.

Таъкидлаш керакки, умумий жиноятчилик йилдан йилга камайиб бораётган бир вақтда ўзгалар мол-мулкани ўгирлаш ва фирибгарлик жиноятлари салмоғи юқори бўлиб қолаётгани барчамизни ташвишлантиради. Масалан, мамлакатимиз бўйича содир этилаётган жиноятларнинг ҳар олтинчиси ўғриликка, уларнинг ҳар учинчиси эса – хонадон ўғрилигига тўғри келади.

Амалга оширилаётган тезкор-тергов ишларига етарли даражада эътибор қаратилмагани оқибатида ушбу жиноятларнинг ҳар бештадан биттаси фош этилмасдан қолган. Бу ҳолат ички ишлар органлари ходимларининг касб малакаси юзасидан ҳам ҳақли эътирозларни келтириб чиқаради.

Шундай экан, ким аниқ жавоб беради: содир этилган жиноятлар қачон ўз вақтида фош этилади?

Умуман, ҳар қандай жиноят, айниқса, ўғрилик – халқимиз томонидан қаттиқ қораланадиган ва нафратланадиган ҳолат, керак бўлса, халқимиз буни касб қилганлардан ҳазар қилади, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз.

**Биз жиноятларга қарши курашишда профилактика ишларини кучайтиришимиз, айниқса, қуйи поғонадаги ишларни тубдан ўзгартиришимиз зарур ва шарт.**

Бунинг учун Бош прокурор И.Абдуллаев, Давлат маслаҳатчиси Т.Худойбергенов, ички ишлар вазири

А.Азизов қуйи поғонада профилактика ишларини кучайтириш бўйича янги тизимни пухта ишлаб чиқишни ва жорий этишни таъминлашлари зарур.

**Биринчидан**, ҳар ҳафтанинг пайшанба кунини республика бўйича жиноятларнинг олдини олиш бўйича профилактика куни деб эълон қилиш керак.

**Иккинчидан**, барча ҳудудларда, биринчи навбатда Тошкент вилоятида, ички ишлар бошқармаси бошлиғи ҳар ҳафтанинг пайшанба куни маҳаллий телевидение орқали кўрсатувда шахсан қатнашиб, ҳафта давомида вилоятда содир этилган жиноятлар, уларнинг сабаблари, жиноятни очиш учун нима ишлар қилинаётгани ва натижаси тўғрисида халққа тушунтириш ва ҳисобот беради.

**Учинчидан**, шу куни кечқурун вилоят ҳокими йигилиш ўтказиб, жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноятларни очиш бўйича ишларни муҳокама этиб, тегишли қарор қабул қилади.

**Тўртинчидан**, ҳафтанинг пайшанба кунлари маҳаллаларда прокуратура идоралари раҳбарлари бош-қош бўлиб, содир этилган жиноятларни аҳоли ўртасида муҳокама қилади. Бунда «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси, касаба уюшмалари ва диний идоралар вакиллари ҳам фаол қатнашиши керак. Маҳаллий аҳоли ўртасида ўтказиладиган бундай муҳокамалар, жиноят кўлампидан қатъи назар, ҳар бир содир этилган ҳуқуқбузарлик бўйича алоҳида ташкил қилиниши керак.

**Бешинчидан**, ҳар ҳафтанинг пайшанба куни маҳаллий оммавий ахборот воситаларида жиноятларнинг олдини олишга бағишланган чиқишлар ташкил этилади.

Давлат маслаҳатчиси У.Исмоилов ва Давлат маслаҳатчиси ўринбосари С.Самадов бу ишларни шахсий назоратига олиши керак. Агар бу ишни тез ва тўғри ташкил этадиган бўлсак, қанчадан-қанча одамлар, энг муҳими, ёшларимизнинг ҳаёти синишига йўл қўймаган бўламиз.

**Бугунги кунда профилактика инспекториининг асосий вазифаси** – фақат содир этилган жиноятларни ҳисобга олиш, уларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва омилларни чуқур таҳлил қилиш асосида уларнинг барвақт олдини олишга қаратилган чораларни ўз ҳудудида амалга оширишдан иборат. Мен бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқчиман.

Бугунги кунда мамлакатимиз бўйича 3 минг 819 та милиция таянч пунктида 5 минг 867 нафар профилактика инспектори хизмат олиб бормоқда. Мазкур рақамлар ҳақида эшитгач, юртимиз ҳудуди тўлиқ назоратда, жойларда тинчлик-тотувлик таъминланмоқда, деган фикрга бориш мумкин. Бироқ ички ишлар идораларида профилактика ишларини кампаниябозлик асосида ташкил этишга кўпчилик ходимлар ўрганиб қолган, десак, айтишни айтган бўламиз.

Масалан, ўтган йили паспорт-виза тизими бўйича ўтказилган профилактик тадбирлар натижасида



паспорт тизими қоидаларини бузган 492 мингга яқин шахс аниқланган. Шундан 155 мингтаси қалбаки паспорт ва яшаш гувоҳномалари билан яшаётган, 265 нафари виза муддати тугаган, 413 нафари Ўзбекистон Республикасида визасиз яшаётган инсонлардир. Лекин буларнинг асосий қисми Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити ва Президент сайлови олдидан ўтказилган тадбирларда аниқланган, десак, айти ҳақиқат бўлади. Яъни, бу борада тизимли иш умуман йўқ, деб баҳолашга тўлиқ асосимиз бор.

**Яна бир муҳим масала – аёллар ва ёшлар томонидан жиноятлар содир этиш даражаси ҳам ҳозирги кунга қадар юқориликча қолмоқда.** Жумладан, аёллар томонидан содир этилган жиноятлар қарийб 14 мингтани ёки содир этилган жиноятларнинг ҳар олтинчисини ташкил этади. Бундай ҳолатларни бартараф этиш учун маҳалла идоралари ва хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликда кенг тушунтириш ва профилактика тадбирларини амалга ошириш лозим. Бунинг учун Бош вазир ўринбосари Т.Норбоева Қазаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Қ.Рафиқов билан биргаликда жойларда юрган ишчи гуруҳлари, яъни Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» Кенгаши, «Камолот» ҳаракати, «Нуроний» жамғармаси, диний идоралар вакиллари иштирокидаги ишчи гуруҳлари фаолияти самарадорлигини кескин оширишлари лозим.

Ишчи гуруҳлари бир ой муддатда шаҳар ва туманлардаги ҳар бир маҳалла ва хонадонда бўлиб, улардаги ижтимоий-маънавий муҳит, аҳоли тур-

муш даражаси ва саломатлиги, мактаб ва коллежлардаги давомат, содир этилган жиноятлар маҳаллаларда муҳокама қилиниб, тўлиқ ўрганиб чиқиши таъминлаши зарур.

Ўрганиш натижалари асосида аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан ҳар бир маҳалла, туман ва шаҳар бўйича алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиши ва қатъий бажарилиши шарт. Ана шу чора-тадбирлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тасдиқланиши керак.

2016 йилда фақат академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари томонидан 1 минг 427 та жиноятга қўл урилган.

Ёшлар тарбиясига етарли эътибор қаратилмагани оқибатида ўтган йили 18 дан 30 ёшгача бўлган фуқаролар томонидан жами 31 минг 933 та жиноят содир этилган. Бундай ҳолатлар учун Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази ва Халқ таълими вазирлиги раҳбарлари ҳам жавоб бериши керакми ёки йўқми?

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси О.Муродов ва Бош прокурор И.Абдуллаевга тегишли идоралар билан биргаликда 15 кунда вояга етмаганлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш бўйича Президент қарори лойиҳасини тайёрлаб, киритиш топширилади.

Қарор билан бирга ота-оналарнинг бола учун масъулиятини кучайтириш, айниқса, ўқишдаги давомати учун жавобгарлигини ошириш юзасидан қонун-

ларга ўзгартириш киритиш бўйича қонун лойиҳасини ҳам киритиш керак. Албатта, бола – ота-онаники, лекин у биринчи навбатда фуқаро, халқнинг, Ватаннинг фарзанди!

Бош вазир ўринбосари Т.Норбоева ва Касаба уюшмалари раҳбари Қ.Рафиқов «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, диний идоралар вакиллари билан биргаликда жиноят қилган ёшларни уларнинг ота-оналари яшайдиган маҳаллаларда муҳокама қилишни ташкил этиши керак.

Профилактика хизматини тубдан яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар доирасида асосий эътиборни ёшлар билан бевосита олиб борилаётган профилактика тадбирлари самарадорлигини оширишга қаратиш зарур. Шу мақсадда ҳар бир шаҳар ва туман ички ишлар органлари бошлиқларининг ёшлар билан ишлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ўринбосари лавозими жорий этилмоқда.

«Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ғи фармонга мувофиқ, фуқаролар йиғинида раиснинг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими киритилиши профилактика инспекторлари олдига долзарб вазифаларни қўймоқда. Энди улар жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кучайтириб, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, таълим-тарбия муассасаларида давомат ва таълим

сифатини ошириш, уюшмаган ёшлар билан ишлашда юқори натижадорликка эришиш учун шахсан жавоб беради.

Умуман, бу масалада таклифим бор – бундан буён вилоят, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари ҳар ҳафтада мактаб, коллеж ва лицейларга бориб, у ердаги ишларнинг аҳволини, айниқса, давоматни ўрганиши ва бу борадаги камчиликларни тугатиш бўйича зарур чораларни кўришлари керак. Агар шу тизимни жорий қилмасак, ҳеч қандай натижага эриша олмаймиз.

Фармон талабига кўра, профилактика инспекторларининг фуқаролар йиғини Кенгаши таркибига киритилиши ҳамда уларнинг фаолияти юзасидан ҳар чоракда ҳисоботлар эшитиб борилиши уларга янада кўпроқ масъулият юкламоқда.

Ҳаммамиз бир ҳақиқатни англаб олишимиз керак: бугунги кун профилактика инспектори энди кичкина одам эмас. Буни улар англаши ва ҳис қилиши лозим.

Ваҳоланки, шу пайтгача профилактика инспекторларининг аксарияти жиноятларнинг олдини олиш билан шуғулланиш ўрнига, аксинча, содир этилган жиноятларни фақатгина рўйхатга олиш, юқори идораларга ҳисоботлар ёзиш, мажлисларга одам йиғиш билан машғул бўлиб, ҳокимлар ва прокурорларнинг «югурдаги»га айланиб қолгани жуда аянчли ҳолдир.

Профилактика инспекторларини уларнинг асосий фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлмаган

ишларга жалб қилиш амалиётига чек қўйиш вақти келди, деб ҳисоблайман. Уларнинг 50 фоиз вақти кераксиз қоғозларни тўлдириш ва ҳисоботлар ёзишга сарф бўлмоқда. Бундан буён профилактика инспекторларини ортиқча қоғозбозликдан умуман озод қилиш керак. Шунинг учун соҳани тубдан ислоҳ қилиш доирасида, янги талаблар асосида профилактика инспекторларининг хизмат вазифалари ва функцияларини қайта ишлаб чиқиш ва бу ишларни доимий назоратга олиш лозим.

Ички ишлар вазири А.Азизовга Бош прокуратура ва тегишли вазирликлар билан бирга профилактика инспекторлари фаолиятини ташкил этиш принциплари, улар фаолиятини баҳолашнинг мезонлари, профилактика инспектори лавозимига тайинландиган шахсларга қўйиладиган талаблар, уларнинг вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутадиган Ички ишлар органлари таянч пунктлари тўғрисидаги низомни 1 ой муддатда ишлаб чиқиш ва Президент девонига киритиш топширилади. Бунда профилактика инспекторининг фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) билан ҳамкорликни амалга ошириш тартибига, унинг ўзига қарашли ҳудудда яшаши, уни тасдиқлашни вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари номенклатурасига ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор бериш керак. Профилактика инспекторининг оиласи ўз ҳудудидаги энг тинч ва намунали оила бўлиши лозим.

Шунингдек, ички ишлар вазири (А.Азизов) Ички ишлар вазирлиги академияси (Б.Матлюбов) билан бирга профилактика инспекторларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича амалдаги ўқув дастурлари қайта ишлаб чиқилишини таъминлаши зарур. Бу борада ўқув жараёнларини интерфалол усулда, илғор хорижий тажрибага таяниб олиб боришга, аҳоли олдида ҳисоботлар бериш, фуқароларнинг мурожаатлари, ёшларнинг уюшмаган қисми билан ишлаш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш йўналишларига алоҳида эътибор қаратилиши керак.

Профилактика инспектори хизмат хонасининг эшиги халқ учун доимо очик бўлиши шарт. **Чунки профилактика инспектори халқ билан ички ишлар органларини боғлайдиган асосий кўприк бўлиб хизмат қилиши даркор.** Бундан буён маҳаллий ҳокимликлардан бошлаб, ҳуқуқ-тартибот идоралари, кенг жамоатчилик вакиллари уларга яқиндан ёрдам кўрсатиши, инспекторлар фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериши керак.

Профилактика инспекторларининг давлат бошқаруви органлари, жамоатчилик вакиллари, қолаверса, бошқа соҳа хизматлари билан ҳамкорликда амалга оширадиган ишлари натижалари ички ишлар таянч пунктларида уларга яратилган шароитларга бевосита боғлиқдир.

Афсуски, профилактика инспекторларининг фуқаролар йигинлари ва маҳалла фаоллари билан бир бинода, ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боришида бир қатор камчиликларга йўл қўйиб келинмоқда.

Ҳозирги вақтда 372 та ички ишлар таянч пункти маҳалла фуқаролар йиғини билан бир бинода жойлашмаган. Бошқа корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари тасарруфида бўлган милиция таянч пунктлари 390 тани ташкил этади. Бугунги кунда қўшимча 678 та милиция таянч пункти учун бинолар топиш ва 500 тасини таъмирлашга эҳтиёж мавжуд.

Биз замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган даврда яшайпмиз. Шунга қарамасдан, ҳозирги кунда бир қатор милиция таянч пунктларида оддий радиоалоқа воситалари етишмайди, хизмат хоналарида Интернет у ёқда турсин, оддий телефон ёки компьютер ҳам йўқ.

Вилоят ҳокимлари молия вазири Б.Ходжаев билан бирга маҳаллий бюджет тушуми прогнозини бажаришдан ошган қисми ҳисобидан профилактика инспекторларини рация ва телефон билан таъминлаш масаласини 15 кунда ҳал этсин.

Нима учун маҳаллий ҳокимликлар томонидан барча ички ишлар таянч пунктларини куриш, таъмирлаш, профилактика ходимлари хизмати учун қулай шарт-шароитлар яратиш ишлари якунига етказилмаган?

Вилоят ҳокимлари молия вазири Б.Ходжаев билан бирга маҳаллий бюджет тушуми прогнозини бажаришдан ошган қисми ҳисобидан ички ишлар таянч пунктларини таъмирлаш ва жиҳозлаш юзасидан чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиб, уларнинг 2018 йил 1 июлга қадар тўлиқ бажарилишини

таъминласин. Давлат маслаҳатчиси ўринбосари С.Самадов бу топшириқ ижросини шахсан назоратга олеин.

Яна бир муаммо – бугунги кунда профилактика инспекторлари хизмат жойларига 15 километрдан 140 километргача бўлган масофадан катнаб хизмат қилмоқда. Масалан, Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, Пайшанба шаҳарчасига – 140 километр, Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Шаҳринав маҳалласига – 55 километр ҳамда Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Дўсинбой маҳалласига – 51 километр масофадан катнаб хизмат қилаётган профилактика инспекторининг шарт-шароити билан кимдир қизиқдими?

Мен фақат айрим ҳудудлардаги аҳволни мисол қилиб келтирдим, холос. Ваҳоланки, бундай шароитда хизмат қилаётган профилактика инспекторларининг сони кўпчиликни ташкил этади.

Уларнинг на хизмат уйи, на автотранспорт воситаси бор. Ким бу масалалар билан шуғулланиши керак? Бундай аҳволни тузатиш, ўнглаш учун нима қилиш керак?

Бош вазир А.Арипов, унинг биринчи ўринбосари А.Раматов, молия вазири Б.Ходжаев, ички ишлар вазири А.Азизовга профилактика инспекторлари ва ички ишлар идораларининг бошқа ходимларига уй-жой қуриб бериш юзасидан 3 йиллик дастур ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш топширилади. Бунинг учун вилоят марказларида ҳар йили 46 квартирали ва туман марказларида 24 квартирали арзон уйларни қуришни назарда тутиш керак.



Ички ишлар органлари тизимида қурилиш учун бюджетдан ажратиладиган маблағларни тўхтатиб қўйиб, ушбу маблағларни ходимлар учун уй-жой қуришга йўналтириш зарур.

Бугунги йигилиш давомида ички ишлар таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштиришда ички имкониятлардан фойдаланиш, уларнинг тўлақонли фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратиш масаласи юзасидан ҳар бир вилоят ва туманлар ҳокимлари, ички ишлар бошқармалари бошликлари ҳамда бошқа мутасадди раҳбарлар тўлиқ ҳисобот беришга тайёр бўлиб турсин.

**Ҳурматли селектор иштирокчилари!**

Биз ҳозирги кунда ички ишлар органлари тизимида жиддий ўзгаришлар, янгиланиш ва ислохотлар қилиш арафасида турибмиз. Бунда қуйидаги масалаларга эътибор қаратишимиз зарур.

**Биринчидан, ички ишлар органлари тизимини комплекс ислох қилиш, унинг таркибий тузилмаларини оптималлаштириш, қуйи бўғин бўлинмалари, ички ишлар таянч пунктлари ва профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш керак.**

Ички ишлар вазири А.Азизов, Тошкент шаҳри ҳокими Р.Усманов, Ички ишлар академияси раҳбари Б.Матлюбов, Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиги Б.Қурбонов 1 ой муддатда ҳар бир жиноятнинг илмий асосланган сабабларидан келиб чиққан ҳолда, жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш, ички ишлар органлари фаолиятини

такомиллаштириш бўйича Тошкент шаҳрида янги тизим жорий этсин. Ички ишлар академияси тегишли конунларга ўзгартиришлар киритиш бўйича асосланган таклифлар тайёрлаб киритсин.

Бу ишларни Бош прокурор И.Абдуллаев ўз назоратига олсин.

**Иккинчидан,** ички ишлар органларининг ёнгин хавфсизлиги, жамоат тартибини сақлаш ва бошқа хизматлари томонидан тадбиркорлик фаолиятига конунга хилоф равишда аралашиш ёки тўсқинлик қилиш каби ҳолатларга мутлақо чек қўйиш лозим.

**Учинчидан,** мурожаатлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, халқ билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, содда қилиб айтганда, халқ ичига кириш, унинг дарди ва ташвиши билан яшаш ички ишлар органларининг энг долзарб вазифасига айланиши шартлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Виртуал қабулхона иш бошлаганидан буён ўтган қисқа муддатда ички ишлар органларига тааллуқли масалалар бўйича жуда кўп мурожаатлар келиб тушган. Уларнинг салмоқли қисми Тошкент шаҳри (535 та), Қашқадарё (437 та), Тошкент (208 та), Хоразм (143 та) вилоятларига тўғри келади.

Бу мурожаатлар ҳал этиш учун жойларга юборилган бўлса-да, биздаги мавжуд маълумотларга кўра, уларни ечишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Мисол учун, прокуратура томонидан Бухоро вилояти ички ишлар органларига келиб тушган 52 та мурожаатни яшириш ҳолати аниқланган.

Мана яна бир аниқ мисол: жорий йил 16 январда Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаро Ирина Мочалованинг Президент номига ёзган аризасида уйи олдида номаълум шахс талончилик йўли билан кўлидаги сумкасини тортиб олгани юзасидан бир неча бор Учтепа тумани ички ишлар бўлимига мурожаат қилгани, бироқ ҳеч ким ҳеч қандай чора кўрмагани айтиб ўтилган. Бундай ҳолатда ички ишлар ходими аҳоли ўртасида ҳурмат ва обрў-эътибор қозона оладими, бошқаларга ўрнак бўла оладими? Йўқ, албатта!

**Тўртинчидан,** фуқароларимиз хавфсизлигини таъминлашдаги муҳим омиллардан бири – кўча ва жамоат жойларида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш экан, бугунги кунда **патруль-пост хизматининг фаолиятини ҳам талаб даражасида, деб бўлмайди.**

Хусусан, ўтган йилда патруль-пост хизмати бўлинмаларига тақсимланган йўналишларда содир этилган жиноятлар таҳлилларига кўра, Фарғона вилоятида 18 та қасддан одам ўлдириш, Самарқанд вилоятида 23 та қасддан оғир тан жароҳати етказиш, Тошкент вилоятида 107 та талончилик, Сурхондарё вилоятида 133 та безорилик ва Тошкент шаҳрида 775 та ўғрилиқ жинояти содир этилган.

Мен фақат мазкур йўналишдаги жиноятларнинг сони ошган айрим вилоятларни кўрсатиб ўтдим, холос. Қолган вилоятларда ҳам бу борадаги ишларни кониқарли деб бўлмайди.

Ана шу салбий кўрсаткичлар соҳага оид қатор ўзгаришлар киритишни, авваламбор, кўча ва жамоат жойларидаги хизматнинг замонавий моддий-техник базасини чет элдаги илғор тажрибадан келиб чиқиб, такомиллаштиришни талаб этмоқда.

**Бешинчидан,** кейинги вақтларда жойларда, айниқса, Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Самарқанд, Наманган ва бошқа вилоятлар ҳудудларида йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузаётган ҳайдовчиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлигига жиддий хавф солиб келаётганини кузатиш мумкин. Бунинг натижасида йўл-транспорт ҳодисаларининг ҳар иккинчиси пиёдаларга нисбатан содир этилмоқда.

Биргина ўтган йилнинг ўзида мамлакатимизда 2 минг 269 та фуқаро йўлларда ҳалок бўлди, 11 мингдан ортиқ киши жароҳат олди.

Тошкент шаҳрида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган компьютерлаштирилган видеоназорат тизимини ишга тушириш таъминланмаган. Ҳолбуки, бунга қанча маблағ сарфланган эди.

Йўловчи, ҳайдовчи ва пиёдаларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, йўллардаги тирбандлик масаласини ечиб, аҳоли норозилигига йўл қўймаслик, йўловчи ташиш хавфсизлигини таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш – **йўл ҳаракати хавфсизлиги масъул ходимлари учун энг устувор йўналиш экани қатъий қоида этиб белгиланиши даркор.**

Бу борада йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари ўртасидаги порахўрлик ва хизмат вазифасини

суниестемол қилиш ҳолатлари юзасидан эътирозлар ҳар қачонгидан ҳам кўпайиб кетгани учун ким жавоб беради?

**Олтинчидан**, шахсий таркиб ўртасида хизмат интизоми ва қонунчиликни кучайтириш, ички ишлар идоралари таркибига адашиб кириб қолган бефарқ, масъулиятни тўлиқ англамасдан, фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабабчи бўлаётган ходимлардан бу соҳани тозалаш масаласи доимо долзарб бўлиб келган.

Ўтган йили 4 минг 517 нафар ходим, шундан 966 нафар ходим салбий сабабларга кўра ички ишлар идораларидан бўшатишган.

Хизмат интизомини бузган 7 минг 795 нафар ходимга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланган бўлса, 219 нафар ходим томонидан жиноятлар содир этилишига йўл қўйилган. Уларнинг аксарияти порахўрлик, мансаб ваколатини суниестемол қилиш, мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш каби жиноятларни содир этган. Бундай ҳолатда аҳоли орасида ички ишлар ходимининг обрўсини қандай қилиб ошириш мумкин? Қонун ҳимоячисининг ўзи жиноят содир этса, оддий одам дардини кимга айтиши керак?

Бу борада вазирлик шахсий таркиби томонидан қонунчилик ва хизмат интизомига риоя қилиниши устидан назорат тизимини, хусусан, шахсий таркиб бўйича махсус инспекциялар фаолиятини тубдан такомиллаштириш чораларини кўриш лозим.

Вазирликнинг муҳим бўлинмаларидан бири бўлган Транспортдаги ички ишлар бошқармасида вази-

ят мутлако издан чикиб кетган. Бошқарма шахсий таркиби ўртасида ишчанлик, ҳамкорлик ва ишга бўлган масъулият ҳисси йўқолган.

Хусусан, раҳбарлар томонидан оператив хизмат ҳамда ходимларнинг фаолияти тўғри ташкил этилмаган. Бунинг оқибатида бошқарманинг жиноятларни фoш этиш, кидирувдаги шахсларни ушлаш каби асосий кўрсаткичлари пасайиб, терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш ва бошқа муҳим йўналишларда ижобий натижаларга эришилмаган.

Тизимда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ходимларнинг жанговар, касбий, жисмоний тайёргарлик масалаларига мутлако эътибор қаратилмапти.

Шунингдек, раҳбарнинг қўл остидаги ходимлари устидан назорат олиб бормаслиги, юклатилган вазифаларни бажармаслик ҳолатлари кўплаб қайд этилмоқда. Натижада ўтган йил мобайнида хизматда йўл қўйган камчиликлари учун бошқарманинг 49 нафар ходими ички ишлар органлари хизматидан бўшатишган.

Шу билан бирга, 6 нафар ходим томонидан порахўрлик, фирибгарлик, мансаб ваколатидан четга чиқиш жиноятлари содир этилган.

Юқорида баён қилинган салбий ҳолатларни инобатга олган ҳолда, вазирликнинг Транспортдаги ички ишлар бошқармаси бошлиги Гаффоровни эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб қарор чиқариш керак. Шунингдек, Тошкент ва Андижон вилоятлари ички ишлар бошқармалари томонидан ҳам назоратнинг сусайтириб юборилиши, раҳбарларнинг совуқ-

қонлиги, бепарволиги натижасида қуйи бўғин бўлинмалари фаолиятида сурункали тарзда тизимли камчиликларга йўл қўйиб келинмоқда.

Айниқса, босқинчилик, талончилик, ўғирлик жиноятларини фош этиш борасидаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Уларни рўйхатдан ўтказмаслик оқибатида босқинчи ва мол-мулк ўғрилари жазоланмасдан, ўзларининг ёвуз қилмишларини давом эттириб юрибди. Бу эса аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлиб, милицияга нисбатан ишончини сўндирмоқда.

Тошкент вилоятидаги кидирув эълон қилинган 3806 нафар шахсдан 1712 нафари ёки 45 фоизи, Андижон вилоятидаги 2121 нафар жиноятчидан 857 нафари ёки 41 фоизи ушланмасдан қолиши нимадан далолат беради?

Тезкор тадбирлар етарли даражада ўтказилмагани натижасида, айниқса, узоқ муддатга чет элларга кетган диний экстремизм тарафдорларини қайтариш чоралари кўрилмаган, одам савдоси ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш бўйича умуман натижа йўқ.

Профилактика хизматлари томонидан тегишли ишлар талаб даражасида ташкил этилмаган ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлик етарли эмас. Бунинг натижасида Андижон вилоятида диний ваъзхонлик ҳолатлари давом этмоқда. Тошкент вилоятида эса профилактик ҳисобда турганлар томонидан ўғирлик содир этиш ошиб бормоқда. Ушбу вилоятларда фаолият кўрсатаётган аксарият милиция

таянч пунктларининг ҳолати ҳозирги кун талабига умуман жавоб бермайди. Ҳокимликлар тасарруфига олинмаган ва фуқаролар йигинлари билан бир бинога жойлаштирилмаган милиция таянч пунктлари ҳам бир талай.

Жамоатчилик билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмаган, қўйилган бўлса ҳам номига йўлга қўйилган.

Профилактика инспекторларининг билим савияси ва касбий тайёргарлиги ниҳоятда пастлиги натижасида вояга етмаганлар, уюлмаган ёшлар ва аёллар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳолатлари камаймаяпти.

Фуқаролар мурожаатларининг сифатсиз кўриб чиқилиши натижасида Андижон вилоятида 36 та, Тошкент вилоятида 103 та мурожаат такроран келиб тушган.

Хизмат жамоаларида носоғлом муҳитнинг ҳукм суриши туфайли Андижон вилоятида 300 нафар, Тошкент вилоятида 581 нафар ходим хизмат интизомини бузиб, интизомий жавобгарликка тортилган. Андижонда 24 нафар, Тошкент вилоятида 36 нафар ходим қонунни бузиб, жиноий жавобгарликка тортилган.

Қайд этилган салбий мисоллардан келиб чиққан ҳолда, Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи Бобожоновни ва Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи Бобоҳўжаевни эгаллаб турган лавозимларига нолайиқ деб қарор чиқариш керак.



Ҳурматли йигилиш иштирокчилари!

Ички ишлар тизимида кадрлар билан ишлаш, уларнинг малакаси ва масъулиятини ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратилиб, назоратга олинishi лозим деб ўйлайман.

Бу борада Ички ишлар вазирлиги тизимидаги ўқув муассасалари, жумладан, Ички ишлар академиясининг ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Ушбу ўқув маскани ёш офицерларга чуқур билим бериш билан бирга ўзининг тарбиявий таъсирини ҳам ўтказиши лозим. Ички ишлар органларида хизмат қилишга муносиб ходимларни етказиб беришда айнан ўқув муассасалари раҳбарияти ва ўқитувчиларининг масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Бу масалада ички ишлар вазири А.Азизов тегишли вазирликлар билан бирга ички ишлар органлари ходимлари лавозимига номзодларга кўйиладиган малакавий талаблар, кадрларни танлов асосида ишга олиш жараёнлари, ички ишлар органлари ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг аниқ мезонларини назарда тутадиган ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом лойиҳаси ишлаб чиқилишини таъминласин. Шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари хулқатворининг янгиланган қоидалари, ходимларни тарбиялаш ва хизмат вазифаси лозим даражада бажарилишини таъминлаш чораларини назарда тутадиган ички ишлар органларининг интизом устави ҳам ишлаб чиқилиши зарур. Бу ҳужжатларни

бир ой муддатда тасдиқлаш учун Президент девонига киритиш керак.

Давлат маслаҳатчиси У.Исмоилов, ички ишлар вазири А.Азизов, Ички ишлар академияси раҳбари Б.Матлюбов икки ҳафта муддатда ҳар бир вилоятдаги университетлар хузурида профилактика инспекторлари ва ички ишлар органлари ходимлари малакасини асосий фаолиятдан ажралмаган ҳолда ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича таклифлар киритсин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таҳлиллардан барчамиз тушуниб турибмиз, ички ишлар идоралари тизимида асосий йўналишлар, жумладан, жиноятқидирув ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича камчиликлар ҳали кўп. Соҳадаги мавжуд вазиятни ўнглаш ва ишларни тизимли ташкил этиш борасида олдимизда жуда кўп вазифалар турибди. Хотиржамликка берилишга ҳеч қандай асос йўқ.

Кун тартибидаги масаланинг нақадар долзарблиги ва муҳимлигини инобатга олган ҳолда, ҳисобот берувчилардан унга жиддий ёндашишни, аниқ ва лўнда ҳисобот беришни талаб қиламан.

*Ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган йиғилишдаги маъруза.*

*2017 йил 9 февраль*

## **МУНИС ВА МЕҲРИБОН АЁЛЛАРИМИЗГА ЭҲТИРОМ ВА ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТИШ, УЛАРНИНГ ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШ – БАРЧАМИЗ УЧУН ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗ**

Ассалому алайкум, азиз опа-сингиллар!

Муҳтарам дўстлар!

Аввало, сиз, азизлар билан юртимизга баҳор нафаси кириб келаётган ёруғ кунларда, Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида мана шу муҳташам кошонада учрашиб турганимдан ғоят хурсандман.

Шу қутлуғ айём – 8 март байрами билан сизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун мамлакатимиз аёлларини, муҳтарама онахонларимиз, кадрли опа-сингилларимиз, гўзал қизларимизни чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Барчамиз учун азиз ва мўътабар бўлган аёл зоти ҳақида сўз юритар эканмиз, авваламбор, бизни дунёга келтирган, оқ сут бериб вояга етказган Она сиймоси олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

Ер юзида муқаддас деган сўзга энг муносиб зот бу – аввало, Онадир. Халқимиз она сиймосини доимо улуғлаб, ардоқлаб яшайди. Юртимизда оналарни шарафлаб муҳташам ҳайкаллар бунёд этилгани ҳам шундан далолат беради.

Биз Она тимсолида Ватанимизни, унинг гўзал ва бетакрор киёфасини кўрамиз. «Она Ватан» деган ибора бежиз айтилмаган, бунда чуқур маъно бор. Инсонни инсон қиладиган мана шундай юксак туйғу ва тушунчаларни болаларимиз қалбига ёшлигидан сингдирсак, шоирларимиз, рассомларимиз, санъаткорларимиз оналарни, аёлларни тараннум этадиган янги-янги асарлар яратсалар, нур устига нур бўлур эди.

Аёлни эъозлаш, аёлга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос олижаноб қадрият ҳисобланади. Биз, барчамиз қандай касб, қандай лавозимда ишламайлик, қалбимиз, юрагимиздаги жамики эзгу фазилатлар учун сиз, меҳрибон аёллардан умрбод қарздоримиз.

Айникса, сиз, азизларнинг соғлом зурриёд, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишдаги ўрнингиз ва хизматингизни ҳеч нарса билан киёслаб, баҳолаб бўлмайд.

Сизларнинг меҳр-муҳаббатингиз, вафо ва садоқатингиз, фидойилигингиз сабабли ҳаётимиз чароғон. Сизлар туфайли оилаларимизда тинчлик-осойишталик, кут-барака ҳукм сураётгани учун барчангизга ҳар қанча тасанно айтсак, арзийди, албатта.

Қадрли юртдошлар!

Бугунги кунда Ўзбекистон хотин-қизлари ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида ўзларини тўла намоён этиб келмоқда.

Сизлар давлат ва бошқарув идоралари, вакиллик органларида, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва фермерлик тармоқларида, ижтимоий соҳаларда самарали

меҳнат қилиб, Ватанимиз таракқиётига муносиб ҳисса қўшмоқдасиз.

Бу ҳақиқатни халқимиз, жамиятимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз хотин-қизлари орасида 514 нафар фан доктори, 6 нафар академик, 15 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони, 17 нафар сенатор, 15 нафар Қонунчилик палатаси депутати борлигини, шунингдек, маҳаллий кенгашлар депутатларининг 23 фоизидан зиёдини айнан аёлларимиз ташкил этишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўнлаб опа-сингилларимиз «Ўзбекистон фан арбоби», «Ўзбекистон халқ шоири», «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон халқ артисти» сингари давлатимизнинг юксак фахрий унвонларига сазовор бўлганлар. Шулар қаторида 240 нафар ёш истеъдод эгаси Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган ва уларнинг сафига бу йил яна 15 нафар иқтидорли кизимиз қўшилмоқда.

Биз бугун ўзининг фидокорона меҳнати, эришган улкан ютуқлари, давлат ва жамоат ишларидаги фаол иштироки, ибратли фазилатлари билан халқимиз ўртасида обрў-эътибор қозонган юзлаб опа-сингилларимизнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Айниқса, Ўзбекистон Қаҳрамонлари – қишлоқ хўжалиги соҳаси фидойилари Халчахон Мирзаева, Патилахон Эргашева, Сиёсатхон Абдуллаева, маҳоратли педагоглар Манзура Мадалиева, Мавлуда Исматова, Вера Пак, Анора Маҳмудова, Муҳаббат Шаропова, атоқли навоийшунос олимамиз Суйима Ғаниева,

устоз шифокорлар Малика Абдуллахўжаева, Ойшахон Қўчқорова, Онесия Саитова, кўли гул хунармандлар Муяссар Темирова, Мартия Раҳматова барчага ўрнатилган ва намуна бўлиб келмоқдалар.

Шулар қаторида таниқли академикларимиз Машхура Мавлоний, Раъно Убайдуллаева, Сайёра Рашидова, Анна Глушенкова, Муҳаббат Абидова, Ўзбекистон халқ шоирлари Ойдин Ҳожиёва, Ҳалима Худойбердиева, Энахон Сиддиқова, Ўзбекистон халқ артистлари Яйра Абдуллаева, Тўти Юсупова, Галина Мельникова, Муножот Йўлчиева, Гавҳар Зокирова сингари аёлларимиз халқимиз орасида маълум ва машҳурдирлар.

Миришкор фермер ва тадбиркорлар Лолахон Муродова, Рашида Ёдгорова, Дилфуза Мусаева, Сарвиноз Шокирова, Зулфия Очилова, Зебихон Рустамова, Райҳон Раҳмонова, Анна Добрих, Зулхумор Эрматова, заҳматқаш устоз ва мураббийлар Агрепина Шин, Жамила Баймуратова, Валентина Недикова, Тоҳира Исломова, Елена Кучеренко, Сайёра Умарова, жонқуяр маҳалла раислари ва маслаҳатчилари Гулбаҳор Султонова, Марҳамат Мақсудова, Бувинисо Ҳамроева, Гулжаҳон Ибраимова, Феруза Ҳасанова, моҳир шифокорлар Феруза Эрматова, Дилоромхон Тошболтаева каби опа-сингилларимиз самарали меҳнат қилиб, бахт топган инсонлардир.

Ана шундай ҳурматли аёлларимизнинг кўпчилиги бугунги учрашувда иштирок этаётгани даврамизга янада файз бағишлаб турибди.

Бугунги кунда мамлакатимизда илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳа-

ларида меҳнат қилаётганларнинг 72 фоизи – шунга эътибор беринг, 72 фоизи – айнан хотин-қизлардир.

Маҳалла раислари ва фаолларининг аксарият қисмини аёллар ташкил этади. 8,5 мингдан ортиқ опасингилларимиз маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи сифатида фаол иш олиб бормоқдалар.

Хурматли дўстлар!

Барчамизга яхши маълум, ўтган йигирма беш йил мобайнида халқимиз ўта оғир синов ва машаққатларни, турли қийинчиликларни енгиб, улкан ютуқ ва натижаларни қўлга киритди.

Бундай марраларга эришишда оилада, меҳнат жомаларида, умуман, жамиятимизда энг катта бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат, меҳроқибат муҳитини сақлаш ва мустақкамлашда юртимиз хотин-қизларининг донолиги, сабр-қаноат ва матонати, шукроналик, оилага садоқат каби ибратли хусусиятлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Мана шундай олижаноб, ҳақиқатан ҳам буюк инсоний фазилатларингиз учун сизларга яна бир бор ўз номидан, эл-юртимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Азиз опа-сингиллар!

Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади.

Бу, албатта, исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Шунинг учун ҳам мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатла-

рини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиб бериш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш масаласи юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу асосда оналик ва болаликни ҳимоялаш, оила институтини қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Бу ҳақда гапирганда, барчамиз Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг аёл зотига, мамлакатимиз хотин-қизларига юксак ҳурмат, доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келганликларини бугун яна бир бор эслаймиз. У кишининг: **«Аёл бахтли бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам»** деган чуқур маъноли сўзлари амалий ҳаракатларимизда қўлланма бўлиб келмоқда.

Биз ана шу эзгу даъватга амал қилиб, мамлакатимизда бошланган кенг кўламли ишларни янги босқичга кўтаришни ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйганмиз.

Ўзбекистонимизни янада ривожлантириш бўйича яқинда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси ва унинг узвий қисми бўлган «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури авваламбор ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бизнинг яқин ва узок келажакка мўлжалланган сиёсатимизда муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган социал масалаларни ҳал этиш биринчи ўринга қўйилмоқда. Бу одамларни уй-жой билан таъмин-



лаш, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўладими, аҳолини арзон ва сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлаш бўладими, савдо ва транспорт хизмати, электр, табиий газ, ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўладими, болалар богчалари, янги мактаблар, санъат ва спорт иншоотлари, равон йўллар қуриш бўладими – буларнинг барчаси бўйича биз аниқ дастур ва режаларни ишлаб чиққанмиз ва уларни сўзсиз амалга оширамиз.

Биз жорий йилнинг ўзида қишлоқ жойларда янги намунадаги 15 мингта арзон уй-жой қуришни бошлаб юбордик.

Ана шундай янги уй-жой массивларида зарур инфратузилма тармоқлари, жумладан, 415 километрдан зиёд ичимлик суви, қарийб 300 километр электр, 320 километр табиий газ тармоқлари барпо этилади. Яъни бу уй-жойлар яхлит бир комплекс бўлиб шаклланади. Шунингдек, мамлакатимиз бўйича минглаб километрлик магистрал ва ички йўллар қурилади ва таъмирланади.

Юртимизда аёллар ва ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш мақсадида 2017 йилда тадбиркор аёллар учун 1 триллион сўм, таълим муассасаларини битириб чиқадиган 10 мингта яқин ёшларимиз учун 60 миллиард сўм кредит маблағлари ажратиш кўзда тутилмоқда.

Биз соғлиқни сақлаш соҳасида юқори технологияларга асосланган, ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг ҳудудларда ҳам фаолият кўрсатишига

жиддий эътибор қаратмоқдамиз. Бу олис вилоят ва туманларимизда яшаётган аҳолига қандай янги имконият ва қулайликлар туғдиришини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.

Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикасини оладиган бўлсак, бу ерда Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиалида кўп тармоқли болалар клиникаси қурилиши жадал олиб борилмоқда. Бу шифохона яқин келгусида Оролбўйи минтақасидаги болалар саломатлиги бўйича йирик марказга айланади.

Хоразм вилоятида эса Россиянинг А.Бакулев номидаги машҳур клиникаси билан ҳамкорликда юрак-қон томир жарроҳлиги бўйича тиббий марказ қурилиши бошланди.

Айни вақтда Термиз шаҳрида Республика урология, Кўз микрохирургияси ҳамда Гинекология ва акушерлик илмий-амалий марказларининг филиаллари барпо этилади.

Шулар қаторида Қашқадарё вилоятида Республика кардиология ва Эндокринология марказларининг филиалларини бунёд этиш бўйича ҳам амалий ишлар бошлаб юборилди.

Биз кишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини, тез ёрдам хизмати, профилактика ва патронаж тизимини янада такомиллаштириш борасида ҳам кенг миқёсда иш олиб бормоқдамиз.

Ўйлайманки, «Инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ» деган эзгу ғояни амалга оширишга қаратилган бундай ишларнинг аҳамиятини халқимиз, авваламбор, сиз, азиз аёлларимиз ҳаммадан кўра яхши тушунасиз.

Мен жойларда бўлиб, халқимиз вакиллари, мух-  
тарама аёлларимиз билан мулоқотда бўлганимда,  
уларнинг қувонч ва ташвишлари билан яқиндан та-  
нишганимда, турли қийинчилик ва муаммоларга қара-  
масдан – ҳаёт ўзи ҳеч қачон муаммосиз бўлмайди –  
опа-сингилларимизнинг орзу-интилишлари, ҳаётга,  
эртанги кунга катта ишонч билан қараётганини кўриб  
хурсанд бўламан. Чунки биз ўз олдимизга қўйган  
улкан мақсад ва вазифаларни амалга оширишнинг  
энг муҳим шарти, энг асосий замини ҳам аслида  
халқимизнинг мана шундай ишончидир.

Қадрли опа-сингиллар!

Барчамизга яхши аён, бугунги шиддатли замон,  
дунёдаги аёвсиз рақобат муҳити биздан жуда кат-  
та масъулият ва сафарбарлик билан ишлашни, ҳамма  
соҳада янгича ёндашувларни талаб этмоқда.

Мана шундай кескин шароитда биз юртимизда  
тинчлик ва осойишталик, фуқаролар ва миллатлар  
ўртасида ҳамжихатлик муҳитини кўз қорачиғидек  
асрашимиз зарур. Айниқса, фарзандларимизнинг  
қалби ва онгини ёвуз хавф-хатарлардан ҳимоя  
қилишга энг долзарб вазифа, деб қарашимиз керак.

Агар биз таълим-тарбия, маданият ва маънавият  
соҳасидаги ишларимизни аниқ тизим асосида таш-  
кил этиб, уларнинг самарадорлигини оширсак, эр-  
танги кунимизни қуролмаймиз, ўз мақсадларимизга  
етолмаймиз.

Бу борада **«Бир болага етти маҳалла ҳам ота,  
ҳам она»** деган шиор доимий кун тартибида туриши  
лозим. Биз ёшларимизни миллий ва умумбашарий

кадриятлар руҳида тарбиялаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур. Бундай ғоят муҳим вазифани амалга оширишда биз аввало кўпни кўрган кайвони онахонларимизга, маҳалла фаолларига, муҳтарам фахрийларимизга, сиз, азиз опа-сингилларимизнинг ақл-заковатингиз, билим ва тажрибангизга таянамиз.

Оилаларда тиббий, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшларимизни, авваламбор, қиз болаларни иш билан таъминлаш давлат идораларининг биринчи галдаги вазифаси бўлиши шарт.

Айниқса, қизларимизнинг саломатлигини асраш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарлар эгаси бўлиб вояга етиши, жамиятда ўз муносиб ўрнини топиши учун биз барчамиз – ота-оналар, жамоатчилик, мутасадди раҳбарлар жавобгарлик ва масъулиятимизни янада кучайтиришимиз зарур.

Нега деганда, қиз бола – бўлғуси оила бекаси, келажакимиз эгасидир. Бугун биз уларга қандай таълим-тарбия берсак, эртага улар янги авлодимизга шундай тарбия беради.

Биз одатда жамиятимиз ҳаётига қарши қаратилган хавф-хатарлар ҳақида гапирганда, кўпинча четдан кирадиган таҳдидларни тушунамиз. Лекин эски замондан қолган айрим салбий ҳолатлар, афсуски, бугунги тинч ва ёруғ ҳаётимизга соя солиб турибди. Лоқайдлик, бир-бирини кўролмаслик, оилада эр-хотин, қайнона-келин, кўни-кўшнилари ўртасидаги келишмовчилик,

аёлларга беписанд қараш – бундай ярамас иллатлар бизга, бизнинг халқимизга мутлақо ярашмайди.

Бундай номаъқул ҳолатларни бартараф этиш учун биз ҳар томонлама чуқур ўйлаб, мунтазам равишда иш олиб боришимиз керак. Шу мақсадда биз маҳаллий ҳокимликлар ва ички ишлар тизимини, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамгармалари тузилмасини тубдан ўзгартирдик, уларга ёшлар билан ишлайдиган кўшимча штатлар бердик.

Айни шундай ислохотларни биз Республика Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг жойлардаги тузилмалари бўйича ҳам амалга оширишни режалаштирганмиз. Кўмита ва унинг ҳудудий бўлинмалари ваколатларини янада кенгайтириш, уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, опа-сингилларимизнинг меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш, бунинг учун янги имтиёз ва имкониятлар тизимини яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилмоқда.

Буларнинг барчаси юртимизда хотин-қизларнинг оила ва жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини ошириш, уларнинг ҳаётий манфаатларини янада кенг таъминлаш каби эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Мунис ва меҳрибон опа-сингиллар!

Гўзаллик ва нафосат айёми – 8 март байрамини биз ҳар сафар катта қувонч ва ҳаяжон билан кутамиз. Чунки бу қутлуғ айём қалбимизда, юрагимизда сизларга бўлган чексиз меҳримиз, хурматимизни изҳор этиш учун яна бир катта имконият беради.

Шу маънода, агарки бу байрам бизнинг ҳаётимизда бўлмаган тақдирда ҳам мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиз, дилбар қизларимизнинг ҳурмати учун бундай байрамни албатта ташкил этган бўлардик.

Нега деганда, сизларнинг доимо мана шундай очилиб, ҳаётдан, тақдирдан рози бўлиб, яйраб-яшнаб юришингиз учун, сизларнинг бахту саодатингиз учун биз доимо сидқидилдан хизмат қилишга тайёрмиз.

Илоҳим, мана шундай қувончли кунларимиз кўп бўлсин!

Сизларни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, фарзандларингиз, набираларингиз камолини кўришни тилайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, азизлар!

*Халқаро хотин-қизлар  
байрамига бағишланган учрашувдаги нутқ.  
2017 йил 6 март*

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН – СТРАТЕГИК ШЕРИК ДАВЛАТЛАР

Муҳтарам Гурбангули Маликгулиевич!

Ҳурматли дўстлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Президент Гурбангули Маликгулиевич Бердимухамедовга, туркменистонлик барча дўстларимизга Ўзбекистон делегациясига қардош Туркменистон заминида кўрсатилаётган юксак ҳурмат-эҳтиром ва самимий меҳмондўстлик учун чин юракдан миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Бугунги Туркменистон жадал ривожланаётган замонавий давлат, унинг окмармар пойтахти эса ҳақли равишда жаҳондаги энг гўзал шаҳарлардан биридир.

Ҳурматли Гурбангули Маликгулиевич, Туркменистон сизнинг оқилона раҳбарлигингизда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маънавий тараққиёт соҳаларида ҳақиқатан оламшумул муваффақиятларга эришаётганидан биз ҳам беҳад хурсандмиз.

Президент сайловида ишончли галаба қозонганингиз туркман халқининг мамлакатни барқарор ривожлантириш ва модернизация қилиш, унинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, мавқеини мустаҳкамлаш, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтириш борасидаги хизматларингизни эътироф этганининг тасдиғидир.

Муҳтарам Гурбангули Маликгулиевич, сизнинг Президентлик лавозимига киришиш муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда мамлакатларимиз ва халқларимизни нафақат географик жойлашув, балки тарихимиз, маданият ва анъаналаримиз муштараклиги бирлаштириши ҳақидаги сўзларингизни тўла қўллаб-қувватлайман.

Туркменистон – биз учун тарих ва вақт синовидан ўтган, кўп асрлик дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари боғлаб турадиган энг яқин қўшнимиздир.

Тарихий ва маънавий илдизларимизнинг бирлиги дўстона муносабатларни кенгайтириш учун мустаҳкам асос яратади. Туркман ва ўзбек халқларини неча минг йиллик қардошлиқ ришталари боғламаганида, эҳтимол, бундай ўзаро ҳурмат ва англашувга эришиб бўлмас эди. Халқларимиз тарихи бир илдизга бориб тақалиши ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Ўн саккизинчи аср ўрталарида туркман халқининг улуғ фарзанди, улкан шоир, маърифатпарвар ва файласуф, туркий тилли халқлар адабиётининг мумтоз намояндаси Махтумқули Фироғий «Туркменистон келажаги» шеърида бундай деб ёзган эди:

**Бунда биродарлик – урф-одат, дўстлик – қонун.**

Бизнинг делегациямиз қардош Туркменистон заминига келганидан буён худди шундай муҳитни ҳис этмоқда.

Биз халқларимиз ўртасидаги ишончни юксак кадрлаймиз.



Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон бундан буён ҳам ана шу ишончни янада мустаҳкамлаш йўлида барча имкониятларни ишга солишини таъкидламоқчиман.

Хурматли дўстлар!

Менинг Туркменистонга биринчи давлат ташрифим ва унинг доирасида сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда имзоланган муҳим ҳужжатлар халқларимиз фаровонлиги йўлида икки томонлама ҳамкорлигимизни ривожлантириш учун янги, янада кенг имкониятлар яратишига ишонаман.

Ҳамкорлигимизнинг узоқ муддатли ҳаётий муҳим йўналишларини тартибга соладиган янги ҳужжатга алоҳида аҳамият қаратамиз.

Бу – икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги битимдир.

Кўп қиррали ҳамкорлигимизнинг узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли жиҳатларини мустаҳкамлайдиган мазкур ҳужжатнинг яна бир муҳим томони хавфсизлик соҳасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурати билан боғлиқ.

Биз Туркменистон халқининг оқил етакчиси сиймосида ишончли дўст ва маслақдошга эга эканимиздан хурсандлигимизни таъкидламоқчиман.

Муҳтарам Гурбангули Маликгулиевич, бугун сизнинг раҳнамолигингизда амалга оширилаётган самарали сиёсат Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги муносабатлар улкан ва порлоқ истиқболга эга эканига ишонч бағишлайди.

Туркменистон Президенти билан ўтказган музокараларимиз ва умуман, ташрифимиз якунларидан мамнун эканимизни яна бир бор таъкидламоқчиман.

Ҳурматли Гурбангули Маликгулиевич, биз эртага очилиш маросимида иштирок этадиган Туркманобод шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ёрқин хотирасига ўрнатилган гўзал ёдгорлик мажмуаси барпо этилгани учун ҳам миннатдорлик билдираман.

Шу муносабат билан туркман халқининг «Дил – диле дўғон, ил – иле», яъни «Тил – тилга қардош, эл – элга» деган теран маъноли ажойиб мақоли ҳам ўзаро муносабатларимизнинг руҳи ва хусусиятини ифода этишини таъкидлаш ўринлидир.

Мухтарам Гурбангули Маликгулиевич!

Биз келажакда қардош Туркменистон билан шериклик муносабатларимиз янада ривожланишига, уни биргаликда сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишимизга ишонамиз.

Ҳақиқий дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатлари қандай бўлиши лозимлигини биз бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш учун барча имкониятларимизни ишга соламиз.

Сўзимнинг якунида, мухтарам Гурбангули Маликгулиевич, самимий қабул ва меҳмондўстлик учун яна бир бор миннатдорлик билдириб, Сизни Ўзбекистонга давлат ташрифи билан боришга таклиф этаман.

Туркменистон Президенти Гурбангули Маликгулиевич Бердимухамедов саломат бўлсинлар!

Ўзбекистон ва Туркменистон янада тараққий  
этаверсин, халқларимиз фаровонлиги юксалавер-  
син!

Барчангизга соғлик-омонлик тилайман!

*Туркменистон Республикасига давлат таширфи  
чогидаги қабул маросимида сўзланган нутқ.*

*2017 йил 6 март,*

*Ашхобод*

## **ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН: ЯҚИН ҚЎШНИЧИЛИК ВА ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА**

Мухтарам Гурбангули Маликгулиевич!

Қадрли туркман қардошлар!

Ҳурматли дўстлар!

Авваламбор, Сизга, ҳурматли Гурбангули Маликгулиевич, туркменистонлик барча дўстларимизга Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов хотирасига юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатганингиз учун самимий миннатдорлик билдирмоқчиман.

Ушбу ёдгорлик мажмуаси туркман халқининг буюк йўлбошчиси, Ўзбекистоннинг ҳақиқий дўсти Президент Гурбангули Маликгулиевич Бердимухамедовнинг шахсий ташаббуси билан бунёд этилгани, Туркманобод шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига Ислом Каримов номи берилганини биз юксак қадрлаймиз. Бунда биз Гурбангули Маликгулиевичнинг туркман халқига хос олижаноблиги, ажойиб инсоний фазилатларининг намоёнини кўрамиз.

Бу Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов вафот этган қайғули кунларда ҳам ўз тасдиғини топди. Ўзбекистон халқи шундай мусибатли дамларда ҳақиқий елкадош дўстни, мухтарам Гурбангули Маликгулиевич,

Сизнинг шахсий кўмагингизни, самимий ва дўстона ҳамдардлигингизни ҳис қилди.

Оғир ва мусибатли дамларда дўстларимизнинг мана шундай қўллаб-қувватлаши Ўзбекистон халқини янада жипслаштирди.

Сизнинг Ислом Каримовга ва Ўзбекистон халқига чуқур ҳурмат билан йўғрилган самимий сўзларингизни ҳеч қачон унутмаймиз.

Самарқандда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти билан видолашув маросимида Туркменистонда унинг хотираси албатта абадийлаштирилиши ҳақида айтган сўзларингиз Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси қалбини тўлқинлантириб юборди.

Мана, бугун ўша кун келди.

Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси Ислом Абдуғаниевич Каримов замонамизнинг улкан сиёсат ва давлат арбобларидан бири сифатида тарихда қолди.

Чунки у ҳар қандай кийинчилик ва машаққатларга қарамасдан, тарихан қисқа даврда Ўзбекистонни жадал ва барқарор ривожланаётган замонавий демократик давлатга айлантирди.

Ислом Каримов нафақат Ўзбекистонда ҳар томонлама кучли давлат барпо этиш, балки бутун минтақада тинчлик ва яхши кўшничilik, барқарорлик ва фаровонлик муҳитини яратиш мақсадида яшади ва меҳнат қилди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти барчамизнинг умумий уйимиз бўлган Марказий Осиёда адоват уруғини сочиш ва тартибсизликлар келтириб чиқаришга

қаратилган ҳар қандай уринишларга қатъий қарши курашди.

Ислом Каримов минтақа халқларининг илдизи бир, улар минглаб қардошлик ришталари билан боғланиб кетган, бинобарин, ўтмиши, бугуни ва эртанги куни ҳам умумий, деган фикрдан келиб чикиб иш юритарди.

Ислом Абдуғаниевич ўзбек халқининг энг яқин дўсти бўлган туркман халқига ҳамиша алоҳида ҳурмат билан қарар ва шундай муносабатни бутун халқимиз онгига сингдиришга интиларди.

Буюк Йўлбошчимиз менталитетимиз, дунёқарашимиз, тилимиз ва маданий-ахлоқий кадриятларимиз ўхшашлиги ва муштараклигини ҳар доим таъкидларди.

Сиз, Гурбангули Маликгулиевич, Ислом Каримовни «Туркман халқининг фахрий ёшуллиси» унвони ва Махтумқули номидаги халқаро мукофот билан тақдирлаганингиз рамзий маънога эга бўлди.

Ислом Абдуғаниевич ушбу мукофотлар билан фахрланар ва уларни Туркменистон ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги дўстлик муносабатларининг юксак эътирофи намунаси, деб биларди.

Биринчи Президентимиз Сизга, Гурбангули Маликгулиевич, алоҳида ҳурмат билан муносабатда бўлганини таъкидлашни истардим.

Ислом Абдуғаниевич Сиз билан бўлган суҳбатларни мамнуният билан эслаб, Сизни ҳамиша иним, сафдошим ва маслакдошим, дер эди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти билан Сизнинг ўртангиздаги самимий дўстлик, ўзаро ишонч

ва ҳамфикрлик муносабатлари туфайли Ўзбекистон – Туркменистон ҳамкорлиги яхши қўшнилар ва қардош халқларнинг алоқалари қандай бўлиши зарурлигининг амалдаги намунасига айланди.

Икки томонлама муносабатларимизнинг бу галги ташриф давомида яққол намоён бўлган ўзига хос хусусиятлари Ислом Абдуғаниевич хотирасига билдирилган юксак ҳурмат ифодаси ва буюк аждодларимизнинг орзу-интилишлари рўёбга чиқаётганининг тасдиғи, десам, ўйлайманки, кўпчиликнинг фикрини айтган бўламан.

Ислом Абдуғаниевичнинг бугунги кунда дунёда рўй бераётган мураккаб жараёнларни баҳолаш ва тушуниш борасидаги ёндашувларимиз муштарақлиги бизни Туркменистон билан янада яқинлаштириши хусусидаги бир неча расмий баёнотлари барчамизга яхши маълум.

Ўзбекистон Гурбангули Бердимухамедов раҳнамолигида Туркменистоннинг бетарафлик бўйича амалга оширилаётган ҳар томонлама вазмин ташқи сиёсат стратегияси, халқаро ва минтақавий хавфсизлик, иқтисодий интеграциялашув ва бутун минтақамизни барқарор ривожлантиришга қаратилган ташаббусларини изчил қўллаб-қувватлайди.

Қадрли дўстлар!

Бугун Туркменистонда Ўзбекистоннинг Биринчи Президентига ўрнатилган маҳобатли ёдгорлик мажмуасини очар эканмиз, Ислом Абдуғаниевичнинг биз кадрлашимиз ва юксалтиришимиз зарур бўлган

муҳим бойлик – бу мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ўзаро ишончдир, деган бебаҳо мероси ва чуқур мазмунга бой ўғитлари Ўзбекистон ва Туркменистон муносабатларининг маънавий асосига айланишига ишонаман.

Ушбу мажмуа Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси, аввало, ёшларни ўзига жалб этадиган маънавий маскан бўлишига ва халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштиришига аминман.

Муҳтарам Гурбангули Маликгулиевич, Туркманобод шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов хотирасини абадийлаштирганингиз учун Сизга миннатдорлик билдирамыз.

Қалб кўридан чиққан ушбу хайрли ва эзгу ташаббус Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик, қардошлик ва яқин қўшничилик муносабатлари солномасига зарҳал ҳарфлар билан битилажак.

Улуғ аждодларимизнинг руҳи доимо бизга раҳнамо бўлсин!

Гурбангули Маликгулиевич, Сиз қилаётган савоб ишлар Сизга, туркман халқига юз карра зиёда бўлиб қайтсин!

Дўстлигимиз абадий бўлсин!

*Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти  
Ислом Каримов хотирасига Туркменистоннинг  
Туркманобод шаҳрида барпо этилган ёдгорлик  
мажмуаси очилишига бағишланган*

*маросимдаги нутқ.*

*2017 йил 7 март*



## **ДЎСТЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИКНИНГ ЎРҚИН ТИМСОЛИ**

Мухтарам Гурбангули Маликгулиевич!

Қадрли туркман қардошлар, азиз дўстлар!

Биз бугун, ҳеч муболағасиз, тарихий бир воқеага гувоҳ бўлмоқдамиз.

Муҳандислик ишлари, транспорт-коммуникация ва геостратегик аҳамиятига кўра ноёб бўлган Туркман-обод – Фороб кўприklarининг ишга туширилиши нафақат икки қардош халқ, балки бугун Марказий Осиё минтақаси ҳаётида муҳим воқеадир.

Азим Амударёнинг икки қирғоғини бирлаштирган ушбу маҳобатли иншоотларнинг барпо этилгани бир пайтлар мамлакатларимиз ҳудуди орқали ўтган ва китъамизнинг асосий транспорт қон томири бўлган Буюк ипак йўли янги шароитда қайта тикланганининг ёркин намунасидир.

Бугун очиладиган ва янги Буюк ипак йўлининг марказига айланадиган бу кўприklar савдо-сотик ва ҳамкорликни ривожлантириш, нафақат Марказий Осиё, балки унинг ташқарисида ҳам тинчлик ва фаровонликни таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Шундай қувончли кунда, ҳурматли Гурбангули Маликгулиевич, Сизни ва қардош туркман халқини

ушбу буюк марра билан чин қалбимдан табриклайман.

Халқларимиз учун муҳим бўлган бундай объектлар Сизнинг шахсий ташаббусингиз билан бунёд этилганини яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз. Ушбу ноёб иншоотлар кўп асрлар халқларимиз манфаатига хизмат қилиши шубҳасиз. Улар Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги мустақкам дўстлик ва яхши қўшничиликнинг ёрқин тимсолига айланади.

Минтақада шундай йирик иншоотларнинг очилиши Туркменистонда Сизнинг раҳнамолигингизда темир йўл, автомобиль, денгиз ва ҳаво йўлини ўзида бирлаштирган ривожланган транспорт инфратузилмасини ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган улкан ишлар самарасидир.

Шунингдек, Сизни яқинда Туркменистон пойтахтида минтақадаги йирик халқаро аэропортлардан бири очилгани билан ҳам самимий табриклайман. Туркменистоннинг ушбу янги аэропортига Ўзбекистон самолётлари дастлабки парвозини амалга оширди ва бу бизни бир-биримизга янада яқинлаштирди.

Ўзбекистон дунёда биринчилардан бўлиб Сизнинг БМТ доирасида Марказий Осиёнинг транзит ва транспорт салоҳиятини ошириш, жумладан, ўтган йилнинг ноябрь ойида Ашхободда барқарор транспорт бўйича БМТнинг биринчи глобал конференциясини ўтказиш борасидаги халқаро ташаббусларингизни қўллаб-қувватлади.

Биз Туркманбоши шахрида денгиз бандаргоҳи, шунингдек, Ашхобод – Туркманбоши – Туркманобод халқаро автомобиль йўли қурилиши якунланишини катта умид билан кутмоқдамиз.

Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши Туркманистон ва умуман, бутун Марказий Осиёнинг транзит салоҳиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаради.

Ўзбекистонда ҳам транспорт коридорлари минтақавий тармоғининг муҳим қисми бўлган йўл инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Фарғона водийсининг баланд тоғли ҳудудида ва Қамчиқ довони орқали ўтган 19 километрлик ноёб туннелни ўз ичига олган Ангрен – Поп темир йўл магистрали қисқа муддатларда барпо этилганини таъкидлаш ўринлидир. Бу Ўзбекистоннинг ягона темир йўл транспорти тизимини шакллантиришни якунлаш ва Марказий Осиё минтақаси билан Хитойни қисқа йўл орқали боғлайдиган транзит коридорини ташкил қилиш учун янги истикболларни очиш имконини берди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз мамлакатларимизнинг жаҳон бозори билан алоқаларини ривожлантириш учун янада кенг имкониятлар очиши, инвестициялар оқимини кўпайтириши, иқтисодий тараққиёт учун қулай шароит яратиши ва пировард натижада халқларимиз фаровонлигини юксалтиришига ишонаман.

Мухтарам Гурбангули Маликгулиевич!

Қадрли дўстлар!

Туркман ва ўзбек халқлари азалдан Амударёнинг икки қиргоғида ёнма-ён, аҳил-иноқ яшаб келган, хурсандчиликда ҳам, ташвишли кунларда ҳам бири-бирига елкадош бўлган.

Халқларимиз бу заминда яратган юксак цивилизация умуминсоний маданий қадриятлар хазинасига улкан ҳисса қўшган.

Ҳурматли Гурбангули Маликгулиевич, Сизга ўзаро манфаатли Ўзбекистон – Туркменистон ҳамкорлигини, вақт синовидан ўтган мустаҳкам дўстлигимизни янада мустаҳкамлашга қўшаётган улкан ҳиссангиз учун яна бир бор самимий миннатдорлик билдираман.

Сиз ва дўст туркман халқига бахт-саодат, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Мухтарам Гурбангули Маликгулиевич, Сизнинг оқилона раҳнамолигингизда мустақил Туркменистон янги ва ёрқин муваффақиятларга эришишига ишончим комил.

Туркменистон ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланаверсин.

Соғ-саломат бўлинглар!

Оллоҳ сизга ёр бўлсин!

Барчангизга катта раҳмат!

*Туркманобод – Фороб кўприklarининг  
очирилишига бағишланган маросимдаги нутқ,  
2017 йил 7 март*

## «МАХТУМҚУЛИ – СЎЗЛАР ТИЛИ ТУРКМАННИНГ...»

Ўзбек халқи азалдан кўз-қошдек яқин, қондош ва жондош туркман халқига, унинг адабиёти ва маданиятига юксак эҳтиром билан қараб келади. Туркман адабиётининг улкан намояндалари бўлмиш Озодий, Андалиб, Камина, Залилий, Муллонафас, Сайидий сингари атоқли шоирларнинг номлари юртимизда маълум ва машҳурдир. Улар орасида буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғийнинг ижоди, ҳеч шубҳасиз, алоҳида ажралиб туради.

Бекиёс сўз санъаткори Махтумқули Фироғий нафақат туркман халқига, айти пайтда бутун Марказий Осиё халқлари, хусусан, ўзбек халқига ҳам бирдек азиз ва қадрли сиймодир. Махтумқулининг бирор шеърини билмайдиган ўзбек, юртимизда унинг китоблари, кўшиқлари кириб бормаган бирор хонадон йўқ, десак, янглишмаган бўламиз.

Бугунги кунда дунё маданиятини туркман адабиётининг мумтоз намояндаси Махтумқулининг боқий шеърятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шоирнинг ўз халқи қалбини, унинг орзу-интилишлари ва дарду аламларини теран бадиият билан қуйлаган асарларини маърифий дунё аҳли яхши билади.

Дарҳақиқат, Туркменистон Президенти мухтарам Гурбангули Бердимухамедов таъкидлаганидек:

**«Махтумқули адабий мероси миллийлик чегараларидан чиқиб, жаҳон сўз санъатининг беқиёс дурдоналарига, инсоният тафаккурининг бебаҳо хазинасига айланди. Шоир асарларини ўқиб бугунги кунда биргина туркман халқи эмас, балки бутун инсоният ўзининг маънавий ташналигини қондирмоқда».**

Махтумқули ўз элининг турли синов ва машаққатларга мардона бардош бериб, миллий ўзлигига доимо содиқ қолганини юксак пардаларда тараннум этди. Биз туркман халқига хос бўлган азму шижоат, мардлик ва жасорат, дўстга садоқат каби олижаноб фазилатларни айнан Махтумқули шеърлари орқали янада чуқур англаб етамиз. Шу маънода, кимки туркман халқининг қалбини, юрагини билмоқчи бўлса, аввало Махтумқулини ўқиши керак, десак, айти ҳақиқат бўлади. Ўз вақтида **«Махтумқули – сўзлар тили туркманнинг»** дея фахрланиб ёзган буюк шоир ва мутафаккир ўзининг ўлмас ижоди билан инсониятни эзгулик ва яхшиликка чорлашда давом этмоқда.

Махтумқули асрлар мобайнида ўзбекнинг ўз шоирига айланиб кетган, десак, хато бўлмайди. Унинг шеърлари ўзининг чуқур маъноси, халқона руҳи туфайли бахши ва ҳофизларимиз, шоирларимизга илҳом бериб, ҳамиша давраларда янграб келади.

Эл-юртимизнинг бирор тўй-тантанаси Махтумқули кўшиқларисиз ўтмайди. Айниқса, санъаткорларимиз томонидан Махтумқули шеърлари билан ижро этиладиган «Айрилма», «Ошиқ бўлмишам», «Айрилдим», «Намасан?», «Ёққанча бўлмас», «Кўринг» сингари ўнлаб кўшиқларни каттаю кичик барча мухлислар севиб тинглайди.

Улуғ шоир қаламига мансуб «Бой бўлай деб, иззатингдан айрилма», «Таълим берган устозингдан айрилма», «Юз йил яшаб, тушсанг ажал қўлига, Ўнгингдан чапингга боққанча бўлмас», «Ҳар йигитнинг аслин билай десангиз, Даврада ўтириб-туришин кўринг» сингари ҳикматли сатрлари халқона мақолга айланиб кетган.

Махтумқулининг Хивадаги Шерғозихон мадрасасида таҳсил олгани, Алишер Навоийдек буюк санъаткорни ўзига устоз деб билгани халқларимиз ўртасидаги абадий дўстликнинг ажойиб намунасидир. Таъкидлаш жоизки, Махтумқулининг отаси, шоир Давлатмамат Озодий ҳам ўз вақтида Хивада таҳсил олган эди. Махтумқули Хивада жуда кўп хонадонларда бўлиб, туз тотган, устозлар, дўст-ёрлар орттирган, у ерда кечирган йилларини миннатдорлик билан эслаб, гўзал шеърлар битганини ўзбек китобхонлари яхши биладилар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг фаол саъй-ҳаракатлари билан мустақил давлатларимиз ўртасида дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларига мустаҳкам замин яратилди. Бу борада гуманитар-маданий соҳалардаги муносабатларимиз изчил ривожланиб бораётгани айниқса эътиборлидир. Бу ҳақда гапирганда, Хива шаҳрида буюк туркман шоири Махтумқули Фироғий ҳайкали бунёд этилганини қайд этиш лозим. Ушбу мухташам ёдгорлик бугунги кунда икки халқ дўстлигининг, тарихимиз

ва маданиятларимиз муштараклигининг тимсоли сифатида кад ростлаб турибди.

Махтумкулининг шеърлари Ўзбекистонда илк бор ўзбек тилида 1958 йили «Танланган асарлар» номи билан босилиб чиққан ва халқимизга ғоят манзур бўлган эди. Агар улуг туркман шоирининг она тилимизда нашр этилган барча китобларининг умумий сонини ҳисоблайдиган бўлсак, қарийб 1 миллион нусхадан ортиқни ташкил этади. Биргина кейинги ўн йилда юртимизда Махтумкулининг ўнга яқин китоблари атоқли ўзбек ижодкорлари томонидан юксак маҳорат билан таржима қилиниб, маънавий ҳазинамиздан муносиб ўрин олди.

Шу маънода, таниқли туркман адиби Ораз Яғмурнинг «Махтумкулинома» (бу китоб ҳам ўзбек тилида чоп этилган) номли роман-тадқиқотида: **«Шу ўринда яна бир ҳақиқатни ҳам тан олиш лозим: дунёда Махтумқули асарлари энг кўп нашр қилинадиган хорижий мамлакат бу – Ўзбекистондир»**, деб таъкидлангани, айниқса эътиборга моликдир.

Бугун биз мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш билан бирга, жамиятимизда китобхонлик маданиятини юксалтириш, шу жумладан, миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини нашр этиш масалаларига алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз. Бу борада кўзга тутилган режаларимизда, ҳеч шубҳасиз, атоқли шоир Махтумқули Фироғий асарларини чоп этиш муҳим ўрин эгаллайди. Сиз, азиз ўқувчиларга тақдим этилаётган ушбу муҳташам китоб ҳам ана шу эзгу ишларимизнинг амалий натижасидир.



Айни пайтда Туркменистонда ҳам ўзбек адабиёти ва маданиятига доимий эътибор қаратилаётгани бизни мамнун этади. Қардош мамлакатнинг турли худудларида ўзбек санъаткорлари иштирокида дўстлик фестиваллари, маданият ва санъат кунлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Туркменистон нашрларида, жумладан, «Дунё адабиёти» журналида юртимиз адибларининг асарларидан намуналар чоп этилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон ва Туркменистон ҳамкорлигининг сифат жиҳатидан янги босқичи бошланмоқда. Биз мухтарам Гурбангули Маликгулиевич билан давлатларимиз ўртасида нафақат савдо-иқтисодий, айни пайтда маданий-маърифий соҳалардаги алоқаларимизни ҳам янада ривожлантириш бўйича фаол иш олиб бормоқдамиз ва бу йўлда барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 189 мингга яқин туркман миллатига мансуб ватандошларимиз истикомат қилмоқда. Туркман тилида фаолият олиб борадиган 44 та мактабда 8 мингдан ортиқ болаларимиз таълим олмоқда. Улар туркман тилидаги дарслик ва ўқув қўлланмалари билан тўла таъминланмоқда. Ушбу дарсликларни яратиш учун «Ўзбекистон» нашриётида «Туркман тили» бўлими ташкил этилган. Қорақалпоқ давлат университети ва Тўрткўл педагогика коллежида туркман тилидаги мактаблар учун педагог кадрлар тайёрланмоқда.

Айни вақтда фаол иш олиб бораётган Республика туркман маданий маркази Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги туркман миллий маданий марказларини бирлаштириб турибди.

Албатта, икки халқ ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик муносабатларини янада мустаҳкамлашда адабий алоқаларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Ўйлаймизки, ўзбек ва туркман халқларининг юрагида безавол яшаб келаётган Махтумқули Фироғий асарларининг китобхонларимизга тақдим этилаётган мазкур янги нашри бу йўлда яна бир муҳим кадам бўлади.

Ушбу китоб ўзбек халқининг нафақат забардаст сўз санъаткорига, айни пайтда унинг сиймосида қардош Туркменистон халқига, унинг бой маданияти ва тарихига ҳурмати ва ёруғ келажагига бўлган ишончининг ёрқин намунаси дир.

*Махтумқулининг ўзбек тилида нашр  
этилган китобига ёзилган сўзбоши.  
2017 йил 7 март*

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Она диёримизга барчамиз орзиқиб кутган гўзал ва дилбар фасл – Наврўзи олам кириб келмоқда.

Ана шу улуғ айём билан каттаю кичик барча юртдошларимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Шарқона янги йил бошланаётган мана шу мунаввар лаҳзаларда ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга бахт ва омад, кут-барака тилайман.

Қадрли дўстлар!

Яшариш ва янгиланиш айёми бўлган Наврўзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, ғоят ардоқли байрамдир.

Юртимиз яшил либосга бурканган мана шу бетакрор кунларда кўп миллатли халқимиз дала ва қирлар, майдон ва хиёбонларда шоду хуррамлик билан Наврўз байрамини нишонламоқда.

Бу йилги Наврўз байрами барча шаҳар ва қишлоқларимизда умумхалқ сайиллари тарзида ўтаётгани унга ўзгача файз ва тароват бағишламоқда.

Эл-юртимизнинг табиатга, она заминга меҳру муҳаббати, ўзаро ахиллик ва ҳамжихатлиги «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»нинг ғоя ва мақсадлари билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб бораётгани ҳаммамизни қувонтирмоқда.

Ватандошларимиз бир-бирини кутлаб, дошко-зонларда сумалаклар пишириб, дастурхонларга баҳор неъматларини тортиб, ўйин-кулгилар қилмоқда, шу ёруғ кунлар учун шукроналар айтмоқда.

Ўзаро меҳр-оқибат, саховат ва мурувват, табаррук кексаларимизни зиёрат қилиш, ногиронлар, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, хашарлар ўтказиб, юртимизни янада обод қилиш каби савобли одатларимиз ҳар қачонгидан ҳам ёркин намоён бўлмоқда.

Наврўз – бу, аввало, меҳнат байрами, деҳқончилик байрамидир.

Бугун катта орзу-умидлар билан янги мавсумни бошлаётган фидойи деҳқон ва фермерларимизни барчамиз чин дилдан қутлаймиз. Йилимиз қутлуг келсин, ҳосилимиз мўл бўлсин, деб уларга энг эзгу тилакларимизни билдирамиз.

Наврўз – умумбашарий аҳамиятга эга байрам. Унинг моҳиятида мужассам бўлган гуманистик ғоялар, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ер юзидаги барча пок ниятли инсонлар учун бирдек тушунарли ва қадрлидир.

Шу сабабли Наврўз мустақиллик йилларида Ватанимизда истиқомат қилаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари учун том маънода суюкли байрамга айланди.

Айни пайтда Наврўзи олам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан эътироф этилиб, жаҳон миқёсида кенг нишонланиб келаётгани барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Бугун биз пойтахтимизнинг гўзал боғлари, хиё-  
бонларида хорижий дипломатик корпус вакиллари,  
дўстларимиз ва ҳамкорларимиз билан ўз қувончи-  
мизни баҳам кўрмоқдамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барча узоқ ва яқин  
давлатларнинг халқларига самимий кутловларимизни  
йўллаб, уларга тинчлик, равнак ва фаровонлик  
тилаймиз.

Азиз ва мухтарам ватандошларим!

Барчангизни кириб келаётган Наврўз айёми билан  
яна бир бор чин дилдан табриклаб, энг олижаноб,  
самимий тилакларимни билдиришга ижозат бергай-  
сиз.

Наврўз ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга, бутун  
юртимизга тинчлик-омонлик, қувонч ва бахт олиб  
келсин!

Эзгу орзу-ниятларимиз ушалсин, Ватанимиз янада  
обод ва фаровон бўлсин!

Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, халқимиз  
омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

*Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
2017 йил 20 март*

## **ЎЗБЕКИСТОН – ҚОЗОҒИСТОН: АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ**

Нурсултон Абишевич!

Қадрли дўстлар! Хонимлар ва жаноблар!

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Абишевич Назарбоевга, қозоғистонлик дўстларимиз ва шерикларимизга қардош Қозоғистон заминиде бизга кўрсатилаётган юксак эҳтиром ва самимий меҳмондўстлик учун чин қалбимдан миннатдорлик билдираман ва чуқур ҳурматимни изҳор этаман.

Учрашувимиз Наврўз байрами кунлари бўлиб ўтаётганида чуқур рамзий маъно бор.

Наврўз, мухтарам Нурсултон Абишевич, Сиз ўз чиқишларингизда таъкидлаганингиздек, нафақат шарқона Янги йил бошланиши, балки бирдамлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-саховат ва бағрикенглик, дўстлик ва қардошлик байрамидир.

Қозоғистон Республикасига бу галги давлат ташрифи биз учун Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларини жадал ривожлантириш ва тубдан кенгайтириш борасидаги ўзаро хайрли ва қатъий интилишимиздан далолат беради ҳамда уларни янги амалий мазмун-моҳият билан бойитади.

Қозоғистон ва унинг етакчиси, жаҳон миқёсидаги буюк давлат ва сиёсат арбоби, муҳтарам Нурсултон Абишевични ҳамиша Ўзбекистоннинг вақт ва ҳаёт синовидан ўтган ишончли дўсти деб билганмиз ва шундай деб биламиз.

Ўзбек халқида «**Кўшнинг тинч – сен тинч**» деган пурмаъно мақол бор.

Бизнинг муштарак тарихий меросимизни ажратиб бўлмаганидек, мамлакатларимиз ва халқларимизнинг бугунги куни ва келажagini ҳам айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Биз ҳар доим бир-биримизга яқин бўлганмиз ва бундан кейин ҳам бир-биримизга керак бўламиз.

Шу муносабат билан Самарқандда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов билан видолашув маросимида «**Қозоғистон ҳар доим Ўзбекистон ва унинг халқини қўллаб-қувватлайди. Биргаликда қувониб, оғир дамларни ҳам биргаликда бошдан кечирамиз**», деган сўзларингизни яхши эслаймиз ва ҳеч қачон унутмаймиз.

Ушбу самимий сўзлар қалбимизни тўлқинлантириб юборди ва муносабатларимизни янада мустаҳкамлади.

Хурматли Нурсултон Абишевич!

Қадрли дўстлар!

Қозоғистон Президентининг оқилона раҳбарлигида изчил ва самарали амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, модернизация сиёсати, мамлакатни барқарор ва мутаносиб ривожлантириш бўйича

пухта ўйланган чора-тадбирлар тизими дунё микёсида кенг эътироф этилмоқда.

Жаҳон майдонида Қозоғистоннинг юксак обрў-эътибори, аввало, ўз халқининг тан олинган раҳнамоси, ҳурматли Нурсултон Абишевичнинг номи, унинг нафақат минтақа, балки бутун ер юзида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга доир тарихий ташаббуслари билан боғлиқ.

Шуни яна бир бор алоҳида таъкидламоқчиман: Ўзбекистон ҳамisha Қозоғистоннинг ишончли шериги ва дўсти бўлган ва шундай бўлиб қолади. Биз Қозоғистон эришаётган муваффақиятларни Ўзбекистоннинг ютуқлари, деб биламиз.

Буюк аждодларимиз ҳам шундай юксак маънавий принципларга сўзсиз риоя этишга чақирганлар.

Буюк шоир ва мутафаккир Абайнинг куйидаги умрбоқий сўзлари бугунги интилишларимиз билан ҳамоҳанг экани билан таҳсинга сазовордир: **«Эзгулик, раҳмдиллик, ўзингга раво кўрганни бошқаларга ҳам раво кўриш — мана, ҳақиқий қалб қандай бўлиши керак. Чинакам шерюрак, қозоқча айтганда, «журекли» одамлар шундай бўлади».**

Айнан шу боис халқларимиз бугунги учрашув ва музокараларимизни баланд руҳ билан қарши олмоқда, нафақат Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг узок муддатли серкирра муносабатлари истикболи, балки бутун минтақамизда барқарорлик ва изчил ривожланиш шу учрашув ва музокаралар якунига боғлиқ эканини улар яхши англайди.

Мустақил Ўзбекистон эришаётган барча муваффақиятларга кўп миллатли юртимизда тинч-тотув



яшаб келаётган козоқ миллатига мансуб юз минглаб фуқароларимиз ҳам салмоқли ҳисса қўшаётгани бизни гоят қувонтиради. Уларнинг орасида Ўзбекистон парламенти ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайланганлар, турли даражадаги раҳбарлар ҳам кўп.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг козоқ миллатига мансуб 600 дан зиёд фуқароси юксак давлат мукофоти ва унвонларига сазовор бўлгани ҳам уларнинг мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб, халқимиз орасида ҳурмат қозониб, кенг эътироф этиб келинаётганининг тасдиғидир.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун ишонч руҳида бўлиб ўтган амалий музокара-лардан тўлиқ қониқиш ҳосил қилганимни, минтақавий ва халқаро муносабатларга доир муҳим масалалар юзасидан узоқ муддатли манфаатлар ва позицияларимиз ҳамоҳанг эканини таъкидлашни истардим.

Биз Ўзбекистон билан Қозогистоннинг ўзаро интилиши кучайиб, муносабатларимиз янада жадал тус олаётгани, янада мазмунли бўлаётганини яна бир бор тасдиқладик.

Бошқача айтганда, савдо-иқтисодий ҳамкорлигимиз кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Бугун имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ва қардош халқларимиз фаровонлиги ва манфаати йўлида ҳамкорлигимизнинг ҳали ишга солинмаган улкан салоҳиятини амалга ошириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини ҳамиша ҳар томонлама мустаҳкамлаш тарафдори бўлиб келаётган мухтарам Нурсултон Абишевичга алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман.

Шу ўринда козоқ халқининг қуйидаги мақолини келтирмоқчиман:

**«Достық бар жерде табыс бар», яъни, «Дўстлик бор жойда муваффақият бор».**

Президент Нурсултон Абишевич Назарбоев соғомон бўлсинлар!

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик янада мустаҳкамлансин!

Қардош халқларимизнинг равнаки ва фаровонлиги зиёда бўлсин!

*Қозоғистон Республикасига давлат таширifi чоғидаги қабул маросимида сўзланган нутқ.*

*2017 йил 22 март,*

*Остона*

## ТАРИХИМИЗ ВА МАНФААТЛАРИМИЗ МУШТАРАК

Мухтарам Владимир Владимирович!

Ҳурматли дўстлар!

Россия заминида бизни самимий кутиб олганингиз ва кўрсатилаётган меҳмондўстлик учун чин дилдан миннатдорлик изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Ҳурматли Владимир Владимирович, Ўзбекистон ва Ўзбекистон халқи номига билдирган самимий сўзларингиз учун чин юракдан ташаккур айтаман.

Россия биз учун ҳаёт синовларидан ўтган ишончли стратегик шерик ва иттифоқчи бўлиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Биз тарихимиз муштараклигини, манфаатларимиз, маънавий ва маърифий илдизларимиз бирлигини ҳеч қачон унутмаймиз.

Таникли олим, академик Дмитрий Сергеевич Лихачёв айтганидек, **«Хотира – виждон ва маънавият, маданият негизидир. Хотирани асраб-авайлаш эса ўзимиз ва келажак авлодлар олдидаги маънавий бурчимиздир».**

Россия бугунги кунда ишонч ва қатъият билан изчил тараққий этаётгани, унинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ортиб бораётгани бизни қувонтиради. Ҳеч шубҳасиз, бу – Россия Федерацияси Президенти мухтарам Владимир Владимировичнинг узоқни кўзлаб юритаётган прагматик сиёсати натижасидир.

Ўзбекистон халқи буюк рус халқини, унинг бой тарихи, санъати, анъана ва қадриятлари, рус характерига хос бағрикенгликни чуқур ҳурмат қилишини алоҳида таъкидлашни истардим.

Бугунги кунда саховатли Ўзбекистон заминида қарийб 1 миллион этник руслар истиқомат қилиб, фидокорона меҳнати билан ўз Ватани деб биладиган Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ишончим комил, бу галги ташриф мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида Ўзбекистон билан Россиянинг стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Россия Федерацияси Президенти Владимир Владимирович Путинга мустаҳкам соғлик тилаймиз!**

**Халқларимиз фаровонлиги янада юксалсин!  
Барчангизга соғлик-омонлик тилайман!**

*Россия Федерациясига давлат ташрифи  
чоғидаги қабул маросимида сўзланган нутқ.*

*2017 йил 5 апрель.*

*Москва*

## ТИНЧЛИК, ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Мухтарам хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, сизларни – хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари раҳбарларини Ўзбекистонда масъулиятли ва шарафли вазифангизни адо этишга расман киришганингиз билан самимий кутлайман.

Барчангизга чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни, эзгу тилақларимни билдириб, сизлар вакиллари бўлган давлатлар ва халқларга тинчлик-осойишталик, раванк ва фаровонлик тилайман.

Биз сизларнинг мамлакатларингиз билан сиёсий мулоқотни янги босқичга кўтариш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш тарафдоримиз. Сизларни ишонтириб айтмоқчиман: бу борадаги фаолиятингиз амалий натижалар бериши учун Ўзбекистон раҳбарияти, қонунчилик ҳокимияти, мамлакатимиз ҳукумати барча зарур ёрдам ва кўмакни аямайди.

Ҳурматли элчилар!

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб пухта ўйланган ташқи сиёсатни изчил амалга ошириб келмоқда. Унинг замирида ўзбек халқининг кўп асрлик тарихи ва маданияти, анъана ва қадриятлари, эзгу орзу-интилиш ва манфаатлари мужассамдир.

Ўзбекистоннинг ташки сиёсати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида мустаҳкамлаб қўйилган асосий ҳуқуқий тамойилларга ва Конституциямизга, биз ўз зиммамизга олган халқаро мажбуриятларга тўлиқ мос ҳолда амалга оширилмоқда.

Биз бундан буён ҳам ўз ташки сиёсатимизни олиб боришда Ўзбекистон Республикасининг Ташки сиёсний фаолият концепциясида белгиланган стратегик вазифалар ва устувор йўналишларга таянамиз.

Биз ўзимиз танлаган, тинчликпарварликка асосланган, юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат тинч, сиёсий воситалар билан ҳал этишга қаратилган йўлга доимо содикмиз.

Ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блоklarга қўшилмаслик, бошқа давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектларнинг Ўзбекистон ҳудудида жойлашувига, ҳарбийларимизнинг чет эллардаги операцияларда иштирок этишига йўл қўймаслик давлатимизнинг катъий сиёсий позицияси бўлиб қолади.

Ташки сиёсат соҳасидаги барча ҳамкорларимизга нисбатан очиклик ва хайрихоҳлик руҳида, прагматик сиёсат олиб борамиз.

Мухтарам хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон дунёдаги барча давлатлар, аввало, қўшни мамлакатлар билан яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади.

Бизнинг халқимизда «**Ён қўшни – жон қўшни**», «**Қўшнинг тинч – сен тинч**» деган ажойиб мақоллар бор. Булар тарих тажрибасидан келиб чиқиб, неча

минг йиллик яхши кўшничилик муносабатларини инобатга олиб айтилган буюк ҳикматли сўзлардир.

Биз Қирғиз Республикаси билан ўзаро манфаатли алоқаларимизни янги босқичга кўтаришни муҳим вазифа деб биламиз. Халқларимиз ўртасидаги замонлар синовидан ўтган қардошлиқ ришталари ўзаро ҳурмат ва дўстона муносабатлар, муштарак маданий қадриятлар орқали узвий боғланиб кетган.

Қирғизистон Президенти ҳурматли Алмазбек Шаршенович Атамбаев билан Самарқанд шаҳрида ўтказган музокараларимиз икки томонлама ҳамкорлик соҳасида янги саҳифа очганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Биз Қирғизистон билан ўзаро ҳурмат, бир-биримизнинг манфаатларимизни тан олиш асосида ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ тарзда янада самарали ҳамкорлик қилишга тайёр эканимизни билдирамиз. Ва бугун мамлакатимизда ўз фаолиятини бошлаётган ҳурматли элчи Данияр Батирович Сидиқов жанобларига муваффақият тилаймиз.

Биз Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида қарор топган самарали муносабатларни юксак кадрлаймиз. Бунинг мустаҳкам ҳуқуқий негизини Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ташкил этади. Шу ҳужжат асосида кўп қиррали муносабатларимизнинг таъсирчан механизмлари – Ҳамкорлик кенгаши ва кўмитаси, Парламентлараро ҳамкорлик кўмитаси ва бошқа тузилмалар фаолият кўрсатмоқда.

Ўйлайманки, «Европа Иттифоки – Марказий Осиё» форматдаги вазирларнинг навбатдаги учрашувининг шу йил кузда Ўзбекистонда ўтказилиши ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ўтган йили **Тўқимачилик соҳасидаги битимнинг** Европа парламенти томонидан тасдиқлангани савдо-иктисодиёт соҳасидаги ҳамкорлигимизни янада кучайтириш учун янги истиқболлар очмоқда.

Биз Ўзбекистон ва Европа Иттифоки ўртасидаги шериклик муносабатларининг кенг кўламли инвестиция дастури доирасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича фаол иш олиб бораёмиз.

Европа Иттифокининг элчиси этиб тайинланган хурматли Эдуардс Стипрайс жанобларининг Ўзбекистондаги фаолияти ҳар томонлама самарали бўлишига тилакдошмиз.

Биз жаҳондаги етакчи давлатлардан бири бўлган Франция билан кенг кўламли алоқаларимиз изчил ривожланиб бораётганидан мамнунмиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси сифатида Франция Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш бўйича ташаббусимизни қўллаб-қувватлаганини юқори баҳолаймиз.

Давлатларимиз ўртасида фаол сиёсий мулоқот олиб борилмоқда. Шу йил март ойида Ўзбекистон ташки ишлар вазири Парижга ташриф буюрди. Апрель ойида эса Франция ташки ишлар вазири жаноб Жан Марк Эро Тошкентда қабул қилинди.



Етакчи Франция компанияларининг мамлакатимиз иктисодиётидаги иштирокини, шунингдек, икки томонлама савдо ҳажми ўсиб бораётганини алоҳида қайд этиш зарур. Ўзбекистонда Франция тараққиёт агентлигининг тузилмаси иш бошлади.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик алоқаларимизнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Фуқароларимиз, аввало, ёшларимиз француз тилини пухта ўрганишида «Француз альянси»нинг мамлакатимиздаги фаолиятини қўллаб-қувватлаймиз.

Давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун муҳтарам элчи Виолен де Вильмор хонимлари муносиб ҳисса қўшади, деб ишонамиз.

Европа Иттифоқининг яна бир йирик аъзоси Италия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бормоқда. Жумладан, парламентларимиз ўртасида яқин ва самарали ҳамкорлик йўлга қўйилгани эътиборга сазовордир.

Савдо, иктисодиёт ва саноат соҳасидаги ҳамкорлик ҳамда экспорт кредитлари бўйича Ўзбекистон – Италия ҳукуматлараро ишчи гуруҳининг шу йил Рим шаҳрида бўлган навбатдаги йиғилиши икки томонлама савдо-сотик ҳажмининг ўсиши, иктисодиётимизда Италия сармоялари ортиши учун қулай шарт-шароит яратади.

2009 йилда Тошкент шаҳрида очилган Турин политехника университети қисқа муддатда Ўзбекистон ёшлари ҳавас билан интиладиган олий ўқув юртиларидан бирига айланди. Иктисодиётнинг реал секторидаги талабни инобатга олган ҳолда, биз

жорий йилда мазкур университет учун қабул квоталарини ошириш масаласини кўриб чиқмоқдамиз.

Биз элчи этиб тайинланган хурматли Андреа Бертоцци жанобларининг фаолиятига муваффақиятлар тилаймиз.

Биз Шарқий Европадаги анъанавий ҳамкорларимиздан бири бўлган Чехия Республикаси билан дўстона муносабатларимизни юксак кадрлаймиз.

2015 йилда Чехия Сенати раиси М.Штех, шу йил февраль ойида Депутатлар палатаси раиси Я.Гамачек бошчилигидаги делегациялар мамлакатимизда бўлди. Биз турли даражадаги, жумладан, олий мақомдаги ташрифларни амалга оширишдан манфаатдормиз.

Савдо, инвестиция ва туризм соҳаларида ҳали ишга солинмаган катта имкониятлардан келгусида давлатларимиз равнақи, халқларимиз фаровонлиги йўлида кенг фойдаланамиз, деган умиддамиз.

Шу борада Чехия Республикасининг элчиси, хурматли Ярослав Сиро жаноблари билан биргаликда самарали фаолият олиб борамиз, деб ишонамиз.

Япония бизнинг ташқи сиёсатимизда алоҳида ўрин тутадиган стратегик ҳамкоримиздир.

Японияни нафакат дунёдаги иктисодий ривожланган давлат, балки глобал муаммоларни ҳал этишда тобора сезиларли роль ўйнаётган қудратли мамлакат, деб биламиз.

Япония Бош вазири Синдзо Абэ Жаноби Олийларининг 2015 йил октябрда Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи кўп қиррали ҳамкорлигимизни стратегик шериклик руҳида ривожлантириш йўлида янги қадам бўлди.

Биз япониялик дўстларимиз томонидан кўрсатилаётган кенг кўламли амалий ёрдам учун миннатдормиз.

Япония билан инвестициявий ва молиявий-техник ҳамкорликни янада кенгайтириш, юқори технологиялар, транспорт инфратузилмаси, коммуникация, машинасозлик каби истикболли тармоқлар бўйича лойиҳа ва дастурларни биргаликда амалга оширишга тайёرمىз.

Тошкент давлат техника университети қошида ташкил этиладиган Ўзбекистон – Япония ёшлар инновация марказининг ишга туширилишига катта қизиқиш билан қараямиз.

Мазкур марказ саноат тармоқларига энг илгор инновацион ғоя ва технологияларни кенг татбиқ этиш, соҳа ривожини янги босқичга кўтаришда катта аҳамиятга эга бўлади.

Ҳурматли элчи Нобуаки Ито жанобларининг фаолиятига омадлар тилаймиз.

Биз нафақат минтақада, балки араб ва мусулмон оламида катта обрў-эътиборга эга Миср Араб Республикаси билан анъанавий дўстона ҳамкорликни янги босқичга кўтаришдан манфаатдормиз.

Миср Араб Республикаси билан парламентлараро мулоқот ва ташқи ишлар вазирликлари ўртасида сиёсий алоқаларни янада ривожлантириш тарафдоримиз. Иқтисодий алоқаларимизни жадаллаштириш мақсадида Ҳукуматлараро қўшма комиссия фаолиятини кучайтириш зарур.

Шуни таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон ва Миср халқларини кўп асрлик ришталар, муқаддас ислом дини, муштарак маданий қадриятлар боғлаб туради.

Нил дарёсида сув ҳажмини ўлчайдиган ноёб қурилма – ниломер ускунасининг асосчиси, буюк ватандошимиз Аҳмад Фарғонийнинг бой илмий мероси билан халқларимиз бирдек фахрланади.

Аллома бобомизнинг Қоҳира шаҳрида барпо этилган муаззам ҳайкали тимсолида биз Миср халқининг ўзбек халқига бўлган юксак ҳурмат-эҳтироми ифодасини кўрамыз.

Биз Мисрнинг юртимиздаги элчиси этиб тайинланган Амани аль-Этр хонимларига ўзининг шарафли ва масъулиятли вазифасини адо этишда катта ютуқлар тилаймиз.

Биз учун яқин дўст ва иқтисодий шерик бўлган Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олганини ҳеч қачон унутмаймиз.

Туркия Президенти Р.Т.Эрдоған Жаноби Олийлари билан Самарқандда бўлиб ўтган музокараларимиз давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш жараёнини бошлаб берди.

Биз икки томонлама келишувларни амалга ошириш бўйича барча соҳаларни қамраб олган Амалий ҳаракатлар режасини, яъни ўзига хос «йўл харитаси»ни қабул қилдик.

Ўзаро савдо ҳажмини кўпайтириш ва истикболли инвестиция лойиҳаларни амалга оширишда Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолиятига алоҳида эътибор қаратамиз.

Яқинда Ўзбекистон ҳукумат делегациясининг Туркияга ташрифи чоғида савдо ва сармоявий, туризм, транспорт коммуникациялари, логистика ва бошқа соҳаларда эришилган келишувлар ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Биз Туркия Ташки ишлар вазири жаноб Мевлют Човуш ўғлининг яқинда Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи доирасида ана шу масалаларни батафсил муҳокама қилдик.

Бугун Туркиянинг мамлакатимизда иш бошлаётган элчиси ҳурматли Аҳмет Башар Шен жанобларига муваффақият ва ютуқлар ёр бўлишини тилаймиз.

Саудия Арабистони Подшоҳлиги билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Макка ва Мадина каби муборак шаҳарлар жойлашган, бутун ислом уммати учун азиз бўлган ушбу табаррук маконни асраб-авайлаб келаётган Икки муқаддас масжид ходими, Подшоҳ Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд Аъло Ҳазратларига ва Подшоҳлик ҳукуматига самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

Шунингдек, сўнгги йилларда ҳаж амалини адо этишни истаётган фуқароларимиз сони ортиб бораётганини инобатга олиб, 2017 йилда ҳаж зиёратига борувчилар сонини икки минг нафарга оширишга қарор қилганимизни таъкидламоқчиман.

Саудия Арабистони билан халқаро ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама алоқаларни, хусусан, Ислом ҳамкорлик ташкилоти билан ўзаро муносабатларни юқори баҳолаймиз. Ўзбекистон ҳозирги вақтда ушбу ташкилотнинг Ташки ишлар вазирлари кенгашига раислик қилмоқда.

Мамлакатимиз Саудия Арабистони билан ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли муносабатларни савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий соҳаларда янада фаоллаштириш тарафдоридир.

Бугун мамлакатимизда ўз фаолиятини бошлаётган Саудия Арабистони Подшоҳлигининг элчиси ҳурматли Ҳишом Мишал Ал-Сувейлим жанобларига сихат-саломатлик, шарафли лавозимда муваффақиятлар ёр бўлишини Оллоҳдан сўраб қоламан.

Мухтарам элчилар!

Маълумки, ҳар бир дипломатик ваколатхона раҳбарининг вақти жуда тигиз бўлади, буни барчамиз яхши биламиз.

Шунга қарамасдан, мен сизларга фурсат топиб, Ўзбекистоннинг бетакрор шаҳар ва қишлоқларига боришни, халқимиз ҳаётида юз бераётган улкан ўзгаришлар билан бевосита танишишни тавсия этган бўлардим.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши каби қадимий шаҳарларимиз, Қорақалпоғистон, Фарғона водийси ва бошқа минтақаларимизга ташриф буюриш орқали сизлар ўзингиз учун янги бир олам кашф этасиз.

Ўзбек халқининг бой маданияти, ноёб тарихи ва меҳмондўстлиги ҳақида янада кенгрок тасаввурга эга бўласиз, деб ўйлайман.

Бугунги учрашувимиздан фойдаланиб, ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш мақсадида бир таклифни билдирмоқчиман.

Сизларнинг мамлакатимиздаги фаолиятингизни самарали ташкил этиш учун хорижий давлатлар элчиларининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва ҳукумати аъзолари билан, биринчи навбатда, ташқи ишлар вазири билан доимий учрашув ва мулоқотларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бу тадбирларда Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги элчилари ҳам иштирок этиши лозим.

Ўйлайманки, бундай учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни атрофлича муҳокама қилиш ва ўз вақтида зарур қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Хурматли элчилар!

Сизларни мамлакатимизда юксак дипломатик лавозимда иш бошлаётганингиз билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ ва омадлар тилайман.

Сизларнинг куч-ғайратингиз, фаол саъй-харакатингиз билан мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар янги босқичга кўтарилиб, халқларимизнинг бахту саодати йўлида хизмат қилади.

Хуш келибсиз Ўзбекистонга, хуш келибсиз биз-  
нинг гўзал юртимизга!

Эътиборингиз учун ташаккур.

*Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасига  
янги тайинланган элчиларидан ишонч ёрлиқларини қабул  
қилиб олиш маросимидаги нутқ.*

*2017 йил 2 май*



## **БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ МУҚАДДАС ХОТИРАСИ ВА ЖАСОРАТИ ОЛДИДА БОШ ЭГАМИЗ**

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам фахрийлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Аввало, барчангизни 9 май – Хотира ва кадрлаш куни билан, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк Ғалабанинг 72 йиллиги билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Сиз, азизларга ва сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Барчамизга маълумки, Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислоом Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуси билан 9 май санасини юртимизда Хотира ва кадрлаш куни сифатида кенг нишонлаш яхши анъанага айланиб қолди.

Мана шу улуғ айём кунида ҳаммамиз энг аввало уруш майдонларидан қайтмаган минг-минглаб юртдошларимизнинг муқаддас хотираси олдида бош эгиб, уларнинг руҳи покларига ҳурмат бажо келтирамиз.

Айни вақтда жанг майдонларида мардлик ва жасорат кўрсатган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, бугун орамизда соғ-саломат бўлиб юрган муҳтарам фахрийларимизга таъзим қиламиз. Ҳозирги

тинч-осойишта ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз учун уларга чексиз миннатдорлик билдирамиз.

Ҳеч шубҳасиз, бу даҳшатли уруш, бутун инсоният қатори, бизнинг халқимизга ҳам мислсиз қулфат ва йўқотишлар олиб келди.

Иккинчи жаҳон урушида юзлаб юртдошларимиз Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, минглаб оталаримиз, боболаримиз жанговар орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Халқимиз фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, уруш майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озик-овқат маҳсулотлари етказиб берди.

Ўта оғир ва машаққатли йилларда халқимизнинг инсонпарварлик ва бағрикенглик фазилатлари яққол намоён бўлди. Эл-юртимиз мамлакатнинг уруш бўлаётган ғарбий ҳудудларидан эвакуация қилинган турли миллатга мансуб 1 миллионга яқин болалар, аёллар ва кексаларга бошпана бериб, бир бурда нонини улар билан баҳам кўрди.

Ўзбекистонга кўчириб келтирилган заводларда кексалар, аёллар, ўсмир болалар туну кун машаққатли меҳнат қилгани – ҳақиқий фидойилик, қаҳрамонлик намунаси, десак, асло хато бўлмайди.

Бундай мисоллар Буюк ғалаба биз учун нақадар қимматга тушгани, халқимиз дунёни фашизм балосидан ҳалос этишга қандай катта ҳисса қўшганини яққол кўрсатади.

Тарихнинг ана шундай бешафқат ва суронли синовларидан ёруғ юз билан, ҳар томонлама муносиб

ўтган халқимизга ҳар қанча таъзим қилсак, ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Сиз, муҳтарам фахрийларимизнинг урушдан кейинги огир тикланиш йилларида қандай буюк хизмат қилганингизни халқимиз асло унутмайди. Сизларнинг мардлик ва матонатингиз, меҳнат жасоратингиз бугунги ва келгуси авлодлар учун ҳамиша ибрат намунаси бўлиб қолади.

Азиз дўстлар!

Шу кунларда одамларимиз юртимизда, барча вилоят ва туманларда барпо этилган Хотира майдонларига келиб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўймоқда. Урушда ҳалок бўлган ўз яқинлари, ота-боболари хотирасини ёд этмоқда. Бугунги ёруғ кунларга етиб келган табаррук кексаларимиз, уруш ва меҳнат фахрийларини зиёрат қилиб, уларнинг дуосини олмоқда.

Буюк ғалабанинг 72 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда, барча шаҳар ва кишлоқларимизда кўплаб тадбирлар, уруш қатнашчилари билан учрашувлар, хотира маросимлари ўтказилмоқда.

Айни пайтда ҳаммамиз яхши тушунамизки, барчамизни тарбиялаб, вояга етказган, ҳаёт йўлларида бизга таянч ва суянч бўлган сиздек табаррук инсонлар олдида биз доимо қарздормиз. Шунинг учун ҳам ҳурматли нуронийларимизга эътибор ва гамхўрликни янада кучайтириш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жумладан, пенсияларини ошириш, тиббий хизмат ва ижтимоий-маиший таъминотини яхшилаш, ёлғиз қария ва ногиронларга давлат кў-

магини кучайтириш бундан кейин ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Бу масала қаерда, қайси лавозимда ишламасин, юртимиздаги ҳар бир инсон, айниқса, раҳбарлар фаолиятида ҳамиша биринчи ўринда туриши, уларнинг нафақат вазифаси, балки инсоний бурчига айланиши керак.

Азиз дўстлар, мўътабар оталаримиз, меҳрибон оналаримиз бошимиздаги тожи давлатимиз эканини ҳеч қачон унутмайлик. Бу ганимат, кўз очиб юмгунча ўтиб кетадиган ҳаётда уларни қанча кадрлаб, имкон қадар умрларини узайтиришга қанча ҳаракат қилсак, икки дунёда асло кам бўлмаёмиз.

Агарки мендан, дунёдаги қайси оила энг бахтли, деб сўрашса, ҳеч иккиланмасдан, кексалари бош бўлиб, иззат-ҳурматда ҳаёт кечираётган оила, деб жавоб берган бўлардим.

Дорогие ветераны!

Уважаемые гости!

Я рад сегодня встретиться с вами, сердечно поздравить вас и в вашем лице весь народ Узбекистана со знаменательной датой – Днем памяти и почестей, 72-й годовщиной Победы над фашизмом во Второй мировой войне и выразить вам свое искреннее уважение и самые добрые пожелания.

В этот день мы прежде всего отдаем дань памяти тем, кто не вернулся с войны, и всегда будем помнить их славные имена, гордиться их поистине великим подвигом во имя мира на земле.

Сегодня мы обращаемся со словами огромной благодарности к вам, наши дорогие ветераны, проявившим подлинное мужество, отвагу и героизм на полях сражений минувшей войны, и тем, кто своим самоотверженным, неустанным трудом приближал победу в тылу.

Низкий поклон вам от имени всего нашего народа за сегодняшнюю мирную, спокойную жизнь, чистое небо над Родиной, беззаботное детство наших детей и внуков.

В каждом доме в Узбекистане помнят о том, как дорого обошлась нам победа над фашизмом, какой большой вклад внес в нее наш народ. Сотни узбекистанцев были удостоены звания Героя Советского Союза, тысячи награждены боевыми орденами и медалями.

Мы с гордостью вспоминаем тех, кто в годы войны день и ночь трудился в тылу и, отказывая себе практически во всем, поставлял на фронт необходимые военную технику и боеприпасы, обмундирование, лекарства и продовольствие.

Благородство, великодушие и гуманизм нашего народа ярко проявились и в том, что Узбекистан принял около 1 миллиона человек, эвакуированных из районов, где шли бои. Прежде всего – детей, женщин, стариков, с которыми здесь делились кровом и последним куском хлеба, согревали теплом своих сердец, добротой и щедростью души.

Те суровые военные годы еще раз подтвердили, насколько велики духовная сила нашего народа, его мужество и стойкость в преодолении тяжелей-

ших испытаний. Именно на таких примерах проявления лучших человеческих качеств, присущих нашему народу, в духе уважения национальных и общечеловеческих ценностей мы должны воспитывать сегодня молодое поколение страны.

Дорогие ветераны!

Как вам известно, в нашей стране по инициативе Первого Президента Узбекистана Ислама Абдуганисвича Каримова стало доброй традицией отмечать 9 мая как День памяти и почестей.

Посвященные этой знаменательной дате мероприятия проводятся в эти дни не только в столице, но и во всех областях и районах. Люди чтят память погибших на Второй мировой войне соотечественников, возлагая цветы к подножию монументов на площадях Памяти. Мы все проявляем большое уважение и внимание к живущим рядом ветеранам войны и труда, людям старшего поколения, обеспечившим нынешнее благополучие и процветание Родины.

Вместе с тем все мы, сколько бы ни прошло лет или десятилетий, всегда будем чувствовать себя в долгу перед вами, дорогие наши ветераны. Поэтому делаем все от нас зависящее, чтобы окружить вас еще большей заботой, сделать вашу жизнь еще более содержательной.

Среди таких принимаемых нами мер, в частности, – повышение размеров пенсий, улучшение социального обеспечения, медицинского обслуживания, условий жизни и быта наших ветеранов и старшего поколения

в целом. Усилена помощь, оказываемая государством одиноким пожилым людям, инвалидам, всем, кто нуждается в особой поддержке.

Хочу вас заверить, что и впредь этот важнейший вопрос будет находиться в центре внимания нашего государства и общества. Это не только наша служебная обязанность, но и высший человеческий долг.

Еще раз от всей души поздравляю вас с сегодняшним праздником. Желаю всем вам здоровья, долгих лет жизни и семейного благополучия.

Хурматли анжуман иштирокчилари,

Мана шу қутлуғ байрам кунларида бутун халқимиз бундай даҳшатли уруш энди ҳеч қачон қайтмасин, деб чин дилдан ният қилмоқда. Бугунги тинч ва осойишта, фаровон ҳаёт учун шукрона билдирмоқда.

Дунёда турли карама-қаршиликлар кескинлашиб, терроризм, экстремизм хавфи кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда тинчлик деган бебаҳо неъматнинг кадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Биз «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак», деган даъватнинг моҳиятини чуқур англаган холда, тинчлик учун ҳар биримиз масъул эканимизни унутмасдан, доимо хушёр ва огоҳ бўлиб яшашимиз керак.

Бизнинг қабул қилаётган барча қонун ва қарорларимиз, режа ва дастурларимиз – бу мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўладими, давлат ҳокимия-

ти ва бошқарув тизими, ҳуқуқ-тартибот, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия соҳалари фаолиятини такомиллаштириш бўладими, Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини ошириш бўладими – буларнинг барчаси ана шундай эзғу мақсадларга қаратилганини, ўйлайманки, сизлар яхши тушунасиз.

Бугунги қутлуғ айёмда ота-боболаримизнинг шонли анъаналарини муносиб давом эттириб, Ватан ҳимояси йўлида ўзини аямасдан, фидокорона хизмат қилаётган мард ва жасур аскарларимизга, офицер ва генералларимизга халқимиз номидан, ўз номидан самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги даврамизда иштирок этаётган дипломатик корпус вакилларига, барча чет эллик меҳмонларимизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдириб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик-омонлик ҳамда равнақ тилайман.

Азиз ва мухтарам юртдошлар!

Барчангизни 9 май – Хотира ва кадрлаш куни билан яна 'бир бор қутлаб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

*9 май – Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган  
қабул маросимидаги нутқ.*

*2017 йил 9 май*



## **ХИТОЙНИНГ БУГУНГИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА КЕЛАЖАК МАҚСАДЛАРИ ҲАҚИДАГИ МУКАММАЛ МАЖМУА**

Ўзбекистон ва Хитой давлатлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари қадимий тарихга эга бўлиб, унинг илдизлари олис ўтмишда Шарк ва Ғарбни ўзаро боғлаган Буюк ипак йўли замонларига бориб туташиди. Мамлакатларимиз халқлари асрлар давомида савдо, илму фан ва гуманитар соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб, маданият, урф-одат ва анъаналаримиз доимо бир-бирини бойитиб келгани ҳақида тарихий манбаларда кўплаб мисоллар мавжуд.

Бугунги кунда Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистоннинг яқин ва ишончли ҳамкоридир. Кўпқиррали ва икки томонлама манфаатли алоқаларимиз анъанавий дўстлик, бир-бирини яхши тушуниш ва ҳурмат руҳида ривожланиб бормоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида тузилган Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин жаноби олийларининг 2016 йил июнь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида имзоланган Кўшма баёнот ўзаро муносабатларимизни ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига олиб чиққанини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Биз аҳолиси 1 миллиард 300 миллион кишини ташкил этадиган Хитойдек улкан мамлакатнинг стратегик ҳамкори бўлиш юксак шараф, айти вақтда катта масъулият эканини чуқур ҳис қиламиз.

Дўстона алоқаларимизнинг сифат жиҳатидан бундай юксак даражага кўтарилишида, ҳеч шубҳасиз, Хитой раҳбари Си Цзиньпин жаноби олийларининг ташаббус ва хизматлари муҳим аҳамиятга эгадир. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўтган қарийб 26 йил давомида ўзаро узоқ муддатли самарали ҳамкорлик шаклланиб, давлатлар ва ҳукуматлараро ташрифлар мунтазамлик касб этди ва барқарор ривожланиб бормоқда.

Биз Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасидаги энг йирик дастурларимизни Хитой изчил қўллаб-қувватлаётгани, мамлакатимизда саноат, энергетика, транспорт, телекоммуникация, кишлок хўжалиги ва бошқа соҳаларда хитой инвестициялари иштирокида амалга оширилаётган юқори технологик лойиҳаларнинг аҳамиятини юксак баҳолаймиз.

Хитой Халқ Республикасида давримизнинг кўзга кўринган, жаҳон миқёсида улкан обрў-эътиборга эга бўлган атоқли давлат ва сиёсат арбоби Си Цзиньпин раҳбарлигида олиб борилаётган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, вазмин ички ва ташқи сиёсат йўли бутун дунёда, жумладан, бизнинг юртимизда ҳам катта кизиқиш ва эътибор уйғотмоқда.

Ана шу сиёсат, замонавий Хитой давлатида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг туб моҳияти, асосий принцип ва йўналишларини англаб етишда Си Цзиньпиннинг «Давлат бошқаруви тўғрисида» деб номланган ушбу китоби ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Хитой раҳбари, мухтарам Си Цзиньпин жаноби олийларининг расмий чиқишлари, суҳбат ва маърузалари, интервьюлари ўрин олган мазкур китобда Хитой Халқ Республикасининг бугунги таракқиёт манзараси, «хитой орзуси»ни рўёбга чиқариш борасидаги келажак мақсадлари ҳамда бундай юксак марраларга эришиш йўллари атрофлича ёритиб берилгани тўплам билан танишадиган ҳар бир ўқувчида унутилмас таассурот қолдириши шубҳасиздир.

Улкан давлат арбобига хос бўлган теран сиёсий тафаккур, бугун дунёда юз бераётган мураккаб глобал жараёнларнинг чуқур таҳлили билан йўғрилган бу сермазмун китобни шахсан мен жуда катта кизиқиш билан ўқиб чиқдим ва уни ўзбек китобхонларига тақдим этиш шарафига муяссар бўлганимдан бахтиёрман.

Бугунги кунда ўзининг барқарор ва юксак ўсиш суръатлари билан дунё ҳамжамиятини қойил қолдираётган, тарихан қисқа даврда жаҳон иқтисодиётининг локомотивларидан бирига айланган Хитой давлати раҳбари Си Цзиньпин жаноби олийларининг мана шундай кенг қамровли ва салмоқли китобини она тилимизда ўқиш имкониятига эга

бўлаётгани билан мамлакатимиз китобхонларини, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклайман.

Ушбу китоб шиддатли глобаллашув асрида давлат ва жамиятни оқилона бошқариш, бозор иктисодиётини, миллий ўзига хослик тамойилларини сақлаган ҳолда, изчил ривожлантириш, аҳолининг манфаат ва эҳтиёжларини тўлақонли таъминлаш борасида бизнинг раҳбар ва мутахассисларимиз, олий ўқув юртлари, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари учун муҳим назарий манба, амалий қўлланма вазифасини бажаради.

Ишончим комил, Си Цзиньпиннинг «Давлат бошқаруви тўғрисида» китоби Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги азалий дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга, халқларимизни ўзаро янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

*Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг  
«Давлат бошқаруви тўғрисида» китобининг  
ўзбек тилидаги нашрига ёзилган сўзбоши.  
2017 йил 5 май*

## **«БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ» – МАНФААТЛАРИМИЗ МУШТАРАК**

Мухтарам жаноб Си Цзиньпин!

Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, Хитой Халқ Республикаси раҳбариятига «Бир макон, бир йўл» халқаро форумида иштирок этишга таклиф қилгани учун ташаккур билдираман.

Бундай нуфузли тадбирнинг ўтказилиши Сиз, жаноб Раис илгари сурган «Бир макон, бир йўл» концепциясига қизиқиш катта эканидан далолатдир.

Мазкур ташаббусга бўлган талаб глобал молиявий-иқтисодий инқироз ва жаҳон иқтисодиёти бир маромда ривожланмаётган, хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидлар кучайиб бораётган бир шароитда умумий манфаатларимизни бирлаштириш эҳтиёжи билан боғлиқдир.

Бизнингча, «Бир макон, бир йўл» концепцияси мамлакатларимизнинг ўзаро кенг ҳамкорлигининг янада самарали механизмларига асосланган, янги халқаро ҳамкорлик моделидир.

Хитой ана шу жараёнларнинг ҳаракатга келтирувчи кучи эканини таъкидлаш лозим.

Хитой давлати раҳбари Си Цзиньпин форумнинг очилиш маросимидаги дастурий маъруза-

сида мамлакатларимиз ҳамкорлигини кенгайтириш учун йирик инфратузилма, инвестиция ва савдо лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол мулоқот ва кенг кўламли шериклик муҳимлигини таъкидлади. Бу концепцияни амалга оширишда бепоён ҳудуди орқали муҳим халқаро ва минтақавий транзит-транспорт коридорлари ўтган Россия Федерацияси ҳам муҳим роль ўйнашини таъкидлаш зарур.

Ҳурматли форум қатнашчилари!

Икки ярим минг йил муқаддам буюк Хитой файласуфи ва мутафаккири Лао Цзи «Дунёда ҳамма нарса ўсади, гуллади ва ўз илдизларига қайтади», деб айтган экан. Бу диалектик ҳақиқат нақадар тўғри эканини вақтнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг «Бир макон, бир йўл» концепциясининг ажралмас қисми бўлган «Ипак йўли иқтисодий йўналиши»ни ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси, бизнесча, нафақат тарихий руҳ билан бойитилган, балки узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган кенг камровли ташаббусни ифода этади.

Белгиланган мақсадларга эришиш учун умумий саъй-ҳаракатларимиз қуйидаги муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозим, деб ҳисоблайман:

**Биринчидан**, «Бир макон, бир йўл» концепциясини минтақавий тараққиётга оид аниқ дастур ва лойиҳалар билан бойитиш керак.

Табиий захиралар, ишлаб чиқариш ва инсон ресурсларига бой минтақамизда транспорт, савдо, инвестиция, энергетика ва юқори технологиялар соҳаларида йирик лойиҳалар амалга оширилишини кутиб қоламиз.

**Иккинчидан**, Марказий Осиёни Хитой ва Россия орқали Жанубий, Жануби-шарқий Осиё ва Европа давлатлари билан боғлайдиган транспорт-логистика йўналишларини ташкил этишда Ҳамкорлик бўйича комплекс ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш лозим.

Бизнингча, «Бир макон, бир йўл» транспорт коридорининг кенг тармоғига Покистон ва Эроннинг Ҳинд океанидаги бандаргоҳларига чиқадиган Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон – Афғонистон темир йўл магистралини бирлаштириш мумкин.

«Ипак йўли иқтисодий йўналиши»га Афғонистон худуди орқали ўтадиган йўналишларни ҳам киритиш ушбу мамлакатни халқаро ва минтақавий жараёнларга фаол жалб этишни таъминлашга, Афғонистон иқтисодиётини тезроқ қайта тиклаш имконини беришига ишонаман.

**Учинчидан**, транспорт-коммуникация коридорини ривожлантириш билан бирга, аввало, юқори технологиялар соҳасидаги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга эътибор қаратиш зарур.

«Ипак йўли иқтисодий йўналиши» бўйича интеграциялашган саноат технопарклари, илмий-инновацион кластерлар ва эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ҳам устувор йўналишимизга айланиши даркор.

Шу мақсадда бундай лойиҳаларни илгари суришнинг самарали механизмларини биргаликда ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

**Тўртинчидан**, «Ипак йўли иқтисодий йўналиши» ташаббусини самарали амалга ошириш учун, бизнингча, «макон ва йўллар» концепциясидан жой оладиган ҳамкорлик бўйича дастур ва лойиҳаларни қабул қилиш мақсадида минтақалараро даражада бизнес ҳамжамиятлар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқотни ҳар томонлама рағбатлантириш зарур.

**Бешинчидан**, «Ипак йўли иқтисодий йўналиши» ташаббусининг амалга оширилиши нафақат иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, балки маданий-гуманитар алоқаларимизни мустаҳкамлаш, мавжуд улкан сайёҳлик салоҳиятидан фаол фойдаланишга қаратилиши лозим.

Биз қайта тиклаётган Буюк ипак йўлида Самарқанд, Бухоро, Хива каби бир неча минг йиллик тарих ва бой маданиятга эга бўлган шаҳарлар жойлашган.

Ҳурматли Форум иштирокчилари!

Си Цзиньпиннинг мазкур форумни ўтказиш ҳақидаги ташаббуси «Бир макон, бир йўл» доирасида ўзаро фикр алмашиш ва ҳамкорлик қилиш мақсадида мунтазам фаолият юритадиган мулоқот майдонини шакллантириш имконини беришига ишонамиз.

Ер шари аҳолисининг 60 фоиздан ортигини қамраб олган минтақага оид ушбу кенг кўламли лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида ягона тинчлик, фаро-



вонлик, тараққиёт, ҳамкорлик ва дўстлик маконини шакллантиришга хизмат қилишига ишончим комил.

Сўзимнинг якунида «Бир макон, бир йўл» форуми бепоён Евроосиё китъасида барқарор ривожланиш, янги иқтисодий тузилмани қарор топтириш мақсадида бугунги куннинг кўплаб муаммоларини самарали ва ўзаро манфаатли тарзда ҳал этиш йўллари ишлаб чиқишни бошлаб беришига ишончим комил эканини таъкидламоқчиман.

Ўзбекистон мазкур форум якунлари бўйича Қўшма баёнолда ифода этилган халқаро ҳамкорлик соҳасидаги мақсад ва принципларни қўллаб-қувватлайди.

Барча иштирокчилар фаолиятига муваффақият тилайман.

*Хитой Халқ Республикаси пойтахти  
Пекин шаҳрида бўлиб ўтган  
«Бир макон, бир йўл» халқаро форумида  
сўзланган нутқ.  
2017 йил 14-15 май*

## ОЗОД ВА ОБОД ВАТАННИНГ БАРКАМОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

Қадрли ўғил-қизларим!

Аввало, мана шу унутилмас ва ҳаяжонли дақиқаларда сиз, азиз фарзандларимизни, сизларга омад ва зафарлар тилаб турган мухтарам устоз-мураббийлар, ота-оналарни, барча спорт мухлис-ларини гўзал ва бетакрор Жиззах шаҳрида «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборак-бод этаман.

Сизларга яхши маълум, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохот ва ўзгаришлар, кенг кўламли дастурлар ягона ва улуг бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, халқимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилиш, фарзандларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялашдан иборат.

Бугун сизлар иштирок этаётган, юртимизда еттинчи бор ўтказилаётган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари шу йўлдаги саъй-ҳаракатларимизнинг яна бир амалий намоёни, десак, айти ҳақиқат бўлади.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, бу мусобақалар биринчи марта бундан 17 йил олдин айнан мана шу кутлуғ заминда – мард ва олижаноб инсонлар юрғи бўлган Жиззах вилоятида ўтказилган эди.

Ўтган даврда «кичик олимпиада» деган ном билан халқимиз ўртасида катта шуҳрат қозонган бу беллашувлар юзлаб, минглаб навқирон ўғил-қизларимиз учун чинакам чиникиш ва маҳорат мактаби, парвоз майдончаси бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ана шу спорт ўйинларида товланиб, ҳозирги кунда халқаро майдонларда Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келаётган Руслан Нурудинов, Ҳасанбой Дўстматов, Шаҳобиддин Зоиров, Нигина Шарипова, Фазлиддин Ғойибназаров, Шаҳрам Ғиёсов, Бектемир Мелиқўзиев, Барно Мирзаева, Умида Абдуллаева, Рустам Тўлаганов, Муроджон Аҳмадалиев, Гулноза Матниёзова, Ихтиёр Наврўзов, Элмурод Тасмурадов, Диёр Ўразбоев, Ришод Собиров каби машҳур спортчиларимизнинг номларини барчамиз хурмат ва ғурур билан тилга оламиз.

Энг муҳими, қанчадан-қанча ёшларимиз шу мусобақалар орқали спорт билан, соғлом турмуш тарзи билан ошно бўлганини ҳисобга оладиган бўлсак, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада ўйинларидан иборат уч босқичли тизимнинг моҳияти ва аҳамияти янада яққол аён бўлади.

Барчангиз хабардорсиз, 2016 йили Бразилияда бўлиб ўтган, ер юзининг энг кучли спортчилари катнашган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчилари 13 та медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 21-ўринни, Осиё

давлатлари орасида тўртинчи, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида иккинчи, Марказий Осиёда биринчи ўринни эгаллагани, ҳеч шубҳасиз, улкан тарихий воқеадир.

Ишончим комил, сизлар ана шундай марраларни забт этаётган моҳир ва фидойи спортчиларимиз изидан бориб, келгусида бундан ҳам катта натижаларга эришасиз.

Хурматли анжуман қатнашчилари!

Юртимиздаги 1500 дан зиёд лицей ва коллежлар вакиллари иштирок этадиган бугунги «Баркамол авлод» ўйинлари юксак савияда, ҳалоллик, мардлик ва адолат руҳида ўтишига, жўшқин ва кескин курашларга бой бўлишига, сизларнинг ҳар бирингиз галаба учун бор куч ва имкониятингизни сафарбар этишингизга, нафақат жисмоний, айтилиши вақтда халқимизга хос ноёб маънавий фазилатларни ҳам намоён қилишингизга ишонаман.

Кўпни қўрган, ҳаёт синовларида тобланган, не-не улуғ инсонлар, кураги ерга тегмаган паҳлавонлар юрти бўлган Жиззах аҳли, ушбу вилоятдаги тенгдошларингиз билан бўладиган самимий мулоқот ва учрашувлар барчангизнинг хотирангизда ўчмас из қолдиришига аминман.

Фурсатдан фойдаланиб, ёшлик ва нафосат байрами, маҳорат ва камолот кўриги бўлган бу мусобақаларни юқори савияда ўтказиш учун замонавий спорт иншоотлари, инфратузилма объектлари бунёд этган, бу йўлда сидкидилдан хизмат қилган барча фидойи инсонларга, бутун

Жиззах аҳлига ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Қадрли ўғил-қизларим!

Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аجدодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва ишонаман, Худо хоҳласа, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажағимиз ҳам бўлади.

Ана шундай ёруғ келажакни авваламбор сиздек азму шижоатли, жўшқин орзу-интилишлар билан ҳаётга кириб келаётган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган навқирон авлодимиз, бутун Ўзбекистон ёшлари барпо этади.

Шу эзгу йўлда барчангизга энг олий саодатни – халқимиз ва Ватанимизга ҳамиша муносиб фарзанд бўлиш бахтини тилайман.

Сизларни мамлакатимиз ҳаётидаги катта воқеа – «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг очилиши билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Доимо соғ-омон бўлинг, омад ва зафар сизларга ҳамиша ёр бўлсин!

*Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган  
«Баркамол авлод» спорт ўйинлари  
қатнашчиларига йўлланган табрик.  
2017 йил 25 май*

## **БАҒРИКЕНГЛИК, ТИНЧЛИК ВА ТОТУВЛИК САРИ МУҲИМ ҚАДАМ**

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

**Икки муқаддас масжид ходими  
Саудия Арабистони Подшоҳи  
Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд  
Аъло Ҳазратларига**

Ул Зотни Оллоҳ ўз паноҳида сакласин.

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуху,  
Аъло Ҳазратлари,

Авваламбор, Сизнинг ер юзидаги барча мўмин-мусулмонлар учун муқаддас бўлган гўзал юртингизга ташриф буюриш ва ташриф доирасида араб-мусулмон мамлакатлари ва Америка Қўшма Штатлари раҳбарларининг саммитида иштирок этишга шахсан таклифнома йўллаганингиз учун ўз миннатдорлигимни изҳор этиб, мазкур зиёратимиз натижаларидан чуқур қониқиш ҳосил қилганимизни қатъан мамнуният ила маълум қиламан.

Ташриф давомида Сиз, Аъло Ҳазратлари билан ўтказган бевосита мулоқотимиз мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янги босқичга

олиб чиқишига ва кўп киррали ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш йўлида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилишига ишонч билдираман.

Шубҳасиз, Ар-Риёда Сизнинг бевосита раҳнамолигингиз остида юксак савияда ташкил этилган мазкур анжуман экстремизм ва терроризмга қарши кураш, бағрикенглик, тинчлик ва тотувликда яшаш кадриятларини илгари суриш ҳамда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича ислом дунёси ва АҚШ ўртасида янги ва самарали шериклик ўрнатиш йўлида муҳим кадам бўлди, десак, муболаға бўлмайди.

Саудия Арабистонининг ташаббуси билан экстремистик мафкурага қарши курашиш бўйича «Мўътадиллик» халқаро марказининг Ар-Риёд шаҳрида очилиши саммит доирасида эришилган ёрқин натижалардан бири бўлиб, ҳеч шубҳасиз, келажакда вазминлик ва ижобий мулоқот тамойилларини мустаҳкам қарор топтириш имконини беради.

Фикримизча, саммит доирасида муҳокама қилинган масалалар 2016 йил 18-19 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташки ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси давомида Самарқанд шаҳрида муҳаддислар султони Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқотлар марказини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистоннинг ташаббуси билан уйғун ва ҳамохангдир.

Ушбу марказнинг асосий фаолияти жаҳон афкор оммасига муқаддас Ислом динимизнинг бағри-

кенглик ва инсонпарварлик ғояларини тараннум этиш, унинг тинчлик ва барқарорлик, динлар ва миллатлараро тотувлик тамойилларига асосланган дин эканлигини кенг тарғиб қилиш, мусулмон мамлакатларининг бирдамлигини мустаҳкамлаш, умумий ислом меросини асраб-авайлаш йўлида ҳамкорликни кучайтиришдан иборатдир.

Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқотлар марказини барпо этиш ва ислом цивилизацияси ривожини учун бекиёс хизмат қилган буюк аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросини ёш авлодга безавол етказишдек савобли ишда Саудия Арабистони ҳам ўзининг амалий ҳиссасини қўшади, деб умид билдирамыз.

Ар-Риёд ва Самарқанд шаҳарларида барпо этилажак ушбу янги марказларнинг мақсад ва вазифалари бир-бирига яқин эканлигини инобатга олиб, келажакда улар ҳамкорликда фаолият олиб боришларига ишонч билдирамыз. Жаҳолатга қарши маърифат ва таълимни кучайтириш орқали курашиш, шу асосда башарият фаровонлигини тарғиб қилиб, инсонларни эзгуликка даъват этиш йўлида бу марказлар муҳим аҳамият касб этишлари муқаррар. Муқаддас ислом динимиз бизга айнан шунини ўргатади ва, ўйлайманки, бундай ёндашув бугунги давр талаби бўлиб қолади.

Аминманки, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз натижасида ушбу йўналишдаги ҳамкорлигимиз келгусида мамлакатларимиз, халқларимиз ва бутун мусулмон уммати манфаатлари йўлида янги мазмун ва моҳият касб этади.



Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Аъло Ҳазратларига мустаҳкам соғлик ва бахт-саодат, дўст Саудия Арабистони халқига эса барқарор тараққиёт ва раванқ тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

*Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

*Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони  
Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд  
Аъло Ҳазратларига йўлланган мактуб.  
2017 йил 5 июнь*

## **ЎЗАРО ИШОНЧ, ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА ДЎСТЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ – ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА**

Мухтарам Нурсултон Абишевич!

Хурматли давлат раҳбарлари!

Мажлис иштирокчилари!

Аввало, шу залда ўтирган давлат раҳбарлари ва делегациялар раҳбарларига ўзимнинг чуқур хурматимни изҳор этаман, Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Абишевич Назарбоевга самимий меҳмондўстлик ва бугунги тадбир юксак савияда ташкил этилгани учун чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг бевакт вафоти муносабати билан бизни қўллаб-қувватлагани учун барча шерикларимизга миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз.

Ислом Абдуғаниевич Ташкилотимизнинг қарор топиши ва ривожланишига муносиб ҳисса қўшди.

Оғир вақтда биз билан бирга бўлганингизни кадрлаймиз.

Хурматли мажлис катнашчилари!

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти аъзо давлатларнинг минтақада тинчлик, хавфсизлик, фаровонлик ва

барқарор тараққиётни таъминлашга қаратилган нуфузли ҳамжамияти сифатида ташкил этилди.

Имкониятдан фойдаланиб, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири ҳурматли Нарендра Моди ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири ҳурматли Навоз Шарифни уларнинг мамлакатлари «ШХТ оиласи»га кўшилгани билан чин қалбимдан табриклайман.

Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТга аъзолиги серқирра ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш учун мутлақо янги имкониятлар яратишига ишонимиз.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Турли минтакаларда ҳамон давом этаётган қуролли тўқнашувлар, янги таҳдид ва хавф-хатарлар кўламининг кенгайиб бораётгани мамлакатларимиз хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан Афғонистондаги вазиятни тезроқ ҳал қилиш муаммосини кенг минтақамизда тинчлик ва хавфсизликнинг муҳим таркибий қисми сифатида кўриб чиқмоқдамиз.

Ўзбекистон Афғонистон халқи ва халқаро ҳамжамиятнинг ушбу мамлакатда тинч ҳаётни қайта тиклаш бўйича саъй-ҳаракатларини қатъий қўллаб-қувватлайди.

Қадрли дўстлар!

Фурсатдан фойдаланиб, Ташкилотимиз фаолияти самарадорлигини янада ошириш борасидаги долзарб масалаларга тўхталмоқчиман.

**Биринчидан,** бугун халқаро террорчи гуруҳлар ва бузғунчи кучлар ўз фаолиятида ахборот технологияларидан ёшларни ўзига бўйсундириш ва зўравонлик ғоясини тарқатишдек ёвуз мақсадларда фойдаланмоқда.

Шу боисдан ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ва тузилмага глобал ахборот маконида юзага келаётган хавф-хатарларни мониторинг қилиш ва уларга қарши туриш тизимини йўлга қўйиш бўйича ваколатлар беришни таклиф этамиз.

**Иккинчидан,** ёш авлодни турли террорчи ва радикал тузилмалар фаолиятига жалб қилишга йўл қўймаслик борасида биргаликдаги аниқ чоратadbирларни кучайтириш зарур.

Ёшларни ўқитиш, уларни маънавий ва ахлоқий тарбиялаш, уларнинг билим олиши ва ўзини ўзи камолга етказишга интилишини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Барчамизни яхшилик, тинчлик ва бағрикенгликка чорлайдиган муқаддас Ислом динининг ҳақиқий кадриятларини кенг тушунтиришга кўмаклашиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Шу мақсадда Самарқанд шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилоти кўмагида буюк муҳаддис, пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг энг ишончли ҳадислар тўплами, яъни муқаддас Қуръони каримдан кейинги ўринда турадиган китоб муаллифи Имом Бухорий номидаги халқаро илмий тадқиқотлар маркази ташкил этил-

моқда. Ушбу марказ фаолияти динлараро, миллатлараро ва маданиятлараро мулоқотга кўмаклашади, деб ўйлаймиз.

Шу билан бирга, ШХТ мамлакатлари дин уламолари ташкил этилаётган ушбу Марказ ишида фаол иштирок этишига умид қиламиз.

**Учинчидан,** Ўзбекистон ШХТга аъзо давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни изчил чуқурлаштириш тарафдори.

Хитойнинг «Бир макон, бир йўл» ташаббуси доирасида кенг кўламли лойиҳаларни ҳамкорликда амалга оширишга алоҳида аҳамият берамиз.

Айниқса, транспорт-коммуникация лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш борасида ҳамкорликни фаоллаштиришга муҳим эътибор қаратиш зарур.

ШХТ минтақасининг мавжуд улкан транзит салоҳиятини рўёбга чиқариш Ташкилотнинг муҳим устувор йўналишига айланиши даркор.

Бизнинг назаримизда, Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли қурилишини қанча тез бошласак, мамлакатларимизнинг жаҳон бозорига энг қисқа йўл билан чиқишига эришиш имкони шунча тез қўлга киритилган бўлур эди.

Минтақамиз транзит салоҳиятини самарали ривожлантиришга оид келишилган таклифларни ишлаб чиқиш учун ШХТга аъзо давлатларнинг **темир йўл соҳаси раҳбарларининг мунтазам учрашувларини йўлга қўйишни таклиф** этамиз.

ШХТга аъзо давлатлар ҳудудлари ва ишбилармон доиралари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар

Ўрнатилиши мамлакатларимиз иқтисодиётини юксалтириш ва халқларимиз ўртасида ҳамфикрликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан Россиянинг ШХТга аъзо давлатлар ҳудудлари раҳбарларининг форумини таъсис этиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаймиз.

**Тўртинчидан**, Илм-фан ва техника соҳасида ҳамкорликнинг истиқболга эга бўлган устувор йўналишлари рўйхатини ишлаб чиқиш, уларни молиялаштириш ва амалга ошириш механизмлари ҳақида ўйлаб кўриш мақсадга мувофиқдир.

Етакчи илмий-тадқиқот муассасаларининг куч ва имкониятларини, аввало, биотехнология, ген инженерияси, муқобил энергетика, жумладан, қуёш, шамол, биогаз ва кичик гидроэнергетика соҳаларида бирлаштириш муҳим йўналишлар сирасига киради.

Шунингдек, ШХТ давлатлари ва халқлари ўртасида ўзаро ишонч, яхши кўшничилик ва дўстликни янада мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблаймиз.

ШХТ марказлари – халқ дипломатиясининг доимий фаолият юритадиган институтларини таъсис этиш имкониятларини кўриб чиқишни таклиф этамиз. Бу марказларда мавзуга оид кўرғазмалар, конференция ва учрашувлар ҳамкорликда ўтказилиши халқларимиз ўртасидаги алоқалар ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш имкониятини беради.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Сўзимнинг якунида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти асосчиларидан бири сифатида Қозоғистон Президенти Нурсултон Абишевич Назарбоевга Остона саммитини муваффақиятли ташкил этишга кўшган шахсий ҳиссаси учун яна бир бор миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Нурсултон Абишевич, Сизни «ЭКСПО – 2017» кўргазмаси ўтказилиши муносабати билан ҳам самимий табриклаймиз ва бу борада муваффақиятлар тилаймиз.

Минтақамизда бундай кенг кўламли халқаро тадбир илк маротаба ўтказилмоқда.

Тадбирга пухта тайёргарлик кўриш, қисқа муддатда «яшил» технологиялар ёрдамида бунёд этилган замонавий инфратузилма Қозоғистон иқтисодиёти улкан салоҳиятга эга эканидан далолат беради.

Хитой Халқ Республикаси Раиси мухтарам Си Цзиньпинни кейинги даврда ШХТга раисликни қабул қилгани билан табриклайман ва ушбу масъулиятли вазифада унга улкан муваффақиятлар тилайман.

*Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтган  
Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари  
кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги  
мажлисида сўзланган нутқ.  
2017 йил 8-9 июнь*

## ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – БАРЧА ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИМИЗГА ЭРИШИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Авваламбор, сизлар билан бугун мана шундай самимий, ишчан бир вазиятда кўришиб турганимдан хурсанд эканимни билдирмоқчиман.

Бугунги учрашувимиздан асосий мақсад – мамлакатимизда суд тизимида олиб борилаётган ислохотлар хусусида, бу борадаги камчилик ва муаммолар тўғрисида, уларни ҳал этиш йўллари ҳақида атрофлича фикрлашиб, амалий вазифаларни белгилаб олишдан иборат.

Ҳаммамизга яхши маълум, суд – жамият ҳаётида қонун устуворлиги, адолат барқарорлигини таъминлайдиган муस्ताкил ҳокимият тармоғидир. Яна бир марта айтаман – муस्ताкил ҳокимият тармоғи.

Адолат халқимиз учун азал-азалдан тинч ва фаровон ҳаёт мезони, барча эзгуликлар манбаи бўлиб келган. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз «**Куч – адолатда**» деган ҳикматга амал қилиб, давлат бошқарувини ташкил қилиш, эл-юртнинг тинчлиги ва ободлигини таъминлашга эришгани тарихдан яхши аён.

Истиклол йилларида мамлакатимизда суд ҳокимияти муस्ताкиллигини таъминлаш, соҳанинг молдий-



техник базаси, кадрлар таркибини яхшилаш бўйича кўп ишлар қилинди.

Айни вақтда ҳаммамизга маълумки, бугунги кунда юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнлари янги, юксак босқичга кўтарилмоқда, бунга ҳаммангиз гувоҳсиз. Бинобарин, суд тизими фаолиятини танқидий қайта кўриб чиқиш, унинг натижадорлигини тубдан яхшилаш энг долзарб вазифага айланмоқда. Бунга ҳаётнинг ўзи мажбур қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини 2017 – 2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида суднинг чинакам мустақиллигини таъминлаш алоҳида устувор йўналиш этиб белгиланди. Бу борадаги муҳим вазифаларни амалга ошириш мақсадида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинганидан сизлар албатта хабардорсиз.

Аввало, Конституциямизнинг 7 та моддасига суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар билан боғлиқ принципал ўзгаришлар киритилганини таъкидлаш лозим.

Судьяликка номзодларни танлаш ва лавозимга тайинлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, юқори малакали судьялар корпусини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд ҳокимиятининг ягона олий органи сифатида давр талаблари асосида янгидан шакллантирилди. Бундан кўзланган асосий мақсад – фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда қонуний ва адолатли қарорлар чиқарилишини сўзсиз таъмин-

лайдиган ягона суд амалиётини шакллантиришдан иборатдир.

**Хурматли суд органлари ходимлари!**

Жамиятимизнинг барча соҳалари катори судлар фаолиятини ҳам чуқур таҳлил қилиб, ютукни – ютук, камчиликни – камчилик, деб айтмасак, ишимизга танкидий баҳо бермасак, мазкур тизимда тўпланиб қолган муаммо ва нуқсонларни бартараф этиш чораларини бугун кўрмасак, эртага кеч бўлади.

Ана шу ҳақиқатни ҳисобга олган ҳолда, аввало олдимизда турган энг муҳим масалаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

**Биринчидан,** бугун ҳаётнинг ўзи Конституция-мизда ифодасини топган энг асосий мақсад – инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлашни устувор вазифа қилиб қўймоқда. Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса, аввало одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-умидлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак.

Шу мақсадда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига ўтган давр мобайнида келиб тушган мурожаатларнинг қарийб 50 мингтасида бевосита судьялар фаолияти ва уларнинг қарорларидан норозилик баён қилинган.

Мурожаатларнинг қарийб 24 мингдан ортиғи фука-ролик ишлари бўйича, 11 мингдан зиёди эса жиноят ишлари бўйича судлар фаолиятига тааллуқли

экани бу идоралар фаолиятида жиддий камчиликлар борлигини кўрсатади.

**«Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин. лекин адолатсизликка чидай олмайди»** деган сўзларда қандай катта маъно борлигини барча судьялар яхши англаб олишлари керак. Судья – бу адолат посбони. Шунинг учун ҳам судьялар томонидан қабул қилинаётган ҳар бир қарорнинг қонуний ва адолатли бўлиши ҳақида чуқур ўйлашимиз зарур. Бу борада суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, одил судлов фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини сўзсиз таъминлаш лозим.

Савол туғилади: суд тизимидаги бугунги аҳвол бу талабларга жавоб берадими? Афсуски, йўқ. Мана шу сизларга берилган баҳо.

Айникса, амалдаги конунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган, суд ишларини кўриб чиқишда фақат суд тергови жараёнида атрофлича текширилган ва ўз тасдиғини топган далилларга асосланиш кераклиги ҳақидаги талаблар қоғозда қолиб кетаётгани ачинарлидир. Буни такрор ва такрор айтмоқчиман.

Энг ёмони, далилларга баҳо беришда уларнинг ишончли экани, қонуний йўл билан олингани ва ишга алоқадорлиги судларнинг эътиборидан мутлақо четда қолиб кетмоқда.

Айрим ҳолларда айбдорларни «ичкарига олиб кириб», турли номақбул усул ва тазйиқлар остида олинган кўрсатмалар айбловнинг асосий мазмунини ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, «ишларни назоратга олиш», «жазо тури ва муддатини олдиндан белгилаб бериш» каби ўта салбий ҳолатлар ҳанузгача давом этмоқда.

Энг ачинарлиси, барчамизнинг обрўйимизни туширадиган, қонуннинг кадр-қимматини бир пул қиладиган бундай яроқсиз амалиётга соҳада қагга тажрибага эга бўлган ходимлар, бутун судьялар ҳамжамияти бепарво қараб келмоқда. Бошқача айтганда, ҳамма томошабин. Мен бу гапларни афсус билан айтяпман.

Бир одамни судья қилиб қўямиз. Уч-тўрт ойда юриштириши ўзгаради.

Фуқаролар адолатни қарор топтириш умидида ойлаб, йиллаб сарсон-саргардон бўлиб, нажот излаб Президентга мурожаат қилмоқда. Шунинг ўзи судлар фаолиятига халқ томонидан берилаётган ҳолисона баҳо эмасми?

Бундай ҳолатларга қатъий чек қўйиш вақти келди.

Судьялар олий кенгаши судьяларнинг фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувга барҳам бериш, айбдор шахсларнинг муқаррар жавобгарлигини таъминлаш юзасидан бир ой муддатда таклиф киритсин.

Бош прокуратура, Олий суд далиллар ишончли, қонуний йўл билан олинган ва ишга алоқадор бўлишини, судьялар тили билан айтганда, далиллар мақбуллиги тамойилини амалда таъминлаш, айниқса, турли тазйиқлар остида олинган кўрсатмалардан далил сифатида фойдаланишга мутлақо чек қўйиш чораларини кўриши зарур. Бунинг

учун қисқа муддатда тегишли ҳуқуқий механизмлар яратиш ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш керак.

Иккинчидан, судьялар адолатни фақат ва фақат қонунга асосланган ҳолда рўёбга чиқаришлари шарт. Чунки, адолат қонун устуворлигида намоён бўлади.

Афсуски, ҳозирги вақтда бу борадаги аҳвол тубдан ижобий томонга ўзгаргани йўқ. Ҳолбуки, ўтган даврда судьяларнинг мустақил фаолият юритишини таъминлашга қаратилган кўп ишлар амалга оширилди. Судьяларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида уларнинг иш ҳақи бир неча баробар кўпайтирилди, соҳа вакиллари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинди, уй-жой масаласида улар учун қулайликлар яратилмоқда. Лекин, ана шундай эътибор ва ғамхўрликка муносиб фаолият кўрсатиш ўрнига, афсуски, судьялар орасида судья деган юксак номга нолайик шахслар учраб турибди.

Шу борада баъзи бир рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман. Охирги йилларда қарийб 50 нафар судья жиноий жавобгарликка тортилган. Жорий йилнинг ўтган даврида 6 нафар судья жиноятга қўл урган. Мисол учун, Андижон вилояти хўжалик суди раисининг ўринбосари Абдуллаев фуқаро Нуралиевдан 150 минг АҚШ доллари олаётган пайтда қўлга олинган.

Асосий вазифаси ва бурчи оқни – оққа, қорани – қорага ажратиш, адолатни ҳимоя қилишдан иборат

бўлган судья конунга, ўз касбига хиёнат қилса, одамлар додини кимга айтади? Адолат излаб қаерга боради?

Шунинг учун ҳам аҳоли ўз мурожаатларини Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонага, Президент девонига ва Олий Мажлисга юбормоқда. Улар ўз муаммолари судда ҳал қилинишига ишонмаяпти. Қанчалик аччиқ бўлмасин, бугун шу ҳақиқатни айтишга мажбурмиз.

**Учинчидан**, судьялик ўта масъулиятли ва шарафли касб эканини халқимиз яхши тушунади. Азал-азалдан эл-юртимиз ўртасида инсофли, диёнатли қозиларга, адолатни ҳимоя қилувчиларга ҳурмат-эътибор юкори бўлган. Бироқ бугунги кунда ана шундай ибратли анъаналар муносиб давом эттирилаётгани йўқ. Бундай деб айтишга тўлиқ асослар бор. Масалан, 2016 йилда ўз фаолиятида камчилик ва нуқсонларга йўл қўйгани, хизмат қоидаларини бузгани учун 117 нафар судья интизомий жавобгарликка тортилган.

Шу ўринда бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман. Юксак маънавий-ахлоқий савияга эга бўлмаган юрист кадрлар ҳеч қачон судья лавозимига тайинланмаслиги керак. **Адолат ва маънавият – ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди.**

Шундай экан, ҳақли савол туғилади: Олий суднинг собиқ раҳбарияти – раис Ш.Газиёв, унинг ўринбосарлари Ф.Абдуазимов, К.Тоғаев, Р.Обидов нима учун бу масалага панжа орасидан қараб келган?

Мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган бундай ҳолатни ижобий томонга ўзгартириш учун барчамиз, бутун

жамиятимиз бош қотириши зарур. Лекин, афсуски, бу борада аксарият раҳбарларда масъулиятни ҳис этиш, қатъият ва талабчанлик етишмаяпти.

Яна мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, одил судлов бўйича йўл қўйган хато ва камчиликлари учун 2016 йилда 129 нафар судьяга нисбатан хусусий ажримлар чиқарилганини қайд этишга тўғри келади. 2016 йилда бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 34 фоиздан зиёд, судьяларга нисбатан қўзғатилган интизомий ишлар сони эса қарийб 44 фоизга кўпайган.

Айниқса, фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё, Тошкент ва Андижон вилоятлари, жиноят ишлари бўйича Тошкент, Сирдарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри судларида судьялар томонидан қонунбузарлик содир этиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда.

**Тўртинчидан**, одил судловни амалга оширишда энг муҳим аҳамиятга эга бўлган адолат тамойилини бузиш билан боғлиқ салбий ҳолатларга ҳам, афсуски, чек қўйилмаяпти.

Айрим судьялар ўз бурчини виждонан бажариш ўрнига жойлардаги баъзи бир «каттаконлар», мансабдор шахслар билан муносабатни бузмаслик ҳақида кўпроқ ўйлаши, очигини айтганда, «ўйин» қилиб юриши ҳеч кимга сир эмас. Яқин-яқингача судлар томонидан оқлов ҳукмлари чиқарилмагани шундан далолат эмасми?

Аксарият ҳолларда айбсиз шахсларни оқлаш учун тўлиқ асослар бўлса-да, жиноят ишлари турли сохта баҳоналар билан қўшимча терговга қайтариб келинганини қандай тушуниш керак? Қайси давлатда, қайси жамиятда яшаяпмиз ўзи?

Мисол учун, жиноят ишлари бўйича Ширин шаҳар судининг судьяси Сувонқулов сохта айблар қўйилган, аслида айбсиз фуқаро Логановни 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилган. Сирдарё вилояти суди бегуноҳ фуқарони оқлаш ўрнига, масъулиятни ўзидан соқит қилиб, жиноят ишини қўшимча терговга юборган. Кейинчалик терговда жиноят иши тугатилган. Ҳолбуки, ушбу масалани қўшимча терговга юбормасдан, суднинг ўзида ҳал этиш мумкин эди.

2016 йилда 417 нафар шахсга нисбатан қўзгатилган жиноят ишлари аксарият ҳолларда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Тошкент, Наманган, Қашқадарё вилоятлари, Тошкент шаҳри судлари томонидан қўшимча терговга юборилган. Шу даврда 238 нафар шахсга нисбатан қўзгатилган жиноят ишлари юқори инстанция судлари томонидан қўшимча терговга қайтарилган.

Олий суд ва жойлардаги судларнинг раҳбарлари ана шу ишлар бўйича судьялар тергов органлари билан келишиб, ишни қўшимча терговга қайтариб юбормаганига кафолат бера оладими?

Мана, бир мисол. Фуқаро Расулов Янгийўл тумани суди томонидан фирибгарликда айбланиб, ноқонуний равишда жазога ҳукм қилинган. Ушбу фуқаро орадан 3 йил ўтиб, қанча мурожаатлардан сўнг, фақат Бош прокуратуранинг аралашуви билан оқланган.

Биз ана шундай нохуш, шармандали ҳолатларни бартараф этиш мақсадида қўшимча тергов институти бекор қилдик.



Мазкур қарорнинг аҳамияти шундан иборатки, энди тергов органлари жиноят ишларини ҳар томонлама холис ва пухта тергов қилишга мажбур бўлади. Ўз навбатида судлар ҳам ҳар бир иш юзасидан узил-кесил қарор қабул қилишга мажбур. Чунки бошқа йўли йўқ. Қайта тергов қанча маблағ, қанча вақт, қанча оворагарчиликларга сабаб бўлади. Энди буларнинг барчасига чек қўйилмоқда. Халқимиз «қайта тергов» балосидан қутулмоқда.

Суд фаолияти соҳасидаги камчиликлар ҳақида гапирганда, кўплаб юртдошларимизда ҳақли норозилик уйғотаётган яна бир ачинарли ҳолат ҳақида тўхталишимиз шарт, деб ўйлайман. Баъзи жойларда инсофсизлик шу даражага етганки, айрим судьялар айбсиз одамни айбдор, деб топиш учун пора талаб қилмоқда. Масалан, жиноят ишлари бўйича Ўртачирчиқ тумани судининг судьяси Юсупов фуқаро Калмурзаевга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш сохта ҳужжатлар асосида тузилганини билатуриб, ички ишлар ходимларига 1000 АҚШ доллари эвазига Калмурзаевни айбдор деб топиш ҳақида қарор чиқаришни ваъда қилган ва жорий йилнинг март ойида ана шу порани олаётган вақтида ушланган.

Бундай нохуш мисолларни Тошкент шаҳридаги суд идоралари бўйича ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Пойтахт судьялари томонидан сўнгги пайтда айбдорларга қонунда белгиланган жазога нисбатан енгил жазо тайинлаш ёки шартли ҳукм чиқариш одат тусини олмоқда.

Охирги уч йилда жазо тайинланган 18 мингдан ортик шахснинг 34 фоизига қонунда белгиланган жазога нисбатан енгил жазо ёки шартли жазо тайинланган. Қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, номусга тегиш каби оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича 6600 дан ортик ишнинг 1532 таси юзасидан ана шундай ёндашув қўлланган. Агар бу қарорлар қонуний бўлганида, ҳеч шубҳасиз, буни гуманизм, инсонпарварлик намунаси сифатида қўллаб-қувватлаш мумкин эди. Бироқ таҳлиллар бунинг мутлақо тесқарисини кўрсатмоқда.

Мисол учун, Сирғали тумани суди раиси Алимухамедов томонидан фуқаро Анваров ўта оғир жиноят содир этгани учун шартли равишда ҳукм қилинган. Ваҳоланки, у уюшган гуруҳ таркибида товламачилик жиноятини содир этган, шунинг учун 8 йил давомида қидирувда бўлган. Ишни кўриб чиққан судья эса унинг бу қилмишларига бемалол кўз юмган.

Прокурорлар протест келтириш йўли билан адолатсиз ҳукм чиқарилганини кўрсатиб берса-да, шаҳар судининг раиси пинагини ҳам бузмасдан, ҳукмни ўз кучида қолдирган. Фақат Бош прокуратура протести билан ҳукм бекор қилиниб, айбдорга 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Яна бир салбий ҳолат шундан иборатки, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция ва кассация тартибида туман судларининг хато ва камчиликларини тузатиш ўрнига қонуний ҳукмларни ноқонуний равишда бекор қилиш ёки ўзгартириш билан шуғулланиб келган.

Сўнги икки йил давомида фақатгина Тошкент шаҳар судлари томонидан 130 та жиноят иши бўйича енгил жазолар тайинлаш тўғрисида асоссиз ҳукмлар чиқарилган. Бу ҳукмлар юзасидан Бош прокуратура томонидан киритилган протестлар асосида бугунги кунга қадар 93 та ноқонуний суд ҳукми бекор қилинган.

Албатта, биз Тошкент шаҳрида суд органлари фаолиятида вужудга келган оғир аҳволни ижобий томонга ўзгартириш учун зарур чораларни кўрдик – шаҳар суди раиси Абдужаббаровни муддатидан олдин лавозимидан озод этишга мажбур бўлдик. Ҳозир у ўз қилмишлари учун тергов органлари олдида жавоб бермоқда.

Ўйлайманки, бу залда ўтирган ҳар бир судья ана шундай мисоллардан ўзи учун тегишли хулоса чиқариб олади.

Билиб қўйинглар, инсон тақдирини ҳал этишда судьянинг онгида – **фақат адолат**, тилида – **фақат ҳақиқат**, дилида эса **поклик устувор** бўлиши шарт.

**Бешинчидан**, фуқароларнинг суд идораларида сарсон-саргардон бўлишига чек қўйиш, ишларни ўз вақтида кўрмасдан, одамларни овора қилган суд ходимларига судьялар ҳамжамияти томонидан муносиб баҳо бериш вақти келди, деб ўйлайман.

Бир мисол. Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг судьяси Мингбоев томонидан фуқароларнинг 54 та мурожаати умуман кўриб чиқилмаган, 75 та иш бўйича суд қарорлари ёзилмаган, фуқаролик ишлари асоссиз бир неча марта бошқа кунларга қолдирилган ва фуқаролар ойлаб сарсон-саргардон қилинган.

Бундай нохуш ҳолатларга барҳам бериш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида Олий суд ва Судьялар олий кенгаши томонидан тасдиқланадиган, ҳар бир чоракка мўлжалланган график асосида халқ билан мулоқот ўрнатишга қаратилган аниқ тадбирлар амалга оширилиши шарт.

Бу борада ҳар бир судья томонидан мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун аҳоли билан жойларда бир ойда камида бир марта очик мулоқотлар ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Очик мулоқотлар масаласини, керак бўлса, «Судлар тўғрисида»ги қонунга тегишли ўзгартишлар киритган ҳолда, қонуний асосда мустаҳкамлаб қўйиш зарур, деб ўйлайман.

Бундан кейин судьялар фаолиятига, биринчи навбатда, аҳолидан тушаётган шикоятлар сони, уларнинг халқ билан мулоқот қилиб, одамларни қийнаётган муаммоларни қандай ҳал қилаётганига қараб баҳо берилади. Қисқача айтганда, **бундан буён судьяларга халқнинг ўзи баҳо беради.**

Яна бир жиддий муаммо судьялар томонидан қонун бўйича берилган имтиёзларнинг қўлланиши билан боғлиқ.

Маълумки, қонунда судга мурожаат қилишда давлат божи ундирилиши белгиланган. Суд айрим ҳолларда ана шу божни тўлашдан озод қилиш, суд харажатларини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб тўлашга рухсат бериш, уларнинг миқдорини камайтиришга ҳақли.

Афсуски, айрим судьялар фуқароларга қонун нормаларини тушунтирмасдан, уларни иложи борица қўлласликка ҳаракат қилмоқда. Баъзи таъмагир судьялар томонидан бу нормаларни пора эвазига қўллаш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Пастдарғом тумани судига мурожаат қилган Садиновага суд рариси Маҳмадиёров давлат божини тўламагансиз, деб даъво аризасини қабул қилмаган. Бир соатдан кейин 100 АҚШ доллари эвазига аризани қабул қилиб олган. Икки соатдан кейин ишни ижобий ҳал қилиш учун яна 400 АҚШ долларини олиш вақтида ушланган.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Ҳозиргина келтирилган мисоллар Олий суднинг собиқ раҳбарияти тизимдаги ҳақиқий аҳволни ичидан билмагани ёки билиб-билмасликка олиб келгани, фақат кабинетда савлат тўкиб ўтиришга, фуқаролар билан юзаки мулоқот қилишга ўрганиб қолганини кўрсатади.

Шу муносабат билан мен сизларга бир савол билан мурожаат қилмоқчиман: суд тизимининг раҳбарлари охириги марта қачон узоқ туманларга бориб, суд эшигига кўз тикиб ўтирган фуқаролар билан суҳбатлашган? Ҳеч қачон! Ахир, ўзингиз айтинг, одамлар билан очиқ гаплашмасдан, уларнинг муаммоларини билмасдан туриб, қандай тўғри қарор қабул қилиш мумкин?

Биз судга келиб тушган ҳар бир иш, мурожаат белгиланган муддатларда кўриб чиқилишини таъминлаш, бу борада қонунни бузиш ҳолатларига нисбатан қатъий

чоралар кўриш, фуқароларга етказилган зарарни айбдорлардан ундириш бўйича албатта зарур тадбирларни амалга оширамиз.

**Суднинг тарбиявий-профилактик ролини ошириш учун маҳаллаларда, иш ва хизмат жойларида, таълим муассасаларида сайёр суд мажлислари ўтказиб, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини кенг муҳокама қилиш тажрибасини йўлга қўйсак, ўйлайманки, бунинг таъсири албатта катта бўлади.** Халқимиз таъбири билан айтганда, минг бор эшитгандан бир бор кўрган афзал. Одамлар конунни бузган кимсалар эл-юрт олдида қандай аҳволга тушганини ўз кўзи билан кўрса, шундан тўғри хулоса чиқаради.

Олий суд ҳуқуқбузарлик ва низоларнинг турларини таҳлил қилган ҳолда, бундай ишларнинг камида 30 фоизини сайёр суд мажлисларида кўриб чиқиш бўйича тавсиявий ҳужжат ишлаб чиқиши лозим.

**Олтинчидан,** суд органлари фаолиятидаги мавжуд аҳвол айрим судьяларнинг билим даражаси пастлиги, уларнинг малакасини ошириш бўйича самарали тизим жорий этилмаганини кўрсатмоқда.

Судьялар томонидан конунда аниқ-равшан ёзиб қўйилган нормаларни тўғри қўллай олмаслик, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини очикдан-очик бузиш ҳолатлари содир этилаётгани ҳам аввало шу билан боғлиқ.

Маълумки, конунда вояга етмаган шахсга ўта оғир жиноят содир этгани учун 10 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган. Лекин Ан-

дижон шаҳар судьяси Абдусатторов вояга етмаган Исмоиловни айни шу турдаги жинояти учун 15 йилга озодликдан маҳрум этган. Прокуратура киритган протест асосида кейинчалик жазо 7 йилга туширилган.

Яна бир мисол. Жиноят қонунчилигида жарима жазосининг энг кўп миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 600 баробарига қадар этиб белгиланган. Аммо Яккасарой тумани суди судьяси Атавалиев фуқаро Крихтингга энг кам ойлик иш ҳақининг 700 баробари миқдорида жарима жазоси тайинлаган.

Савол туғилади: бу судьялар фуқароларга ҳукм чиқаришдан олдин Жиноят кодексини очиб кўрганми? Мен ўйлайман – кўрмаган.

Хабарингиз бор, мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб биз билиб-билмай жиноят содир этган шахсларни инсонпарварлик тамойилига асосан амнистия орқали жазодан озод қилиш, уларни оиласи бағрига қайтариш амалиётини жорий этдик. Ҳар йили Президент тақдимномасига асосан Сенат томонидан қабул қилинган Амнистия тўғрисидаги қарорга биноан минг-минглаб юртдошларимиз озодликка чиқарилмоқда.

Афсуски, бу жараёнда ҳам адолат бузилмоқда. Амнистияга тушиши лозим бўлган шахслар жазодан озод этилмасдан, аксинча, бунга нолойиқ бўлган шахсларга нисбатан амнистия акти қўлланаётганини қандай тушуниш мумкин?

Олий суд бу жараёни нима учун назорат қилмасдан келган?

Масалан, фуқаро Аҳмедов эҳтиётсизлик оқибатида автомобилда ҳалокат содир этгани учун амнистия актига кўра жазодан озод қилиниши керак бўлган. Лекин у Шайхонтоҳур тумани судининг раиси Алимухамедов томонидан жавобгарликка тортилган.

Амнистия актининг асл мақсад ва гоёсини ана шундай ўзбошимчалик билан талқин қилиб, унинг обрўсини туширишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Шу ўринда суд фаолиятига оид яна бир маълумотга эътиборингизни қаратмоқчиман.

2016 йилда 3 минг 700 га яқин шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилиб, 1 минг 362 нафар фуқаронинг жазоси камайтирилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё вилоят судларида фаолият кўрсатётган судьяларнинг кўплаб қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган. Айниқса, Тошкент шаҳридаги судьяларнинг 821 та қарори бекор қилингани ёки ўзгартирилгани ва бу кўрсаткич шаҳарда қарийб 20 фоиз кўпайгани ташвишлидир.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судларнинг 4200 га яқин қарори бекор қилинган ёки ўзгартирилган. Бундай асоссиз қарорларнинг аксарияти Тошкент, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон ва Самарқанд вилоятларига тўғри келади.

Энг ачинарлиси, бу рақамлар йилдан йилга ортиб бормоқда. Жиноят ишлари бўйича судларда бу кўрсаткич 15 фоиз, фуқаролик ишлари бўйича судларда эса 11 фоиз кўпайган.



**Юқорида қайд этилган судларнинг раислари оддий бир саволга жавоб бериши шарт: қачонгача фуқароларни адолат излаб Президент девонига боришга мажбур қиласизлар?**

Билиб қўйинглар, энди Президент номига ёзилган ҳар бир мурожаат белгиланган тартибда синчиклаб, қонуний асосда ўрганиб чиқилади ва қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйган суд органлари ходимларига нисбатан жиноий жавобгарликка тортишга қадар бўлган кескин чоралар қўллаш масаласи қўйилади.

Шунинг учун ҳар қайси судья ҳукм чиқаришдан олдин етти марта эмас, керак бўлса, етмиш марта ўйлаб, шундан кейин қарор қабул қилиши шарт. Олий суднинг янги раҳбарияти бу масалалар бўйича қатъий назорат ўрнатиши керак.

Еттинчидан, минг афсуски, Олий суд судлов соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи эканини, судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга эканини унутиб қўйган.

Олий суднинг собиқ раҳбарияти фақат расмиётчилик учун айрим тадбирларни амалга ошириш билан чекланиб келган. Мавжуд вазиятни яхшилаш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўрилмаган.

Энг ачинарлиси, ишларни кўриб чиқиш, жиноий қилмишларга малакали баҳо бериш, жазо тайинлаш, мухтасар айтганда, ягона суд амалиёти шакллантириш бўйича тадбирлар амалга оширилмаяпти. Оқибатда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида турлича суд амалиёти қўлланмоқда. Яъни, давлат битта, қонун битта, лекин суд амалиёти

марказда – бошқача, жойларда – бошқача. Буни қандай тушуниш мумкин?

Ақлга тўғри келмайдиган бундай ҳолатлар ҳақида гапирганда, қуйидаги мисолларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мингбулоқ тумани суди судьяси Гаппоров ўз бобоси – фуқаро Низомовнинг уйида ўғрилик қилган Отабоевни 5 йилга озодликдан маҳрум этган. Низомовнинг набираси Отабоевни кечириб ҳақидаги илтимосномаси ва зарар қоплангани ҳақидаги далиллар судья томонидан эътиборга олинмаган. Апелляция инстанция суди ҳам бу адолатсиз ҳукми ўз кучида қолдирган. Фақатгина вилоят прокурорининг протести асосида ҳукм ўзгартирилиб, Отабоевга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган.

Яна бир мисол. Ўғрилик жинояти учун илгари ҳам қамалиб чиққан, ахлоқ тузатиш иши бўйича жазони ўтаётган маҳкум Юсупов такроран яна 3 марта ўғрилик содир этган. Шунга қарамасдан, Жомбой тумани суди судьяси Давлатова томонидан тузалиш йўлига ўтмаган Юсуповга асоссиз равишда енгил жазо – ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Жазонинг енгиллиги тўғрисида туман прокурори, вилоят прокурори, Бош прокурор ўринбосари томонидан киритилган протестларни юқори суд инстанциялари асоссиз равишда рад этиб, суд ҳукмини ўз кучида қолдирган. Бунинг оқибатида жиноятчи ўзининг жамият учун зарарли қилмишини бсмалол давом эттириб, яна ўғриликка қўл урган.

Давлат ва жамият фойдасига эмас, аксинча, уларнинг зарарига ишлайдиган бўлса, бундай судьялар кимга керак?

Нима учун бу йўналишда Олий суд Пленуми имкониятларидан фойдаланилмапти? Пленум аксарият ҳолларда қонунларга сифатсиз шарҳ бериш билан чекланиб қолмоқда. Энг ёмони, Пленум парламентимиз томонидан қабул қилинган ва Президент имзолаган қонунларга мутлақо зид бўлган нормаларни қуйи бўғиндаги суд органлари учун бажаришни мажбурий қилиб қўймоқда.

Масалан, Олий суд Пленуми қарори билан судлар иқтисодий жиноятлар бўйича «**моддий зарар умуман қопланмаган ёки қисман қопланган ҳолларда ҳам озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашга ҳақли**» экани белгилаб қўйилган.

Нима, Олий суднинг собиқ раҳбари Ш.Газиёвнинг ўзи бу нормалар ноқонуний эканини билмаганми? Билган бўлса, нега бунга йўл қўйган?

Олий суд Пленумининг ана шундай ноқонуний қарори Бош прокурор талаби асосида бекор қилинган.

Олий суднинг собиқ раҳбарлари тобора кескинлашиб бораётган мавжуд муаммоларни ҳал қилишдан қочиб, ҳаётни оддий томошабин сифатида кузатишни, барча масъулиятни жойлардаги судлар зиммасига юклаб қўйишни афзал қўришган.

Қуйи бўғиндаги судьялар қандай қонунбузарлик содир этмасин, Олий суд, бу масала бизга тааллуқли эмас, ўзлари жавоб берсин, ахир, улар мустақил,

деб ҳар хил асоссиз важларни рўқач қилиб келгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Яна бир жиддий камчилик шундан иборатки, 2016 йилда ва 2017 йилнинг ўтган даврида Олий суд томонидан биринчи инстанция сифатида атиги 1 та жинойт иши кўрилган. Ҳолбуки, ушбу суд кўриши зарур бўлган ўта оғир ва мураккаб ишлар кўп бўлган. Бироқ бу соҳада ҳам Олий суд барча масъулиятни жойлардаги судларга, биринчи навбатда Тошкент шаҳар судига юклаб қўйган.

**Агар юқори инстанция суди масъулиятни ўз зиммасига олиб, ҳар қайси иш бўйича қатъий қарор чиқара олмаса, одамлар адолат излаб судма-суд, эшикма-эшик юрадиган бўлса, қани, айтинглар, бундай суднинг кимга кераги бор?**

Ўз иш фаолиятида жиддий хато ва нуқсонларга йўл қўйгани учун Олий суд раиси ва унинг ўринбосарлари эгаллаб турган лавозимларидан озод қилинди.

Олий Мажлис Сенати қарори билан Козим Комилов Олий суд раиси этиб сайланди. Холмўмин Ёдгоров, Баҳодир Дехқонов ва Бахтиёр Исаков унинг ўринбосарлари этиб тайинланди. Ўйлайманки, Олий суднинг янги раҳбарлари бугунги танқидий гаплардан хулоса чиқариб, бу борадаги фаолиятни бутунлай янгича ташкил этадилар.

Сизлар энди бевосита ҳудудларга чиқиб, ҳар қайси вилоят ва туман судининг иши билан яқиндан танишиб, уларга зарур амалий ёрдам беришингиз керак.

Олий суд раҳбарияти аввало суд тизимининг барча бўғинида адолатни қарор топтириш, фуқароларнинг ортиқча овора бўлишларига чек қўйиш ва мураккаб ишлар сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида алоҳида бир қарор қабул қилиши зарур. Шунингдек, ягона суд амалиётини шакллантириш, мавжуд нуксонларни бартараф этиш, судьяларнинг бу борадаги масъулиятини ошириш учун суд амалиётини умумлаштириш борасидаги ишлар натижаларини кенг жамоатчилик эътиборига етказиб бориш тизимини жорий этиш лозим.

Амир Темур бобомиз айтганларидек, «**Адолат билан жаҳон гулшани обод бўлади**». Адолат бўлмаса, дунё зимистон бўлади, ҳаётда ҳеч қандай маъно-мазмун бўлмайди.

Биз халқимиз учун озод ва обод, фаровон ҳаёт барпо этмокчи эканмиз, менинг давлат раҳбари сифатида сизлардан талабим шу: фақат адолат ва яна бир бор адолат ҳаётимизда ҳукмрон бўлиши керак. Бунинг учун ҳаммангиз қонун олдида жавобгарсиз. Сизларга бир савол бермоқчиман: сиз билан оддий халқ ўртасида қандай фарқ бор? Ҳукм ёзганингизда ўзингизни аввало оддий одамнинг ўрнига қўйиб кўринг, шундан кейин қарор қабул қилинг.

**Саккизинчидан**, суд тизимидаги муаммоларнинг таҳлили судьяликка номзодларни тўғри танлаш, судьяларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш тизимида жиддий камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Маълумки, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, кадрларни танлаш ва жой-

жойига қўйиш тамойилларини янада демократлаштириш сиёсатини амалга ошириш мақсадида Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси ташкил этилган эди. Лекин, афсуски, ушбу комиссия ўзига билдирилган ишонч-ни тўлиқ окламади. Шу боисдан биз Конституцияга ўзгартиш киритиб, суд-хуқук тизимида мутлако янги институт – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашини ташкил этдик ва унинг конституциявий мақомини аниқ белгилаб қўйдик. Бугунги кунда ушбу Кенгаш тўлақонли иш олиб бормоқда.

Шу юксак минбардан туриб айтмоқчиман: Кенгаш фаолиятига ноқонуний аралашган ҳар қандай шахс, у ким бўлиши ва қайси вазифада ишлашидан қатъи назар, сўзсиз лавозимидан озод этилади, керак бўлса, жиноий жавобгарликка тортилади.

**Тўққизинчидан**, судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасини шакллантиришдаги мавжуд муаммолар ҳам салбий оқибатларга олиб келмоқда.

Аксарият ҳолларда номзодлар захираси номига шакллантириб келинган. Бу борада қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар тўлиқ ҳисобга олинмаган. Масалан, номзодларнинг пухта тайёргарликка, катта ҳаётий тажрибага, ибратли обрў-эътиборга эга бўлиши лозимлиги унутиб қўйилган ёки бу талабларга кўз юмиб келинган.

2016 йилда 298 нафар шахс захира рўйхатидан чиқарилган. Уларнинг атиги 45 нафари ёки 15,1 фоизи судьялик лавозимига тайинлангани, 87 нафари ёки

29,2 фоизи мазкур лавозимга нолойик деб топилгани, 150 нафари ёки 50,3 фоизи 2 йилдан ортиқ муддатда судьялик лавозимига кўрилмагани туфайли захирадан чиқарилган. Бу рақамларнинг ўзи ҳам номзодлар захираси бўйича тизим самарали ишламаганини кўрсатиб турибди. Агар 2 йилдан ортиқ муддатда судьялик лавозимига кўрилмайдиган бўлса, нима учун бундай шахслар захирага киритилган, деган савол туғилади.

Айтиш керакки, номзод захирага олиниб, уч ой давомида Юристар малакасини ошириш марказида давлат маблағлари ҳисобидан ўқитилади. Бу даврда унинг иш жойи ва ўртача ойлик иш ҳақи ҳам сақланади. Энди ўйлаб кўринг, 237 нафар захирадан чиқарилган номзод учун қанча бюджет маблағи самарасиз ишлатилган. Бунинг учун ким жавоб беради?

Келгусида ана шундай камчиликларга йўл қўймаслик учун судьяликка номзодларни тайёрлаш ва судьялар малакасини оширишга ихтисослашган алоҳида ўқув муассасаси – **Одил судлов академиясини** ташкил этишни таклиф этаман.

Бу борада захирага олинган номзодларни эмас, балки судьялик лавозимига илк бор тайинланган кадрларни касбга йўналтириш мақсадида махсус ўқитишга алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайман.

Биз бу соҳада рақамлар кетидан қувишдан мутлақо воз кечишимиз керак. Майли, захирада ҳозиргидек 700-800 нафар номзод эмас, 300-400 нафар номзод бўлсин, лекин ҳаммаси муносиб номзодлар бўлсин.

Бир сўз билан айтганда, судьяларни танлаш, тайёрлаш ва лавозимга тавсия этиш мутлақо бошқача тизим бўйича амалга оширилиши, бу фаолиятга бирон-бир мансабдор шахснинг аралашувиغا, таниш-билишчиликка, уруғ-аймоқчиликка йўл кўйилмаслиги шарт. Судьяликка номзодлар фақат Судьялар олий кенгаши хулосаси асосида лавозимларга тавсия этилиши даркор.

Шунинг учун ҳам судьялик лавозимларига номзодлар захирасини шакллантириш, судьяларни касбга тайёрлаш, малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш талаб этилади. Номзодлар захираси юқори билим ва салоҳиятга, етарли тажриба ва кўникмага эга юридик кадрлар, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида намунали фаолият юритаётган ходимлар ҳисобидан шакллантирилишига алоҳида эътибор қаратиш жоиз.

**Ўнинчидан**, барча бўғиндаги суд раҳбарлари биринчи марта судьялик лавозимига тайинланган кадрлар билан ишлаш, уларнинг хулқ-атворини назорат қилиш, билимини ошириш билан мутлақо шуғулланмаган, десак, хато бўлмайди.

Тўғри, қонунларимизга асосан судьялар мустақил ҳисобланади. Лекин мустақиллик – ҳар ким хоҳлаган ишни қилиши мумкин, дегани эмас. **Мустақиллик – аввало масъулият**, дегани. Судьянинг мустақил бўлиши қонунга сўзсиз бўйсунуш, масъулият ва яна бир бор масъулиятни чуқур ҳис этиш эканини унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.



Шу ўринда айрим рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман. 2016 йилда судьялик лавозимига биринчи марта тайинланган номзодларнинг 80 фоизини 35 ёшгача бўлган, юридик соҳадаги иш тажрибаси 10 йилгача бўлган шахслар ташкил этган.

Судьялар корпусининг 488 нафар вакили ёки 58 фоизи беш йилгача бўлган муддатда фаолият кўрсатаётган судьялардир.

Биз ёш судьяларни тўғри тарбиялаб, уларнинг ўз устида доимий ишлаши бўйича тизимли ишларни амалга оширмасак, бу масалада ижобий натижага эришолмаймиз.

Таҳлиллар бу борада ҳам кўплаб муаммолар борлигини кўрсатмоқда.

Мана, бир мисол, 2016 йилда судьяларга нисбатан чиқарилган хусусий ажримларнинг 57,2 фоизи судьялик лавозимига биринчи марта тайинланган кадрлар хиссасига тўғри келган.

Сўнгги олти йил давомида ваколат муддати туганидан сўнг янги муддатга нолойиқ деб топилган 314 нафар судьядан 147 нафари ёки 46,8 фоизи беш йил ишлаган судьялардир. Муддатидан олдин лавозимидан озод этилган 136 нафар судьядан 64 нафари ёки 47 фоизи беш йилгача ишлаган судьялардир.

Биз суд тизимида нафақат ёш судьялар, балки бутун суд корпуси билан доимий ишлаб, уларнинг ҳуқуқий билими ва маънавий савиясини ошириш бўйича мунтазам иш олиб боришимиз лозим. Акс холда, адолат посбони деган масъулиятли вазифани

адо этишга кодир бўлган, билимли ва виждонли судьялар корпусини шакллантиришга эришолмай-миз.

Шу муносабат билан биз шундай бир тажрибани амалда жорий қилишимиз керак, деб ҳисоблайман. Яъни, ҳар қайси судья марказий ва маҳаллий телевидение орқали чиқиб, ўз фаолияти ҳақида ҳисобот бериши лозим. Токи халқимиз, жамоатчилигимиз сизларнинг билим ва савиянгиз, бир сўз билан айтганда, иш фаолиятингиз ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконига эга бўлсин. Ким ҳақиқий халқпарвар судья, ким эса бунинг тескариси экани шунда намоён бўлади.

Ўтган йили навбатдаги судьялик лавозимига тавсия этилган 49 нафар судьядан атиги 12 нафари бу вазифага муносиб деб топилган.

Шундай экан, ҳар қайси судьяни кейинги муддатга тайинлаш масаласини кўришда уларнинг охириги иш жойидаги фаолиятини синчиклаб ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Айниқса, ҳар бир судья фаолият олиб борган ҳудудда яшаётган аҳолининг, хусусан, судга иши тушган одамлар, кенг жамоатчиликнинг фикри албатта ҳисобга олиниши зарур. Бунинг учун судья ўз фаолияти юзасидан маҳаллий кенгашларда ахборот бериши лозим. Бу муҳокама-ларда Судьялар олий кенгаши аъзолари ҳам фаол иштирок этишлари даркор. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари томонидан берилган тавсифнома Судьялар олий кенгаши учун судья фаолиятига баҳо беришда асосий

хужжат бўлиб хизмат қилиши керак. Мазкур тартиб-таомилларни амалдаги қонунчиликда акс эттириб, керак бўлса, бу борада алоҳида низом ишлаб чиқиб, уларни ҳаётга албатта жорий этишимиз зарур.

Яна бир муҳим масала бизда жиддий ташвиш уйғотмоқда. Сўнгги пайтларда суд тизимида кадрлар билан ишлаш масаласи ўз ҳолига ташлаб қўйилгани учун вазият шу даражага етдики, айрим масъул лавозимларга тайинлаш учун тайёр номзодларнинг ўзи йўқ. Шу боис бундай лавозимларга судьяларни аксарият ҳолларда «шартли равишда» деб тайинлашга мажбур бўлмоқдамиз.

Мисол учун, жиноят ишлари бўйича 3 та вилоят суди раисининг ўринбосари, 27 та вилоят судининг судьяси, 16 та туман (шаҳар) судининг раиси лавозимларига, фуқаролик ишлари бўйича 3 та вилоят судининг раиси лавозимларига муқобиллик тамойили бузилиб, фақат битта номзод кўрсатилган, холос.

Шунингдек, 4 та вилоят суди раисининг ўринбосари, вилоят судларининг 30 нафар судьяси лавозимларига, хўжалик судлари бўйича 2 та вилоят судининг ва 4 та вилоят суди раисининг ўринбосари лавозимларига ҳам номзодлар шундай ёндашув асосида тайинланганини албатта қониқарли, деб бўлмайди.

Бугунги кунда халқимиз кутаётган адолатли қарорлар қабул қилишга ҳар томонлама қодир, иродаси мустаҳкам, юксак касбий ва маънавий фазилатларга эга бўлган суд ходимлари таркибини шакллантириш энг муҳим вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Энг жиддий муаммолардан яна бири – суд қарорлари ижросини ташкил этишдан иборат. Бу залда ўтирганлар жамиятда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда жазонинг оғир ёки енгиллиги эмас, балки жазонинг муқаррарлиги асосий роль ўйнашини яхши билади.

Шундай экан, агар судья ўз қарори ижросини ўз холига ташлаб қўйса, қарорни ижро органларига кеч ёки атайин кеч юборса, у ҳолда жазо муқаррарлигини қандай таъминлаш мумкин?

Кейинги пайтда судлар томонидан 1 триллион 800 миллиард сўм маблағни ундириш ҳақидаги 56 минг 402 та ижро ҳужжати мажбурий ижрога йўналтирилмагани аниқланган. Биргина 2015 йилда ижро муддатлари асоссиз кечиктирилгани сабабли жаримани тўлашдан бўйин товлаган 2 минг 223 нафар шахс амнистия актига асосан жазодан озод этилган, бунинг натижасида бюджетга 18 миллиард 900 миллион сўм маблағ ундирилмасдан қолган.

Яна бир мисол. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2013 йил 26 апрелдаги ҳукми билан жиноят натижасида етказилган 749 миллион сўм зарарни фуқаро Шоҳасановдан давлат фойдасига ундириш масаласи 2 йилдан сўнг ижро учун қабул қилинган.

Бундай масъулиятсизлик ҳолатларининг ҳар бирига нисбатан энди қаттиқ чора кўрилади. Бош прокуратура ҳузурида ташкил этилган Мажбурий ижро бюросидан бу борада қатъий ва тизимли асосда иш олиб бориш талаб этилади.

Ҳар бир суд қарорининг қонуний кучи унинг амалда қандай амалга оширилиши билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам фуқароларимиз, жамият ва давлат манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш мақсадида суд қарорларининг сўзсиз ва тўлиқ ижросини таъминлаш, ижро ҳужжатлари ҳаракати ва натижаларини назорат қилиш бўйича самарали механизм яратишимиз керак. Шу муносабат билан Олий суд ва Бош прокуратурадан суд ҳужжатлари ижросини вақтида ва тўлиқ таъминлаш бўйича судлар ва Мажбурий ижро бюроси ўртасида электрон маълумот алмашиш тизимини бир ой муддатда ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Яна бир жиддий муаммога алоҳида тўхталиш зарур. Суд фаолиятини амалга ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш, суд ишини ўрганиш, муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тизимли тадбирлар жорий этилмасдан келинмоқда. Олий суд ҳузурида ташкил этилган Тадқиқот маркази бу соҳада факат номига иш юритган, Олий суднинг собиқ раҳбарияти эса марказ фаолиятига эътиборсиз қараб келган.

Марказнинг иши тўғри ташкил этилмагани ўз навбатида Олий суднинг қонунчилик ташаббусига эга ҳуқуқ субъекти сифатидаги фаолиятига салбий таъсир кўрсатган. 2010 – 2015 йиллар давомида Олий Мажлис томонидан қабул қилинган 140 та қонуннинг атиги 7 таси Олий суд ташаббуси билан

киритилганини коникарли деб бўлмайди. Қолаверса, ана шу конунларнинг бор-йўги биттаси янги конун бўлиб, олтитаси амалдаги конунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боглик хужжатлардир.

Шу ўринда суд тизимига катта илмий салоҳиятга эга бўлган кадрларни кенг жалб этиш энг муҳим ва долзарб вазифа эканини алоҳида таъкидламоқчиман.

Сизларга яхши маълум, биз мамлакатимизда юқори малакали юридик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Тошкент давлат юридик университетини ташкил этган эдик. Лекин бугунги кунда нафақат суд тизимида, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар ва давлат бошқаруви органларида ҳам малакали юридик кадрлар етишмаяпти. Ҳолбуки, мазкур университетни ҳар йили юзлаб талабалар битириб чикмоқда. Бу кадрлар қаерда ва қандай ишлар билан банд? Бу борада кимдир тахлилий иш олиб боряптими?

Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, яқинда Тошкент давлат юридик университетиде кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича қарор қабул қилинди. Лекин бу қарор ҳали қоғозда, уни ҳаётга жорий этиш, аниқ натижага эришиш учун ҳаммамиз биргаликда кўп иш қилишимиз лозим.

Бу борада тегишли давлат идоралари билан бирга, катта ҳаётий тажрибага эга, соҳа ривожига кўп меҳнати сингган судьялар ташаббусни ўз қўлларига

олиб, устоз-шогирдлик анъаналарини давом эттиришлари, ёш кадрларга ўз билим ва тажрибаларини ўргатишлари айтиш мумкин бўлади.

Азиз дўстлар!

Ўйлайманки, барчамиз бугун бу залда айтилган масалаларнинг нечоғлик долзарб ва муҳим эканини яхши тушунамиз. Шу борада мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун юқорида билдирилган таклифлар билан бирга, қуйидаги ишларни амалга ошириш керак, деб ҳисоблайман.

**Биринчи навбатда**, суд тизимида фаолият кўрсатаётган барча раҳбар ва масъул ходимларда ўз ишига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, шахсий масъулиятни кескин ошириш, халқимизнинг суд тизимида бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш, судни том маънода адолат кўрғонига айлантиришимиз зарур.

**Иккинчидан**, жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш институтини бекор қилиш тўғрисидаги қарорни изчил бажариш, тергов органлари ишларни ҳар томонлама холис ва пухта тергов қилиши, судлар эса масъулиятни ўз зиммасига олиб, узил-кесил айблов ёки оқлов ҳукмини чиқариши шарт.

**Учинчидан**, судьялар кундалик фаолиятида халқ билан бевосита мулоқот шакллари кенгайтириш орқали одил судловга эришиш даражасини оширишнинг барча чораларини кўришлари лозим.

Олий суд ва Судьялар олий кенгаши судьяларнинг мунтазам равишда халқ билан мулоқот ўрнатишига қаратилган аниқ тадбирларни амалга оширишлари керак.

**Тўртинчидан,** Олий суд жамият ҳаётида адолатни қарор топтириш, фуқароларнинг ортиқча овора бўлишларига чек қўйиш мақсадида ўта мураккаб ишларни бевосита юқори судларда кўриб чиқишни назарда тутадиган тегишли қарор қабул қилинишини таъминлаши даркор. Шунингдек, Олий суд Пленуми қарорларини хатловдан ўтказиб, қонунларимизга зид бўлган нормаларни бекор қилиш чораларини кўрсин.

**Бешинчидан,** Олий суд ва Судьялар олий кенгаши суд амалиётининг доимий таҳлили асосида тизимли қонун бузилишларини аниқлаш ҳамда уларни қонунчиликни такомиллаштириш ва ягона суд амалиётини шакллантириш орқали бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин.

Бундан ташқари, ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида фаолиятни умумлаштириш натижаларини кенг жамоатчилик эътиборига стқазини тизимини жорий этсин.

**Олтинчидан,** Олий суд судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, жумладан, электрон суд стенографияси, видеоконференцалоқа ва бошқа илғор воситаларни кенг жорий этиш дастурини ишлаб чиқсин.

**Еттинчидан,** Олий суд ва Судьялар ассоциацияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан ҳамкорликда «Судьялар клуби» ва «Суд ҳимоясида» рубрикасида



марказий телеканаллар ва оммавий ахборот воситаларида кўрсатув ва мақолалар ташкил этиш чораларини кўрсин.

**Саккизинчидан**, суд корпуси ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, жумладан, хизмат уйларига бўлган эҳтиёжни ўрганиб, ушбу масала юзасидан Молия вазирлиги билан биргаликда тегишли дастур ишлаб чиқиш зарур.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, пойтахтимизда **Адолат саройи** деб аталадиган янги мажмуа барпо этиш ҳақидаги таклифни сизлар билан ўртоқлашмоқчиман.

Давлат ҳокимиятининг узвий тармоги бўлган суд тизимига кирадиган барча суд муассасаларини ана шу муҳташам бинога жойлаштирсак, нима дейсизлар? Ушбу даргоҳ бу ерга адолат истаб келадиган ҳар бир фуқаро ўз саволларига қонуний жавоб топадиган масканга айланади, деб ишонаман.

Бугунги кунда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ушбу тизим фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга, эл-юртимизнинг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан айниқса муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда, суд ҳокимиятининг ҳар бир вакили, у судья ёки оддий суд ходими бўладими, барча-барчаси бугун бу залда айтилган фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, одил

судловни амалга оширишдек масъулиятли ва шарафли вазифани бажаришда бор билим ва салоҳиятини сафарбар этади, деб ишонаман.

Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат тилайман.

*Суд органлари ходимлари билан учрашувдаги нутқ.*

*2017 йил 13 июнь*

## **ВАТАНИМИЗ ТАҚДИРИ ВА КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА ЯНАДА ҲАМЖИҲАТ БЎЛИБ, ҚАТЪИЯТ БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛАЙЛИК**

Ассалому алайкум, мухтарам юртдошлар!

Аввало, шу улуг айём кунларида – муборак Рамазон ойида сиз, азизлар билан кўришиб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Бугун сизлар билан – эл-юртимиз ўртасида катта обрў-эътиборга эга бўлган дин арбоблари, илм-фан, маданият намояндалари, жамоатчилик вакиллари билан муҳим бир масалани муҳокама қилиш учун шу мухташам залга йиғилдик.

Кун тартибига қўйилган масала, яъни, ижтимоий-маънавий соҳани янада ривожлантириш, оилаларимиз, маҳаллаларимизда, бутун жамиятимизда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, тинч-осуда ҳаётимизни, муқаддас динимиз поклигини асраш вазифаси бугунги кунда қандай улкан аҳамият касб этаётгани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг хожати йўқ.

Нега деганда, айнан шу масалалар бизнинг бугунги ва эртанги кунимизни, фарзандларимиз, набираларимиз тақдири ва келажагини, бир сўз билан

айтганда, ҳаёт-мамотимизни ҳал қилиши ҳеч кимга сир эмас.

Ҳар бир онгли инсонни чуқур ўйлантириб, ташвиш ва хавотирга соладиган бу масалалар ҳақида сўз юритишдан аввал ҳозирги вақтда шу йўналишда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга, дастур ва лойиҳаларга қисқача тўхталиб ўтиш, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугунги кунда она юртимиз, Ўзбекистонимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилингани ва уни ҳаётга татбиқ этиш бўйича фаол иш олиб борилаётганидан сизлар албатта хабардорсиз.

Таъкидлаш керакки, ушбу стратегия барча соҳа ва тармоқларда ҳаётимизга чуқур кириб, амалий ҳаракатларимиз мезонига айланиб бормоқда. Айниқса, 2017 йилнинг юртимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб эълон қилингани бу борада катта аҳамият касб этади.

Шу йўлдаги амалий қадамлар сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ҳамда Виртуал қабулхонаси ташкил этилди. Бу тузилмалар ўтган қисқа даврда эл-юртимиз ўртасида фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжларини қонуний асосда ҳал қилишда муҳим роль ўйнайдиган институтга айланиб бораётганини алоҳида қайд этиш керак.

Виртуал қабулхона ва Халқ қабулхоналари ўз фаолиятини бошлаганидан буён ўтган давр мобайнида мамлакатимиз бўйича қарийб 890 мингга яқин фуқаро ариза билан мурожаат қилган. Ушбу мурожаатларнинг 93 фоизи ўрганилиб, тегишли жавоб қайтарилди.

Мурожаатларнинг қолган қисми эса, айти пайтда мутахассислар томонидан кўриб чиқилмоқда. Алоҳида таъкидлаш зарурки, фуқароларимиздан келиб тушаётган мурожаатларнинг қарийб 80 – 90 фоизи асосли ва ўринли бўлиб, улар йиллар давомида эътибор қаратилмасдан, тўпланиб қолган муаммолар эканини таҳлиллар кўрсатмоқда.

Буларнинг барчаси, очиғини айтадиган бўлсак, катта-кичик бўғиндаги раҳбарлар, давлат ва хўжалик органлари ходимлари халқ билан мулоқот қилишни деярли унутиб қўйганини, бу масала жамиятимизда нақадар долзарб бўлиб турганини кўрсатади.

Шу муносабат билан мен яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини таъминлаш – бу вақтинчалик кампания эмас, балки давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, доимо эътиборимиз марказида турадиган масаладир.

Шу борада яна бир муҳим институт – Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича Президентнинг давлат маслаҳатчиси хизмати тузилганини қайд этиш лозим.

Ҳозирги кунда ушбу хизмат ходимлари томонидан жойларда – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида сайёр қабуллар ташкил этилиб, аҳолининг мурожаатлари маҳаллий давлат бошқаруви идоралари вакиллари иштирокида кўриб чиқилиб, қонуний ҳал қилинаётгани ҳам сизларга маълум.

Бу ҳақда албатта кўп гапириш мумкин. Лекин ана шу ишларимиз, ислохотларимизнинг барча-барчаси улуғ ва ягона бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, халқимизнинг тинчлиғи, осойишталигини асраш, аҳоли фаровонлигини ошириш, фарзандларимизни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашдан иборат.

Бугун сизлар билан шу йўналишда олиб бораётган ишларимизни атрофлича таҳлил қилиб, уларни танқидий баҳолаб, ўз ечимини кутаётган долзарб вазифаларни белгилаб олишимиз зарур.

Сизларга яхши маълум, бизнинг давлатимиз кўп миллатли ва кўп конфессияли давлат. Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқда. Бу борада, ҳеч шубҳасиз, халқимизга азалдан хос бўлган бағрикенглик анъаналари муҳим роль ўйнамоқда.

Ана шу ҳақиқатнинг тарихий тасдиғи сифатида бир мисол келтирмоқчиман. Самарқанд шаҳрида Соҳибқирон Амир Темур даврида бунёд этилган, Дониёр пайғамбар номи билан аталадиган мақбара ислом, христиан ва яҳудийлик дини вакиллари томонидан бирдек эъзозланади.

Эл-юртимиз неча асрлардан буён бу кутлуг кадам-жони асраб-авайлаб, обод килиб, унга хурмат-эҳтиром кўрсатиб келмоқда.

Шу биргина мисолнинг ўзи олижаноблик, эзгулик ва том маънодаги бағрикенглик фазилати халқимиз табиати, менталитети асосини ташкил этишидан далолат беради.

Бизнинг Конституциямиз ва қонунларимизда, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча фуқароларимиз тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани қафолатлаб қўйилган. Уларга ўз миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш, ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган.

Биз бугун амалга ошираётган Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналишида ҳам миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш бўйича энг муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Юртимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 138 та миллий маданий марказ катта роль ўйнамоқда.

Ана шу марказлар фаолиятини янги босқичга кўтариш, хорижий мамлакатлар билан маданий дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида биз яқинда муҳим бир қарор қабул қилдик. Унга биноан Республика байналмилал маркази негизида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди.

Эндиги вазифа – мазкур кўмита олдига қўйилган долзарб масалаларни самарали ҳал қилиш, унинг фаолиятини талаб даражасида ташкил этишдан иборат.

Азиз дўстлар!

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб виждон эркинлигини таъминлаш масаласига устувор аҳамият берилди. Жумладан, муқаддас динимиз, миллий қадриятларимизни, буюк азиз-авлиёларимизнинг хотираси, меросини тиклаш, қадамжоларини обод қилиш бўйича жуда кўп иш қилинди ва қилинмоқда.

Қиёслаш учун фақатгина баъзи бир мисолларни келтирмоқчиман.

Агар собиқ мустабид тузум даврида юртимизда 80 га яқин масжид фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 2 минг 42 тани ташкил этмоқда.

Ўша қарамлик йилларида Ўзбекистонда санокли кишиларгина ҳаж қилиш имкониятига эга бўлган эди, холос. Мустақиллик йилларида эса ҳар йили 5 мингдан зиёд юртдошимиз ҳаж зиёратига бориб келади. Жорий йилда 7200 нафар фуқароларимиз муборак ҳаж сафарини амалга ошириш имконига эга бўладилар. Бунинг учун барчамиз Оллоҳга шукрона келтириб, сиз, муҳтарам уламолар, имомхатиблар, жамоатчилик вакиллари билан бирга динимиз тарихи, буюк алломалар ва азиз-авлиёларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттиришимиз керак.



Кейинги вақтда мен жойларда бўлиб, ҳудудларимиз ҳаёти билан янада яқиндан танишар эканман, шундай бир фикрга ишонч ҳосил қиляпманки, биз ҳали юртимизни, унинг ўзига хос тарихи, маданияти, улуг олиму уламоларини, бебаҳо маънавий меросимизни тўлиқ ўрганганимиз йўқ. Мисол учун, Қашқадарё заминида буюк аллома, мотуридия таълимотининг йирик вакили Абу Муин Насафий бобомиз яшаб ўтганлар. У киши узок муддат Бухоро ва Самарқандда таҳсил олиб, калом илми, яъни исломий эътиқод поклиги масаласида 15 га яқин китоб ёзганлар. Ана шу китобларида, бундан минг йил олдин дин масаласида адашганларга тўғри йўл кўрсатганлар.

Биз сайловолди учрашувларида ваъда қилган эдик. Ҳаммангиз «ойнаи жаҳон» орқали кўрдингиз, буюк ҳадисшунос аллома Исо Термизий бобомизнинг Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги мангу оромгоҳларини ҳар томонлама обод қилиб, у ерда алоҳида илмий марказ барпо этдик.

Худо хоҳласа, Насафий бобомиз зиёратгоҳида ҳам ана шундай муаззам мажмуа барпо этамиз, бу улуг зотнинг китобларини таржима қилиб, нашрдан чиқарамиз.

Мана шундай савобли ишларни Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг қадамжолари бўйича, Тошкентда Имом Термизий номидаги масжид ва Сузук ота макбараси бўйича бошлаб юборганимиздан сизлар албатта хабардорсиз, деб ўйлайман.

Шу билан бирга, очик тан олиш керак, тарихий-диний меросимизни ўрганиш, тиклаш ишлари ҳамма жойда ҳам талаб даражасида эмас.

Яқинда Бухоро вилоятида сафарда бўлганимизда, машхур Мир Араб мадрасасини кўриб, тўғриси, анча хижолат бўлдим. Неча замонлардан буён халқимизга, динимизга хизмат қилиб келаётган, нафақат юртимиз, балки мусулмон дунёсида шуҳрат қозонган қанчадан-қанча уламоларни камолга етказган бу муқаддас даргоҳ ачинарли ҳолга тушиб қолгани албатта афсуслидир.

Бугунги кунда мазкур диний ўқув масканининг нуфузи ва мақомини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бу ердаги қадимий биноларни тубдан таъмирлаш, ён-атрофдаги ҳудудни ободонлаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай эзгу ишларимиз қаторида биз ҳозир яна бир йирик лойиҳани амалга ошириш устида иш олиб бораёмиз.

Маълумки, бизнинг минтақамиз, авваламбор, бугунги Ўзбекистон замини ислом илм-фани ва маданиятининг қадимий бешиқларидан бири ҳисобланади.

Халқимизнинг ана шундай бой тарихий, илмий, маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон афкор оммасига кенг таништириш, энг муҳими, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида биз азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида **Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини** барпо этишга қарор қилдик. Нега

деганда, «Жаҳолатга қарши – маърифат» шиори остида мана шундай марказни ташкил этишни бугун даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ушбу марказни машҳур Хастимом мажмуаси худудида ташкил этиш, бу ерда юртимиздан етишиб чиққан буюк ислом олимлари, аллома ва мутафаккирлари, жаҳон маданияти ривожига унутилмас ҳисса қўшган улуғ шоир ва адиблар, рассом ва хаттотларга оид бой маълумотларни мужассам этиш кўзда тутилмоқда.

Марказ аввало меъморий ва бинокорлик нуқтаи назаридан ниҳоятда улуғвор, мухташам ва ноёб бўлиши лозим. Ушбу мажмуа ўзида нодир экспонатларга бой музей ва кутубхонани мужассам этади. Шу билан бирга, бу ерда кенг кўламда илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб борилади.

Бу масканга ташриф буюрувчилар бир вақтнинг ўзида ислом оламининг ўнлаб энг ёрқин намояндаларининг ҳаёти ва фаолияти билан танишиш имконига эга бўлади. Масалан, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замахшарий, Баҳоуддин Накшбанд, Хўжа Аҳрор Валий каби азиз-авлиёларимиз, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари аллома ва мутафаккирлар, Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳиб каби мусаввирларнинг бебаҳо меросидан намуналар, улар таваллуд топган ва фаолият кўрсатган тарихий

шаҳарлар манзаралари турли ноёб экспонатлар орқали акс эттирилади.

Бизга ватандош бўлган ҳар бир аллома ва мутафаккирнинг ҳаёти ва фаолиятига экспозицияда алоҳида бир бўлим бағишланади.

Ўзбекистонда уларнинг шарафига барпо этилган меъморий ёдгорликлар макетлари, кўлёзма ва босма асарлар, хаттотлик намуналари, ўша даврдаги амалий санъат буюмлари ва бошқа экспонатлар шу бўлимларда намоёниш этилади.

Ўз вақтида Соҳибқирон Амир Темур бобомиз юртимизга олиб келган муқаддас Қуръони каримнинг Усмон нусхаси мазкур музейнинг марказида нур сочиб, бутун зални чароғон этиб туради.

Азиз дўстлар, фурсатдан фойдаланиб, барчангизни ана шу савобли ишда ўз таклиф ва маслаҳатларингиз билан фаол иштирок этишга чақираман.

Сизларга яхши маълумки, турли давр ва шароитларда тақдир тақозоси билан юртимиз тарихи ва маданиятига, динимизга оид кўплаб ноёб кўлёмалар ва архив ҳужжатлари четга олиб кетилган. Улар бугунги кунда хорижий давлатларнинг фонд ва музейлари, илмий-маърифий муассасаларида сақланмоқда. Ушбу ноёб тарихий ашёлар ва санъат асарлари нафақат халқимизнинг нодир дурдонаси, балки жаҳон аҳамиятига молик йирик коллекциялар ҳисобланади.

Чет элларда сақланаётган маданий бойликларимизни аниқлаш ва уларни ҳар томонлама ўрганиш, имкон қадар мамлакатимизга олиб келиш максатида

кейинги даврда бирмунча ишлар амалга оширилди. Лекин ҳаммамиз тушунамизки, бу ишларни жамоатчилик асосида ҳал қилиб бўлмайди. Бу масалани давлат сиёсати даражасига кўтариш зарур. Бу эса тегишли молиявий ва ташкилий ресурсларни, соҳага юқори илмий салоҳиятли кадрлар ва мутахассисларни жалб қилишни талаб этади.

Бу муҳим вазифани амалга ошириш учун биз ҳозирги вақтда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида алоҳида марказ тузиш бўйича қарор лойиҳаси устида ишляпмиз. Бундан асосий мақсад шуки, тарихимиз, маданиятимиз, динимизга алоқадор бир варақ кўлэзма бўлса ҳам, уларни тўплаб, халқимизни, ёшларимизни таништириш, бизнинг қандай буюк ва бетакрор меросимиз борлигини аниқлаш, фарзандларимизни шу улуғ меросга муносиб этиб тарбиялашдан иборат.

Бизнинг ана шундай ишларимиз нафақат юрти-мизда, балки чет элларда ҳам жиддий қизиқиш уйғотмоқда.

Дунёдаги, мусулмон оламидаги нуфузли халқаро ташкилотлар, катта обрў-эътиборга эга бўлган расмий шахслар бу борада биз билан ҳамкорлик қилиш истагини билдиришмоқда.

Сизларга маълумки, 2016 йил октябрь ойида Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг Тошкент шаҳрида ўтказилган учрашувида Ўзбекистон томонидан Имом Бухорий номидаги халқаро илмий тадқиқотлар марказини тузиш тўғрисида ташаббус илгари сурилган эди.

Яқинда Саудия Арабистонига сафаримиз пайтида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Ислом тараккиёт банки ўртасида айти шу масала бўйича англашув меморандуми имзоланди.

Мазкур банк президенти Бандар Ҳажар жаноблари ушбу ташаббусни кўллаб-қувватлаб, «**Ислом тараккиёт банки – бу Ўзбекистоннинг банки**», деб айтдилар. Бу сўзлар бутун ислом уммати, ислом жамоатчилигининг Имом Бухорий юртига, унинг авлодларига бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромни ифодаси, десак, айти ҳақиқат бўлади.

Саудия Арабистонида ўтказилган халқаро саммитда катта-катта давлатлар, араб, мусулмон мамлакатлари ва АҚШ раҳбарияти бир фикрга алоҳида урғу беришди. Яъни, улар жаҳолатга қарши маърифат, таълим-тарбияни кучайтириш билан курашиш зарур эканини таъкидлашди.

Бу фикрлар диний масаладаги бизнинг ёндашуви-миз билан уйғун ва ҳамоҳанг экани айтиқса эътиборли-дир. Жумладан, АҚШ Президенти Дональд Трамп жаноби олийлари ҳам шу борада айтиқ ва конструктив тақлифларни илғари сурди.

Мен Президент сифатида Америка халқи ва ўз номидан қафолат бераман, биз терроризм ва экстремизмга қарши каттиқ кураш олиб борамиз, бу йўлда, қайси дин вакили бўлишимиздан қатъи назар, барчамиз бирлашишимиз зарур. Ер юзида тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш энг асосий вазифамиз бўлиши керак, деди АҚШ Президенти.

Саммит минбаридан янтраган бундай гаплар албатта бизга ҳам маъкул бўлди. Шу нуқтаи назардан қараганда, биз бугунги кунда ижтимоий-маънавий ҳаётимизни ривожлантириш борасида амалга ошираётган ишларимизни янги босқичга кўтаришимиз, бунинг учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини сафарбар этишимиз шарт. Чунки ҳозирги вақтда дунё микёсида ҳукм сураётган таҳликали вазият, сиёсий ва иқтисодий инқирозлардан ташвишга тушмаётган бирорта давлат ёки жамият йўқ, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Айниқса, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, диний қарама-қаршилик, ноқонуний миграция, одам савдоси, экологик муаммолар, айрим минтақаларда иқтисодий ночорлик, ишсизлик, қашшоқлик кучайиб бораётгани бутун инсониятни қаттиқ хавотирга солмоқда.

Ана шундай ўта мураккаб ва қалтис шароитда қандай йўл тутиш, қандай қилиб тинчлик ва осойишталикни сақлаш, барқарор ривожланишни таъминлаш мумкин, деган савол барчамизни жиддий ўйлантириши зарур.

Айниқса, кейинги пайтда турли мамлакатларда содир этилаётган террорчилик ҳаракатларининг ижрочилари қаторида миллатимизга мансуб кимсалар ҳам борлиги халқимизда афсус ва надомат уйғотмоқда.

Тинчлик ва осойишталикни, инсонийликни ҳамма нарсадан устун қўядиган халқимиз бундай шахсларни, уларнинг қилмишларини кескин қоралайди. Уларни ўзбек деган номга номуносиб деб ҳисоблайди.

Ҳозирги вақтда ёшлар, айниқса, чет элда ишлаб, ҳалол меҳнат билан даромад топаман, деб юрган фуқароларимиз терроризм ва экстремизм чангалига тушиб қолмаслиги учун биз барча чораларни кўряпмиз.

Авваламбор, кўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият беряпмиз. Бизнинг мақсадимиз улар билан рақобат қилиш эмас, балки ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, умумий муаммоларни биргаликда ечишдан иборат.

Шу мақсадда, мана, Туркменистон ва Қозоғистон Республикасига қисқа муддатда икки марта ташриф билан бордик. Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Саудия Арабистонига ташрифларимиз ҳам самарали бўлди.

Россия Федерациясига давлат ташрифи чоғида меҳнат миграцияси бўйича муҳим келишувга эришдик. Бизнинг бу борадаги позициямиз аниқ: одам қаерда бўлса ҳам ишлаши, оиласи, бола-чақасини боқиши керак. Лекин у ҳалол меҳнат қилиши, қонуний йўл билан даромад топиши лозим. Бунинг учун давлатимиз барча шароитларни яратиб беришга тайёр.

Аммо яратилган имкониятлардан тўғри фойдаланмасдан, эгри кадам босадиган, эл-юртимизга иснод келтирадиган кимсалар – уларни нонкўр десак, тўғри бўлади – бундай шахслар билан бошқача иш олиб борамиз. Буюк шоиримиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур айтганидек, **«Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур, Ҳар кимки жафо қилса, жазо топқусидур»**.



Мухтарам дўстлар!

Бугунги кунда ижтимоий-маънавий муҳитни ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, ёшларни турли диний экстремистик оқимлар таъсиридан асраш масаласи барчамиз учун энг асосий масала бўлиб турибди.

Шу муносабат билан мен Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур тумани ва Андижон вилояти фаоллари билан бўлган учрашувда айтган баъзи фикрларимни бугун сизларнинг олдингизда такрорлашни ўринли, деб биламан.

Биз кўп жойларда жаҳолатга қарши маърифат ташаббуси билан чиқяпмиз. Муқаддас ислом динини никоб қилиб бошқа кўчаларга кириб кетаётган жоҳил кимсалар бир нарсани тушунмайди ёки тушунишни истамайди. Яъни, ислом фақат нурли ҳаётга, илм-маърифатга, яхшиликка ундайди. Ҳеч қачон хунрезлик, қотиллик, зўравонликка чақирмайди. Ана шу ҳақиқатни тан олмасдан, сохта гоёларга алданиб, зарарли оқимларга кириш, террорчи бўлиш – бу Ўзбекистон халқига мутлақо тўғри келмайди.

Алҳамдулиллоҳ, ҳаммамиз мусулмонмиз, бунинг шукронасини қилиб, фарзандларимизни ҳам бундай неъматнинг қадрига етадиган инсонлар этиб тарбиялашимиз керак эмасми?

Мухтарам имом-хатибларимиз Худо йўлида холис хизмат қилишни ўз зиммаларига олганлар. Бу ҳам масъулият, ҳам улкан шараф. Шунинг учун соғлом эътиқод йўлини тарғиб қилишни аввало кимдан сўраймиз? Сиз, азизлардан сўраймиз. Шу борада барчамиз кимдан ибрат оламиз? Сиз, азизлардан.

Шунинг учун ҳам сизларнинг катта билимингиз, обрў-эътиборингизни инобатга олиб, мен сизларга, барча дин аҳлларига, жамоатчилигимизга мурожаат қилмоқчиман: юртимизда тинчликни, осойишталикни сақлашда бизга ёрдам беринг.

Агар маҳаллангизда бирорта бола зарарли диний оқимга кириб қолган бўлса, уни нотўғри йўлдан қайтаришга ҳаракат қилинг. Аввало, улар билан гаплашиб, бу – ота-боболаринг йўли эмас, бу йўлдан қайт, ҳақиқат мана бу ёқда, тинчлик ва эзгулик йўлидан бориб, ҳеч ким кам бўлмаган, деб уларни соғлом эътиқодга ишонтириш керак. Билим билан, ақл ва маърифат, намунали ишлар билан ишонтириш керак. Тарихдан, бугунги ҳаётимиздан олинган ҳаётий, таъсирчан мисоллар билан инонтириш керак.

Бундай тарғибот, бундай ташвиқот сизларнинг кўлингиздан албатта келади.

Йўлдан адашган болани дарров душманга чиқармасдан, уни ўзимизнинг фарзандимиз, деб билишимиз керак. Унга бутун қалбимиз, юрагимиз билан ачинаётганимизни шу бола билсин. Зора, шунда уларнинг ҳам қалб кўзи очилса, тўғри йўлга кадам қўйса...

Бир боланинг йўлдан адашиши – бу нафақат бир оила, балки бутун жамият бошига тушган кулфат. Бундан аввало шу боланинг ота-онаси, ака-укалари, яқинлари жабр кўради. Бундай пайтда уларга ёрдам бериш керак. Биз эса, афсуски, улардан ўзимизни олиб қочамиз. Тўйга чақирмаймиз, маросимга чақирмаймиз, у фалончининг акаси ёки ўғли, деб уларнинг нафратини баттар авж олдирамиз, айбсиз одамларни ашаддий душман қиламиз.

Натижада нима бўлади? Кулфат камайиш ўрнига кўпаяди. Бошқа оилалар ҳаётига ҳам кириб боради.

Бугун шу масалани кўндаланг кўядиган вақт келди.

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний «**Олижаноб кишилар узрни қабул қилур**», деб таъкидлаган эканлар. Халқимиз – мард ва олижаноб халқ. Ким чин дилдан узр сўраса, тавба қилса, албатта гунохидан кечади. Шунинг учун ҳозирги кунда қанча адашганларни кечириб, тўғри йўлга соляпмиз. Бирини ўқишга, бирини ишга, бирини касбга қайтаряпмиз.

Минг афсуски, зарарли диний оқимга кирган болани «Бу – кўшнининг боласи, бошқа қишлоқ ёки туманнинг боласи», деб лоқайд бўлаётганлар ҳам орамизда йўқ эмас. Кимдир четга чиқиб, экстремистларга кўшилиб юрган бўлса, баъзи раҳбарлар, у Фарғонадан эмас, Андижондан, Қашқадарёдан эмас, Самарқанддан, деб бепарво бўлмоқда. Лекин у Ўзбекистон фарзанди, Ўзбекистон фуқароси-ку!

Шу муносабат билан бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: Ўзбекистонда давлат давлатчилигини қилади, қонун устувор бўлади. Худога шукр, давлат раҳбари сифатида буни таъминлашга менинг кучим ҳам, билимим ва салоҳиятим ҳам албатта етади. Бу ҳақиқатни ҳеч ким, ҳеч қачон эсидан чиқармасин.

Халқимизда «**Икки кеманинг бошини тутган гарқ бўлади**», деган мақол бор. Қайси раҳбар, қайси имом-хатиб у томонга ҳам, бу томонга ҳам ёқаман,

деб иш кўрмокчи бўлса, каттик адашади. Бизга бундай иккиюзламачи, мунофик одамлар мутлақо керак эмас.

Мусулмонлик ҳар биримизнинг юрагимизда, виждонимизда бўлиши лозим. Инсон имон-этикодли бўлса, юртига содиқ бўлиб хизмат қилса, у хақиқий ватанпарвар бўлади. Агар у этикодсиз бўлиб, чаласавод бўлиб, хиёнат қилиб, боя айтганимдек, икки томон билан ҳам «ўйин» қиламан, бу давлат кетса, анавилар келиб қолса, улар билан ҳам тил топишаман, деб найранг қиладиган бўлса, билиб кўйинглар, бундай «номер»лар бизга ўтмайди.

Албатта, ашаддий террорчи ва экстремистлар ўз йўлидан қайтмайди. Уларнинг мияси, бутун ҳужайраси заҳарланиб, кўли қонга ботиб бўлган. Уларга гап уқтириб, инсофга чақиришнинг ҳеч қандай фойдаси йўқ.

Шунинг учун ҳам ҳар қайси маҳалла, ҳар бир туман ва вилоят ўз ҳудудидан чиққан, чет элларда террорчи гуруҳлар сафида юрган ашаддий экстремистларни Ўзбекистон фуқаролигидан чиқариш ҳақида Ўзбекистон Президентига таклиф киритиши зарур.

Бу масалани аввало чуқур ўрганиш керак, айби исботланган тақдирда мен уларни Ўзбекистон фуқаролигидан маҳрум қилишга тайёрман. Окни – ок, қорани – қора, дейдиган вақт келди. Бизга бундай нон-кўрлар керак эмас.

Айни вақтда бу масала бўйича жойлардаги ижро органлари, ҳокимликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳам ўз муносабатини ўзгартириши лозим.

Адашганлар ҳақида гапирганда, жамоатчилигимиз, имом-хатибларимиз, керак бўлса, туман ҳокимига бориб, «Бу йигитга иш беринг, уй беринг, у ўзи асли ёмон одам эмас экан, кимнингдир ноинсофлиги, адолатсизлиги туфайли шу кўйга тушибди», деб айтишдан кўркмасин.

Бугунги йиғилишда иштирок этаётган ва вилоятларда ўтирган барча раҳбарлар ҳам бу гаплардан албатта хулоса чиқариши керак.

Бугун қанча ёшлар сохта алдовларга учиб, ўз умрини хазон қилаётганини ўйлаб, тўғриси, тунлари ухلامасдан чиқаман. Ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, бу аччиқ ҳақиқат юрагимизга ханжар бўлиб санчилиши керак эмасми?

Ахир, кечагина шу ёшлар, ўзимизнинг қоракўзлар, биримизнинг маҳалладошимиз, биримизнинг ўғлимиз, биримизнинг кизимиз ёки жиянимиз эди-ку! Улар қачон адашди, қачон нотўғри йўлга кириб кетди?

Биз нега ғафлатда қолдик? Қачон, қаерда хатога йўл қўйдик? Фарзандларимиз қачон бегоналарнинг қўлига ўтиб кетди? Нима жин урдию улар ўз ота-онаси, ўз юртининг душманига айланиб қолди?

Бугун бу мудҳиш бало-қазонинг олдини олмасак, бор кучимизни шунга сафарбар этмасак, эртага кеч бўлади.

Юртимизда яшаётган, оиласини, фарзандларининг эртанги кунини ўйлайдиган ҳеч бир инсон, дин арбоблари, жамоатчилик вакиллари бу ҳаёт-мамот масаласидан четда турмаслиги керак.

Мана, ўзингиз кўряпсиз, Афғонистон, Сурия, Ирок, Ливия каби давлатларда нима бўляпти? Яна қандай мисоллар керак ўзи? Бу фожиалар барчамизнинг кўзимизни очиши зарур эмасми?

Куръони каримда айтилган «**Ўз қўлларингиз билан ўзингизни ҳалокатга ташламанг**», деган ҳикматли сўзлардан ҳаммамиз хулоса чиқаришимиз лозим. Бизнинг бепарволигимиз, лоқайдлигимиз фақат фожа келтиради. Болаларимиз, оиламиз, бутун юртимиз бошига фалокат келтиради. Айтинглари, ўзини инсон деб биладиган, виждони, имони бор ҳеч бир одам бунга истайдими? Йўқ, албатта.

«**Бола ота-она қўлида бир омонатдир**», дейди буюк алломаларимиз. Болаларимиз, уларнинг тақдири, келажаги ҳақиқатан ҳам жуда омонат эканини бугунги ҳаёт ҳар томонлама исботламоқда.

Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас.

Биз кўпинча, болам мактабда, ўқишда ёки чет элда ишлаяпти, деб хотиржам юрамиз. Лекин бизнинг бундай соддалигимиз, бепарволигимиздан душманлар маккорлик билан фойдаланмоқда. Бизнинг жону жаҳонимиз бўлган фарзандимиз душманлар қўлида қуролга айланиб қолса, бунинг учун аввало ким айбдор? Ўзимиз эмасми?

Шунинг учун мактаб, лицей ва коллежлардаги, олий ўқув юртларидаги таълим-тарбия, биринчи

навбатда, давомат масаласига ниҳоятда жиддий эътибор беришимиз шарт.

Биронта ўқувчи ёки талаба узрсиз ўқишга келмай қўйса, таълим маскани ҳам, оила ҳам, маҳалла, ҳокимият идоралари ҳам бу тўғрида бонг уриши, сергак тортиши, буни фавқулодда бир ҳол деб баҳолаши керак.

Ана шундай назорат тизими самарали ва ўзаро боғлиқликда ишлайдиган бўлса, албатта биз вазиятни қўлга олиб, уни ижобий томонга ўзгартира оламиз.

Шунинг учун ҳам биз туманларда ҳокимлар ҳамда ички ишлар бўлими бошлиқларининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозимини ташкил этдик.

Кейинги йилларда халқимиз ўртасида кенг тарқалган «Ўз уйингни ўзинг асра!» деган даъватга бугун «Ўз болангни ўзинг асра!» деб қўшимча киритиш вақти келди, деб ўйлайман.

Адашган ёшларни тарбиялашимиз, керак бўлса, жазони ўташ жойларига ҳам бориб, улар билан гаплашишимиз лозим. Чин дилдан тавба қилиб, ота-онаси, оиласи бағрига, тўғри йўлга қайтишни ният қилган одамларга амалий ёрдам беришга мен давлат раҳбари сифатида доимо тайёрман.

«Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, Хотинқизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ички ишлар идоралари ва бошқа тегишли ташкилотлар бу масала бўйича бевосита жавобгар бўлиб, иш самарадорлигини тубдан оширишлари, мутлақо янги тизимга ўтишлари зарур.

Бу борадаги энг муҳим вазифалар ҳақида гапирганда, куйидагиларни алоҳида таъкидлашни истардим.

**Биринчидан**, жойларда махсус ҳисобга олинган фуқароларнинг турмуш шароити, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, муаммоларини ўрганиш, ушбу тоифа шахслар нега радикаллашиб кетганининг сабабларини ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш лозим.

Ана шу ишларнинг натижалари бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятида қўллаш учун аниқ тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Агар биз шу йўналишдаги ишларни аввалгидек давом эттирадиган бўлсак, яъни, умумий профилактика ишларини ёшлар радикал диний оқим аъзосига айланганидан сўнг ўтказадиган бўлсак, бундай хавф-хатарга қарши ҳеч қачон самарали кураша олмаймиз.

Қисқача айтганда, узокни кўзлаб, керак бўлса, ҳаётда бир кадам олдинда юриб, бизни доғда қолдирмоқчи бўлганларнинг хийла-найрангларини аввалдан билиб, биринчи зарбани улар эмас, биз беришимиз зарур. Шунда давлатнинг – давлат, жамиятнинг – жамият экани бор кучи ва қудрати билан намоён бўлади.

**Иккинчидан**, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, профилактика инспекторлари, имом-хатиблар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тегишли ходимлари учун малака ошириш ўқувларини ташкил этиш керак. Бу ўқувларда уларни диний экстремистик ва террорчи гуруҳларнинг иш усули, ғаразли ғоя ва мақсадлари билан таништириб бориш зарур.



Адашган шахслар билан ишлайдиган мутахассис, у маҳалла маслаҳатчиси, имом-хатиб ёки профилактика инспектори бўладими, бундан қатъи назар, аввало бузғунчи кучлар қандай гоёларни илгари сураётганини билиши керак.

Акс ҳолда у ана шу гоёлар хато экани, дину диёнатимиз, элу юртимиз манфаатларига зид келишини тушунтириб беролмайди. Бундай ҳолатда қандай қилиб адашган кимсани тўғри йўлга ишонтириш мумкин?

**Учинчидан,** ҳокимларнинг ёшлар билан ишлаш ҳамда жамоатчилик ва диний ташкилотлар, шунингдек, хотин-қизлар бўйича ўринбосарлари аввало ўзлари ташаббус кўрсатиб, турли сохта ваъдалар, ҳавойи гаплар ортидан эргашган фуқароларимизнинг хонадонларига кириб боришлари керак. Улар билан суҳбат ўтказишлари, иссиқ-совуғи, ташвиш ва муаммоларидан хабардор бўлишлари лозим. Уларнинг кундалик режасида ҳар куни қайси диний оқим аъзоси билан учрашиш, диний-ахлоқий жиҳатдан муаммоси бўлган хонадоннинг масаласини ҳал этиш бўйича аниқ вазифалар акс этиши шарт.

Агар биз ёлғон гоёга алданганларни ўз ҳолига ташлаб қўядиган бўлсак, эртага четда пайт пойлаб турган қабих ёв келиб, уни ўз ортидан етаклаб кетмаслигига ким кафолат беради?

Бугунги кунда диний экстремистик оқим аъзоларининг фарзандларини жамоат ишларига, дунёвий турмуш тарзига, хусусан, фан ва касб-ҳунар тўғараклари, санъат фестиваллари, спорт мусобақаларига жалб

килишга етарлича эътибор қаратилмаяпти. Буни албатта коникарли деб бўлмайди. Нега деганда, бир-икки марта номига тадбир ўтказиш билан иш битмайди. Бу йўналишда ҳар куни, ҳар соатда, доимий ва тизимли равишда иш олиб бориш керак. Буни маънавий ҳаёт, ғоявий-мафкуравий иш деб қўйибди. Бу бизга ғалла ёки чигит экиш эмас, уругни тупрокка ташладик, бўлди, энди кутамиз, деб қараб ўтирсак.

Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди. Демак, унга доимо маънавий озиқ керак. Агар шу озиқни ўзи яшаётган муҳитдан олмаса ёки бу муҳит уни кониктирмаса, нима бўлади, айтинглар? Бундай озиқни у аста-секин бошқа ёқдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз керак. Мана, гап нима ҳақида кетяпти!

Бунинг учун ўзини жамиятимиз, ёшларимиз маънавияти, ғоявий-мафкуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар – бу маҳалла ёки диний ташкилотлар бўладими, ҳуқуқ-тартибоғ идоралари ходимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиёлилар бўладими – уларнинг барчаси айниқса фаол бўлишлари лозим.

Афсуски, биз бу масалаларда ухлаб ўтирибмиз. Гапнинг очиги шу: ухлаб ўтирибмиз. Душман эса ўз ишини қиляпти. Баъзи ўринларда ҳатто мақсадига ҳам эришяпти.

Агар бу сўзларим кимгадир қаттиқ ботса, нотўғри бўлса, марҳамат, буни ҳам очик айтинглар. Мен эшитишга тайёрман.

Яна бир масала – эл-юртга пешво бўлиб юрадиган мухтарам имом-хатибларимиз юксак маънавияти, одоб-ахлоқи билан аввало ўзлари бошқаларга ибрат ва намуна кўрсатмас экан, уларнинг ваъзхонлиги одамларга чивин чаққандек ҳам таъсир қилмайди.

Холисона айтганда, барча имом-хатибларимиз шу талабларга жавоб бера оладими?

**Тўртинчидан**, ҳар бир маҳаллада маҳалла раиси, маслаҳатчилар, участка инспектори ва имом-хатибнинг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш фурсати етди.

Имом-хатиблар кенг жамоатчилик орасида мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамликни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, бундай барқарор ва осойишта муҳит осмондан тушмаётганини тарғиб этиш, ота-боболаримиз минг йиллардан буён пок сақлаб келаётган ислом дини ҳар қандай зўравонликка, бузгунчиликка, бегуноҳ инсонларнинг конини тўкишга мутлако қарши эканини оят ва ҳадислар асосида, жонли мисоллар ёрдамида таъсирчан етказиб беришлари зарур.

Мукаддас Қуръони каримда мусулмонларга қарата **фирқаларга бўлинманг**, деган мазмундаги кўрсатмалар бор. Шунинг ўзи турли оқимларга бўлиниб, одамларни тўғри йўлдан адаштиришга динимиз мутлако қарши эканига яққол далил эмасми?

**Бешинчидан**, бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-

ахлоки, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунё-караши билан боғлиқ.

Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айти пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуг зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содик қолишга ундаб турсин.

Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? **Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан.** Лекин тарбия дегани фақат мактаб тарбиясидан иборат эмас. Ҳозир ҳаммамиз бор айбни мактабга ағдаришга ўрганиб қолганмиз.

Маҳалла, оила, кенг жамоатчилик-чи? «**Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она**» деган мақолнинг ҳақиқий маъносини англайдиган вақт келди. **Англаб, шу асосда яшайдиган вақт келди.**

Лекин бугунги кунда маҳалладаги болалар, айниқса, уюлмаган ёшларнинг тақдири билан ким қизиқяпти? Улар кимлар билан ҳамсухбат бўлаётгани, ўқишга қачон бориб, қачон келаётганини ким назорат қиляпти?

Ёшлар, хусусан, ўсмирлар орасида безорилик, жиноятлар сони ортишига қандай омиллар сабаб бўляпти?

Баъзи йигит-қизлар учун мсхр-оқибат, ахлоқ-одоб тушунчалари бутунлай бегона бўлиб бораётгани, уларда бефарқлик, масъулиятсизлик, меҳнат қилмасдан кун кўришга интилиш каби иллатлар пайдо бўлаётгани – аччиқ бўлса-да, ҳақиқат.

Бунинг тасдиғини кўплаб мисолларда кўриш мумкин.

Айрим ёшларнинг қисқа ёки узоқ вақт чет элга, меҳнат сафарига бориб келиб, ўз эътиқодини хато деб ҳисоблаб, бизга буткул ёт бўлган оқимлар, ғоя ва тушунчаларни олиб келаётгани ҳам – бор гап. Айни ҳақиқат бу. Бундай ҳолатлар барчамизни ташвишга солиши шарт.

Ёки турмуш қурган келин-куёвлар орасида ҳаётни енгил-елпи тасаввур қилиш, оила муқаддас эканини тушуниб етмаслик ҳолатлари ҳам, афсуски, учраб турибди.

Ёш оилалар орасида арзимас сабаблар билан ажралишлар кўпайиб бормоқда. Бегуноҳ болалар етим бўлиб, меҳр ва эътиборга энг ташна вақтида ота-она тарбиясидан четда қолмоқда.

Яна бир нохуш ҳолатни бугун афсус билан айтмоқчиман: оилаларда носоглом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солмоқда.

Сизлар яхши биласизлар, Қуръони каримда «**Ўзингизни ноҳақ ўлдирмангиз**», деб буюрилади. Муборак ҳадисларда ўз жонига қасд қилганлар ҳеч қачон жаннатга тушмаслиги ҳам баён қилинади.

Шунга қарамасдан, аёлларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари барҳам топмаётган экан, биз аввало бунинг сабабларини бартараф этиш ҳақида ҳар томонлама ўйлашимиз, жумладан, аҳолимиз, аёлларимиз ўртасида динимизнинг бу кўрсатмаларини тушунтиришимиз лозим.

Шу ўринда яна бир нозик масала бўйича алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Баъзан ҳаётда «ЗАГС», яъни, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида рўйхатдан ўтмасдан туриб, пул эвазига яширинча шаръий никоҳ ўқитиш, хотин устига хотин олиш ҳолатлари ҳам, минг афсуски, учраб турибди.

Бир пайтлар ҳаётнинг ўзи рад этган кундошлик, кўшхотинлик балоси қандай хунук оқибатларга олиб келиши барчамизни ташвишга солиши керак. Атоқли адибимиз Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романида кундошлик туфайли бутун бир оила бошига тушган фожиаларни жуда таъсирчан тасвирлаб бергани наҳотки сабоқ бўлмаган бўлса?

Ахир, тегишли давлат идорасида қонуний қайд этилмаган «никоҳ»дан туғилган фарзандларнинг тақдири, келажағи нима бўлади? Табиийки, давлат қонунлари бўйича улар кўпгина ҳуқуқлардан маҳрум бўлиб қолади. Хусусан, оталикни белгилаш, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олиш, мерос ҳуқуқи, ўсиб-улғайганидан кейин боғчага, таълим муассасаларига қабул қилиш масалаларида қанчадан-қанча муаммолар пайдо бўлади.

Энг ёмони, бундай болалар руҳан мажруҳ бўлиб, турли маънавий нуқсонлар билан вояга етади. Улар ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси деб ҳис этолмайди.

Ҳурматли имом-хатиблар, сизлар Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органидан берилган ҳужжатни кўрмасдан туриб, турли бойваччаларга

шаръий никоҳ ўқиб бераётганингизда мана шундай ишингиз оилаларга қандай бахтсизлик, жамиятга қандай катта муаммо олиб келаётганини лоақал тасаввур қиласизларми ўзи?!

Ҳозирги кунда ҳаётимизда авж олаётган ана шундай хунук, ярамас ҳолатларга чек қўйиш мақсадида алоҳида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Бу қонунда Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органидан берилган ҳужжатга эга бўлмаган шахсларга шаръий никоҳ ўқиган ҳар қандай муллага, агар у валломат бўлса ҳам, жиноий жазо бериш кўзда тутилади.

**Олтинчидан**, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда жамоатчилик назоратини тизимли йўлга қўйиш энг мақбул йўлдир. Бу – жаҳон тажрибасида синовдан ўтган йўл.

**Давлат қачон ўз вазифасини муваффақиятли адо этади? Қачонки давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати ўрнатилган бўлса.**

Афсуски, ҳозирги кунда жамоатчилик назоратининг таъсири амалда сезилмаяпти. Одамлар орасида ҳалигача боқимандалик кайфияти ҳукм сурмоқда. Давлат бор-ку, боксин-да, деган кайфиятлардан, афсуски, тўлиқ қутула олмаяпмиз.

Жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича Президентнинг давлат маслаҳатчиси раҳбарлигидаги Республика ишчи гуруҳи кейинги пайтда қарийб барча ҳудудларда ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва аниқланган муаммоларни

баргараф этиш учун жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Лекин шунинг ўзи етарли эмас. Барчамиз бир ёкадан бош чиқариб, ана шу муаммоларни биргаликда ечмасак, четдан келиб ҳеч ким уларни ҳал қилиб бермайди.

Ҳаммангиз биласиз, ҳозирги пайтда бирор-бир ташкилотга битта қўшимча штат бериш қанчалик қийин. Аммо биз жамиятимиз, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ўйлаб, ички ишлар тизими, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаларига, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига, Хотин-қизлар қўмитасига қўшимча штатлар бердик, уларнинг иш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширдик. Энди улардан маънавий-маърифий тадбирларнинг натижаси бўйича, жумладан, адашганларни тўғри йўлга солиш бўйича амалий ишларни кутишга ҳақлимиз.

Қадрли юртдошлар!

Бугунги учрашувимиздан фойдаланиб, сизлар билан яна бир масала ҳақида фикрлашиб олмакчиман.

Сизларга яхши аёнки, мамлакатимизнинг дсярли барча ҳудудларида динимиз равнаки йўлида бекиёс хизмат қилган буюк азиз-авлиёлар, аллома зотлар хотирасига барпо этилган ёдгорлик мажмуалари, илмий марказлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг қошида ислом динининг алоҳида йўналишлари бўйича илм олишга, мутахассис бўлишга тайёрлаб борадиган илмий мактаблар ташкил этсак, нима дейсизлар?



Масалан, Самарқандда – Имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотуридий маркази қошида калом илми, Фарғонада – Марғиноний илмий марказида ислом ҳуқуқи мактаби, Бухорода – Баҳоуддин Накшбанд марказида тасаввуф, Қашқадарёда – Абу Муин Насафий марказида ақида илми мактабини ташкил этсак, ўйлайманки, бу жуда фойдали бўлади.

Келгусида чуқур билимли имом-хатиблар, исломшунос мутахассислар, уламолар тайёрлашда, энг муҳими, фарзандларимизни буюк аجدодларимизнинг бебаҳо мероси руҳида, соғлом эътиқод руҳида тарбиялашда бу мактаблар таянч бўлиб хизмат қилади.

Куни кеча Имом Бухорий бобомиз ёдгорлик мажмуасида бўлганимда бу масаланинг нақадар муҳим ва долзарб эканини айниқса чуқур ҳис этдим.

Айни вақтда Ўзбекистон мусулмонлари идораси фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг тасарруфидаги ташкилотлар ва имом-хатибларга қулайликлар яратиш учун қуйидаги масалаларни кўриб чиқишимиз зарур, деб ўйлайман.

**Биринчидан,** Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва унинг тизимидаги масжид ва таълим муассасаларининг нотижорат ташкилот сифатида фаолият юртишини инобатга олиб, улар томонидан тўланадиган ягона ижтимоий тўловнинг миқдорини қайта кўриб чиқиш зарур.

**Иккинчидан,** Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий мажмуаси қошида фаолият кўрсатаётган имом-хатиблар

малакасини ошириш ўқув марказининг фаолиятини кучайтириш, унинг илмий салоҳиятини, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз зарур.

**Учинчидан,** мамлакатимизда маърифий йўналишдаги нашрларга берилган имтиёзларни Ўзбекистон муслмонлари идорасининг «Ҳидоят» журнали ва «Ислом нури» газетаси ҳамда диний-маърифий нашрлар учун ҳам жорий этиб, уларга ҳам солиқ ва мажбурий ижтимоий тўловлар бўйича белгиланган имтиёзлар бериш адолатдан бўлади, деб ўйлайман.

**Тўртинчидан,** «Ўзбекистон» телеканали орқали бериладиган «Ҳидоят сари» маърифий дастури ва «Зиё» студияси кўрсатувларини, ўйлайманки, юртимизда кўпчилик катта кизиқиш билан томоша қилади. Ана шу кўрсатувлар ижодкорларининг самарали меҳнатини инобатга олиб, уларни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаймиз.

**Муҳтарам юртдошлар!**

Юртимиз остонасига бостириб келаётган ёвуз хавф-хатарларнинг олдини олиш, уларга маърифат билан қарши курашишда, ҳеч шубҳасиз, дину диёнатимиз йўлида сидқидилдан хизмат қилиб келаётган сиз, муҳтарам домла-имомларимиз, барча диний ходимларнинг ўрни ва таъсири бекиёс.

Сизлар инсон туғилганида чақалоққа азон айтишдан то уни сўнгги йўлга кузатишгача – бир умр у билан бирга бўласизлар. Яъни, ҳаётимиздаги барча яхши ёмон кунларда доимо биз билан биргасиз.

Биз сизларнинг одамларни меҳр-оқибатга, ҳалолликка чақириш, ёшларни ахлоқ-одоб руҳида тарбиялаш, оилалар, маҳаллаларда тинчлик, ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш бўйича олиб бораётган савобли ишларингиз учун барчангиздан миннатдор-миз.

Айни пайтда бугун замон шуни талаб қиляптики, бу борадаги фаолиятимизни янада кучайтирмасак, унинг самарасини оширмасак, шунча қилган саъй-харакатларимиз бекор кетади. Бундан буён ҳар бир имом-хатиб фаолиятига у иш олиб бораётган тумандаги диний вазиятга қараб баҳо берилади.

Шу нуктаи назардан қараганда, Шайхонтохур тумани ва Андижон вилояти фаоллари билан бўлган учрашувда муҳокама қилинган масалалар ва уларнинг ечими бўйича бошланган ишларни мамлакатимиз миқёсида кенг тарғиб этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Мен ўзим кўп жойларда эшитаман, имом-хатибларимизнинг маъруза ва суҳбатлари, афсуски, кўпинча фақат тор диний мавзу билан чекланиб қолади. Ҳолбуки, одамларимизда шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғусини, соғлом эътиқодни кучайтиришга асос берадиган жуда кўп мисолларни бугунги ҳаётимиздан истаганча келтириш мумкин. Мисол учун, биргина «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури доирасида 300 дан зиёд чоратадбир белгиланган бўлиб, уларнинг ижроси учун 37,7 триллион сўм ва 8,3 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

Дастур доирасида 2017 йилда қишлоқ жойларда 15 мингта янги намунадаги арзон, такрор айтаман, арзон уй-жойлар барпо этилади. Ўзингиз яхши тушунасиз, бу дунёда уйга мухтож бир одамга бошпана қуриб бериш ҳам динимизда катта савоб иш деб баҳоланади.

Шу маънода, бундай олижаноб анъаналар халқимиз ҳаётида ҳеч қачон тўхтаб қолмагани, давлатимиз томонидан бугунги кунда янада кенг миқёсда давом эттириляётганини айтиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман.

Юртимизда тадбиркорлик соҳасида яратилаётган қулай шароитлардан фойдаланиб, ёшларни ўз мустақил ишини очишга даъват қилиш – бу ҳам динимиз буюрган яхши амаллардан бири.

**«Дилинг – Оллоҳда, қўлинг – меҳнатда бўлсин»** деган даъват буюк Баҳоуддин Накшбанд бобомиз томонидан айтилган, десак, ўйлайманки, адашмаган бўламиз.

Мана, бу йил қишлоқ жойларда яна бир ибратли тажрибани бошладик. Яъни, ғалладан бўшайдиган 1 миллион 15 минг гектар ерда такрорий экинлар экиш учун руҳеат беряпмиз. Бу ўтган йилга нисбатан икки баробар кўп. Мақсад – ер бекор турмасин, одамлар даромад олсин.

Албатта, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Буларнинг барчаси халқимиз учун, унинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қаратилганини англаш албатта қийин эмас.

Энг муҳими, улар муқаддас динимиз даъват этадиган эзгу ишларга ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳанг эканини сиз, азизлар айникса чуқур тушунасиз ва кадрлайсиз, деб ўйлайман.

Кадрли дўстлар!

Биринчи Президентимиз мухтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан мамлакатимиз мустақиллигини барча соҳаларда мустаҳкамлаш, хусусан, муқаддас динимизни тиклаш, унинг поклигини сақлаш, жамиятимизда диний бағрикенглик, миллатлар ўртасида дўстлик ва ҳамжихатлик муҳитини қарор топтиришда улкан ишлар амалга оширилганини бар-чамиз яхши биламиз.

Бугун, Оллоҳ розилиги йўлида, халқимизнинг улуг фарзанди Ислом Каримов хотирасига бағишлаб юртимизнинг барча вилоятларида ифторлик маросимлари ташкил этилмоқда.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, азизларнинг барчангизни кечки пайт «Наврўз» мажмуасига таклиф этишга ижозат бергайсиз.

Тутган рўзаларингиз даргоҳида қабул бўлсин.

Кадрли ва мухтарам ватандошлар!

Биз ўз йўлимизда қандай хавф-хатарга дуч келмайлик, уни фақат мустаҳкам иродамиз, дину диёнатимиз билан енга оламиз.

Биз қандай маррага эришмоқчи бўлсак, унга фақат она юртимизга меҳр-муҳаббат, садоқат ва фидойилик билан эришамиз.

Биз эркин ва фаровон келажагимизни курмоқчи бўлсак, фақат мард ва олижаноб халқимиз билан бирга барпо этамиз.

Ишончим комил, бу ҳақиқатни бугун барчамиз чин юракдан ҳис қилиб турибмиз. Истардимки, шу буюк туйғу амалий ишларимиз, фаолиятимизда асосий мезон бўлсин.

Шу йўлда Оллоҳ таоло барчамизга доимо мададкор бўлсин, куч-гайрат ато этсин!

*«Ижтимоий барқарорликни таъминлаш,  
муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби»  
мавзусидаги анжуманда сўзланган нутқ,  
2017 йил 15 июнь*

## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни – юртимиздаги барча журналистлар, газета ва журналлар, теле-радиоканаллар, нашриёт ва матбаа корхоналари фидойиларини, мухтарам фахрийларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, сизларга ўзимнинг чуқур хурмат-эҳтиромим, эзгу тилакларимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлган оммавий ахборот воситалари ҳақида сўз юритганда, биз, аввало, доимо янгилик излаб, янгиликка интилиб, ҳаётнинг қайноқ нуқталарига кириб борадиган, холислик ва ҳаққонийлик, Ватан ва халқ манфаатларини биринчи ўринга қўядиган олижаноб ва масъулиятли касб эгаларини тасаввур қиламиз.

Хурматли юртдошлар!

Бутун мамлакатимиз қатори Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ҳам мустақиллик йилларида катта ривожланиш йўлини босиб ўтганини барчамиз яхши биламиз ва бундай ютуқлар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ҳозирги кунда республикамизда 1500 дан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Биргина Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидаги телеканалларнинг бир сутка давомидаги умумий эфир вақти 616 соатни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, мустақилликдан олдин бу рақам бор-йўғи 48 соатга тенг эди, холос.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, оммавий ахборот воситаларининг таркиби ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Буни юртимиздаги барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари экани ҳам тасдиқлайди. Яқин кунларда иш бошлайдиган, кечаю кундуз узлуксиз фаолият олиб борадиган «O'zbekiston – 24» телеканали миллий ахборот маконида ўз муносиб ўрнини ва ўз томошабинларини топади, деб ишонамиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, энг тезкор ахборот воситаси – Интернет ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётганини алоҳида қайд этиш лозим. Ҳозирги вақтда глобал тармоқда Uz доменли веб-сайтлар, ахборот порталлари сони 400 дан ошиб кетгани, уларнинг аксарияти хорижий тилларда ҳам фаолият кўрсатаётгани, ушбу йўналишда янги ижодий авлод – Интернет журналистлари шаклланиб бораётгани эътиборга сазовордир.

Албатта, бундай натижаларга эришишда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марка-



зида бўлиб келаётгани ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Ана шундай эътибор туфайли ўтган даврда журналистларимиз учун фаолият майдонини кенгайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида кўп ишлар қилинди. Жумладан, матбуот ва оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш ва ривожлантириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган, демократик талаб ва стандартларга тўла жавоб берадиган 10 га яқин қонун ҳужжати қабул қилиниб, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Миллий матбуот маркази, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди каби ташкилотлар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Кейинги пайтда уларнинг каторига Халқаро пресс-клуб ҳам қўшилди.

Сиз, азизларга яхши маълум, бугунги кунда мамлакатимизда китоб маҳсулотларини нашр қилиш ва тарқатиш тизими самарадорлигини ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Бундай муҳим вазифани амалга ошириш учун юртимизда 118 та нашриёт, 1 минг 760 та матбаа корхонаси, минглаб ижодий ва техник ходимлар фаолият олиб бормоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳар йили 7 тилда 60 миллион нусхадан ортиқ китоб чоп этилмоқда.

Албатта, бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Лекин ана шу микдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш, шу асосда оммавий ахборот воситаларининг ҳақиқий тўртинчи ҳокимият бўлиб майдонга чиқишига эришиш, миллий медиа майдонимизда фикрлар ва қарашлар ранг-баранглигини таъминлаш бугунги кунда долзарб вазифа бўлиб қолаётганини барчамиз яхши тушунамиз.

Бу борада 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида энг муҳим устувор йўналишлар белгилаб берилгани сизларга яхши маълум, албатта.

Халқ билан мулоқот, одамларнинг орзу-интилишлари, дарду ташвишлари билан яшаш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётган бугунги кунда ҳар бир оммавий ахборот воситаси чинакам мулоқот майдонига, эркин фикр минбарига айланган тақдирдагина биз ўз олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз.

Айниқса, ҳаётимиздаги мавжуд муаммоларни, жойларда ташкил этилган Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонада аҳоли томонидан кўтарилаётган ўткир ва долзарб масалаларни, уларнинг сабаб ва омилларини очиқ бериш, жамиятимизда танқид ва ўзини ўзи танқид руҳини кучайтириш, афсуски, оммавий ахборот воситалари фаолиятида хали тўла ўз ифодасини топгани йўқ.

Бугун замон шиддат билан ўзгармоқда. Ҳаёт барчамиздан дадил ҳаракатларни, фаол ташаббусларни,

хамма соҳада ҳаққоний ва одил муносабатни талаб этмоқда. Кўпни кўрган, сабр-тоқатли, меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз амалга оширилаётган ана шундай муҳим ўзгаришларнинг натижасини кутмоқда.

Эл-юртимизнинг эзгу орзу-истакларини рўёбга чикариш, бу йўлда ғов бўлиб турган турли тўсиқларни, бюрократизм, лоқайдлик, таъмагирлик, коррупция каби салбий иллатларни дадиллик билан кўтариб чиқиб, уларга қарши муросасиз жамоатчилик фикрини шакллантиришни ўз касби, ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб биладиган журналистларни мен ҳақиқий журналист деб ҳисоблайман.

Албатта, барчамиз яхши тушунамиз, бунинг учун оммавий ахборот воситалари вакилларидан нафақат профессионал билим ва малака, ҳаётий тажриба, ўз сўзи учун масъулият ҳисси, айни вақтда юксак гражданлик позицияси, маънавий жасорат ҳам талаб этилади. Бундай максадга эришиш учун оммавий ахборот воситаларига конунчилик нуктаи назаридан, моддий-техник, ўқув-услубий таъминот нуктаи назаридан янада кенг имкониятлар яратиб беришимиз керак.

Замонавий миллий журналистика мактабини яратиш кўп жиҳатдан, аввало, юксак маънавий-интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, бугунги кун талабларига жавоб берадиган малакали кадрларни тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқдир. Бу муҳим вазифани амалга ошириш учун биз аввало тегишли олий ўқув юртарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш,

таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг савияси ва малакасини ошириш, соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, давлат ташкилотлари ва фукаролик институтлари, экспертлар ҳамжамияти, хорижий ва халқаро ижодий ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтиришимиз зарур.

Бугун Ўзбекистон барча соҳаларда тараққиётнинг янги босқичига кадам кўймоқда. Олдимизда турган, бир-биридан муҳим ва долзарб вазифаларни ҳал этишда, юртимизда тинчлик-осойишталик, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини, унинг ўз кучига, эртанги кунга бўлган ишончини ошириш, ҳаётимизда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш, давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, бир сўз билан айтганда, халқ манфаатининг чинакам ҳимоячиси бўлишда оммавий ахборот воситалари бундан буён ҳам фаол ҳаракат олиб борадилар, деб ишонаман.

Мен сиз, мухтарам матбуот аҳлининг ҳаётимизни янада эркин, обод ва фаровон этиш учун доимо фидойилик кўрсатиб яшашингизни яхши биламан ва сизларни шу йўлда ўзимнинг энг яқин ҳамкорларим ва ёрдамчиларим деб ҳисоблайман. Сизларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатингиз ўз муносиб баҳосини топиши, янада самарали бўлиши учун биз давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини албатта сафарбар этамиз.

Азиз ва муҳтарам дўстлар!

Барчангизни бугунги касб байрамингиз билан яна бир бор самимий қутлаб, сизларга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда омад ва ютуқлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинг, азизлар!

*Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти.  
2017 йил 27 июнь*

## **ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ЁШЛАР – БУГУНГИ ВА ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИДИР**

Қадрли анжуман иштирокчилари!

Аввало, сиз, азизлар билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида учрашиб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, барчангизга ўзимнинг чуқур хурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Очиғини айтганда, мен бугунги учрашувга кўпдан буён тайёргарлик кўриб келаётган эдим. Юртимиз ёшларининг муносиб вакиллари, эртанги кунимиз эгалари бўлган сиз, азиз ўгил-қизларимиз даврасида ёшимиз, лавозимдаги фарқларга эътибор бермасдан, худдики сизлар билан тенг бўлиб, чин дилдан, самимий бир суҳбат қуришни анчадан бери орзу қилиб келар эдим.

Бугун сизларнинг қалбингиз, юрагингиздаги ўй-фикрлар, мақсад-муддаолар, керак бўлса, ушалмай турган ниятлар билан яқиндан танишиш, шу асосда ёшлар сиёсати бўйича олиб бораётган ишларимизни танқидий баҳолаб, тегишли қарорлар қабул қилишни мен ўз фаолиятим учун ғоят муҳим деб ҳисоблайман.

Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган.

Аmmo биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамонт масаласига айланиб бормоқда.

**«Тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди»**, дейди донишмандлар. Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Барчангизга аён, ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда.

Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, «оммавий маданият» каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда.

Мана шундай ва бошқа кўплаб таҳдидлар инсоният ҳаётида жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани – айна ҳақиқат ва буни ҳеч ким инкор этолмайди.

Бугунги учрашувимизда ана шу мураккаб вазиятни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати қандай амалга ошириляпти, бу соҳада қандай муаммолар бор, уларни қандай ҳал қилишимиз керак, бу борада ёшлар ташкилотининг ўрни қандай бўлиши лозим, деган масалалар ҳақида атрофлича гаплашиб олсак, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлади.

**Ҳурматли йигилиш қатнашчилари!**

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларни модернизация қилиш ва янгилаш жараёнлари янги босқичда жадал олиб борилмоқда.

Ҳаёт талабларидан келиб чикиб, юртимиздаги кўпгина давлат ва нодавлат ташкилотларининг фаолияти янада такомиллаштирилмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, нафақат ёшларимиз, балки бутун халқимиз тақдирига дахлдор бўлган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бугунги куни ва эртанги истиқболи барчамизни ўйлантириши табиий.

Сизларга яхши маълум, бундан 16 йил олдин, яъни, 2001 йилда ташкил этилган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ўтган давр мобайнида ёшлар ҳаётига кириб бориб, уларнинг маълум бир қисмини ўз атрофида бирлаштиришга, ўз Дастури ва Уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни имкон даражасида бажаришга ҳаракат қилиб келмоқда.

Ташкилот томонидан ёшларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини эгаллашига кўмаклашиш бўйича бир қанча ижобий ишлар амалга оширилганини албатта эътироф этишимиз керак.

Айни вақтда таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, моҳият эътибори билан ёшларнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи бўлиши зарур бўлган «Камолот» ҳаракати фаолиятида жиддий камчилик ва нуқсонлар кўзга ташланмоқда.

**Биринчидан**, «Камолот» бутун Ўзбекистон ёшларини бирлаштирган, том маънодаги оммавий ҳаракатга айлана олмади. У асосан ўз атрофида Ҳаракат фаолиятига хайрихоҳ бўлган ёшларни уюштириб, фақат уларни қизиқтирган масалалар юзасидангина иш олиб борди.



Натижада ёшларнинг кенг қатламларига тааллуқли бўлган долзарб масалалар, аввало, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни катта мақсадлар сари сафарбар этиш, уюлмаган ёшлар билан ишлаш, қисқача айтганда, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзини ҳақиқий ёшлар ташкилоти сифатида кўрсата олмади.

Маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда «Камолот»нинг 4 миллионга яқин аъзоси бор. Бу мамлакатимиздаги 10 миллиондан зиёд йигит-қизларнинг 40 фоизини ташкил этади.

Бир қарашда, 4 миллион – салмоқли рақам бўлиб кўринади. Лекин ҳолисона айтганда, ташкилотга аъзолик кўп ҳолларда фақат қоғозда мавжуд, амалда эса аксарият аъзолар «Камолот» тўғрисида аниқ тасаввурга эга эмас, унинг мақсад ва вазифаларини билмайди, ўз етакчиларини танимайди, Ҳаракат фаолиятида иштирок этмайди.

Натижада юртимиздаги минглаб ёшлар, айниқса, қишлоқ жойларда нафақат «Камолот»нинг, айни вақтда давлат ва жамиятнинг эътиборидан четда қолмоқда. Улар билан ҳеч ким деярли шуғулланмапти, улар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, десак, аччиқ ҳақиқатни тан олган бўламиз.

Бунинг оқибатида уюлмаган, яъни, ишламайдиган, ўқимайдиган, тайин бир машгулотга эга бўлмаган, салбий таъсирларга берилувчи ёшлар сони ортиб бормоқда.

Ёшлар ўртасида жиноят содир этиш, диний экстремистик оқимларга, террорчи гуруҳларга қўшилиб қолиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани қузатилмоқда.

2016 йилда ёшлар иштирокида 1 миллион 740 мингга яқин ҳуқуқбузарлик, 23 минг 440 та жиноят содир этилгани, ёш оилалар ўртасида 8 мингдан ортиқ ажралиш ҳолати қайд этилгани барчамизни жиддий ташвишга солиши керак.

Албатта, бу борада ҳамма айбни фақат «Камолот»га юклаб қўйиш адолатдан эмас. Бу масалада маҳаллий ҳокимликлар, ички ишлар бўлимлари, прокуратура, суд, маҳалла идораларининг ҳам айби бор.

Айни вақтда бу масалада ёшлар билан доимо ҳамнафас, ҳамфикр бўлиб яшаши, ишлаши керак бўлган «Камолот» ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг масъулияти кўпроқ, десак, тўғри бўлади.

«Камолот» фаолиятидаги бундай камчиликларнинг албатта **объектив ва субъектив сабаблари** бор.

**Объектив сабаблар** шундан иборатки, биз ўз вақтида «Камолот»ни жамоат ташкилоти сифатида тузиб, лекин ундан катта бир вазирлик вазифасини талаб қила бошладик. Унга жуда кенг, улкан вазифаларни топширдиг-у, аммо уларни бажариш учун зарур ҳуқуқий ва амалий ваколатлар, тегишли имконият ва имтиёзлар яратиб бериш ҳақида, афсуски, етарлича бош қотирмадик.

Оқибатда «Камолот» ёшлар ҳаёти билан боғлиқ ҳамма нарсага жавоб берадиган ва айни пайтда ҳеч нарсага жавоб бермайдиган, мўрт ва заиф бир тузилмага айланиб қолганини бугун қанчалик оғир бўлмасин, эътироф этишимиз керак.

«Камолот» фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётган **субъектив сабаблар** ҳақида гапирганда, унинг аксарият раҳбарлари ва ходимлари томонидан ишга

расмиятчилик билан, юзаки ва лоқайд муносабатда бўлиш, маишатга, ичкиликбозликка берилиш каби салбий ҳолатларга йўл қўйилаётганини ҳам афсус билан қайд этиш лозим.

Мен бугунги анжуманда «ёшлар етакчиси» деган юксак номга мутлақо ярашмайдиган бундай нохуш ҳолатлар ҳақида гапириб, сизларни хижолатга қўйиш фикридан йироқман.

Сизлар қурултой мажлисларида бу масалаларни ҳам муҳокама қилиб, уларга тегишли баҳо берасизлар, деб ўйлайман.

Афсуски, биз «Камолот»ни ёшларимиз чин дилдан интиладиган, самарали фаолият олиб борадиган, замонавий кучли бир ташкилотга айлантириш учун ўз вақтида тегишли чоралар кўрмадик. Буни очик тан олишимиз ва зарур хулоса чиқаришимиз керак.

Мен бу гапларни осмондан олиб эмас, аниқ фактлардан келиб чиқиб айтяпман.

Мана, Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатлар билан танишиб кўринглар. Уларнинг аксарияти «Бизни ҳеч ким эшитмайди», «Бизни ҳеч ким тушумайди», «Биз билан ҳеч ким қизикмайди», «Раҳбарлар ўзини ўйлаш билан овора» деган мазмунда ёзилган.

Ёшларга, уларнинг ташвиш ва муаммоларига ана шундай менсимасдан қараш ҳолатлари, афсуски, ҳақиқат.

Биз ёшларга мана шундай беписанд, бегоналарча муносабатда бўлсак, оқибати нима бўлиши аниқ – улар ҳам биздан бегоналашади.

Ўқишдан, ишдан, жамиятдан, давлатдан, борингки, ҳаётдан кўнгли совиб, халқимиз ибораси билан айтганда, кўлини ювиб, кўлтиғига уради.

Бу ҳақда гапирганда, нафақат жойларда, балки Ҳаракатнинг марказий идорасида ҳам меҳнат ва ҳаёт тажрибасига эга бўлган малакали кадрларнинг етишмаслиги жиддий муаммо бўлиб турганини таъкидлаш лозим.

Бунинг асосий сабабларидан бири шундаки, тизимда ишлаётган ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий кўллаб-қувватлашга етарлича эътибор берилмаяпти.

Ўртача ойлик иш ҳақи 800 минг сўмни ташкил этаётгани учун уларнинг аксарияти маоши катта бўлган бошқа ишларга ўтиб кетяпти.

Бунинг устига, кўпгина вилоят ва туманларда «Камолот» ташкилотлари учун бинолар етишмаслиги, уларнинг моддий-техник базаси ночорлиги, зарур мебель ва инвентарлар, алоқа ва ташкилий техника воситалари билан етарлича таъминланмагани, хизмат машиналари йўқлиги ҳам ишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мисол учун, ҳудудий бўлинмаларнинг 81 таси маҳаллий ҳокимликлар биносида, 96 таси турли корхона ва муассасалар биносида жойлашган. Бу ўз-ўзидан ёшларнинг ўз ташкилотига эркин кириб-чиқишини кийинлаштирмоқда.

Баъзи мисолларга мурожаат қилайлик.

Фарғона вилоятида Ёшлар маркази биносининг биринчи қаватида ёшлар учун мўлжалланган тўғарак ва

клублар фаолияти тўхтатилиб, мазкур бино ҳокимлик томонидан бошқа ташкилотга бериб юборилган.

«Камолот»нинг Тошкент вилояти, Пскент тумани кенгаши туман ҳокимлиги биносида фаолият юритиб келган. Аммо ҳокимнинг топшириғига кўра, «Камолот»га тегишли хоналар «Маҳалла» фондининг туман бўлимига олиб берилган. «Камолот»га эса учинчи қаватдаги мажлислар залидан шунчаки номига жой ажратилган.

Қорақалпоғистон Республикасининг Кегейли, Фаргона вилоятининг Сўх туманидаги «Камолот» ташкилотлари авария ҳолатидаги биноларда жойлашганига, айтинглар, нима деса бўлади?

Ана шундай чидаб бўлмайдиган яна бир мисолни келтирмоқчиман. «Камолот» ҳаракатининг Ўрта Чирчиқ тумани кенгаши «Элегант» деб аталадиган келин-куёвлар либоси саломида жойлашган. Буни қандай баҳолаш мумкин?

Ҳаракатнинг жойлардаги тузилмалари фаолияти тор доирада чекланиб, асосан ўқувчи-ёшларга қаратилмоқда. Бунинг натижасида ёшларнинг катта қисмига Ҳаракатнинг сўзи ҳам, амалий таъсири ҳам етиб бормаяпти. Айниқса, уюлмаган ёшлар билан ишлаш масаласи эътибордан четда қолиб кетмоқда.

«Камолот» томонидан ўтказилаётган кўпчилик тадбирларнинг, тарғибот материалларининг мазмуни ва сифати пастлиги, улар замон талабларига жавоб бермаслиги, ёшлар аудиторияси билан иш олиб боришда интерактив усуллар қўлланмаётганини қайд этиш лозим.

Яна бир нохуш ҳолат шундан иборатки, маҳаллий ҳокимликлар томонидан «Камолот» раҳбарлари ва ходимларини уларга алоқаси бўлмаган вазифаларни бажаришга, жумладан, кишлок хўжалиги юмушлари, металллом топшириш, ободонлаштириш каби ишларга, энг ёмони, турли-туман мажлисларга жалб этиш авж олмоқда.

Бундай ачинарли ҳолат Тошкент шаҳрида ҳам мавжуд бўлиб, «Камолот»нинг туман кенгашлари раислари ободонлаштириш ишлари, бинолар фасадини таъмирлашга сафарбар этилган.

Улар иш вақтининг асосий қисмини ўзларига бириктирилган «округ»ларда ўтказди. Кечки пайт эса ҳокимият мажлисларида ҳисобот беради. Ўзингиз айтинг, улар қачон ўзининг бевосита иши, яъни, ёшлар масаласи билан шуғулланади?

Энг ёмони, жойлардаги айрим раҳбарлар «Камолот» учун муносиб шароит яратиб бериш, ёшлар етакчиларига ёрдам бериш ўрнига уларга кўпол муносабатда бўлиш, обрўсини тўкишни «иш услуби»га айлантириб олмоқда.

Масалан, жорий йилнинг 4 май куни Навоий шаҳридаги «Ёшлик» спорт мажмуасида ўтказилган тарғибот тадбирларида хунук воқеа рўй берган. Ички ишлар бошқармаси раҳбарларидан бири «Камолот»нинг Навоий вилояти кенгаши раисини кўпчилик ўртасида ҳақорат қилиб, зўравонлик билан тадбирдан четлаштирмоқчи бўлган.

Қани, ички ишлар вазири А. Азизов, сиз бу масалага қандай изоҳ берасиз? Навоий вилояти ҳокими К. Турсу-

нов, сизнинг бу ҳолатдан хабарингиз борми? Бор бўлса, бу масала бўйича қандай чора кўрдингиз?

Шу борада Андижон вилоятидан ҳам нохуш бир мисол келтиришга тўғри келади. Ўтган йили Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан вилоят «Камолот» ҳаракати кенгашига Андижон шаҳар ободонлаштириш бошқармаси томонидан тантанали равишда янги автобус топширилган.

Лекин маросим тугаши билан автобус олиб қўйилиб, унинг ўрнига шалаги чиққан эски транспорт воситаси берилган. Айтинглар, бундай «ўйин»лар, кўзбўямачилик билан биз ёшларга қандай тарбия бериш мумкин?

Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдурахмонов, сиз бунга нима дейсиз?

Афсуски, бундай камчиликларни республика миқёсидаги вазирлик ва идоралар фаолиятида ҳам учратиш мумкин.

Халқ таълими вазири Улуғбек Иноятов, айтинг-чи, сиз ўз тизимингиз бўйича ёшлар етакчилари билан қачон учрашгансиз? Сиз бошчилик қилаётган соҳада ишлаётган педагогларнинг неча фоизини ёшлар ташкил этади? Уларнинг қанчаси «Камолот» аъзолари ҳисобланади?

Ҳозирги вақтда кўпгина кишлоқ жойларда турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш учун замонавий инфратузилма тармоқлари деярли йўқ. Масалан, Бахмал, Мирзаобод, Ховос, Ўрта Чирчиқ туманларида ёшлар учун истироҳат боғлари, кинотеатрлар умуман мавжуд эмас.

Яна бир мисол. Бухоро шаҳрида жойлашган Ибн Сино номидаги дам олиш ва истироҳат боғи Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, 2016 йилнинг ноябрь ойигача реконструкция қилиниб, «Қамолот» балансига ёшлар маркази сифатида ўтказилиши зарур эди. Лекин маблағ етишмаслиги гуфайли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари тўхтаб қолган.

Қани, ана шу шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари, тегишли мутасаддилар, бу масалаларга қандай баҳо беришингиз мумкин?

Сизлар раҳбар бўлган ҳудудларда яшайдиган ёшлар зерикканидан нима қилишни билмасдан, бе-маза ишларга берилиши, безорилик, жиноят йўлига кириши, зарарли оқимларга қўшилиб кетиши мумкинлиги наҳотки сизларни безовта қилмаса?! Ёшлар учун барча шароитларни муҳайё қилдик, деб биз кимни алдаяпмиз?

Шу муносабат билан барча катта-кичик раҳбарлар қулогига қўрғошиндек қуйиб олсин: биз энди сизларнинг фаолиятингизга пахта ёки ғаллага қараб эмас, энг аввало, сизларнинг ёшларга, ёшларга оид давлат сиёсатига бўлган муносабатингизга қараб баҳо берамиз.

Хурматли анжуман қатнашчилари!

Бундай танқидий фикрларни яна узоқ давом эттириш мумкин. Лекин мақсад – фақат танқид қилиш эмас. Мақсад шу гаплардан тўғри хулоса чиқариб, тилга олинган ҳар бир муаммо бўйича амалий ечим топишдан иборат.

Биз бугунги Ўзбекистон шароитида ёшлар ташкилоти қандай бўлиши керак, деган масалани тегишли



рахбарлар, олимларимиз, эксперт ва мутахассислар, ёшлар вакиллари билан кўп бор муҳокама қилдик.

Бу борада жаҳон тажрибасини, узоқ-яқиндаги турли давлатлар тажрибасини ўргандик. Дунёдаги ривожланган, демократик мамлакатларда ёшлар ташкилотлари асосий эътиборни дабдабали, баландпарвоз тадбирлар ўтказиш эмас, балки ёшлар билан бевосита ишлаш, улар билан амалий мулоқот қилиш, уларни ўйлантираётган ҳаётий муаммоларни ҳал этишга қаратади.

Ҳозирги пайтда ҳаммангиз «ойнаи жаҳон» орқали кўряпсиз, биз жойларда жамоатчилигимиз, аввало, ёшларимиз вакиллари билан доимий мулоқотлар ўтказаямиз. Бу учрашувларда бир фикр такрор ва такрор айтилмоқда. Яъни, Ўзбекистон ёшлари расмиётчилиқдан, кампаниябозлиқдан холи, навқирон авлод манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячиси бўла оладиган демократик ёшлар ташкилотини тузиш ҳақида ўз хоҳиш-истакларини билдирмоқда.

Бунда илгаригидек барча ёшларни бир ташкилотга «ихтиёрий-мажбурий» асосда бирлаштириш эмас, аксинча, уларнинг орзу-интилишлари, ҳаётий ва касбий қизиқиш доираси, ижтимоий мақсадлари бўйича уюштириш тўғри бўлади, деган таклифлар илгари сурилмоқда.

Менинг назаримда, бундай фикрларда чуқур асос ва мантиқ бор. Бу таклифнинг афзаллиги шундаки, у мамлакат ёшларининг барча тоифа ва гуруҳларини қамраб олади, энг муҳими, уларни демократик принциплар асосида бирлаштиради.

Бу, ўз навбатида, бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ислохотлар жараёни билан ҳамоҳанг экани айниқса эътиборлидир.

Ана шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, мамлакатимизда ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчи бўла оладиган мутлақо янги ташкилот – **Ўзбекистон ёшлар иттифоқини** ташкил этсак, нима дейсизлар?

Хурматли йиғилиш иштирокчилари!

Маълумки, ҳар қандай ислохот, хусусан, миллионлаб ёшларнинг ҳаёти ва келажагига бевосита дахлдор бўлган ўзгаришлар ҳар томонлама чуқур ўйлаб иш тутишни, етти ўлчаб, бир кесишни талаб этади.

Шу нуқтаи назардан биз бугун янги ёшлар ташкилотини тузмоқчи эканмиз, шошилмасдан, вазминлик билан иш кўришимиз, бу масаланинг барча ижобий ва салбий томонларини ўзимизга яққол тасаввур қилиб, шундан кейин бир хулоса ва қарорга келишимиз лозим.

Бу борада аввало бўлғуси ташкилотнинг ҳуқуқий мақоми, асосий мақсад ва вазифалари, унинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини, обрў-эътиборини оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Шу мақсадда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раҳбари айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати бўйича давлат маслаҳатчиси лавозимида фаолият олиб боришини ҳуқуқий асосда белгилаб қўйиш даркор. Шу билан бирга, у Президент фармонига биноан Олий Мажлис Сенати аъзоси этиб тайинланади.

Ташкилотнинг Қорақалпоғистондаги кенгаши раиси Республика Жўкорги Кенгеси раисининг, вилоят, туман ва шаҳар бўлинмаларининг раҳбарлари эса тегишли ҳокимларнинг ёшлар сиёсати бўйича маслаҳатчилари этиб тайинланиши мақсадга мувофиқ.

Мана, кўриб турибсизлар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг раҳбарларига қандай катта мақом ва ваколат берилляпти.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг таркибий тузилиши ҳақида гапирганда, бир масалага алоҳида аҳамият бериш керак.

Маълумки, ҳозирги вақтда умумтаълим мактабларидаги бошланғич синф ўқувчилари билан ишлаш учун **«Камалак» болалар ташкилоти** мавжуд.

Шунингдек, ёш тадбиркор ва фермерлар билан иш олиб борадиган **Ёшлар тадбиркорлиги ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази**, истеъдодли ва ижодкор ёшлар билан ишлаш учун **Ёшлар ташаббуслари маркази** каби тузилмалар ҳам ташкил этилган.

Лекин тан олиш керакки, бугун уларнинг аксарияти талаб даражасида иш олиб бормаяпти. Бу тузилмаларнинг фаолиятини жонлантириш, уларга янги мазмун ва руҳ бағишлаш керак.

Шу муносабат билан умумтаълим, ўрта махсус ва олий таълим тизимида **«Камолот»** нисбатан самарали фаолият олиб борганини ҳисобга олган ҳолда, ушбу тизимдаги **«Камолот»** ташкилотлари негизида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бўлимларини ташкил этиш мумкин.

Келгусида эса ёшларнинг хоҳиши ва интилишларига кўра, Ёш олимлар уюшмаси, Ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш маркази, Ёшлар туризми уюшмаси, Спорт клублари ва фитнес марказлари уюшмаси, Имконияти чекланган ёшлар уюшмаси ва бошқа ташкилотлар ҳам тузилиши мумкин.

Албатта, бу тузилмаларни қандай номлаш, уларнинг вазифаларини белгилаш бўйича аввало сизлар барча тенгдошларингиз билан фикрлашиб, шу асосда бир қарорга келишингиз табиий.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳозир мавжуд бўлган ва келажакда тузиладиган бу уюшмаларнинг барчасини бирлаштириб, уларга нафақат молиявий, моддий-техник нуктаи назардан, аввало, гоёвий-услубий, маънавий жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатадиган, уларнинг ишини мувофиқлаштирадиган асосий ташкилот сифатида фаолият олиб боради.

Айни вақтда ҳаммамиз тушунамизки, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини дастлабки пайтда ҳар тарафлама кўллаб-қувватлаш, унинг оёққа туриб олиши учун давлат томонидан зарур кўмак ва ёрдам берилиши лозим.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш наники Президент девони, балки барча бўгиндаги давлат органлари раҳбарларининг доимий ишига айланиши зарур. Бундан буён бу соҳада аниқ тизим асосида иш олиб борамиз.

Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раисидан бошлаб, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Бош прокурор, вазирлик ва идоралар, компания ва хўжалик

бирлашмаларининг раҳбарларигача марказда ва жойларда ҳар бир соҳа бўйича ёшлар билан учрашиб, доимий мулоқот олиб борадиган тартиб жорий этишимиз керак.

Шу муносабат билан аввало ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган тузилмалар билан, жумладан, таълим тизимидаги ёшлар ташкилотлари билан – Бош вазир А.Арипов ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазири И.Мажидов, халқ таълими вазири У.Иноятов, ҳамма соҳада Ёшлар тadbиркорлиги ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази билан – Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов, Бош вазир ўринбосари З.Мирзаев ва Савдо-саноат палатаси раиси А.Икромов, Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази билан – Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ва маданият вазири М.Муратов доимий иш олиб бориши керак.

Шунингдек, келгусида ташкил этиладиган Ёшлар туризми уюшмаси билан – Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.Шарапов, Ёш олимлар уюшмаси билан – Бош вазир ўринбосари У.Розикулов ва Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев, Спорт клублари ва фитнес марказлари уюшмаси билан – Бош вазир ўринбосари Ғ.Ибрагимов ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Р.Қурбонов, Имконияти чекланган ёшлар уюшмаси билан – Бош вазир ўринбосари Т.Норбоева ва соғлиқни сақлаш вазири А.Шодмонов, Ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш маркази билан – Бош прокурор И.Абдуллаев ва адлия вазири М.Икромов тизимли асосда иш олиб

бориши, бошқача айтганда, уларни оталиққа олиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, жойларда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, суд, прокуратура, ички ишлар органлари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ташкилотлари ёшлар билан доимий мулоқотни йўлга қўйиши, уларнинг олдида мунтазам равишда ҳисобот бериб бориши зарур.

Ўзбекистон ёшлар иттифокининг жойлардаги кенгашлари раислари ва фаоллари албатта сайловларда иштирок этиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига, керак бўлса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

**Иккинчидан,** Ўзбекистон ёшлар иттифоқи давлат ва жамият учун раҳбар кадрлар тайёрлаб берадиган ўзига хос марказ бўлиши, замонавий тилда айтадиган бўлсак, ёшлар учун **«социал лифт» вазифасини** бажариши керак. У билимли, ташаббускор ва ташкилотчи, фидойи ёш раҳбарларнинг кадрлар захирасини яратиши керак.

Шу мақсадда Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида **Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтини ташкил этиш зарур.**

Бош вазир А.Арипов, Давлат маслаҳатчиси У.Исмоилов ва академия ректори Р.Қосимовга бир ой муддатда шу масала юзасидан тегишли қарор лойиҳасини тайёрлаб, тасдиқлаш учун киритиш вазифаси топширилади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкилотларида ўзини ижобий жиҳатдан кўрсатган ходимлар Дав-

лат бошқаруви академиясида билим ва малакасини ошириб, ҳокимлик ва вазирликлар тизимида раҳбарлик лавозимлари учун асосий номзодлар қилиб тайёрланиши керак. Бундай тажриба илгари ҳам бўлган ва яхши натижа берган эди.

**Учинчидан,** Ўзбекистон ёшлар иттифокининг обрўси ва таъсирини ошириш учун мамлакатимизда ёшлар манфаатини таъминлашга қаратилган ишларда унинг иштирокини ҳар томонлама кенгайтириш зарур.

Ёшлар, ёш оилалар учун шахсий уй-жойга эга бўлиш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини ҳисобга олган ҳолда, биз бу йўналишда бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз керак.

Барча туман ва шаҳарларда, жумладан, чекка ҳудудларда «Ёшлар уйлари»ни қуриш бўйича тўрт йиллик аниқ режа ишлаб чиқиш ва 2018 йилдан уни бажаришни бошлаш лозим.

Бу борада аҳоли зич яшайдиган Фарғона водийси вилоятларида, хусусан, шароити огир бўлган Марказий Фарғона минтақасида ёш оилаларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Умуман, қишлоқ ҳудудларида яшаётган, турар жойга муҳтож ёш оилаларни имтиёзли кредитлар асосида арзон уй-жой билан таъминлаш бўйича ваколатни энди Ўзбекистон ёшлар иттифоқига бериш масаласи Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқилиши лозим.

**Тўртинчидан,** ёшларни иш билан таъминлаш масаласи биз учун ҳамон энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда ёшлар учун янги иш ўринлари

очиш, уларнинг ҳалол меҳнат қилиб, даромад топиши мақсадида кўп ишлар қилинмоқда. Лекин, шунга қарамадан, бу борада муаммолар ҳам оз эмас.

Юртимизда ишсизларнинг аксар қисмини коллеж битирувчилари ташкил этмоқда. Масалан, 2016 йили 477 минг 743 нафар ёш йигит-қиз колледжларни битириб чиққан ва уларнинг 438 минг 503 нафари ёки 91,8 фоизи иш билан таъминлангани тўғрисида маълумот берилган.

Савол туғилади: бу рақамлар қанчалик тўғри? Агар барча коллеж битирувчилари ишга жойлашаётган бўлса, ишсиз ёшлар қаердан пайдо бўляпти?

Коллеж битирувчилари билан тўрт томонлама шартномаларни номигагина имзолаб, ўзимизни ўзимиз алдамаяпмизми?

Ёшларни иш билан таъминлаш учун аввало улар ўртасида тадбиркорликни кенг ривожлантириш, бу борада янги имкониятлар яратиш мақсадида биз бир қатор чора-тадбирларни кўзда тутмоқдамиз.

Бу борада Иқтисодиёт вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига ҳар бир туман (шаҳар) марказида Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этиш вазифаси топширилади.

Ана шу кластерлар фаолиятини йўлга қўйиш учун электр энергияси, табиий газ, сув ва транспорт коммуникацияси, алоқа воситалари ва Интернетга уланиш имконияти мавжуд бўлган ҳудудларда фой-



даланилмай ётган давлат объектлари ёш тадбиркорларга «ноль» киймати билан ижарага берилади.

Ҳамма ҳудудларда ташкил этилаётган иқтисодий зоналарда, шаҳарларда эса кичик саноат зоналарида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг аъзоси бўлган ёш тадбиркорлардан ижара ҳақи олинмайдиган тартиб жорий этилади.

Бундан ташқари, ўз бизнесини бошлаётган ёш тадбиркорларга имтиёзли нархларда юридик, техник ва бошқа маслаҳат ёрдамларини кўрсатишни йўлга қўйиш лозим.

Бу масала бўйича молия вазири Б.Хўжаев ҳамда Савдо-саноат палатаси раиси А.Икромов бир ой муддатда тегишли таклифлар ишлаб чиқиб, такдим этиши зарур.

Шунингдек, тегишли иқтисодий чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бюджет маблағларини икки баробар кўпайтириш режалаштирилмоқда.

Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров, молия вазири Б.Хўжаев ва Давлат солиқ кўмитаси раиси Б.Парпиев бу масалага масъул ҳисобланади.

Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда «Хунарманд» уюшмасига топшириқ: хунармандлик йўналишидаги тадбиркор ёшлар, айниқса, қизларнинг касаначилик билан банд бўлиши учун қулай шароит яратиб берилсин. Бу борада бўш турган объектлардан имтиёзли шартлар асосида жой ажратиш, мини-технологиялар, асбоб-ускуна ва зарур жиҳозлар ўрнатиб бериш кўзда тутилмоқда.

Жумладан, ёш хунармандларга хомашё сотиб олиш учун кредитлар бериш, ўз бизнесини бошлаган ёш тадбиркорлар томонидан Пенсия жамғармасига тўланадиган сугурта бадалини олинган кредитларни коплашга йўналтириш тизими жорий этилади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига топширик: синов тарикасида 11 йиллик мажбурий ўрта таълим тизимига ўтиш муносабати билан бўшайдиган коллеж устахоналари негизда ёшларни, айниқса, уюлмаган ёшларни 6 ойгача бўлган муддатда бепул ўқитиш ва касбга қайта ўқитиш марказлари ташкил этилсин.

Айни пайтда кўлига диплом олиб, мустақил иш бошлаётган ёшларимиз учун ҳам қўшимча имконият ва имтиёзлар яратиб берилади.

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг биринчи марта ишга жойлашган битирувчилари бу имкониятлардан фойдаланади.

Яъни, таълим муассасасини тамомлаганига уч йил бўлмаган бўлса, уларнинг иш ҳақидан олинадиган даромад солиғи биринчи йили 50 фоиз, иккинчи ва учинчи йилларда эса 25 фоиз камайтирилади.

Шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида барча турдаги солиқлардан 10 йилга озод килинган шўба корхоналари тузиш ваколати берилади. Ушбу корхоналар учун аниқ фаолият йўналишларини, мисол учун, турли фанлар, жумладан, чет тилларни

ўргатиш, компьютер дастурлари тузиш ва тадбиркорлик асосларини ўқитиш тизимларини белгилаш лозим.

Мазкур корхоналар томонидан тўланадиган солиқ тушумларининг 20 фоизини Ўзбекистон ёшлар иттифокига ўтказиб бериш тартибини жорий этиш керак.

Яна бир масала – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят ва туманларда замонавий «Ёшлар кинотеатрлари»ни барпо этиш ишига бош-қош бўлса, яхши бўларди. Бунинг учун «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан 5 йил муддатга бериладиган имтиёзли кредитлар асосида алоҳида дастур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш таклиф этилади.

Ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган бакалаврият ва магистратура талабаларига, ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоиз ва ундан юқори бўлган тақдирда, таълим бўйича шартнома тўлови миқдорининг 35–40 фоизини ташкилот ҳисобидан тўлаш орқали моддий ёрдам кўрсатиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида 3–5 йил ва ундан кўпроқ фаол ишлаб келаётган, ипотека кредити асосида уй-жой сотиб олиш истагини билдирган ходимларнинг ҳар йили 140 нафарига 25–30 фоиз миқдоридаги бошлангич тўлов ташкилот маблағлари ҳисобидан тўланади.

Шунингдек, Ёшлар иттифоқининг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раисларини рағбатлантириш, ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида «Асака» банкининг 10 йил муддатгача

мўлжалланган, бошланғич тўлови 15 фоизлик имтиёзли кредитлари асосида уларга ўзимизда ишлаб чиқарилган «Матиз» ва «Дамас» автомобилларини шахсий мулк сифатида сотиб олишда қулайлик яратилади.

Агар ҳозирги нарҳда ўртача 46 миллион сўм бўлган бу кредитни қайтариш муддати амалда 3 йил, фоизи эса 30 фоиз эканини ҳисобга олсак, самарали хизмат қилаётган ёшлар етакчиси бундан қанча иқтисодий наф кўришини тасаввур қилиш қийин эмас.

Яна бир муҳим масала – энди вилоят ва туман ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожланиш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, туман ички ишлар бўлими бошлиқларининг ёшлар бўйича ўринбосарлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тавсияси билан лавозимга тайинланади.

Бу албатта жойлардаги давлат бошқарув идораларининг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тузилмалари билан ҳамкорлигини сифат жиҳатидан оширишга хизмат қилади.

**Бешинчидан**, ёшлар ҳаёти, ўй-кечинмалари, орзу-ниятлари, энг муҳими, уларни қийнаётган масалалар, афсуски, радио ва телевидение, газета ва журналларда ўз ифодасини тўлик топмаяпти.

Гўёки ҳамма нарса жойида, олам гулистон. Агар ҳаммаси жойида бўлса, тўғри йўлдан адашган ёшлар, жиноятчилик, ишсизлик қаердан пайдо бўляпти? Нега ёшларга оид давлат сиёсатига лоқайд муносабатда бўлаётган амалдорлар ҳақида оммавий ахборот воситалари, аввало, ёшлар матбуоти чурк этмайди?

Масалан, «Камолот» радиосини, «Камолот»нинг Интернет сайтини оладиган бўлсак, уларда ўтказилган юзаки тадбирлар, енгил-елпи кўшиқлар, ўзини ўзи макташ, чиройли киёфалардан бошқа нарсани деярли кўрмаймиз.

«Ёшлар» телерадиоканали ҳам ўз имкониятларидан самарали фойдалана олмаяпти. Шу муносабат билан ушбу канал фаолиятини кучайтириш, унинг 50 фоиз акцияси Ўзбекистон ёшлар иттифоқига тегишли бўлиши, унинг директори мазкур ташкилот Марказий кенгаши томонидан лавозимга тасдиқланиши бўйича Бош вазир А.Арипов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси Х.Мирзоҳидов, адлия вазири М.Икромовга бир ой муддатда тегишли таклиф тайёрлаш вазифаси топширилади.

Ҳозирги вақтда ёшларга мўлжалланган «Туркистон» газетаси 9 минг 500 нусхада, «Молодёжь Узбекистана» газетаси 2 минг 800, «Ёш куч» журнали 3 минг нусхада чоп этилаётганини қониқарли баҳолаш мумкинми? Мамлакатимизда 10 миллиондан ортиқ ёшлар мавжуд бўлгани ҳолда, бу рақамлар биз учун уят эмасми?

Мисол учун, «Туркистон» газетасига Фарғона вилоятида 225 та, Сурхондарё вилоятида 134 та, Самарқанд вилоятида 54 та, Сирдарё вилоятида эса бор-йўғи 40 та обуна расмийлаштирилганини, айтинглар, қандай изоҳлаш мумкин?

Ҳолбуки, республикамиздаги барча вазирлик ва идоралар, йирик компаниялар ходимларининг аксариятини ёшлар ташкил этади. Ана шу ташкилотларда ёшлар нашрларига обуна масаласи қандай?

Қани, «Ўзбекнефтгаз» компанияси раиси А.Султонов, сиз бу саволга қандай жавоб берасиз? Сиз ўз тизимингиздаги ёшлар қандай матбуот нашрларига обуна бўлгани, қандай китобларни ўқиётгани, умуман, уларнинг маънавий савияси, дунёқараши билан ҳеч қизиқиб кўрганмисиз?

Жаноб А.Султоновга берган бу саволимни мен бошқа кўп раҳбарларга ҳам беришим мумкин ва аминманки, жавоб мана шундай қониқарсиз бўлиши аниқ.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, ёшларимиз ўзимизнинг газета-журналларимизни ўқимаса, ўз миллий адабиётимиз ва санъатимизни билмаса, улар қандай қилиб ватанпарвар бўлади? Уларнинг онгу тафаккури, дунёқараши нима ҳисобидан шаклланади?

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, каттакичик раҳбарларнинг барчаси бу масала бўйича шахсан масъул эканини унутишга ҳеч қандай ҳаққи йўқ.

Айни вақтда ёшлар аудиториясига ихтисослашган оммавий ахборот воситалари ҳам ўз фаолиятини тубдан ўзгартириши лозим.

Авалло, курук расмий гаплардан қочиш, танқидий таҳлил, креатив ёндашув, бугунги ҳаётни бутун кўлами, мазмуни, керак бўлса, мураккаблиги билан ёритишда журналистларимиз фаоллик кўрсатиши керак.

Шу маънода, янги ташкил этилган Халқаро пресс-клубга ўхшаб, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳам ўз матбуот клубини очиш фойдадан холи бўлмайди.

Ўткир ва долзарб муаммоларни сизлар айтмасангиз, барибир халқнинг ўзи айтади. Ахир, сизларнинг вазифангиз ҳаётдан бир қадам олдинда юриш эмасми?

Биз учун энг муҳим бўлган яна бир масала – бу ёш қизлар тарбияси билан боғлиқ.

Шу муносабат билан Бош вазир ўринбосари Т.Норбоевага мурожаат қилмоқчиман: сиз бошчилик қилаётган Хотин-қизлар кўмитаси фақат «Зулфиячи қизлар» билан чекланиб қолмасдан, юртимиздаги барча қизлар билан фаол иш олиб бориши лозим.

Айниқса, қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, истеъдод ва қобилиятини юзага чиқариш, улар орасида ҳақиқий етакчиларни тарбиялаш ишларини янада кучайтириш керак. Шу борада мен қизларимиз учун алоҳида бир нашр – майли, унинг номи «Қизларжон» бўладими, «Дугоналар» бўладими, янги журнал ташкил қилишни таклиф этаман.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда китобхонлик савиясини ошириш, мутолаа маданиятини юксалтиришга катта аҳамият берилаётгани сизларга маълум. Лекин, кўплаб болаларимиз китобдан узоқлашиб, кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказаятгани – бу ҳам бор гап.

Албатта, биз Интернет ва бошқа замонавий ахборот манбаларининг ўрни ва аҳамиятини инкор этмаймиз. Бугунги ҳаётимизни Интернетсиз тасаввур қилишнинг ўзи кийин.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Интернет тизими орқали маънавий тарғибот ишларини, жумладан, электрон китобхонликни кучайтириши зарур.

Нега деганда, биз фарзандларимизнинг онги, дунёкараши асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият хазинаси бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки қандайдир шубҳали, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бепарво қараб туrolмаймиз.

Аҳолимиз, энг аввало, ёшлар ўртасида китобхонлик савиясини ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳар йили «Энг китобхон мактаб», «Энг китобхон маҳалла», «Энг китобхон оила» каби йўналишларда танловлар ўтказиш, якуний босқич ғолибларини тақдирлаш учун қимматбаҳо совғалар, жумладан, юртимизда ишлаб чиқарилган автомобилларни мукофот тариқасида бериш, ўйлайманки, бу жуда катта рағбат бўлади.

Бош вазир А.Арипов ва Давлат маслаҳатчиси Х.Султоновга шу масала бўйича бир ой муддатда тақлиф киритиш вазифаси топширилади.

Шунингдек, «Китоб олами» дўконлари тармоғини Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тасарруфига ўтказиш, ёш ижодкорларнинг китоблари ҳамда «Туркистон», «Молодежь Узбекистана» газеталари, «Ёш куч» журналларини чоп этиш учун «**Ёшлар нашриёт уйи**»ни ташкил этиш вақти келди, деб ўйлайман.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқига умумтаълим муассасалари кутубхоналарини 10 миллиард сўм маблағ ҳисобидан бадиий адабиётлар билан таъминлаш имконини яратиб бериш лозим. Тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда у ҳар



йили умумтаълим муассасалари кутубхоналарининг талабини ўрганиб, бадий адабиётлар харид қилиш ишларини ташкил этиши даркор.

Шу борада яна бир муҳим лойиҳа – 2020 йил 1 декабрда ҳар бир туман ва шаҳарда Ўзбекистон ёшлар иттифоқига қарашли, барча қулайликларга эга бўлган кутубхона ва китоб дўконини ҳам ўз ичига олган кичик Ёшлар марказларини барпо этиш лойиҳасини амалга оширамиз.

Келгусида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳар бир туманда биттадан коллеж биносини Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тасарруфига ўтказиш лозим.

Бу бинолар фақат ташкилотнинг бошқарув идораси бўлиб қолмасдан, уларда ёшлар иштирокида турли маънавий-маърифий тадбирлар, фан ва касб-ҳунар тўғараклари, спорт мусобақалари, адабий кеча ва мушоиралар, бадий ва ҳунармандлик кўргазмалари ўтказишни албатта йўлга қўйиш керак.

**Олтинчидан**, юртимизда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ёшларни турли диний экстремистик оқимлар таъсиридан асраш масаласи барчамиз учун энг асосий вазифа бўлиб турибди.

Мактабда, лицей-коллеж ёки маҳаллада бир бола адашиб, нотўғри йўлга кириб кетар экан, бундан аввало унинг тенгдошлари, ёшлар ташкилоти хабардор бўлиши, ҳеч кимни тинч қолдирмасдан, бонг уриши керак эмасми?

Шу маънода, бугунги кунда юртимизда тобора кенг тарқалиб бораётган **«Ўз болангни ўзинг асра!»**

деган даъват фақат курук шиор бўлиб қолмасдан, ҳар бир ота-она, ҳар бир фуқаронинг қалбига, юрагига чуқур кириб бориши, амалий ҳаракатга айланиши зарур.

Бунинг учун бу масалани, яъни, ота-оналарнинг фарзандлар тарбияси учун масъулияти ва бурчини ҳуқуқий асосда мустақкамлаб қўйиш вақти келди, деб ўйлайман.

Давлат маслаҳатчиси О.Муродов, адлия вазири М.Икромов бир ой муддатда ушбу масала юзасидан тегишли таклифлар тайёрлаб, киритиши зарур.

Ҳозирги вақтда чет элда ишлаб юрган айрим ёшларнинг терроризм ва экстремизм чангалига тушиб қолаётгани билан боғлиқ муаммо барчамизни қийнамоқда.

Лекин қайси ҳоким ёки вазир, қайси жамоат ташкилотининг раҳбари мана шу ёшлар хорижда нима қилиб юрибди, қандай кун кечиряпти, деб қизиқиб кўряпти?

Ҳолбуки, кўпгина давлатларда ўз фуқаролари бўлган хориждаги ёшлар билан ишлаш бўйича тузилмалар бор. Уларнинг тажрибасини ўрганиб, биз ҳам чет элларда ўқиётган, меҳнат қилаётган ёшлар билан иш олиб борадиган, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган бир ташкилот тузишимиз керак. Ўзимизнинг болаларимиз ҳақида ўзимиз ўйламасак, ким ўйлайди?

Бу масала бўйича Давлат маслаҳатчиси А.Юнусхўжаев, ташқи ишлар вазири А.Комилов, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири А.Абдуҳакимов

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда бир ой муддатда таклиф киритсин.

**Еттинчидан,** Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маънавий-ахлоқий жиҳатдан муаммоси бор, яъни нотинч оила фарзандлари, жиноятчиликка мойил бўлган ёки профилактик рўйхатда турадиган ёшлар билан индивидуал тарзда иш олиб боришга кўпроқ эътибор қаратиши лозим.

Иктидорли, тарбияли болалар билан ишлаш осон, лекин ҳаётда қоқилган ёки ёмон муҳитга тушиб қолган ёшларни тўғри йўлга, эзгу мақсадга даъват қилиш, ишонтириш қийин. Янги ташкилот мана шу оғир, лекин ўта зарур вазифани ўз зиммасига олиши айтиш мумкин бўлур эди.

Биз «уюлмаган ёшлар, уюлмаган ёшлар», деб кўп гапирамиз. Лекин бу масалани ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан ҳал қилишга келганда, очиқ айтиш керак, кўпчилигимиз нима қилиш лозимлигини билмаймиз.

Шу мақсадда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошчилигида, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар иштирокида, бир илмий-амалий конференция ўтказиш ўринли бўлур эди. Унда уюлмаган ёшлар билан ишлаш бўйича ҳар томонлама асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш зарур, деб ўйлайман. Бу вазифа Давлат маслаҳатчилари О.Муродов ва Р.Комиловга топширилади.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратишни истардим.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи жаҳон маданияти ривожига бекиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимиз

меросига ҳурмат, унга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш, бу бебаҳо бойликни чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этишга қаратилган мазмундор, таъсирчан лойиҳаларни амалга оширишда ташаббус кўрсатиши нур устига нур бўлур эди. Ҳозирча бу борада ёшлар ташкилотининг ишини кониқарли деб бўлмайди.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-окибат муҳитини кўз қорачиғидек асраш, ёш авлод ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини кучайтиришда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлиши лозим.

Маълумки, тарихда халқимиз орасидан кўплаб буюк саркардалар етишиб чиққан. Ана шундай мард ва фидойи аждодларимизнинг ҳарбий соҳадаги бой мероси, мардлик ва жасурлик фазилатлари ёшларимиз учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Айниқса, Соҳибқирон Амир Темур бобомиздек - у зот биронта жангда мағлуб бўлмаган – енгилмас саркарда ва давлат арбоби жаҳон тарихида камдан-кам топилади. Ўз яқинлари, замондошлари бу улуғ сиймони Темурбек деб атаган эканлар. Мен шу ҳақда ўйлаганимда, бир фикр хаёлимдан ҳеч кетмайди. Юртимизда ёшларга ҳарбий таълим-тарбия берадиган курсантлар мактабларига «**Темурбеклар мактаби**» деб ном берсак, нима дейсизлар?

Бу масала бўйича Бош вазир А.Арипов, Хавфсизлик кенгаши котиби В.Маҳмудов, мудофаа вазири Қ.Бердиевга бир ой муддатда таклиф киритиш вазифаси топширилади.

Азиз дўстлар!

Юртимиз ёшлари ўртасида илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият, адабиёт ва санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳаларида, умуман, барча жабҳаларда жонбозлик кўрсатиб келаётган азамат йигитларимиз жуда кўп. Улар ўзининг жисмоний ва маънавий салоҳияти, истеъдод ва маҳоратини намоён этиши учун зарур шароитларни яратиб бериш борасида мамлакатимизда кўп ишлар қилиняпти ва келгусида ҳам уларни албатта давом эттирамиз.

Айни вақтда ҳалол ва самарали меҳнати, илмий-ижодий ютуқлари, Ватанга садоқатли хизмати билан барчага ўрнак бўлаётган мард ўғлонларимизни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказида бўлиши зарур.

Сизларга маълумки, юртимизда иқтидорли ва фаол кизларимиз учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган. Энди турли соҳа ва тармоқларда катта натижаларга эришиб келаётган йигитлар учун «**Мард ўғлонлар**» деган ном билан Давлат мукофотини таъсис этсак, нима дейсизлар?

Шу билан бирга, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда, ўқишда, меҳнатда, жамоат ишларида ҳар томонлама фаол бўлган йигит-қизларимизни тақдирлаш мақсадида «**Келажак бунёдкори**» медалини ҳам таъсис этиш ўринли бўлур эди.

Нега деганда, ҳар қандай ютуқ, ҳар қандай галаба замирида аввало меҳнат ва қатъият, мардлик ва жасорат мужассам бўлиб, эл-юрт равнақи йўлидаги

ҳалол хизмат албатта ўзининг муносиб баҳоси ва кадрина топиши керак.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир муҳим фикрни сизлар билан маслаҳат қилмоқчиман. Юртимизда байрамлар кўп, лекин ёшларга бағишланган алоҳида байрам йўқ. Бугун шу масалани ҳам ҳал этадиган вақт келди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилган кун – 30 июнь санасини мамлакатимизда **Ёшлар куни** деб эълон қилсак, қандай бўлади?

Ҳурматли делегатлар, азиз фарзандларим!

Мана, бугун сизлар билан мамлакатимиз ёшлари ҳаётига дахлдор кўпгина масалалар тўғрисида, жумладан, ёш авлодимизни ҳар томонлама етук инсонлар, биз бошлаган улуғ ишларнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш борасида олдимизда турган энг муҳим ва долзарб вазифалар ҳақида атрофлича гаплашиб олдик.

Тан олиш керакки, кескин танқидий гаплар ҳам бўлди. Лекин бу гаплар қанчалик аччиқ бўлмасин, улар ҳаққоний гаплардир. Мен ўйлайманки, биз бир-биримизни тўғри тушундик.

Бугунги муҳокама, билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг барчаси ягона, эзгу бир мақсадга, яъни халқимиз, энг аввало, ёшларимизнинг ҳаётини янада обод ва фаровон, мазмунли ва бахтли қилишга қаратилганини ҳаммамиз англаб турибмиз.

Бугун мана шу мухташам залда тўпланган сиз, азизларни, вилоят ва туманларда видеоалоқа орқали анжуман ишини кузатиб бораётган йигит-қизларимизни,

барчангизнинг ёниб турган кўзларингизни, азму шижоатингизни, навқирон куч-ғайратингизни кўриб, сизлар билан самимий суҳбатда бўлиб, очиғини айтсам, ўзим ҳам яшариб кетгандек бўлдим.

Бугунги учрашувдаги кўтаринки руҳ, баланд кайфиятни кўрган ҳар қандай одам беихтиёр машхур шоиримиз Ҳамид Ғуломнинг:

**«Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!»** деган гўзал сатрини такрорлаши табиий, деб ўйлайман.

Ҳақиқатан ҳам, биз, ота-оналар, устоз ва мураббийлар сизларни, бутун Ўзбекистон ёшларини Ватанимиз, жамиятимизнинг ҳал қилувчи кучи деб биламиз ва сизлар ҳамиша халқимизнинг мана шундай юксак ишончига муносиб бўласиз, деб ишонамиз.

Сизларга яхши маълум, ҳозирги вақтда юртимизда **«Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз»** деган шиор кенг тарқалиб, ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Лекин Ўзбекистонимизнинг мана шундай ёруғ ва фаровон истиқболини бунёд этишдек масъулиятли вазифани ким ўз зиммасига олади?

Албатта, фақат замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, доимо эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган сиз, азиз ёшларимиз майдонга дадил чиқиб, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган вазифаларни ҳал этишга қодирсиз.

Мана шундай улуғ мақсадга эришиш йўлида, Ўзбекистон ёшлар иттифоқини том маънода мамлакатимиздаги барча ёшларнинг таянчи ва суянчига

айлантириш йўлида сизларга сиҳат-саломатлик, куч-  
ғайрат, бахт ва омад ёр бўлишини тилаб қоламан.

*«Камолот» ёшлар ижтимоий  
ҳаракатининг IV қурултойида сўзланган нутқ.  
2017 йил 30 июнь*



## **ПАРЛАМЕНТИМИЗ ҲАҚИҚИЙ ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИГА АЙЛАНИШИ, ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ТАШАББУСКОРИ ВА АСОСИЙ ИЖРОЧИСИ БЎЛИШИ КЕРАК**

Ассалому алайкум, ҳурматли депутат ва сенаторлар!  
Қадрли мажлис катнашчилари!

Авваламбор, бугун сиз, азизлар билан, Олий Мажлис палаталари раҳбарлари, сиёсий партиялар ва Экологик ҳаракат вакиллари билан учрашиб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, барчангизга ўзимнинг самимий ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида бундай таркиб ва мазмунда илк бор ўтказилаётган бу учрашув мен учун юксак шараф ва юксак масъулият, десам, айти ҳақиқатни айтган бўламан.

Бугун биз замон талабларидан келиб чиқиб, тараққиётимизни янги босқичга кўтариш йўлидан жадал илгарилаб бормоқдамиз.

Энг асосийси, жамият ҳаётининг барча соҳаларини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш жараёнлари изчил давом эттирилмоқда. Қайси соҳа ёки тармоқда бўлмасин, долзарб муаммолар аҳолимиз билан очик муҳокама қилиниб, уларнинг ечими топилмоқда. Барча қарорларимиз халқимизнинг фикр-мулоҳазалари ва мурожаатлари асосида қабул қилинмоқда.

Давлат ҳокимияти органлари, жумладан, иқтисодиёт, банк-молия соҳаси идоралари, коммунал хизмат, ички ишлар, ташқи ишлар, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ тизимининг парламент ва маҳаллий кенгашларда ҳисобот ва ахборот бериш тартиби йўлга қўйилиб, халқ назорати амалда жорий этилмоқда.

Бундай ўта муҳим жараёнларда, ҳеч шубҳасиз, сиёсий партияларнинг вакиллари, ҳурматли депутат ва сенаторларнинг ўрни ва масъулияти нақадар беқиёс эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз. Биз миллий парламентимиз тимсолида, аввало, жамиятимизнинг ҳақиқий кўзгусини, одамларни ўз ортидан эргаштириб, эзгу мақсадлар сари бошлашга қодир бўлган катта бир кучни кўрамиз.

Мухтарам дўстлар!

Мен ҳам кўп йиллар депутат бўлганман, шу сабабли ўз тажрибамдан яхши биламан – депутат бўлиш, халқ ишончини қозониш ва уни муносиб равишда оқлаш – бу осон эмас.

Бундай шараф ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Депутат – фикри зикри билан халққа энг яқин одам, доимо эл-юртнинг ташвиш ва муаммолари билан яшайдиган, катта билим ва тажрибага эга бўлган шахс.

Биз, ана шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, кейинги пайтда кадрлар сиёсатида янги бир тажрибани қўллаяпмиз. Яъни, ҳурматли депутат ва сенаторлар, партия вакиллари юксак ва масъулиятли лавозимларга тайинланмоқда. Уларга муҳим соҳалар ишониб топширилмоқда.

Қисқа давр ичида Олий Мажлис палаталарининг 20 нафардан зиёд вакиллари давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимидаги турли юқори вазифаларга ўтказилди.

Масалан, «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзоси А.Шодмонов соғлиқни сақлаш вазири, «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзолари, сенатор Қ.Турсунов Навоий вилояти ҳокими, М.Ғафурова Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси Б.Темирхонова Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий судининг раиси, Халқ демократик партияси раиси ўринбосари Р.Комилов Президентнинг Давлат маслаҳатчиси, Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Ё.Умаров Вазирлар Маҳкамаси департаменти мудири лавозимига тайинланди.

Шунингдек, маҳаллий кенгашлар депутатларининг қарийб 200 нафардан ортиги жойларда раҳбарлик лавозимларига ўтказилди.

Биз бу борадаги сиёсатимизни келгусида ҳам қатъий давом эттирамиз. Ўзининг ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги, масъулияти билан халқ ишончини қозонган ҳар қайси парламент аъзоси ва партия вакили ҳеч қачон эътиборсиз қолмайди.

Айни пайтда бугун замоннинг ўзи барчамиздан, биринчи навбатда, сиёсий партияларнинг вакиллари, депутат ва сенаторлардан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг нафақат иштирокчиси, балки ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлишни, бошқаларга намуна кўрсатишни талаб этмоқда.

Бугунги учрашувимиздан асосий мақсад — бу борада эришган ютуқларимизни эътироф этган ҳолда, сизлар билан биргаликда ҳокимият вакиллик органлари, сиёсий партиялар ва Экологик ҳаракатнинг ўтган даврдаги фаолиятини ўзаро мулоқот шаклида, танқидий руҳда таҳлил қилиш, ислохотларни янада чуқурлаштириш йўлида олдимизда турган муҳим вазифаларни белгилаб олишдан иборат.

Шу нуқтаи назардан қараганда, аввало сиёсий партиялар фаолиятидаги айрим муаммо ва камчиликлар ҳақида сўз юритиш ўринли, деб ўйлайман.

**Биринчидан**, бугунги кунда сиёсий партиялар ўз электоратига берган ваъдаларини, сайловолди дастурларини тўла ва самарали бажармоқда, деб айтолмаймиз. Улар ҳанузгача мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, фуқаролар онгида ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллаб олмади.

Сиёсий партиялар ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида партия фракциялари томонидан устувор мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган аниқ таклиф ва ташаббуслар деярли сезилмаяпти.

Масалан, **Халқ демократик партияси** ўзини пенсионерлар, кам таъминланган аҳоли қатламлари манфаатларининг ҳимоячиси сифатида намоён бўлади. Лекин, ҳолисона айтадиган бўлсак, партия шу мақсад йўлида ҳақиқатан ҳам амалий иш олиб бораётими?

Партия пенсионерларнинг ҳаёт даражасини, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, давлат ор-

ганлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги иштирокини қўллаб-қувватлаш борасида кўзга кўринадиган ташаббуслар билан чиқяптими?

Шу борада бир мисолга мурожаат қилайлик. Маълумки, пенсионерларнинг муайян бир қисмини ногиронлар ташкил этади. Лекин ҳозирги вақтда улар ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси деб ҳис қилиши учун барча зарур шароитлар яратилмаган. Бу ҳақиқатни афсус билан тан олиш керак. Ногиронларни, айтайлик, протезлар, инвалидлар коляскалари билан таъминлаш, уларнинг турар-жой ва маъмурий биноларга кириб-чиқиши, метро ва автобуслардан бемалол фойдаланиши учун пандуслар ва платформалар қуриш каби масалаларда, умуман, ушбу социал тоифанинг талаб ва эҳтиёжлари, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда талайгина камчилик ва муаммолар борлиги сир эмас.

Шу борада ХДП қачон бирорта қонун ташаббускори бўлиб майдонга чиқди ва унинг ижроси устидан қандай назорат олиб борди? Ёки «Мурувват», «Саховат» ва «Меҳрибонлик» уйлари фаолиятини яхшилаш бўйича партия томонидан амалий ҳаракатлар бўляптими?

Яна бир муҳим масала – пенсионерларни доридармон билан таъминлашдаги муаммоларни ҳал этиш учун ушбу партия нима иш қилди?

Агар Халқ демократик партияси мана шу муҳим ижтимоий масалалар билан яқиндан шуғулланганида эди, ўйлайманки, Президентнинг Халқ

қабулхоналарига аҳолининг кам таъминланган қатламларидан, аввало, пенсионерлардан кўплаб шикоят ва аризалар тушмаган бўларди.

**«Миллий тикланиш» партиясини** оладиган бўлсак, у миллий меросимиз ва кадриятларимизни тиклаш, уларни янада бойитиш билан бирга, туризм соҳасини ривожлантиришни ҳам ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Аммо партия амалда бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш, мавжуд қонунларнинг ижросини назорат қилиш юзасидан етарлича фаоллик кўрсата олмаяпти.

Ҳолбуки, туризм соҳасини ривожлантириш йўлида қанча муаммолар, шу билан бирга, ҳали ишга солинмаган катта имкониятлар борлиги, бу тармоқ янги-янги иш ўринлари яратишда қандай муҳим манба эканини ортиқча изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Лекин ушбу партиядан сайланган депутатларимиз, мисол учун, аэропорт ёки вокзалларга, меҳмонхоналарга, божхона постларига бориб, туристлар учун қандай шароитлар яратилганини ўрганиб, мавжуд ҳолатни яхшилаш юзасидан амалий таклиф ва ташаббуслар билан чиқяптими?

Бошқа соҳаларда бўлгани каби туризм соҳасида ҳам энг катта муаммо – замонавий фикрлайдиган, ўз ишини, хорижий тилларни пухта биладиган малакали кадрлар етишмаслиги билан боглик.

Ана шу долзарб муаммони ҳал қилиш мақсадида партия вакиллари қайси олий ўқув юртига, қайси коллежга бориб, туризм бўйича мутахассислар тайёр-

лаш жараёнлари билан, ўқув дастурлари билан кизиқяпти? Бунинг учун катта маблағ керак эмас-ку!

Биз кейинги вақтда туризм соҳасини ривожлантириш учун бир катор муҳим қарорлар қабул қилдик. Жумладан, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди, ушбу соҳа тараққиётини жадаллаштириш учун қўшимча имконият ва имтиёзлар яратиб берилди. Лекин улар негадир ҳозирга қадар «Миллий тикланиш» партияси учун муҳокама объектига айланмади.

Яна бир муҳим масала – юртимиздаги тарихий обидаларни тиклаш ва таъмирлаш, буюк аждодларимизнинг қадамжоларини обод этиш бўйича олдимизда қанча-қанча вазифалар турибди.

Мана, ҳозирги пайтда Қашқадарёда Абу Муин Насафий, Тошкент шаҳрида Сузук ота, Наманган вилоятида Ибрат домла, Султон Увайс каби улуғ зотларнинг хотираларига атаб янги мажмуалар, миллий ўзлигимизни янада чуқурроқ англаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш мақсадида Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий марказ, пойтахтимизда эса Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини барпо этиш бўйича жуда катта ишлар олиб борилмоқда.

Бу партия неча йиллардан буён тарихий ва маданий мерос масалалари билан шуғулланади. Лекин ҳақиқий тарихимизни тиклаш бўйича мактаблар ва олий ўқув юртларида олиб борилаётган ишлар, ўқув дастурларининг савиясини партия фаоллари ҳеч ўрганганми?

Сизларга маълум, биз яқинда «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилдик. Бу қарорни тайёрлаш жараёнида ушбу партиянинг роли, таклифи мутлақо сезилмагани, унинг вакиллари иштирок этмагани, албатта, одамни ҳайрон қолдиради.

Ваҳоланки, юқорида тилга олинган масалалар бўйича ташаббус айнан «Миллий тикланиш» партиядан чиқиши керак эмасми? Нима учун бундай таклифлар фақат Президент томонидан билдирилиши керак?

Маълумки, «Адолат» **социал-демократик партияси** ижтимоий адолат, илм-фан, таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳасида аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш шиори остида фаолият олиб боради.

Лекин партия ушбу соҳаларда, хусусан, жамиятимизда қонун ва адолат устуворлигини ёки аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва уни дори-дармон воситалари билан таъминлашни яхшилаш бўйича аниқ ташаббусларни нима учун ўз вақтида илгари сурмагани ачинарли ҳолдир.

Ҳозирги вақтда юртимизда илм-фан, таълим-тарбия соҳалари, жумладан, Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Лекин «Адолат» партияси вакиллари, уларнинг депутатлари, мисол учун, ёш олимлар билан бирон марта бўлса ҳам учрашиб, уларнинг дардини эшитиб, муаммоларини ечиш бўйича қандай амалий таклифлар берди? Минг афсуски, йўқ бундай таклиф.



Мана, бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини такомиллаштириш юзасидан жойларда турли-туман фикрлар, таклифлар билдириляпти. Лекин нима учун партия бу масалалар бўйича ўз фикри, ўз муносабатини баён этмаяпти?

Соғлиқни сақлаш, жамиятимизда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш, оилаларда, маҳаллаларда соғлом мухитни мустаҳкамлаш бўйича кейинги пайтда қанча муҳим тадбирлар ўтказилмоқда, бу борада мутлако янги тизим барпо этилмоқда. Сизлар ана шу масалалар бўйича бирорта фикр билдирдингизми?

Яқинда матбуотда Ўзбекистон судьялар ҳамжамиятининг мурожаати эълон қилинди.

Хўш, «Адолат» партиясининг бу масалага муносабати қандай – сайловчиларингиз, тарафдорларингиз сизлардан бу саволларга жавоб кутишга ҳақли.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – **Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг** фаолиятини ҳам мамлакатимиздаги етакчи сиёсий куч сифатида фаол ва самарали деб бўлмайди.

Президент сайлови бўлиб ўтганига ҳам, мана, ҳадемай бир йил тўлади. Лекин партиямиз ҳозирги пайтда янги ғоялар, янги ташаббус ва таклифларни ўртага қўяётгани йўқ.

Мана, биз Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси фаолиятини янгича асосда ташкил этиб, унинг раҳбарларини ҳам ўзгартирдик.

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва хусусий мулкчиликни янада қўллаб-қувватлаш, бу соҳага янги-янги имтиёз ва преференциялар яратиб бериш бўйича

улкан ишлар амалга оширилмоқда. Қанча эркин иқтисодий зоналар, қишлоқларда кичик саноат худудлари ташкил этиляпти. Қишлоқ хўжалиги соҳасида биз учун янги бўлган тармоқ ва йўналишларга асос солинмоқда. Бу борада биз жуда оддий, жуда содда, лекин чуқур ҳаётий асосга эга бўлган бир принципга амал қиляпмиз.

Яъни, фақат битта қишлоқ хўжалик экинига қарам бўлиб қолмасдан, даромад, фойда нуқтаи назаридан ўзини оқламаган пахта майдонларини қисқартириб, уларнинг ўрнига нимаики даромад келтирса, нимаики экспортбоп бўлса, нимаики одамлар ҳаётини фаровон қиладиган бўлса, айти шу экинни экамиз.

Лекин бу ишларни изчил ва самарали амалга ошириш, уларнинг пировард натижасини таъминлаш учун барча масъулият ва жавобгарликни фақат ижро органларига ташлаб қўйиш ҳам тўғри бўлмайди. Бу масалаларда тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар, хусусий мулк, жумладан, интеллектуал мулк эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиламан, деб майдонга чиққан Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ўрни ва иштироки, амалий таъсири аниқ сезилиши зарур.

Мана, яқинда мамлакатимиз ёшлари ўз қурултойида янги ташкилот – Ўзбекистон ёшлар иттифоқини ташкил этди. Шу мажлисда ёшлар ҳаётига бевосита дахлдор бўлган кўпгина масалалар қаторида ёш тадбиркорларни қийнаётган қанча муаммолар ҳам муҳокама қилинди.

Нима учун Либерал-демократик партиямиз шу масалага ўз вақтида эътибор қаратиб, бу муаммолар-

ни ҳукумат олдига, тегишли вазирлик ва идоралар олдига қўймади, деган савол, афсуски, жавобсиз қолмоқда.

Ҳолбуки, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш партиямизнинг асосий мақсади экани Дастур ва Низомда ёзиб қўйилган.

**Ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади. Биз нафақат ЎзЛиДеП, балки барча партиялар мисолида ана шундай қудратли, сафарбар этувчи кучни кўришни истаймиз.**

Кўриб турибсизлар, ҳозирги вақтда деярли ҳар куни мамлакатимиз тараққиётининг турли соҳалари бўйича камида 2–3 та қарор ёки фармон чиқарилмоқда. Албатта, буларнинг барчаси яхши ҳаётдан бўлаётгани йўқ, аксинча, кундалик турмушда муаммолар кўплиги ва уларни ҳал қилиш зарурати шуни тақозо этмоқда. Лекин аслида ҳаётимиздаги мана шундай энг муҳим ва долзарб масалалар бўйича сиз, депутатлар сифатли ва пухта қонунларни ўз вақтида қабул қилишингиз керак эмасми?

Мен турли йиғилишларда, биз икки йил давомида **фавқулодда сафарбарлик ҳолатида ишлашимиз керак**, деган фикрни доимо айтиб келяпман.

Лекин, афсуски, бу масала бўйича Олий Мажлис ва унинг раҳбарияти, хусусан, Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Мўйдинхонович Исмоилов, Сенат Раиси Ниғматилла Тўлкинович Йўлдошевнинг позицияси на уларнинг чиқишларида, на амалий ҳаракатларида сезиляпти.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, амалдаги қонунларимизда бир-бирига зид ўринлар ҳам йўқ эмас. Лекин бугун қайси бир партиянинг ташаббуси билан уларнинг шунчаси ўзгарди, деб айта оламиз?

Очик айтиш керак, сиёсий партияларда бу соҳада ҳалигача хотиржамлик, қандайдир мудраб ўтириш кайфияти ҳукм сурмоқда. Ҳеч кимга фойдаси бўлмаган мажлислар соатлаб давом этмоқда, танқидий таҳлил ўрнига майда масалалар билан ўраланиб, долзарб муаммоларнинг ечими четда қолиб кетмоқда.

Эътибор беринг, ҳар бир партиянинг дастурида вазифалар ва йўналишлар аниқ белгиланган. Ушбу соҳалар бўйича жавоб берадиган вазирлик ва давлат қўмиталари ҳам аниқ.

Аммо нима учун партиялар ана шу вазирлик ва қўмиталар фаолияти устидан ўзларининг вакиллик органларидаги фракцияси ва партия гуруҳлари орқали парламент ҳамда депутатлик назоратини самарали амалга оширмаяпти, деган савол туғилади.

Шу муносабат билан ҳар бир сиёсий партия ўз дастуридаги вазифалардан келиб чиқиб, назорат қилинадиган вазирлик ва қўмиталарни аниқлаб олиши, улар билан тизимли ва доимий ишлаши фойдадан холи бўлмас эди.

Масалан, Халқ демократик партияси Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари, «Миллий тикланиш» партияси Маданият вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Адолат» партияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ

таълими вазирликлари, ЎзЛиДеП Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Экоҳаракат Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг фаолияти устидан самарали парламент ва депутатлик назоратини олиб бориши, албатта, мақсадга мувофиқ бўлар эди-ку!

Агар шу таклифлар бўлганида, ҳукумат (А. Арипов) депутатларимизга барча шароитларни яратиб берган бўларди.

Энг муҳими, бу жараёнда сиёсий партиялар ва Экоҳаракат иш фаолиятини тўғри ташкил қилиши керак. Назорат тадбирларини расмийлик учун ўтказиш, вазирлик ва кўмиталарга муаммони шунчаки кўрсатиб ўтиш, номига муҳокама қилиш, аксарият ҳолларда қоғозда қолиб кетаётган қарорлар қабул қилиш амалиётидан бутунлай воз кечиш зарур. Муаммо аниқландими, албатта, унинг ечимини топиш керак.

Бундай иш тизими ҳам сиёсий партияларнинг, ҳам вазирлик ва кўмиталарнинг асосий вазифалари ижросини таъминлашга, албатта, ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам партияларнинг фракциялари вазирлик ва кўмиталар устидан, партияларнинг маҳаллий кенгашлардаги гуруҳлари эса – вазирлик ва кўмиталарнинг жойлардаги бошқарма ва бўлимлари фаолияти устидан самарали парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиши керак.

Ижро ҳокимияти идоралари фаолиятини назорат қилишда Президентнинг асосий кўмакчилари ким? Албатта, сиз, муҳтарам депутат ва сенаторлар. Сиз-

лар ижро ҳокимияти идораларининг камчилик ва нуксонлари ҳақида асосли маълумотлар беришингиз, вазирлик ва идоралар фаолиятини такомиллаштириш бўйича масалани кўндаланг қўйишингиз, керак бўлса, вазир ва ҳокимларни лавозимдан бўшатишгача бўлган таклифларни киритишингиз лозим.

Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига сайловлардан кейин, мана, икки йилдан ортиқ вақт ўтди. Бирок сиёсий партиялар томонидан сайловлар жараёнида оммавий ахборот воситалари, хусусан, телевидение орқали берилган ваъдалар бажарилдими? Нима учун сиёсий партиялар фақат сайловлар пайтида фаоллашиб, кейин, таъбир жоиз бўлса, дами чиққан шардек бўшашиб қолади? Ахир, улар овоз олиш учун халққа қанча-қанча ваъдалар бергани ҳақиқат-ку!

Маълумки, нодавлат нотижорат ташкилотлар орасида фақат сиёсий партиялар ҳокимият учун курашиш ҳуқуқига эга. Лекин, шунга қарамасдан, улар ўртасида рақобат, фикрлар, позициялар хилма-хиллиги мутлақо сезилмаяпти.

Ҳолбуки, ҳар бир партиянинг дастури ва низоми бир-биридан фарқ қилади. Сизлар ўз позициянгизни қонуний асосда билдирсангиз, ҳимоя қилсангиз, қани, айтинг, бунга қим қарши бўлиши мумкин?

Демократия қаердан бошланади – парламентдан бошланади. «**Парламент – демократия мактаби**», деймиз. Шундай экан, **миллий парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши керак.**

Бу борада сиз, ҳурматли депутат ва сенаторлар, барчага намуна бўлишингиз зарур. Чинакам баҳс-мунозара, принципиал тортишувлар аввало шу ерда – парламент минбарида бўлиши керак. Шундагина ҳар бир сиёсий партия, парламентдаги ҳар бир партия фракциясининг ҳақиқий кифоаси ва позицияси аниқ намоён бўлади.

Ўйлайманки, ҳаммамиз бир ҳақиқатни яхши тушунамиз: сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари фаолиятини кучайтирсак, қонун ижодкорлиги ва қабул қилинган қонунлар ижроси кутилган натижани бермайди.

Сизларга маълум, биз қонун ҳужжатларини жойларга етказиш ва ижросини таъминлаш бўйича қарор қабул қилган эдик. Мана, орадан 6 ойдан зиёд вақт ўтганига қарамасдан, афсуски, бу борадаги аҳвол ҳануз ижобий томонга жиддий ўзгаргани йўқ. Бу жараёнда сиёсий партияларнинг ўрни нима учун сезилмаяпти?

Шу ўринда яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Ҳозирги вақтда сиёсий партияларнинг бошқарув аппаратларида ишчанлик муҳити деярли кўзга ташланмаяпти.

Давлат бюджетидан ойлик олиб ишлаётган минглаб ходимлар, масалан, ЎзЛиДеПдаги 740 дан ортиқ, «Миллий тикланиш»даги қарийб 600 та, ХДПдаги салкам 450 та, «Адолат»даги 340 га яқин ходимнинг фаолиятини самарали деб бўлмайди.

Айниқса, сиёсий партияларнинг жойларда, туман бўлимларида ишлаётган ходимларининг фаолияти қониқарсиз аҳволда. Улар кўп ҳолларда электорат

билан тизимли мулоқот ўтказиш у ёқда турсин, ўзининг асосий вазифаси нимадан иборат эканини ҳам билмайди.

Бугунги кунда амалда фаолият кўрсатаётган тўртта сиёсий партияга расман 1 миллион 150 мингга яқин фуқаро аъзо. Савол тугилади: уларнинг қанчаси партиянинг ғояси, мақсад ва вазифаларини чин юракдан ҳис қилади ва шу ғояни амалга ошириш учун курашга тайёр?

Сиёсий партиялар рақам ортидан қувиб, аъзолари сонини кўпайтириш бўйича мусобақа ўйнамоқда. Натижада турли хунук ҳолатларга йўл қўйилмоқда. Масалан, ҳудудий партия кенгаши ходимларининг мукофот пули ва ойлик иш ҳақи ҳисобидан аъзолар бадалларини тўлаш орқали аъзолар сонини сунъий равишда кўпайтириш фактлари, афсуски, оз эмас. Биз бундай ҳолатларнинг сабабларини ўрганиб, уларни бартараф этиш бўйича деярли иш олиб бормаямиз.

Бугун замоннинг ўзи сиёсий партияларнинг иш услубини тубдан ўзгартириш, уларнинг аҳоли, электорат билан мулоқотини тизимли йўлга қўйишни талаб этмоқда. Энди «мудраб ётган» сиёсий партиялар уйғониши лозим. Улар баланд-парвоз гапларни четга суриб, аниқ амалий ишлар билан одамларимиз, сайловчилар ишончини қозониши, уларнинг қалбидан жой олиши керак.

Иккинчидан, сиёсий партияларнинг дастурларини доимий такомиллаштириб бориш ишлари талаб даражасида йўлга қўйилмаган.

Сизларга маълумки, ҳозирги вақтда мамлакатимизни 2017 – 2021 йилларда ривожлантириш бўйича



Ҳаракатлар стратегияси изчил амалга оширилмоқда. Бу жараёнда биз 500 дан ортиқ фармон ва қарорлар қабул қилдик.

Ушбу муҳим ҳужжатларда сиёсий партиялар дастурларига киритилган ва улар томонидан сайлов жараёнларида кўтарилган долзарб муаммоларнинг ечими бўйича ҳам чоралар белгиланган. Лекин уларнинг ижросини таъминлашда сиёсий партиялар қанчалик фаоллик кўрсатмоқда? Афсуски, бу саволларга ижобий жавоб бериш қийин.

Шуни қайд этиш керакки, сиёсий партияларда аксарият ҳолларда ўткир ва оғир муаммоларнинг ечими устида ишлаш ўрнига, «озгина вақт ўтса, бу масала ўзи ҳал бўлади», «бу – ҳукуматнинг иши», деган қарашлар, «сен – менга тегма, мен – сенга тегмайман», деган эскича қайфият ҳам йўқ эмас.

Бундай лоқайдлик, табиийки, шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги замондан орқада қолишга олиб келади ва бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам сиёсий партиялар ўз дастурий мақсад ва вазифаларини, мафкуравий соҳадаги ишларини қайта кўриб чиқиб, уларга зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши, бунда жаҳон тажрибасини ўрганиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш фойдадан холи бўлмайди.

Учинчидан, сиёсий партияларнинг аҳоли билан мулоқоти, тарғибот-ташвиқот ишлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини ҳам етарли деб бўлмайди.

Ҳеч кимга сир эмас, бу борадаги ишлар кўпинча юзаки, хўжакўрсинга бўлиб, ҳаётдан анча узилиб қолган. Аҳолини, партия электоратини ташвишга солаётган долзарб муаммоларнинг амалий ечимини топишга қаратилган ишлар, афсуски, ниҳоятда кам.

Масалан, ЎзЛиДеПнинг Хоразм вилояти кенгашига келиб тушган 1 минг 250 дан ортиқ ариза ва шикоятларнинг атиги 84 таси бевосита вилоят кенгаши томонидан кўриб чиқилган бўлиб, қолган 1 минг 200 га яқин мурожаат эса Президентнинг Виртуал қабулхонасига юборилган.

Ана шу мурожаатларни таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг кўпчилик қисми тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини бузиш, банк, солиқ органларининг қониқарсиз фаолияти билан боғлиқ экани аён бўлади.

Савол тугилади: тадбиркорлар ва ишбилармонлар партияси деб танилган ЎзЛиДеП нима учун бу масалалардан ўзини четга олмоқда?

Мавжуд тўртта партия газеталарининг савияси, «Ўзбекистон овози» газетасини истисно қилганда, талабга жавоб бермайди. Партия газеталарининг умумий сони бугунги кунда 60 мингга ҳам етмаслиги ҳаётдаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечими бўйича аниқ таклифлар бу нашрларда ўз ифодасини топмаётганидан далолат беради.

Хусусий нашрлардан мисол келтирайлик. Масалан, биз одатда «кўнгилочар нашрлар» деб биладиган «Даракчи», «Тасвир», «Сўгдиёна» каби газеталар нафақат энгил-елпи гапларни, шу билан бирга, муҳим

ҳаётий масалаларни, айтайлик, коммунал хизмат, бозорлардаги нарх-наво, тиббиёт, транспорт масаласи, тадбиркорлик билан боғлиқ муаммоларни ҳам атрофлича ёритаётгани учун тиражи ошиб бормоқда. Нима учун партия нашрлари бу масалаларда улар билан рақобат қила олмаяпти?

Сиёсий партиялар раҳбарларининг электоратни ўйлантираётган муҳим масалалар бўйича телевидение орқали аниқ-равшан ўз позициясини билдирганини ҳам эслай олмаймиз.

Нима, партия раҳбарлари матбуотда чиқишдан кўрақдими? Ёки халқ билан мулоқот қилишнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини англаб етмайдими?

Сайловолди дастурларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қандай ишлар қилинаётгани ҳақида сиёсий партия фракциялари раҳбарлари ҳар чорақда оммавий ахборот воситалари, жумладан, телевидение орқали ахборот бериб боришларини таъминлайдиган аниқ тизим жорий этиш лозим. Бу борада янги ташкил этилган «Тараққиёт стратегияси» маркази ва Халқаро пресс-клуб имкониятларидан самарали фойдаланиш зарур.

Айниқса, марказда ва жойлардаги телеканаллар парламент ва маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари ишини, хусусан, қонун лойиҳалари бўйича муҳокама жараёнларини, парламент назоратига оид тадбирларни, фракциялар ўртасида бўлаётган баҳс-мунозараларни, керак бўлса, тўғридан-тўғри халқимизга етказиши лозим.

Биз телевидение орқали фақат 10–15 та депутат ва сенаторни кўрамиз, холос. Уларнинг 85 фоизи «ойнаи жаҳон»да деярли кўринмайди. Депутат ва сенаторлар халқ вакиллари бўлганидан кейин доимо халқ олдида чиқиши, одамлар уларни таниши, олиб бораётган ишларидан хабардор бўлиши керак эмасми?

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (Х. Мирзохидов)га икки ой муддатда Олий Мажлис раҳбарияти билан биргаликда тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси топширилади.

**Тўртинчидан**, сиёсий партияларнинг ёшлар ўртасида олиб бораётган ишлари, партиялар қошида ташкил этилган «Ёшлар қанотлари»нинг фаолиятини, афсуски, қониқарли, деб бўлмайди. Ваҳоланки, бугун мамлакатимизда яшаётган 10 миллиондан ортиқ ёшлар ҳаётида қанчадан-қанча счилмаган ижтимоий муаммолар борлигини барчангиз яқинда бўлиб ўтган ёшлар курултойида яққол кўрдингиз.

Ўзингиз айтинг, қайси сиёсий партия ёшлар билан яқиндан, бевосита иш олиб борапти? Уларнинг дарду ташвишларини ечишга интиляпти? Партияларнинг бу борада аниқ чора-тадбирлар режаси, керак бўлса, стратегияси борми? Бор бўлса, нега натижаси кўзга ташланмаяпти?

Ҳозирги ахборот асрида бирорта сиёсий партиянинг Интернет сайтида ёшлар билан интерактив алоқа тизими йўлга қўйилмаган. Партиянинг сайтига кирган ёшлар ўзига керакли саволларга жавоб

топа олмайди. Бу ахволда партиялар ёшлар ўртасида қандай ўрин ва таъсирга эга бўлиши мумкин?

Ҳолбуки, сиёсий партиялар аввало истиқболли ёш раҳбарларни тайёрлаш мактаби бўлиши лозим.

**Партиялар фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизнинг ғоявий, мафкуравий эҳтиёжларини қондириши шарт. Агар партиялар бунга эришолмаса, бу бўшлиқни ғараз ниятли кучлар тўлдиришга ҳаракат қилиши шубҳасиз. Айрим ҳолларда тўлдиришти ҳам – буни яширишнинг ҳожати йўқ.**

Мен истардимки, Ёшлар иттифоқи қурултоида тилга олинган устувор масалаларни ҳар бир партия алоҳида ўрганиб, тегишли йўналиш бўйича ўз вазифаларини аниқ белгилаб олса, бу фақат фойда бўлади. Айниқса, чет эллардаги ёшлар билан ишлаш масаласи ҳақида гапирадиган бўлсак, афсуски, Олий Мажлис палаталари ҳам, сиёсий партиялар ҳам бу масаланинг яқинига ҳам келгани йўқ.

Ҳолбуки, хорижий мамлакатларда юрган ёшлар ҳам ўзимизнинг фарзандларимиз, Ўзбекистон фуқароси эканини барчамиз, авваламбор, депутатлар унутмаслиги керак.

Яна бир муҳим масала – сиёсий партиялар уюшмаган, яъни ишламайдиган, ўқимайдиган, тайин бир машгулотга эга бўлмаган ёшларга умуман эътибор қаратмаяпти. Бу борада партиялар туман ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари, янги тузилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиши бугунги кун талабидир.

Айникса, талаба ва ўқувчи ёшларда сиёсий билимларни ошириш, ватанпарварлик хиссини кучайтиришда вакиллик органлари имкониятларини тўлиқ ишга солишимиз зарур.

Бунинг учун халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биносига йигит-қизларимиз эркин кириб чиқадиган мухит ва шароит яратишимиз зарур. Токи ёшлар конун қабул қилиш жараёнларидан бошлаб партиялар ўртасида ракобат бўладиган мажлис ва тортишувларни ўз кўзи билан кўрсин, депутатлар билан мулоқот қилсин. Демократия мактабини фақат китобдан эмас, балки мана шундай жонли мухитдан ўргансин. Шундагина уларда сиёсий тафаккур, баҳс маданияти шаклланади. Бу борада Германия, Дания, Финляндия каби ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланиш ўринлидир.

**Бешинчидан,** кадрлар билан ишлаш борасидаги муаммолар ҳам сиёсий партиялар фаолиятига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Кадрлар захирасини шакллантириш ва уларнинг малакасини ошириш, партиянинг муносиб фаолларини давлат хизматига тавсия этиш ишлари талаб даражасида ташкил этилмаган. Сиёсий партияларга кадрлар қаердан келмоқда, уларнинг билими, савияси, тажрибаси, жамоатчилик ўртасидаги обрўси қандай? Буни ким ўрганмоқда, ким бунга баҳо бермоқда? Афсуски, ҳеч ким.

Партияларнинг эртанги тақдири нима бўлади, деган савол уларнинг раҳбариятини мутлақо безовта

қилмаётганини кўпгина мисолларда кўриш, кузатиш кийин эмас.

Ўтган йили барча сиёсий партиялар ходимлари аттестациядан ўтказилди.

Маълумотларга кўра, улардан 200 нафари билим ва тажрибаси етарли эмаслиги сабабли аттестациядан ўта олмаган ва ишдан озод этилган. Бундан ташқари, 284 нафар ходим аттестациядан шартли равишда ўтган, 28 нафари эса қуйи лавозимларга ўтказилган.

Мана шу рақамларнинг ўзи партияларда кадрлар билан ишлаш масаласининг ҳақиқий аҳволини кўрсатади.

Сиёсий партияларнинг қониқарсиз фаолияти кўп ҳолларда марказий ва маҳаллий партия ташкилотларининг айрим раҳбарлари ўртасидаги номақбул хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ.

«Партия етакчиси» деган номга доғ тушириш, ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, молиявий жиноятларга қўл уриш, маиший бузуклик, таъмагирлик, ўз шахсий манфаатини, ўз бизнесини устун қўйиш каби ҳолатлар мавжудлиги ҳақида етарли маълумотлар бор.

Қанчалик оғир бўлмасин, шу борада баъзи бир мисолларга мурожаат қилишга тўғри келади. ЎзЛиДеПнинг Андижон вилояти кенгашининг собиқ раиси З. Жумабоев партия ташкилотига раҳбарлик қилишдан ўзини четга олиб, ишни ўз ҳолига ташлаб қўйган. Асосий ишни олиб борган унинг биринчи ўринбосари А. Мамажонов эса вилоят кенгаши дево-

нида номаъкул, айтиш мумкинки, шармандали муҳит вужудга келишига сабаб бўлган. Ҳайлайманки, гап нима ҳақида бораётганини кўпчилигингиз яхши тушунаси.

ХДПнинг Тошкент вилояти кенгашининг собиқ раиси С. Агзамов ташкилот балансида бўлган товар-моддий бойликларни сотиш, турли хил баҳоналар билан қўл остидаги ходимлардан пул йиғиш каби ишлар билан шуғулланиб юрган.

«Адолат» социал-демократик партиясининг Бухоро вилояти кенгаши раиси А. Турсунов ўз фаолиятида хунук салбий ҳолатларга йўл қўйиб, ўз обрўсини йўқотган, кенгаш фаолияти ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Бундай мисолларни, афсуски, аксарият вилоят ва туманлардаги партиялар кенгашлари фаолиятидан ҳам келтириш мумкин.

Ушбу ҳолатларнинг кўпчилиги бўйича ҳукуктартибот идоралари томонидан жиноят ишлари очилган бўлиб, айбдорлар қонун олдида жавоб берган ва жавоб бермоқда. Лекин улар аввало ўз виждони олдида, партиядошлари олдида жавоб бериши керак эмасми?

Шу муносабат билан ана шундай ҳар қайси салбий воқеага нисбатан партиялар раҳбарияти томонидан принципиал ва қатъий баҳо берилиши зарур.

Биз партиялар сафини билимли, ташкилотчи ва ватанпарвар ёш кадрлар билан тўлдиришимиз лозим. **Сиёсий партиялар ходимлари партия ишида товланиши, шундан сўнг давлат органлари**



ва ҳокимликлар тизимидаги турли лавозимларга, жумладан, депутатлик лавозимларига асосий захира бўлишлари даркор. Бу партиядо ишлаш учун асосий омил ва рағбат бўлиб хизмат қилиши керак.

Шу ўринда яна бир жиддий масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Бизда ҳокимлар маълум бир сиёсий партия аъзоси ҳисобланади. Лекин улар ҳоким бўлганидан кейин ўзи аъзо бўлган партия билан умуман алокани узиб қўяди.

Бу борада бир таклифни илгари сурмоқчиман: туман ёки шаҳар ҳокими номзодини вилоят ҳокими томонидан тегишли маҳаллий кенгашларда ҳар бир партия гуруҳи билан маслаҳатлашув ўтказилганидан сўнг тегишли сессияда тасдиқлаш тартибини жорий этсак, нима дейсизлар?

Сизларга маълумки, бундай тартиб ҳозирги вақтда вилоят микёсида мавжуд. Аммо у фақат қоғозда бор-у, амалда, афсуски, ишламаяпти.

Биз энди ана шу қонуний механизмни маҳаллий кенгашларнинг барча босқичида самарали ишга соламиз. Агар бирорта номзод партия гуруҳлари муҳокамасидан ўтмаса, у ҳоким лавозимига тайинланмайди.

Айтиш керакки, ҳоким лавозимига номзод сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган кадрлар орасидан танлаб олинади, яъни ҳоким муайян сиёсий партиядан бўлади. Бунинг учун ҳар бир сиёсий партиядо ҳокимликка номзодлар бўйича кадрлар захирасини шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Айни пайтда маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳларига тегишлича туман ёки шаҳар ҳокимлари, шунингдек, маҳаллий ижро органлари раҳбарларининг қониқарсиз фаолияти ҳақида хулосаларни вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига тақдим этиш ҳуқуқини ҳам бериш керак, деб ҳисоблайман. Бу борада ҳар бир сиёсий партия гуруҳи ўз хулосасини бериши лозим.

Яна бир тақлиф – бундан буён вилоят ва республика миқёсидаги ижро ҳокимияти юқори лавозимларига тайинлашда партиялар фикрини албатта инобатга олиш тартибини жорий этсак, нима дейсизлар?

Шу муносабат билан Давлат маслаҳатчиси О. Муродовга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан биргаликда бир ой муддатда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунга ва бошқа қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳасини тайёрлаш топширилади.

**Олтинчидан**, ўтган даврда Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида сиёсий партиялар аппарати ходимлари учун махсус ўқув машғулоти ташкил этилди. Уларга маърузачи сифатида юқори давлат идораларининг раҳбарлари, хусусан, Қонунчилик палатаси, Сенат ва сиёсий партиялар раҳбарлари, олий ўқув юртлиги ректорлари ва бошқа таниқли мутахассислар жалб қилинди.

Бу – яхши амалиёт. Лекин бундай ўқишлар фақат Тошкентда бўлмаслиги керак. Ҳар бир вилоятдаги олий ўқув юртлиги базасида жойлардаги партия ташкилотлари ходимларини ва маҳаллий кенгашлар

депутатларини ўқитиш бўйича махсус курслар ташкил этиш лозим. Керак бўлса, пойтахтдаги мутахассислар жойларга бориб дарс берсин.

Бу ишни самарали ташкил этиш, албатта, парламентимиз палаталари ва сиёсий партиялар раҳбарлари билан маслаҳатлашган ҳолда, Давлат бошқаруви академияси ректори Р. Қосимовга топширилади.

**Еттинчидан,** сиёсий партияларнинг маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг таъсири мутлақо сезилмаяпти.

Айтиш мумкинки, улар, кўп ҳолларда, номига фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, «Адолат» партиясининг Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари ва туманлари маҳаллий кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан кенгаш сессиялари муҳокамасига 2016 йил давомида биронта ҳам масала киритилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Худди шундай ҳолатни ЎзЛиДеП партиясининг Хоразм вилояти, «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Сурхондарё вилояти халқ депутатлари кенгашларидаги партия гуруҳлари мисолида ҳам, бошқа партиялар фаолиятида ҳам учратиш мумкин.

Сайловдан кейин аксарият депутатлар ўзларини номзод этиб кўрсатган партия билан алоқани узиб, ўз сайловчилари билан камдан-кам мулоқот қилади. Айниқса, туман кенгашлари депутатлари электорат олдида сайловолди дастурлари ижроси бўйича умуман ҳисобот бермайди.

Шунинг учун ҳам фаол ишламаётган ва ўз вазифасини талаб даражасида бажармаётган, партия би-

лан алокани узиб кўйган маҳаллий кенгаш депутатларини тегишли сиёсий партия таклифи асосида депутатликдан чакириб олиш бўйича қонунчиликка ўзгартиш киритиш вақти келди, деб ўйлайман.

Барчангиз хабардорсиз, яқинда мамлакатимиз вилоятларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қатор дастурлар қабул қилинди. Лекин бу дастурларни тайёрлашда жойлардаги партия гуруҳлари қай даражада иштирок этмоқда? Афсуски, ушбу саволга ижобий жавоб бериш қийин. Ваҳоланки, партиялар айнан шундай дастурлар орқали ўз сайловчиларини безовта қилаётган муаммоларга ечим топиши, шунинг ҳисобидан электорати сафини кенгайтириши мумкин.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бундан буён ҳудудлар бўйича қабул қилинадиган, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид ҳар қандай дастур лойиҳаси юзасидан партия гуруҳлари томонидан билдириладиган фикр ва таклифлар ҳисобга олиниши шарт эканини қонунчиликда аниқ белгилаб қўйишимиз зарур, деб ҳисоблайман.

Ўзингиз ўйланг, агар биз бирор дастур ишлаб чиқадиган бўлсак, бу жойдаги муаммоларни шу ердан сайланган депутатдан бошқа ким яна чуқурроқ, ким яна яхшироқ билиши мумкин? Агар депутатлар ҳар қайси ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурда белгиланган вазифалар ижросини назоратга олса, амалий натижага эришамиз.

Айни пайтда **шундай тизим яратиш керакки, унга кўра яхши ишлаётган, фаол, жонкуяр туман**

**кенгаши депутатлари кейинчалик вилоят депутати, вилоят депутатлари эса Олий Мажлис аъзоси бўлишига эришиш зарур.** Сиёсий партиялар биринчи навбатда ана шундай депутатларни кадрлар захирасига киритиши мақсадга мувофиқдир.

Депутатларнинг иш услубини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида сиёсий партиялар орқали жойларда «**Марказ – вилоят – туман**» тартибда ишлайдиган янги тизимни жорий этиш айтиш муддао бўлар эди. Бу тизим орқали юқоридан пастга тушиб, ҳам депутатларни, ҳам турли аҳоли қатламларини Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар фаолияти, конун ижодкорлиги, қабул қилинаётган янги конун ҳужжатлари ҳақида хабардор қилиб бориш йўлга қўйилади. Шу тарика Олий Мажлис иш услубини вилоят кенгашларига, вилоят кенгашлари иш услубини эса туман ва шаҳар кенгашларига ўргатиш имконияти пайдо бўлади.

Ҳаётга, одамлар ичига кирмасдан, улар билан мулоқот қилмасдан, фақат юқоридан туриб топширик беришдек номақбул тажриба энди иш бермайди. Ундан бутунлай воз кечиш вақти келди.

Шу ўринда бир фикрни алоҳида таъкидлашни истардим. Биз, мана, Тошкент шаҳри туманларида халқ депутатлари кенгашларини ташкил этиш ишларини бошладик. Бу кенгашларга депутатликка номзодлар кўрсатишдан бошлаб, депутатликка сайланиш жараёнига қадар – сайловнинг барча босқичида сиёсий партиялар фаол иштирок этишлари керак, албатта.

Ҳозирғи вақтда вилоят ва туман депутатларининг аксарияти маҳаллий ижро ҳокимияти вакиллари, айниқса, турли давлат тузилмалари раҳбарлари ҳисобланади.

Табиий савол туғилади: депутатнинг ўзи ижро ҳокимияти вакили бўла туриб, маҳаллий ижро органлари фаолияти устидан қандай қилиб самарали депутатлик назоратини амалга ошириши мумкин?

Шу боисдан Тошкент шаҳри туманларида ва келгусида вилоятларда бўладиган сайловларда сиёсий партиялар депутатликка номзодлар танлашда уларнинг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ходимлари бўлмаслигига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Марказий сайлов комиссияси ушбу масала юзасидан қарор қабул қилса, бу республика миқёсида ягона ва тўғри амалиётни шакллантиришга хизмат қилади.

Олий Мажлис палаталари раҳбарлари Нурдинжон Мўйдинхонович Исмоилов ва Ниғматилла Тўлкинович Йўлдошев Тошкент шаҳри бу борада бошқа вилоятларга намуна бўлиши учун ҳаракат қилсалар, ҳар бир туманга бориб, одамлар орасида юриб, сайлов жараёнларининг ҳолислик, адолат ва ошқоралик руҳида ўтиши учун жонбозлик кўрсатсалар, нур устига нур бўларди.

**Саккизинчидан,** сиёсий партиялар ҳудудий кенгашларининг моддий-техник таъминоти кўп ҳолларда талаб даражасида эмас. Масалан, сиёсий партияларнинг 18 та туман кенгаши ўз биносига эга эмас. 62 та кенгашнинг биноси коникарсиз ҳолатда. Бу борадаги энг оғир аҳвол ижара биноларида фаоли-

ят олиб бораётган «Адолат» ва «Миллий тикланиш» партияларида кузатилмоқда.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасига (А.Арипов) маҳаллий ҳокимликлар, сиёсий партиялар билан биргаликда бир ой муддатда партияларнинг вилоят, туман (шаҳар) кенгашларининг бинолар билан таъминланиш ҳолатини, уларнинг иш шароитини танқидий ўрганиб чиқиб, бу борадаги аҳволни тубдан яхшилаш бўйича таклиф киритиш вазифаси топширилади.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Миллий парламентимиз фаолиятида, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида Ўзбекистон Экологик ҳаракати муҳим ўрин тутишини ҳаммамиз яхши биламиз.

Ушбу Ҳаракат томонидан юртимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича конунчилик базасини мустаҳкамлаш, шу соҳада қабул қилинаётган конун ва қарорлар ижроси юзасидан парламент назоратини жорий этиш борасида муайян ишлар амалга оширилганини қайд этиш жоиз.

Айни вақтда бутун дунёда экологик муаммолар тобора кескинлашиб бораётган ҳозирги кунда бу соҳадаги ишларни, афсуски, етарли ва қониқарли, деб айтолмаймиз.

Бу борада Ўзбекистон Экологик ҳаракати қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Маълумки, аҳолини, айниқса, қишлоқ жойларда тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, маиший чиқиндиларни тўплаш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш масаласи ҳам олдимизда турган энг оғир муаммодир.

Шу билан бирга, собиқ тузум даврида узокни ўйламасдан қурилган, бугунги кунда айрим вазирлик ва идоралар, тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлатиб келинаётган саноат иншоотлари ҳам замонавий экологик талабларга жавоб бермайди.

Энг муҳим масала – аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур. Албатта, бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин.

Юқорида зикр этилган долзарб муаммоларни самарали ҳал этиш учун Ўзбекистон Экологик ҳаракати ташаббускор бўлиб, тегишли вазирлик ва идоралар, аввало, яқинда ташкил этилган Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва амалга ошириши зарур. Афсуски, ҳозирги вақтда Экологик ҳаракат фаолиятида бу борада аниқ таклиф ва амалий ташаббуслар сезилмаяпти.

Барча йирик саноат корхоналарида Экологик ҳаракатнинг вакиллари бўлиши керак. Вазирлар Маҳкамаси шу масала юзасидан икки ҳафта муддатда таклиф киритсин.

Умид қиламизки, Экологик ҳаракат атроф-муҳит тозалиги ва мусаффолигини сақлашга, аҳоли ўртасида касалликларни камайтиришга ўз ҳиссасини қўшади.



Мухтарам юртдошлар!

Сиёсий партиялар ҳаётидаги мавжуд муаммолар маълум даражада парламент фаолиятига ҳам салбий таъсир этиши табиийдир.

**Авваламбор**, конун лойиҳаларини парламентда муҳокама этиш ва қабул қилишда фракцияларнинг ўрни, уларнинг партиявий ёндашуви ва қатъий позицияси етарли даражада сезилмаяпти.

Бир неча йил олдин фракциялар муҳокамасидан ўтмасдан, уларнинг хулосасини олмасдан бирорта ҳам конун, Давлат бюджети лойиҳаси қабул қилинмаслигини қонуний асосда аниқ белгилаб қўйган эдик.

Тан олиш керак, ўтган давр мобайнида парламентда ана шу қондани ҳаётга татбиқ этиш бўйича кўп ишлар қилинди. Бироқ фракцияларда конун лойиҳалари ва бошқа муҳим масалалар муҳокамасини, улардаги конструктив баҳс ва мунозараларни янада кучайтиришни бугун ҳаётнинг ўзи такозо этмоқда.

Қабул қилинаётган ҳар бир конун лойиҳаси сайловчилар, партия электорати, турли табақа ва гуруҳларнинг манфаатлари нуктаи назаридан атрофлича муҳокама қилиниши, фракциялар ушбу масалаларда принципиал позициясини намоён этиши шарт. Чунки баҳс, тортишув бўлган тақдирдагина конунлар мукамал ҳаётий кучга эга бўлади.

Яна бир масала. Сиёсий партиялар ташкилотлари, айниқса, уларнинг жойлардаги бўлимлари фракцияларда кўриб чиқиляётган масалалар, конун лойиҳаларидан етарлича хабардор бўлмаяпти. Шу маънода, сиёсий партияларнинг ўз фракциялари билан узвий алоқасини кучайтириш лозим.

Ўз навбатида, сиёсий партиялар парламентдаги ўз фракцияларини доимий равишда жойлардаги вазият, электоратнинг кайфияти ҳақида хабардор этиши, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан таклифлар киритиб бориши керак.

Шу борада йилда бир марта сиёсий партиялар раҳбарларининг Президент билан учрашувини ўтказиш амалиётини йўлга қўйсақ, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ана шундай учрашувларда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти бўйича сизлардан амалий таклифлар кутиб қоламан.

**Яна бир муҳим йўналиш** – қонунларни қабул қилишда жамоатчилигимиз, сайловчиларнинг кенг иштироки сезилмаяпти. Қонунлар қабул қилиниши билан халқимизнинг оғири енгил бўлди, унинг ҳаётидаги муаммолар ҳал бўлди, деган саволлар билан, афсуски, ҳеч ким қизикмаяпти.

Шунинг учун ҳам, қонунларни қабул қилиш жараёнида янги тизим – аҳоли билан муҳокама қилиш тизимини жорий этиш лозим, деб ҳисоблайман.

Яъни, катта аҳамиятга эга бўлган, муҳим қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда қабул қилгандан кейин уларни жойларда фуқаролар билан кенг муҳокама қилиш, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олиб, лойиҳаларни такомиллаштирган ҳолда иккинчи ўқишга киритиш тартибини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Яширишнинг ҳожати йўқ, биз кўпинча вилоят марказларига бориб, ўша ернинг ўзидан қайтамыз.

Жойларда бўладиган мухокамаларда иштирок этмаймиз, одамларнинг муносабатини уларнинг ичида туриб, улар билан бирга юриб ўрганмаймиз. Натижа нима бўлади? Қабул қилинган қонунларимиз тўлақонли бўлмайди, қутилган самарани бермайди.

Бугунги кунда сиёсий партиялар фракциялари ва депутатларнинг қонун ташаббускорлиги бўйича фаолияти ҳам талаб даражасида эмас. Мисол учун, 2015–2017 йилларда парламентимиз томонидан 55 та қонун қабул қилинган бўлса, фракциялар томонидан билдирилган ташаббуслар асосида қабул қилинган биронта ҳам қонун йўқ. Биронта ҳам! Шунинг ўзи сиёсий партияларнинг бугунги фаолиятига берилган баҳо эмасми?

Ўки 2017 йилда киритилган 46 та қонун лойиҳасидан фақат 9 таси депутатлар ташаббуси билан киритилган, холос.

Бу соҳадаги ишларни яхшилаш учун қонунчилик ташаббуси билан чиққан ва шу ташаббуси қабул қилинган депутатларни рағбатлантириш тизимини жорий қилиш ўринли, деб ўйлайман.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, Олий Мажлис таркибида муҳим бир тузилма, яъни илмий-амалий тадқиқот ва ахборот-таҳлилий фаолият олиб борадиган, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқадиган марказнинг йўқлиги бу борадаги ишларни юқори савияда ташкил этишга имкон бермаяпти.

Илғор хорижий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммоларини ўрганиш институтини ташкил этишни так-

лиф киламан. Бу институт парламент аъзоларининг буюртмасига асосан ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва хорижий тажриба бўйича таҳлилий маълумотлар ва қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишлари билан шуғулланиши лозим.

Бу нима учун керак? Бу институт депутат ва сенаторларнинг энг яқин ёрдамчиси вазифасини бажариши керак. Аини вақтда, Давлат бошқаруви академияси билан биргаликда депутатлар малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

**Учинчидан,** Олий Мажлиснинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳамиятга эга давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлашга қаратилган ишларини ҳам етарли, деб бўлмайди.

Парламент эшитувлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисоботларини тизимли равишда тинглаб бориш, депутатларнинг сўровларига атрофлича жавоб қайтаришни таъминлаш борасида муаммолар мавжуд.

Одатда парламент вазирларнинг ҳисоботини тинглайди. Лекин пастки бўғинда бу йўналишда ким ҳисобот беради? Фақат марказ ёки вилоятда эмас, ҳудудларда ҳам ўзгариш бўлиши зарур. Хусусан, 2017 йилнинг ўтган даври мобайнида Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан вазирлик ва идораларга юборилган жами 284 та депутатлик сўровидан 100 тасига қонунда белгиланган муддат бузилган

холда жавоб берилган, 24 тасига эса умуман жавоб берилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Нима учун Қонунчилик палатаси кўмиталари, партия фракциялари бундай ҳолатларга нисбатан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида ўз муносабатини билдирмаяпти?

Депутатга беписандлик – халққа беписандлик деб баҳоланиши шарт. Халқни ҳурмат қилмаган, депутатлик ваколатини амалга оширишга тўсқинлик қилган ҳар қандай мансабдор шахс қонун олдида жавоб беради.

Шу сабабдан ҳам депутатлик сўровини кўриб чиқмагани ёки унга жавоб бермагани, кўриш муддатини бузгани учун жавобгарликни кучайтириш лозим.

Шу муносабат билан Давлат маслаҳатчиси О. Муродовга Олий Мажлис палаталари билан биргаликда бир ой муддатда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш вазифаси топширилади.

Республика, вилоят ва туман кенгашлари депутатларининг сўрови – бу халқ сўрови, деб баҳолаган холда, бу борадаги жавобгарликни назарда тутадиган тегишли моддани қонунга киритиш керак.

Олий Мажлис палаталари, парламент сўрови бўйича олинган жавобларни Интернетдаги расмий веб-сайтларда кенг жамоатчилик учун эълон қилишни ташкил этиши лозим.

Бугун ҳаётнинг ўзи парламент назорати объеклари доирасини кенгайтиришни ҳам талаб этмоқда. Амалдаги қонунга кўра, парламент фақат давлат ор-

ганлари фаолияти устидан назорат олиб бориши мумкин. Бирок хўжалик бошқаруви органлари, хусусан, «Ўзбекнефтгаз», «Ўзбекэнерго» ва бошқа компания ва бирлашмалар бундан четда қолмоқда.

Шу мақсадда «Парламент назорати тўғрисида»ги қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим, деб ҳисоблайман.

Шу билан бирга, Франция, Буюк Британия, Германия каби ривожланган давлатлар тажрибаси асосида Қонунчилик палатасида «Ҳукумат соати» институтини жорий этиш айтиш мумкин бўлар эди. Шу тариқа йил бошида тасдиқланганидан режага мувофиқ ҳар ойда ҳукумат аъзоларининг ҳисоботи тингланади ва шу бўйича тегишли қарорлар қабул қилинади. Олий Мажлис Сенатида эса барча даражадаги ҳокимларнинг ҳудудларни ривожлантириш борасидаги фаолияти ҳақида ҳисоботларни эшитиш амалиётини йўлга қўйишни таклиф этаман.

Шундай механизм жорий этиш керакки, парламент тингловларининг натижаси фақат марказда эмас, балки жойларда, энг чекка ҳудудларда ҳам сезилсин.

**Тўртинчидан,** парламентимиз жойларда олиб борилаётган ишларнинг ҳақиқий аҳволини ўрганишда бир қолипга тушиб қолди. Кўпинча республика ва вилоят даражасидаги масалалар ўрганилмоқда, деб ахборот берилади, бироқ қарийб 6 ойдан буён 2 мингдан ортиқ муаммо ҳал этилмаган қолмоқда.

Олий Мажлис палаталари Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда депутатларнинг ўрганишлари жараёнида жой-

ларда аниқланган, вилоятлар ва республика миқёсида ҳал этилиши керак бўлган муаммоларни ечиш бўйича зарур чораларни кўришлари лозим.

Лекин шу борада бир нохуш ҳолатни афсусланиб айтишга тўғри келади.

Ҳурматли депутат ва сенаторларимизнинг жойларга чиқиб, аҳоли билан ўтказган мулоқотлари таҳлил қилинганда, кўп ҳолларда расмиятчилик ва кўзбўямачиликка, сохта ҳисоботлар беришга, учрашувларга ўз ўрнига бошқа одамларни юбориш, ўрганилаётган масаланинг туб илдизига етиб бормаслик каби камчиликларга йўл қўйилаётгани аниқланган.

Олий Мажлис палаталарининг Одоб комиссиялари бундай ҳолатларнинг ҳар бири юзасидан ҳар томонлама чуқур ўрганишлар ўтказиб, тегишли хулосалар бериши шарт.

Депутатларнинг жойларда бўладиган учрашувлари ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали олдиндан, масалан, бир ҳафта аввал эълон бериш тартибини жорий қилиш, маҳаллий матбуот вакилларининг бундай тадбирларни танқидий нуқтаи назардан ёритиш бўйича фаолиятини кучайтириш керак.

Шунингдек, депутатларнинг ҳудудларга навбатдаги сафарини ташкил этишдан олдин уларнинг ўтган галги сафари давомида аҳоли мурожаатларини ҳал этиш бўйича қилган амалий ишларини таҳлил қилиб, ҳолисона баҳо бериш лозим.

**Бешинчидан,** парламент фаолиятига оид камчиликларга айрим депутат ва сенаторлар ўз вазифасини тўғри англаб етмагани ҳам сабаб бўлмоқда. Буни очик тан олишимиз керак.

Шундай парламент вакиллари ҳам борки, ўтган қарийб икки ярим йил мобайнида муҳокама этилаётган қонун лойиҳалари ва масалалар бўйича бирон марта ҳам маъруза қилмаган, уларга муносабат билдирмаган ёки маъруза юзасидан чиқишлар қилмаган, улар фақатгина кўр-кўрона овоз бериш билан шуғулланади. Афсуски, бу – аччиқ ҳақиқат.

Депутат ва сенаторлар ўз фаолияти ҳақида сайловчиларни хабардор этиб бориш учун Интернетдаги ижтимоий тармоқларда ўз саҳифаларини очиб, зарур маълумотларни киритиб боришлари лозим. Дунёдаги кўпгина мамлакатлар аллақачон шу тизимга ўтган.

Бу борадаги ишларни ташкил этиш вазифаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги раҳбари Ш. Шерматовга топширилади.

Айни пайтда Олий Мажлис палаталари депутатлар ва сенаторларни маънавий ва моддий рағбатлантиришга доир низомни ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этиш лозим. Бунда ҳар бир депутат фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантиришнинг аниқ мезони ва механизмларини белгилаш, шунга кўра намуна кўрсатган депутатларга **«адолатли депутат»**, **«халқпарвар депутат»**, **«меҳнатқаш депутат»** деган номлар беришни назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Ўйлайманки, бундай номларга сазовор бўлган депутатлар кейинги сайловларда аввало сиёсий партиялар томонидан номзод сифатида илгари сурилади, энг муҳими, улар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланади.



Сидқидилдан ва самарали ишлаган, ваколоти ту-гаган депутатларга «**фахрий депутат**» мақомини бе-риб, уларнинг ойлигига устама ҳақ тўлаш тизимини жорий қилиш керак. Жумладан, Қонунчилик палатаси депутати ёки Сенат аъзоси бўлган фахрий депутатлари-мизга ҳар йили энг кам ойлик иш ҳақининг 8 бароба-ри, маҳаллий кенгашларнинг фахрий депутатларига – 3 баробардан 5 баробаргача бўлган миқдорда мукофот беришни тақлиф этаман.

Қолаверса, фахрий депутатларга Олий Мажлис палаталарининг мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқини берсак, нима дейсизлар?

Сизларга яхши маълум, амалдаги қонунчиликда депутат ва сенаторлар фаолият олиб бораётган давр-да уларнинг олдинги иш ўрни саклаб қолиниши кўзда тутилган. Лекин амалда бу норма самарали ишламаёт-ганини очик тан олиш керак.

Шунинг учун ана шу қонун нормаси ижросини катъий таъминлашимиз, керак бўлса, депутатлар ўз фаолиятини яқунлаганидан кейин уларни аввалги лавозимига нисбатан бир поғона юқори бўлган вазифа-га тайинлаш лозим. Бу тартиб барча бўғиндаги депутат-ларга тааллуқли бўлиши адолатдан бўлар эди.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир масалага эътибо-рингизни қаратмоқчиман. Олий Мажлис Сенати ҳар йилнинг якуни бўйича аниқ мезонлар асосида мам-лакатимиз бўйича халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари орасидан 14 та, Қорақалпоғистон Респуб-ликаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакиллик орган-лари ўртасидан эса 1 та намунали кенгашни аниқлаб,

бошкаларга ўрнак қилиб кўрсатиш ва рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиши нур устига нур бўларди.

Бу мамлакатимизда юксак малакали депутатлар корпусини шакллантиришда янги бир амалий қадам бўлади.

Шунингдек, намунали кенгашлар фаолиятини кенг ёритиш мақсадида улар ҳақида хужжатли фильмлар, оммавий ахборот воситаларида турли материаллар, хусусан, «Намунали депутат» рубрикаси остида кўрсатувлар тайёрлаш ҳақида ҳам ўйлаб кўришимиз лозим. Умуман олганда, Олий Мажлис, вилоят ва туманларда фаолият кўрсатаётган намунали депутатларнинг иш услуби ҳақида рисоалар, ёш депутатлар учун эса тегишли қўлланмалар чиқариш керак.

Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий халқ депутатлари кенгашларида муносиб фаолият кўрсатган, бошкаларга ўрнак бўлган, ватанпарвар ва фидойи депутатлар ҳақида **«Эхтиром китоблари»**ни ташкил этиш ва бу китобларни кейинчалик Олий Мажлис музейида сақлаш ўринли бўлар эди.

Собиқ ва амалдаги депутатлар, сенаторлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, дўстона мулоқот ўрнатиш, кўп йиллар меҳнат қилган халқ вакилларига хурмат-иззат кўрсатиш мақсадида **«Депутатлар клуби»**ни ҳам ташкил қилишни таклиф этаман.

Бу таклифларни амалга ошириш учун Олий Мажлис палаталари раҳбарларига, Бош вазир ўринбосари (Ж. Қўчқоров), Молия вазирлиги (Б. Ходжаев), Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (К. Мансуров), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (Х. Мирзохидов), «Ўзбеккино» Миллий агентлиги (О. Мусаев)

билан биргаликда икки ой муддатда тегишли қарор қабул қилиш тавсия этилади.

**Олтинчидан,** Олий Мажлис палаталарининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига дахлдор энг долзарб масалаларни ҳал этиш борасидаги ташаббускорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Биз парламентимизга катта ишонч билдириб, Қонунчилик палатасига (Нурдинжон Мўйдинхонович Исмоилов) – соғлиқни сақлаш соҳасида, Сенатга эса (Ниғматилла Тўлкинович Йўлдошев) – ички ишлар органлари тизимида ислохотларни амалга оширишда мавжуд вазиятни яхшилашга бош-қош бўлишни таклиф қилган эдик.

Бу катта масъулият ва айни пайтда катта шарафдир.

Ўтган вақт мобайнида бу борада муайян ишлар амалга оширилди, бироқ ҳали уларни етарли, деб бўлмайди.

Мен қайси ҳудудга бормайин, албатта, ана шу икки соҳага алоҳида эътибор қаратаман.

Лекин соғлиқни сақлаш муассасаларида дори-дармон ва тиббий-техник воситаларнинг етишмаслиги, улар малакали кадрлар билан таъминланмагани, биноларнинг талабга жавоб бермаслиги, ички ишлар органларида профилактик тадбирлар номига ўтказилаётгани, айрим ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар сони ошиб бораётгани каби бир қатор муаммо ва камчиликлар давом этмоқда.

Биз уларни бартараф этиш учун ҳали кўп иш қилишимиз, туну кун тиним билмасдан ишлашимиз, ана шу соҳаларда қатъий парламент назоратини ўрнатишимиз зарур.

Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Мўйдинхонович Исмоилов тиббиёт соҳаси мутасаддилари ахборотини кўпроқ Қонунчилик палатасида тингламоқда.

Лекин бундай иш услубини жойларга чикиб, турли мутахассислар билан бирга юриб, кишлоқ врачлик пунктлари бўладими, болалар ёки аёллар шифохоналари бўладими, энг камида ўн кун юриб, улардаги ҳақиқий аҳволни аниқлаб, муаммоларни ҳам қонуний, ҳам амалий нуқтаи назардан ҳал қилиш юзасидан таклифлар билдириш йўли билан алмаштириш, қисқача айтганда, парламент назорати бўйича таъсирчап ва самарали тизим яратиш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўларди. Энг асосийси – бундан натижа бўлиши керак ва буни одамлар сезиши керак.

Сенат Раиси Ниғматилла Тўлқинович Йўлдошевнинг ички ишлар соҳасидаги ислохотлар бўйича фаолияти ҳақида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин.

Масалан, Тошкент вилоятининг Қибрай туманини ҳукукбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш соҳасида намунали туманга айлантириш бўйича бир неча ой олдин аниқ топшириқлар берилган эди. Лекин, афсуски, бу борада ҳалигача амалий натижа кўзга кўринмаяпти.

Яқинда Наманган шаҳридаги «Орзу» маҳалласи таянч пунктида бўлиб, бу ерда қисқа муддатда катта ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўлдик. Ваҳоланки, шундай ишларни Қибрай туманида ҳам қилиш мумкин эди.

Сенатимизнинг ҳурматли Раиси ҳамда ҳурматли Спикеримиз соғлиқни сақлаш ва ички ишлар тизимини энг намунали соҳаларга айлантириш бўйича янада фаоллик билан иш олиб борадилар, деб ишонаман.

Нега деганда, тинчлик ва соғлик – ҳар бир инсон учун бебаҳо неъмат. Агар шу икки соҳада олдимизга кўйган мақсадларимизга эришсак, бу энг катта ютуғимиз бўлади ва халқимиз биздан албатта рози бўлади.

Яна бир масалага алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Олий Мажлис палаталарининг муайян вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузиш ваколати бор. Лекин, ҳурматли депутатлар, айтинг-чи, Қонунчилик палатаси бу ваколатдан охириги марта қачон фойдаланди? Нима, жамиятимиз ҳаётида муҳим бўлган вазифалар йўқми?

Ҳаммага маълум, ёшлар билан ишлаш, оила ва аёллар масаласи ҳар доим биз учун муҳим вазифа ҳисобланган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Олий Мажлис палаталарининг қарийб 40 нафар аёл сенатор ва депутатлари буни жуда яхши тушунишади.

Хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, жумладан, энг огир масала бўлган ўз жонига қасд қилиш, жиноятчилик ва оилавий ажралишларнинг олдини олишда Олий Мажлис палаталарининг роли сезилмаяпти. Бу борада на самарали ишлайдиган қонунлар қабул қилинмоқда, на жойларда амалий фаолият олиб борилмоқда. Ҳолбуки, халқимиз, сайловчиларимиз биздан бу борада амалий ҳаракатларни кутмоқда.

Шу боис Давлат маслаҳатчиси О. Муродовга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан биргаликда бир ой муддатда қуйи палатада Ёшлар масалалари ҳамда Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссиялар тузишни ўрганиб чиқиш топширилади.

**Еттинчидан**, парламент палаталари фаолиятида бугун муҳокама қилинаётган муаммолардан ташқари яна бир қанча муаммолар мавжуд. Лекин, афсуски, уларни бартараф этиш чоралари кўрилмаяпти. Айрим раҳбарлардаги «бу масалаларни кўтарманглар, тинчгина юрайлик» қабилда иш юритишга қаратилган номақбул қайфиятдан мутлақо воз кечишимиз керак.

Парламент раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари ўртасидаги вазифалар бугунги кун талабларидан келиб чиқиб тақсимланмаган. Бир сўз билан айтганда, ўринбосарлар майда-чуйда масалалар билан ўраллашиб қолиб, давлат ва жамият учун муҳим масалалар Олий Мажлис раҳбарияти эътиборидан четда қолиб кетмоқда.

Масалан, Қонунчилик палатасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни халқаро миқёсда тарғиб қилиш билан қайси раҳбар ёки ўринбосар тизимли равишда шуғулланаёпти? Бу саволга жавоб йўқ.

Шунинг учун парламентимиз палаталари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари зиммасига юклатилган вазифаларни танқидий қайта кўриб чиқиш вақти келди, деб ҳисоблайман.

Ҳар қайси фракция раҳбари – Спикер ўринбосари маълум бир вилоятда аниқ бир соҳа учун масъул бўлиб, шу йўналишни намунали даражага кўтариб берса, аини муддао бўлар эди.

Биз Олий Мажлис олдида турган вазифаларни самарали ҳал этиш ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, депутатлар, сенаторлар фаолиятини моддий

таъминлаш масаласини ёдимиздан чиқармаслигимиз лозим. Бу – ҳаёт ҳақиқати.

Бу масала йиллар давомида кўриб чиқилмаган. Бу даврда бошқа давлат органлари ходимларининг моддий таъминоти бир неча марта кўриб чиқилиб, бугунги ҳаёт, замон талабларига мослаштирилди.

Нима учун Олий Мажлис палаталари раҳбарлари хорижий амалиётни, республикамиздаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини чуқур таҳлил қилиш асосида бу борада таклифлар киритмаган?

Давлат раҳбари сифатида мен депутатлар ва сенаторлар ҳамда Олий Мажлис ходимларининг моддий таъминотини яхшилаш бўйича асосли таклифларни кўриб чиқишга тайёрман.

Азиз дўстлар!

Ҳаракатлар стратегияси ва унинг асосида қабул қилинган Давлат дастури ижросини таъминлашда сиёсий партиялар, Олий Мажлис палаталари ўз электорати манфаатлари, сайловолди дастурида белгиланган устувор йўналишлар, ваколатларидан келиб чиқиб, ўз ғоя ва таклифлари билан фаол қатнашиши лозим.

Айниқса, партиялар бундан манфаатдор, чунки Ҳаракатлар стратегиясининг босқичма-босқич, сифатли амалга оширилишини таъминлаш орқали улар ҳам ўз дастурий вазифаларини амалда бажаришга эришади.

Айни пайтда шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни самарали амалга ошириш кўп жиҳатдан партияларнинг фаоллигига боғлиқ. Хусусан, биз келгусида вилоят, туман, шаҳар ҳокимларини сайлаш тартибини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар белгиладик.

Бирок ана шу илғор демократик ғояни ҳаётга татбиқ этиш учун, аввало, сиёсий партиялар бу масъулиятли лавозимларга ўз номзодларини кўрсатишга тайёр бўлиши, салоҳиятли кадрлар захирасига эга бўлмоғи лозим.

Сизларнинг фаоллигиниз, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти даражасининг ўсиб, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиб бораётганидан келиб чиққан ҳолда, келгусида ҳукумат таркибини, жумладан, вазирлар, давлат кўмиталари раислари лавозимларини сайлов яқунлари бўйича эришилган депутатлик ўринларини инобатга олиб, сиёсий партиялар томонидан таклиф этиш тизимиغا ўтамиз.

Бир фикрни такрор ва такрор айтишни ўринли, деб биламан: олиб бораётган ислохотларимизнинг муваффақияти, авваламбор, сиёсий партияларнинг етуклик даражасига, уларнинг жонажон Ватанимиз олдидаги масъулиятни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир.

Қайси партияга мансуб бўлишимиздан қатъи назар, шу юрт фарзанди, шу юрт фуқароси сифатида Ватан тараққиёти, мамлакатимиз тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида бирлашиб, сидкидилдан хизмат қилишда барчангизга сихат-саломатлик, куч-ғайрат, янги муваффақиятлар тилайман.

*Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар  
ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари  
билан учрашувдаги маъруза.  
2017 йил 12 июль*



## МУНДАРИЖА

|  |     |
|--|-----|
| МИЛЛИЙ ТАРАКҚИЁТ ЙЎЛИМИЗНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ<br>ЭТТИРИБ, ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАМИЗ<br><i>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва<br/>Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқ.</i><br>2016 йил 8 сентябрь .....   | 3   |
| ЎЗБЕКИСТОН ҲАМКОРЛИК ВА МУРАББИЙЛАРИГА ТАБРИК<br>2016 йил 30 сентябрь .....  | 23  |
| ТАЪЛИМ ВА МАЪРИФАТ – ТИНЧЛИК ВА БУНЁДҚОРЛИК САРИ ЙЎЛ<br><i>Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши<br/>43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқ.</i><br>2016 йил 18 октябрь .....  | 26  |
| ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ, БАРҚАРОР<br>РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ – ХАЛҚИМИЗ УЧУН МУНО-<br>СИБ ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИ ЯРАТИШНИНГ КАФОЛАТИДИР<br><i>Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-<br/>демократик партиясининг VIII съездидаги маъруза.</i><br>2016 йил 19 октябрь ..... | 41  |
| ОНА ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ<br><i>Бир сурӯш юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини<br/>топишириш маросимидаги нутқ.</i><br>2016 йил 7 декабрь .....  | 95  |
| ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪ-<br>МИНЛАШ – ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИНГ<br>ГАРОВИ<br><i>Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг<br/>24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза.</i><br>2016 йил 7 декабрь .....                                 | 100 |
| ЭРКИН ВА ОБОД, ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИ БАРЧАМИЗ<br>БИРГАЛИҚДА БАРПО ЭТАМИЗ<br><i>Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш<br/>тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг<br/>қўшма мажлисидаги маъруза.</i><br>2016 йил 14 декабрь .....                                     | 131 |

|   |     |
|---|-----|
| <b>ИЛМ-ФАН ЮТУКЛАРИ ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ<br/>ҚИЛСИН</b><br><i>Мамлакатимиз илмий жамоатчилиги вакиллари билан учрашувдаги<br/>нутқ.</i><br>2016 йил 30 декабрь .....  | 166 |
| <b>ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ.....</b>   | 181 |
| <b>ТИББИЁТ СОҲАСИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ – КЕЧИКТИРИБ<br/>БЎЛМАЙДИГАН ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗДИР</b><br>2017 йил 5 январь.....  | 183 |
| <b>ХАЛҚИМИЗ БИЗДАН ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИ<br/>АМАЛДА ТАЪМИНЛАШНИ КУТМОҚДА</b><br><i>Прокуратура ходимлари ва фахрийлари билан учрашувдаги маъруза.</i><br>2017 йил 7 январь .....  | 190 |
| <b>ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР – ВАТАНИМИЗ ВА ХАЛҚИМИЗНИНГ<br/>МУСТАҲКАМ ҚЎРГОНИ</b><br><i>Ватан ҳимоячилари кўни ва Ўзбекистон Республикаси Қуроли<br/>Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали<br/>маросимдаги табрик нутқи.</i><br>2017 йил 13 январь.....  | 216 |
| <b>ТАНКИДИЙ ТАҲЛИЛ, ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА ШАХСИЙ<br/>ЖАВОБГАРЛИК – ҲАР БИР РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИНГ КУНДА-<br/>ЛИК ҚОИДАСИ БЎЛИШИ КЕРАК</b><br><i>Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланти-<br/>ришнинг асосий якуллари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий<br/>дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар<br/>Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза.</i><br>2017 йил 14 январь ..... | 233 |
| <b>МИЛЛАТЛАРАРО ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК – ХАЛҚИМИЗ<br/>ТИНЧЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ ҲАЁТБАҲШ МАНБАИ</b><br><i>Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг<br/>25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқ.</i><br>2017 йил 24 январь .....  | 295 |
| <b>ЗАМОНАВИЙ, ҚУДРАТЛИ АРМИЯ – ТИНЧ-ОСОЙИШТА ҲАЁТИМИЗ<br/>КАФОЛАТИ</b><br>2017 йил 26 январь .....  | 305 |

|   |     |
|---|-----|
| СОҒЛИКНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ЗАМОН ТАЛАБИ ДАРАЖАСИДА<br>ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – КУН ТАРТИБИДАГИ АСОСИЙ<br>МАСАЛА<br><i>2017 йил 7 февраль</i> .....   | 307 |
| ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН АВВАЛО УНИНГ<br>ХУКУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИНМОҒИ<br>ЗАРУР<br><i>Ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва<br/>камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга багишланган йигилишдаги<br/>маъруза.</i><br><i>2017 йил 9 февраль</i> .....                                 | 312 |
| МУНИС ВА МЕҲРИБОН АЁЛЛАРИМИЗГА ЭҲТИРОМ ВА ҒАМХЎР-<br>ЛИК КЎРСАТИШ, УЛАРНИНГ ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШ – БАР-<br>ЧАМИЗ УЧУН ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗ<br><i>Халқаро хотин-қизлар байрамига багишланган учрашувдаги нутқ.</i><br><i>2017 йил 6 март</i> .....  | 341 |
| ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН – СТРАТЕГИК ШЕРИК ДАВ-<br>ЛАТЛАР<br><i>Туркменистон Республикасига давлат таширифи чогидаги қабул ма-<br/>росимида сўзланган нутқ.</i><br><i>2017 йил 6 март</i> .....   | 353 |
| ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН: ЯҚИН ҚЎШНИЧИЛИК ВА<br>ҚАРДОШЛИК RIШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА<br><i>Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов<br/>хотирасига Туркменистоннинг Туркманобод шаҳрида барпо этилган<br/>ёдгорлик мажмуаси очилишига багишланган маросимдаги нутқ.</i><br><i>2017 йил 7 март</i> ..... | 358 |
| ДЎСТЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИКНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ<br><i>Туркманобод – Фороб кўприklarининг очилишига багишланган<br/>маросимдаги нутқ.</i><br><i>2017 йил 7 март</i> .....   | 363 |
| «МАХТУМҚУЛИ – СЎЗЛАР ТИЛИ ТУРКМАННИНГ...»<br><i>Махтумқулининг ўзбек тилида нашр этилган китобига ёзилган<br/>сўзбоши.</i><br><i>2017 йил 7 март</i> .....  | 367 |

|  |            |
|--|------------|
| <b>ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ</b><br><i>2017 йил 20 март.....</i>   | <i>373</i> |
| <b>ЎЗБЕКИСТОН – ҚОЗОГИСТОН: АЗАЛІЇ ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСКИЧИ</b><br><i>Қозоғистон Республикасига давлат таширфи чоғидаги қабул маросимида сўзланган нутқ.</i><br><i>2017 йил 22 март.....</i>  | <i>376</i> |
| <b>ТАРИХИМИЗ ВА МАНФААТЛАРИМИЗ МУШТАРАК</b><br><i>Россия Федерациясига давлат таширфи чоғидаги қабул маросимида сўзланган нутқ.</i><br><i>2017 йил 5 апрель .....</i>  | <i>381</i> |
| <b>ТИНЧЛИК, ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА</b><br><i>Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасига янги тайинланган элчиларидан ишонч ёрликларини қабул қилиб олиш маросимидаги нутқ.</i><br><i>2017 йил 2 май .....</i>                                | <i>383</i> |
| <b>БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ МУҚАДДАС ХОТИРАСИ ВА ЖАСОРАТИ ОЛДИДА БОШ ЭГАМИЗ</b><br><i>9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган қабул маросимидаги нутқ.</i><br><i>2017 йил 9 май.....</i>   | <i>395</i> |
| <b>ХИТОЙНИНГ БУГУНГИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА КЕЛАЖАК МАҚСАДЛАРИ ҲАҚИДАГИ МУКАММАЛ МАЖМУА</b><br><i>Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг «Давлат бошқаруви тўғрисида» китобининг ўзбек тилидаги наширига ёнги сўзбоши.</i><br><i>2017 йил 5 май.....</i> | <i>403</i> |
| <b>«БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ» – МАНФААТЛАРИМИЗ МУШТАРАК</b><br><i>Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекин шаҳрида бўлиб ўтган «Бир макон, бир йўл» халқаро форумида сўзланган нутқ.</i><br><i>2017 йил 14-15 май.....</i>                                     | <i>407</i> |
| <b>ОЗОД ВА ОБОД ВАТАННИНГ БАРКАМОЛ ФАРЗАНДЛАРИ</b><br><i>Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари қатнашчиларига йўлланган табрик.</i><br><i>2017 йил 25 май.....</i>  | <i>412</i> |

|   |     |
|---|-----|
| БАҒРИКЕНГЛИК, ТИНЧЛИК ВА ТОТУВЛИК САРИ МУҲИМ ҚАДАМ<br><i>Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд Аъло Ҳазратларига йўлланган мактуб.</i><br>2017 йил 5 июнь .....   | 416 |
| ЎЗАРО ИШОНЧ, ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА ДЎСТЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ – ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА<br><i>Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида сўзланган нутқ.</i><br>2017 йил 8-9 июнь..... | 420 |
| ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – БАРЧА ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИМИЗГА ЭРИШИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ<br><i>Сўд органлари ходимлари билан учрашувдаги нутқ.</i><br>2017 йил 13 июнь.....  | 426 |
| ВАТАНИМИЗ ТАҚДИРИ ВА КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА ЯНАДА ҲАМЖИҲАТ БЎЛИБ, ҚАТЪИЯТ БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛАЙЛИК<br><i>«Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзусидаги анжуманда сўзланган нутқ.</i><br>2017 йил 15 июнь.....                       | 461 |
| МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА<br>2017 йил 27 июнь.....  | 497 |
| ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ЁШЛАР – БУГУНГИ ВА ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИДИР<br><i>«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида сўзланган нутқ.</i><br>2017 йил 30 июнь.....  | 504 |
| ПАРЛАМЕНТИМИЗ ҲАКИКИЙ ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИГА АЙЛАНИШИ, ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ТАШАББУСКОРИ ВА АСОСИЙ ИЖРОЧИСИ БЎЛИШИ КЕРАК<br><i>Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан учрашувдаги маъруза.</i><br>2017 йил 12 июль .....           | 539 |

**Мирзиёев, Шавкат Миромонович**

М 54 Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 592 б.

ISBN 978-9943-25-434-3

УЎК 323.(575.1)

КБК 66.3(5Ў)

*Расмий нашр*

**Шавкат Миромонович Мирзиёев**

**МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗНИ  
ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИБ,  
ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАМИЗ**

*1-жилд*

Нашр учун масъуллар: *И. Аҳмедов, Ж. Матқўлов*

Бадий муҳаррир *Ш. Ходжаев*

Техник муҳаррир *Б. Қаримов*

Кичик муҳаррир *Г. Ерашова*

Мусаххих *М. Ишонхонова*

Компьютерда тайёрловчи *А. Сулаймонов*

Нашриёт лицензияси АИ № 158.14.08.2009.

Босишга 2017 йил 14 августда рухсат этилди.

Бнчими 60x90<sup>1/16</sup>. Офсет коғози.

«Times New Roman» гарнитурасида офсет усулда босилди.

Шартли босма табоги 37,0. Нашр табоги 23,56.

Адади 10 000 нусха. Буюртма № 17-556.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100011. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-84-20, 244-87-55

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)